

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти

Асқар Мусақулов

*Ўзбек халқ  
лирикаси*



Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
«Фан» нашриёти  
Тошкент – 2010

**УДК 398.8 (575.1)**

**ББК 82.3 (5 ў)**

**М 90**

Ушбу монографияда ўзбек халқ лирикасининг таснифи, тарихий асослари ёритилган. Сўз саянати тарихида ноэстетик ҳодисаларнинг бадий-эстетик ҳодисаларга ўсиб ўтиши масалалари ўзбек фольклоршунослиги мисолида тадқиқ этилган. Диннинг архаик формалари: тотемизм, шомонлик, магия, ҳосилдорлик культлари ва халқаро динлардан бири бўлган ислом дини қарашлари, таълимотининг халқ лирикасидаги бадий ифодалари, фольклор ва этнография муносабатлари имкон қадар таҳлил этилган.

Монография фольклоршунослар, элшунослар, олий ўқув юрти ўқитувчилари ва талабалари ҳамда халқ ижоди билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Маъсул муҳаррир:**

**Тўра МИРЗАЕВ,**

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби

**Тақризчилар:**

**Маматкул ЖўРАЕВ,**

филология фанлари доктори, профессор

**Шомирза ТУРДИМОВ,**

филология фанлари номзоди

**ISBN 978-9943-19-096-2**

© ЎзР ФА «Фан» нашриёти,  
Тошкент, 2010 й.

## ДАРАХТ БИР ЖОЙДА КЎКАРАР

*Халқимизнинг бу доно ҳикмати менга ўз маъносида ҳам, кўчма-поэтик маънода ҳам мақолларимизнинг тадқиқотчиси ва тўпловчиларидан бири, таниқли фольклоршунос, филология фанлари доктори Асқар Мусақуловга нисбатан айтилгандай туюла беради. Чунки 1951 йилда Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Найман қишлоғида таваллуд топган бу заҳматкаш олимнинг қирқ йиллик илмий-ижодий фаолияти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти-нинг Фольклор бўлимида муқим бир ҳолда кечди ва бугун ҳам шу маконда самарали давом этмоқда. У бу ерда 1984 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади, 1995 йилда фан доктори бўлди, оддий лаборантликдан етакчи илмий ходимликкача бўлган илм йўлининг ўнқир-чўнқирларини бо-сиб ўтди.*

*Тўғри, докторлик диссертациясини ҳимоя қилгач, бироз ҳовлиқишими ёки бошлиқликка интилиш кайфияти тақозоси биланми, озгина муддат Тошкент давлат Аграр университетида кафедра мудири бўлиб ишлади. Аммо «От айланиб қозигини топар» деганларидай тезда «кўз очиб кўрган» масканига қайтиб келди. Чунки Асқарнинг танглайи халқ ижоди билан кўтарилган, фольклорни ўрганиш унинг учун ҳавас эмас, қисматдир. У бу ерда ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зариф, унинг устунлари Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, Зубайда Ҳусаиновалар, халқ ижоди ҳақидаги фан тараққиётига муносиб ҳиссаларини қўша олган Баҳодир Саримсоқов, Охунжон Собиров, Жуманиёз Қобулниёзов, Солиҳ Қосимов, Ғани Жаҳонгиров, Муаззам Мирзаева, Фармон Райҳоновлар билан бирга ишлади. Бугун эса, Комилжон Имомов, Маматқул Жўраев, Мақсуд Абдурахимов, Шомирза Турдимов, Жаббор Эшонқулов, Манзура Нарзиқулова, Мунис Жўраева, Латифа Худойқулова каби олим ва олималар билан ҳам-*

корликда фаолият кўрсатмоқда. Бундай ҳаёт ва ижод йўли ҳар жиҳатдан ибратлидир. Бу йўл, бир томондан, Асқарни эл-юртга танитган бўлса, иккинчи томондан, ўзбек фольклори ва фольклоршунослигини янги материаллар ва тадқиқотлар билан бойитди.

Таниқли олим Асқар Мусақуловнинг фольклоршуносликка оид ишлари ҳақида сўзлаганда, мен биринчи ўринга унинг тўпловчилик фаолиятини қўйган бўлар эдим. Чунки у 1971 йилдан бери Тил ва адабиёт институтининг фольклор экспедицияларига мунтазам равишда иштирок этиб келмоқда. Экспедициялар ва яқка сафарлар давомида кўплаб халқ ижоди намуналарини ёзиб олдики, улар Фольклор архивидаги салмоқли жилдларни ташкил этади. Асқарда халқ ижоди намуналарини ҳис қилиш ва англашда ўзига хос бир сезгирлик мавжуд. Нимани ёзиб олиш зарурлигини тезда фаҳмлай олади. Биргина мисол келтирай: 1977 йилда Тожикистон Республикасининг жанубий ҳудудларига уюштирилган фольклор экспедициясига боришда Шаҳристон туманининг Қайирма қишлоғига қўниб ўтишга тўғри келиб қолди. Қишлоқ чекасидаги кўл бўйига жойлашиб улгурмасимизданоқ, Асқар қишлоқ оралаб кетди. Бир-икки соат ўтар-ўтмас кейинчалик бир қатор тадқиқотларга асос бўлган «Бадик»нинг энг гўзал ва бадий жиҳатдан мукамал бир вариантини ёзиб олиб келди. Шунда мен ҳазиллашиб: «Асқарнинг тезкорлиги билан экспедиция ўз мақсадига эришди. Энди шу ердан Тошкентга қайтиб кета берсак ҳам бўлади», — деган эдим. Чунки шунгача ўзбек фольклоршунослигида «Бадик» тўла ҳолида оғзаки ижрода этиб келмаган, деган қарашлар мавжуд эди. Эртасига бу вариантни магнитофонда ёзиб олиб, йўлимизда давом этдик. Жонли ижрода камдан-кам учраши мумкин бўлган, тобора унутилиб бораётган, сўз магиясига асосланган бу жанрнинг нисбатан мукамал вариантининг ёзиб олинishi фольклор мероси хазинасини бойитиш билан бирга янги-янги тадқиқотлар олиб боришга кенг имконият яратиши табиийдир.

Асқарнинг тўпловчилик фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Асқар Мусақулов халқ ижоди намуналарини оммалаштириш, уларга тартиб бериш, нашрга тайёрлаш ишларида ҳам фаолдир. Бу ўринда унинг «Ўзбек халқ мақоллари»нинг икки жилдли академик нашрини, кейинги ўттиз йил давомида чоп этилган барча мақол тўпламларини тайёрлашдаги иштирокини алоҳида таъкидлаш зарур. Биргина мақолларнинг академик нашрида бошқалар қатори уни тайёрлашда иштирок этиш билан бирга иккинчи жилднинг тематик ва поэтик кўрсаткичларини ҳамда бутун нашр учун тушунилиши қийин бўлган сўзлар луғатини тузганлигини ҳисобга олсак, бўлимда тайёрланадиган жамоавий ишларда Асқар Мусақуловнинг ўрни ва унинг қўшган ҳиссаси ўз-ўзидан аён бўлади.

Ҳар бир олимнинг тадқиқотчиликда ўз йўли, ўзи севган мавзулари, ўзининг тадқиқот объекти, фольклорнинг у ёки бу жанри билан «ихтисослашуви» бўлади. Асқар ҳам бундан мустасно эмас. Асқар Мусақулов фольклорнинг икки жанри — терма ва қўшиқларни ўрганишда ўз салоҳиятини ёрқин бир тарзда намоён этганлиги алоҳида диққатга сазовордир. Чунки умумжаҳон фольклорига хос типологик, айни пайтда ўта миллий ҳодиса бўлган халқ қўшиғи миллатнинг поэтик хотираси, тарихининг бадиий ифодаси, туганмас маънавий хазинасидир. Шу боис дунёда ўз қўшиқларига эга бўлмаган бирорта халқ, қўшиққа лоқайд қарайдиган бирорта одам йўқ. Қўшиқ ва қўшиқчилик фольклорнинг бошқа турлари каби — бамисоли қайнар булоқ. Халқ ижоди ўтмишининг оддий анъанада сақланиб қолган қандайдир қолдиғи ёки адабий меросгина эмас, балки у ижтимоий ҳаёт билан маҳкам боғланган инсон бадиий тафаккурининг маълум бир кўриниши, жонли ва ҳаётий жараёндир. Фольклор ҳаёти, жумладан, қўшиқчилик мутасил ижод, қайта ижод ва ижро жараёнидир. Бунга «Курьер ЮНЕСКО» журналининг 1985 йилги сентябрь сониде келтирилган қўйидаги маълумот ёрқин мисол бўла олади. Журналда таъкидланишича, 1980 йилга оид маълумотларга қараганда, биргина Франциянинг ўзида ҳар йили ўн мингтача қўшиқ тўқилар экан. Агар ҳар бир қўшиқни қуйлаш уч минутдан давом этганида ҳам, бир йилда беш

юз соат ёки ҳар кунига бир соату йигирма минутдан қўшиқ куйлаш тўғри келар экан. Шу биргина мисол фольклор инсониятнинг маънавий-маиший ҳаётида қанчалик аҳамият касб этишини яққол кўрсатиб турибди.

Инсоният бутун ҳаёти давомида қўшиққа бурканган. У ҳали туғилмасданоқ, ҳатто вафотидан кейин ҳам у ҳақида қўшиқ куйлаганлар, ҳануз куйлашмоқда. Қўшиқ умри энг машҳур хонанда, энг кўп яшаган инсон умридан ҳам зиёд-роқдир. Токи бирор халқ бор экан, унинг қўшиқлари ҳам барҳаёт бўлади. Ўзбек халқ ижоди улкан хазинасининг энг сеҳрли, энг оммавий, энг суюмли қисмини лирик қўшиқлар ташкил этади. Халқимизда болалар ҳам, момо ва боболар ҳам қўшиқ ижодчи ва ижрочилари бўлиб келган. Қўшиқлар мўъжаз шакли, қисқа ҳажми, чуқур маъноси, сеҳрли жилолари билан ҳозир ҳам фольклоримизнинг етакчи бадиий туридир. Шунинг учун ҳам ўзбек фольклоршунослигида халқ қўшиқларини ўрганишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда, ўнлаб монографиялар яратилди. Асқар Мусақуловнинг илгарироқ яратилган терма ҳақидаги тадқиқоти, бугун китбохонларга ҳавола этилаётган лирик қўшиқлар тўғрисидаги монографияси ҳам шу йўлдаги дадил қадамлардан биридир.

«Ўзбек халқ лирикаси» номли ушбу монография халқ қўшиқларининг тарихий-ҳаётий асосларини қадимий эътиқод ва тасаввурлар, халқ этнографияси билан боғлаб тадқиқ этиш, ноэстетик ҳодисаларнинг бадиий-эстетик ҳодисаларга эврилиши жараёнини ўрганишга алоҳида эътибор берилганлиги билан ўзигача бажарилган ишлардан ажралиб туради.

Биз доимо халқ оғзаки ижодини унинг тарихи, маданияти, урф-одатлари — хуллас қомусий билимларининг ўзига хос ифодаси деб келаемиз. Аммо ҳозиргача ўша ўзига хосликларни очиб бериш учун жиддий изланишлар, етук фольклористик тадқиқотларни кам олиб бормоқдамиз. Ушбу китобда ана шу камчиликларимизни тўлдиришга интилишни сезамиз. Унинг бош мақсади халқ қомусий билимларининг халқ лирикасидаги бадиий ифодаларни ёритишга қаратилган. Тарихан халқ поэзиясини англатиб

келган қўшиқ, умуман, фольклор соф тарих фанига ёки тарихий-этнографик асарларга тенг эмас. У, аввало, бадиий асардир. Шунинг учун ҳам муаллифнинг халқ лирикасини халқ маиший ҳаёти, этнографияси билан боғлаб таҳлил қилишга, унинг тарихий-ҳаётий илдизларини илдизларни очишга уриниш ва бунда асосий диққатни қўшиқнинг бадиий табиатини ёритишга қаратиши ҳар жиҳатдан эътиборга лойиқдир.


Халқ қўшиқларидан, хусусан, лирик қўшиқлардан анимик, тотемистик, шомонлик тасаввурлари изларини қидириш, архаик динлар ва миф рудиментларини излаш кимларгадир эриш туюлиши мумкин. Аммо А. Мусақулов «Оқ илон, оппоқ илон», «Сумбула», «Беқасам тўнлар кийиб»; «Дарёдан оқиб келади», «Дарёларнинг ул юзида», «Қарғалар учса қарайлик» каби ўнлаб энг машҳур халқ қўшиқлари, ёр-ёрлар, аллалар, йиғиларнинг сиру синоатларини қизиқарли ва ишонарли бир тарзда таҳлил қилиш орқали бизни бунга ишонтиради. Шуниси характерлики, ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида муҳим ўрин тутган, анимизм, тотемизм, шомонлик, ҳосилдорлик культлари, соч, севги магияси каби ибтидоий динларнинг халқ лирикасидаги сақланиб қолган излари ва рудиментларини мукамал таълимот ва эътиқод тизими бўлган ислом дини қарашлари билан қиёсий ўрганади. Монографиянинг янгилиги, унинг ўзбек фольклоршунослигидаги ўрни ҳам ана шу билан белгиланади.

Асқар Мусақулов жаҳон фольклоршунослиги, шу жумладан, рус олимлари эришган ютуқлардан яхшигина хабардор олим. Жаҳон фанида эришилган натижаларни ўзини қизиқтирган муаммоларга тадбиқ этиб, ўзбек фольклоршунослигида **номаросим фольклори, магия, ҳосилдорлик культлари, архаик динлар, дostonчилик этнографияси** каби ўнлаб атамаларнинг муқимлашига катта ҳисса қўшди. Лирик қўшиқлар генезиси ва бадииятини уларни яратган халқ этнографияси унсурлари билан алоқадорликда ўрганишнинг илмий намунасини кўрсата олди. Бу билан Ҳоди Зариф асарларида буй кўрсата бошлаган Ўзбекистон фанидаги этнофолькористик йўналишини янада ривожлан-


*тирди. Монографиянинг асосий илмий-амалий аҳамияти ҳам ана шундадир.*

*Олимнинг китоб сўнгига киритилган мақолаларидан намуналар ҳам фольклор, этнография ва ёзма адабиёт, оғзаки ижодда мундарижа ва мазмун, фольклорнинг бугунги тақдири, аниқроғи постфольклор ҳақида қизиқарли ва эътиборли кузатишларга эга. Шу сабабли ушбу китоб ўзбек халқи тарихи, маданияти, фольклори ва этнографияси, хусусан, халқ қўшиқлари билан қизиқувчи китобхонларга манзур бўлади, деган умиддамиз.*

**Тўра МИРЗАЕВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби*







*Онам Ўрозгул мулла Гаффор қизи,  
қизим Нуржаҳон Абийр қизининг  
ойдин хотираларига бағишлайман*

## КИРИШ

Кўшиқ жаҳон маънавий маданиятига хос типологик – умумий, айни пайтда ўта миллий, тарихий, этник, бадиий-эстетик ҳодисадир. У миллатнинг поэтик хотираси, кундалик турмушининг бадиий ифодаси, туганмас қалб хазинасидир. Кўшиқ жуда қадим замонлардан халқ маиший турмушида кўмакчи бўлиб, маънавий дунёсини бойитиб келмоқда. Халқимиз кўшиқлари кўп асрлик маданиятимиз, умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисмидир. Инсон умри, халқ ўтмиши, бугуни ва келажagini кўшиқсиз тассавур этиб бўлмайди.

Мустақиллик туфайли халқ ижоди, урф-одатларига қизиқиш ва ўрганиш бениҳоят авж олди. Қисқа муддатда репертурининг асосини театрлашган халқ маросимлари, анъанавий халқ кўшиқлари ташкил қилган ўнлаб фольклор-этнографик дасталари пайдо бўлди. Професионал халқ ансамбллари, хонандаларининг халқ ижодига муносабати кучайди.

Ўзбекларда кўшиқ кенг маънода халқ поэзияси, халқ лирикаси демакдир. Кўшиқлар хазинасининг асоси бадиий юксак анъанавий намуналардан иборат. Умумфольклордаги каби халқ лирикасида ҳам поэтика анъанавий, анъана поэтикалашгандир. Шу сабабли анъанавий кўшиқларнинг ташқи – сурат маъноси билан бирга замонавий ижрочи ва тингловчи илғаб ола олмайдиган, халқнинг қадим инонч-тасаввурлари, маросимлари, иримлари билан боғлиқ сийрат маънолари ҳам бор.

Халқнинг кўп асрлик тарихи, маиший турмуши, энг аввало, мифологик тафаккур билан боғлиқ ва бу сийрат маънолар халқ кўшиғининг сирларини ҳамда аҳамиятини тўла англаш учун махсус фольклористик-этнографик тадқиқотлар олиб бориш заруриятини туғдиради.

«Фан мифдан туғилмайди, – дейди ўтган XX асрнинг таниқли файласуфи А.Ф. Лосев, – аммо мифсиз яшай

олмайди, фан доимо мифлашган бўлади» (131.— С.32). Инсоният ўз ҳиссиётлари: севги, қувонч, қайғусини ифодалаш имконини ҳам мифлардан ўзлаштирган (143.— С.334). Халқ лирикасининг пайдо бўлиши, ривожда мифологик тасавурларнинг такрор-такрор мушоҳада қилинган бадиий ифодалари муҳим аҳамият касб этган ва шундай бўлиб қолмоқда(63; 142. — С. 3-15).

«Мифологик тафаккур тасаввур ҳукмронлигида пайдо бўлган тафаккурдир, — дейди Я. Голосовкер, — Тасаввур примитив фаолият натижаси эмас, тафаккурнинг олий формаси, айни пайтда ҳам ижод, ҳам билиш хусусиятига эга бўлган кўринишидир»(48. — С.12).

Жаҳон халқлари фольклори, жумладан, ўзбек халқ лирикасининг илк хомашёси бўлган тотемизм, шомонлик, ҳосилдорлик культлари, иримларга инончлар асосида ҳам маълум даражада мифологик тасавурлар ётади. Магик — мифологик дунёқараш эволюцияси натижасида пайдо бўлган поэтик асарларнинг тарихий асосларини аниқ фактлар мисолида ўрганиш фанда доимо долзарб аҳамият касб этиб келган.

Халқ турмуши ва ижодидаги анъана туфайли мифологик инонч реликтлари лирик кўшиқларда ҳозиргача сақланиб қолган. Халқ лирикасининг ўзига хослиги, поэтикасини тарихий асосларига кўра тадқиқ қилиш, кўшиқлар мисолида мифологик тафаккурнинг поэтик тафаккурга ўсиш эволюциясини ўрганиш ушбу монографиянинг асосий мақсадини белгилайди.

Сўз саянати, унинг оғзаки формасида ҳам қандай поэтик кўчимлар билан ифодаланган бўлмасин, биз учун бадиий асарнинг мазмуни, эстетик қиммати етакчи аҳамият касб этади.

«Адабиёт тарихини, — дейди И.К. Горьский, — энг аввало унинг маъноси томонидан ўрганиш зарур» (44. — С.17.). Бадиий адабиётга ана шу талаб билан қараган А.Н. Веселовский оғзаки ижод намуналарининг ҳам тарихий илдизларини ўрганишга асос солди ва қиёсий адабиётшуносликка улкан ҳисса қўшди(44). Фольклор асарларининг генезисини ўрганишда В.Я. Проппнинг «Сехрли

эртактарнинг тарихий илдизлари» монографияси ҳам жаҳон фольклоршунослигининг жиддий ютуғидир (169). Ўзбек халқ ижодининг тарихий илдизларини ўрганишни биринчи бўлиб, фольклоршунослик фанимизнинг асосчиси Ҳ.Т.Зарифов бошлаб берган(74; 166. – Б. 65-99).

Ўзбек халқ кўшиқларини тўплаш, нашр этиш ва илмий тадқиқ қилишда Ғ.О.Юнусов, Элбек, Ғ.Зафарий, Ҳ.Т. Зарифов, М.Алавиёва,Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, З.Ҳусайнова, Ҳ.Раззоқов, Ж.Қоблуниёзов, Ю.Ражабий, И.Икромов, Ф.Кароматов, О.Собиров, К.Имомов, О.Сафаров, М.Муродов, М. Қодиров, Ғ.Жаҳонгиров, К.Очилов, С.Рўзимбоев, Ш.Турдимов каби фольклоршунос, саънатшунос олимлар ва ўнлаб фольклор жонкуярларининг хизмати катта. Бу соҳада олима М.Алавиёвнинг жонкуярлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Сўз ўзбек халқ кўшиқларининг тарихий асослари ҳақида кетар экан, ўзбек фольклоршунослигида кўшиқлар соҳасидаги илмий тадқиқотлар, асосан икки йўналишда олиб борилганлигини кўрамиз. Биринчи йўналишга оид изланишларда халқ кўшиқларининг тарихий илдизлари ҳақида кўплаб қайдлар, фикр-мулоҳазалар учраса-да, уларда кўшиқларни ғоявий-бадиий таҳлил этиш устиворлик қилади. М.Алавиёва, К.Очилов, С.Рўзимбоев, У. Жуманазаров ва Д. Қозоқовларнинг ишлари бу йўналишнинг хос намуналаридир(7.8; 22; 77; 102; 183).

Иккинчи йўналиш эса, халқ поэзияси намуналарини тарихий-қийсий метод асосида ўрганиш ва шу йўл билан халқ поэзиясининг тарихий-маиший асослари, поэтик ўзига хосликларини аниқлаш билан характерланади ва кейинги пайтларда **этнофольклористик йўналиш** атамаси билан изоҳланмоқда.

Айтиш мумкинки, фольклоршунослигимизда бу йўналишни Ҳ.Т.Зарифовдан сўнг, сажъ ва маросим поэзиясига оид тадқиқотлари билан фольклоршунос Б.Саримсоқов ривожлантирди(190.191). Фольклоршунос Ш.Турдимовнинг халқ кўшиқларида поэтик рамзларни ўрганишга бағишланган иши ҳам ана шу йўналишга ман-

суб(223). Аммо Ш.Турдимов халқ кўшиқлари таркибидаги поэтик рамзларнинг жуда бой хазинасидан ўнтасини, жумладан, олтитасинигина тарихий асосларига кўра ўрганган.

Ўзбек фольклоршунослигида тарихий-қийёсий йўналишни давом эттириб, халқ кўшиқларининг тарихий илдизларини тотемизм, шомонлик, магия, ҳосилдорлик культлари рудиментлари ва халқ иримларининг бадий ифодасини халқ лирикаси намуналари асосида биринчи марта имкон қадар махсус ўрганиш ушбу монографиямизнинг янгилигидир.

Халқ поэзияси лирик тур намуналарида халқнинг қадимий инонч-этиқодлари, урф-одат, маросим ва иримлари кўриниш-лари бадий кўчимлар сифатида сезиларли даража сақланиб қолган. Аслини олганда, тадқиқотчи халқ оғзаки ижодининг қайси бир тури, жанрининг тарихий илдизларини ўрганишга кўл урмасин, у, албатта, анъанавий тассавурлар, урф-одат, маросимлар, халқнинг магик-мифологик тафаккурига дуч келади. Шу сабабли, жаҳон халқлари саънатининг барча соҳалари, хусусан, фольклорининг асоси бир заминга бориб тақалади. А.Н. Веселовский талқин қилганидек, поэтик асарлар умуммаданият заминида униб, унинг шарбатларидан озикланиб, бора-бора алоҳида қатлам ёки адабий муҳитни шакллантиради (44.-С. 21).

Қадимий инонч-этиқодлар рудиментлари, улар туфайли воқе бўладиган урф-одат, иримлар у ёки бу даражада ҳозир ҳам бутун жаҳон халқлари ҳаёти, маиший турмуши, кишиларнинг онг қатламларида, табиийки, уларнинг поэтик қайта мушоҳада этилган бадий ифодалари — кўшиқларида ҳам мавжуд.

Монографиянинг **мақсади** — тотемизм, анимизм, шомонлик, магия, ҳосилдорлик культлари, халқ иримлари мисолида мифо-поэтик тафаккурнинг ўзбек халқ лирикаси учун ҳам тарихий асос бўлганлигини кўрсатиш, халқ кўшиқлари поэтикасини тарихий асосларига қийёслаб ўрганишдан иборат. Мазкур мақсаддан келиб чиқиб, куйидаги масалаларни ёритишга ҳаракат қилдик:

1. Халқ лирикасининг специфик хусусиятларини кўрсатиш. Халқ қўшиғининг тарихий мифологик тафаккур, ҳосилдорлик культлари билан боғлиқлигини кўрсатиш.

2. Халқ лирикаси намуналарини жанрий тасниф қилиш. Қўшиқни тарихан мифологик тафаккур ва халқ маиший турмушининг ифодаси, замонавий жиҳатдан бадиий-эстетик ҳодиса сифатида ўрганиш.

3. Лирикада тотемистик дунёқараш рудиментларининг бадиий кўчимларини бўри, илон поэтик образлари мисолида таҳлил қилиш.

4. Инсоният, туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи тарихида ҳам муҳим роль ўйнаган шомонлик тасаввурларининг қўшиқлар учун тарихий асослардан бири бўлганлигини мақоллар, эртақ, халқ иримлари ва қўшиқлар қиёсида ҳамда лирикадаги янга образи мисолида кўрастиб бериш.

5. Магик-мифологик инонч реликтларининг халқ қўшиқларидаги соч, из, хол, таъна, аъзолари, севги, буюмлар магияси мисолидаги поэтик ифодаси ва магиянинг барча архаик динлар таркибига сингишиб кетганлигини халқ лирикаси мисолида тадқиқ қилиш.

6. Лирика ва эротика муносабати билан травестизм ҳодисаси ва маиший-интим кечинмаларнинг халқ лирикасидаги кўринишларини тадқиқ қилиш.

7. Сув, олов, ўсимликлар культлари мисолида ҳосилдорлик култи халқ қўшиқларининг етакчи тарихий асоси бўлганлигини аниқлаш. Сув, олов, ўсимликлар ва уларнинг аналоглари поэтик образларининг бадиий-эстетик қирраларини тарихий асосларига кўра ўрганиш.

8. Халқ дунёқарашини, тасаввурларида тотемизм, анимизм, шомонлик, магия, ҳосилдорлик культлари инончларининг уйғунлашиб кетганлигини от култи ва қўшиқлардаги от поэтик образининг бадиий-эстетик вазифалари орқали кўрсатиб бериш.

Ниҳоят, энг муҳими, юқорида айтилганларнинг барчаси қадимдан руҳнинг мангулигига ишонч, севги, оила, фарзанд ғоялари билан боғлиқлигини имкон қадар ёритишдан иборат.

«Адабиётдан фарқли равишда, -дейди таниқли фольклор назарияшуноси К.В.Чистов, — фольклор анъанавий маиший сўз саънатиدير» (245.— С.7). Шу сабабли халқ кўшиқларининг тарихий асосларини халқ этнографиясисиз ёритиб бўлмайди ва ишимизда тарихий-қийёсий, тарихий-типологик метод ҳамда кейинги пайтларда этнофольклористик деб юритилаётган йўналиш етакчилик қилади.

Монографиямизда олдимизга қўйган муаммоларни ёритишда, М.Алавия, В.А.Аникин, М.Афзалов, В.Н.Басилов, Н.Я.Бичурин, П.Г. Богатырев, М.Бойс, Ф.Буслаев, А.Н.Веселовский, Я.Э.Голосовкер, Л.Н.Гумилев, В.И.Еремина, Ф.Жалолов, В.М.Жирмунский, К.Имомов, В.Б.Иорданский, Н.П. Колпакова, Ю.Г.Круглов, Д.С.Лихачев, А.Ф.Лосев, Г.И.Мальцев, Т.Мирзаев, Л.П.Потапов, В.Я.Пропп, В.В. Радлов, С. Рўзимбоев, М.Саидов, Б.Саримсоқов, Г.П.Снесарев, З.П.Соколова, И.Султон, Э.Б.Тайлор, С.А. Токарев, С.П.Толстов, Ш.Турдимов, Д.М.Угринович, Д.Д. Фрээр, К.В.Чистов, К.Ш. Шониёзов, М.И.Шахнович, Х.Эгамов каби фольклоршунос, адабиётшунос, саънатшунос, этнограф ва тарихчи олимларнинг фактик материаллари, назарий хулосаларидан кенг фойдаландик.

Одатда, илмий ишларда тадқиқотнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти деган бўлим бўлади. Ушбу монография мавзуига оид илк мақола ўтган асрнинг 70 — йилларида эълон қилинган бўлса, шундан кейин ўтган давр қарашларимиз, кузатишларимиз бутунлай эскирмаганини кўрсатдики, бу китобимизни ўқувчилар этиборига ҳавола этишга сабаб бўлди. Бундан ташқари, биз фаслларда сўз юритган илон, от култи ҳақида алоҳида номзодлик диссертациялари ҳам ҳимоя этилди.

Республикамиз ва хорижда нашр этилган ўзбек халқ кўшиқлари тўпламлари, ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архивида сақланаётган кўшиқ намуналари китобимизга фактик манба бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, ишимизда ЎзРФА Тил ва адабиёт институти 1971-1986 йиллар давомида

Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ҳамда Қорақалпоғистон Республикаларига уюштирган фольклор экспедициялари даврида ўзимиз тўплаган кўшиқлар, кузатишларимиздан ҳам имкон қадар фойдаландик.

Китобимизда ҳозиргача яшаб келаётган халқ одат, иримларини ҳам кўшиқларга қиёслаб, уларнинг бадиий ифодаларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Ҳозирги пайтда кимдир одатлар, иримлар устидан кулади, кимдир уларга ҳануз ишонади. Нима бўлганида ҳам Ф.Буслаев тўғри таъкидлаганидек: «Халқ иримлари халқ поэзиясининг муҳим кўринишларидан биридир. Ўзларининг фантастик асосларига қарамасдан, иримлар халқ учун ўз турмуш ташвишларида амалий қўлланиши билан қадрлидир»(41. – С.61). Муҳими шундаки, мифологик мактабнинг йирик вакили айтган бу хулоса, тараққиётнинг қайси босқичида турган бўлишидан қатъий назар, ҳозир ҳам барча халқларга тааллуқлидир.



## I. БЎЛИМ. ХАЛҚ ЛИРИКАСИННИНГ СПЕЦИФИКАСИ ВА ТАСНИФИ

**Халқ лирикасининг ўзига хослиги.** Кўшиқлар яратилиши ва ижросига кўра, доимо халқ оғзаки ижодининг энг оммавий, тарқалишига кўра, энг фаол, қадриятига кўра, энг суюмли намуналари бўлиб келган. Кўшиқ, лирик турнинг қалби ҳиссиёт бўлиб, у, аввало, қалбимизга таъсир этиши билан аҳамиятлидир. Дунёқараш, тушунчалар, вазн, оҳанг, турли бадиий кўчимлар ҳиссиётларни ифодаловчи ва бири-биримизга етказувчи воситалардир. Кўшиқда сўз ожизлик қилса, оҳанг уни қувватлайди, оҳанг ҳам етказолмаган туйғуларни ўз хаёлотмиз туғдиради. Сўз, оҳанг, хаёлот бирлиги кўшиқларни тенгсиз юксакликка кўтарган мўъжизалардир. Ҳаётда фан ҳам, иқтисод ҳам, саънатнинг бошқа турлари, ҳатто сўз саънатининг ўзи ҳам кўшиқнинг ўрнини боса олмайди. Чунки уларнинг бировида сўз бўлса, оҳанг йўқ, оҳанг бўлса, сўз йўқ, ҳар иккаласи бўлса, хаёлот йўқ. Шу боис кўшиқ онги, билими даражаси, касбу коридан қатъий назар ҳаммага таъсир қилади.

Инсонни ўраб олган табиат турли оҳангларга — кушларнинг сайраши, япроқларнинг шитирлаши, жилғаларнинг жилдираши ва бошқа наволарга бойки, уларга сўз ва хаёлот кўшилса, кўшиқ пайдо бўлади-кўяди

Халқ кўшиғи адабий кўшиқдан фарқли равишда тарихан магик-ритуал аҳамиятга эга бўлиб, маиший-этнографик ҳодисадан бадиий-эстетик ҳодисага айлангунча узоқ тадрижий йўлни босиб ўтган. Бироқ халқ кўшиқлари нафақат узоқ тарихий жараён маҳсули, балки табиат бағрида яшаётган инсон руҳиятининг ҳар кунлик меваси ҳамдир.

Тарихий асосларига кўра, қадимий инонч-тасаввурлар, айниқса, ҳосилдорлик культлари, халқ маросимлари, иримлари, кундалик маиший турмуш билан узвий боғланган, куй ва рақслар билан бирга пайдо бўлиб,

куй билан муносабатини барқарор сақлаб қолган, лирик характердаги шеърый саънат тури намуналарига халқ кўшиғи деймиз.

Лирика бадий адабиётнинг ҳар иккала формаси — оғзаки ва ёзма ижодга хос адабий турдир. Бироқ улар ўртасида умумийликлар билан бирга жиддий фарқлар ҳам мавжуд.

«Лирик асарда, — дейди И.Султон, — дунё ижодчининг ички дунёси орқалигина ўз ифодасини топади» (203. — Б.255).

Ёзма ва оғзаки адабиётдаги лирик тур намуналари шеърый шакл, ритмга асослангани билан ҳам ўхшашдирлар. Ритм оғзаки лириканинг ҳам, ёзма поэзиянинг ҳам энг дастлабки, энг табиий, энг тарихий ва энг доимий асосидир.

Узоқ аждодларимиз ҳам ритмни хаосни космосга айлантирган куч, коинот тартибининг воқе бўлиши, ҳаёт асоси ва мангулигига кафолат деб билганлар (220.-С.184).

Ёзма адабиётдаги лирик тур спецификаси Аристотел давридан то бизнинг кунларимизгача ҳар томонлама ўрганилиб келинган. Шу сабабли биз бу ўринда халқ лирикасининг доимий белгилари ва унинг адабий лирик турдан фарқларигагина тўхталамиз.

Халқ лирикаси дастлаб фольклорга хос оғзакилик, жамоавийлик, анъанавийлик, вариантлик қонуниятлари билан адабий лирик турдан жиддий фарқланади. Кўшиқ коллектив ижод маҳсулидир. Аммо бу халқ орасида етук профессионал халқ кўшиқчилари бўлганлигини, анъанавий кўшиқлар кўп жиҳатдан ана шулар тўфайли бизгача етиб келганлигини инкор қилмайди. Муҳими шундаки, профессионал халқ кўшиқчилари қанчалик талантли, бадиҳагўй бўлмасинлар, анъана қонуниятларига бўйсунганлар.

«Жамоавийлик шахсий ижодкорлик имкониятини инкор қилмайди, — дейди йирик фольклор назариячиси В.Е. Гусев, -аксинча, уни зарурий дастлабки шарт сифатида қамраб олади»(52.171). Ҳақиқатдан ҳам томчилардан жилғалар, жилғалардан дарёлар пайдо бўлади.

Бироқ дарёдан бир ҳовуч ёки бир ариқ сув ажратиб, бу фалон жилғанинг суви дейиш мумкин бўлмаганидек, анъанавий халқ кўшиғининг бир банди ёки тўпламини бирор индивидуал ижодкорга нисбат бериш қийин. Аммо бу ижодкор, албатта, бўлган. Халқ кўшиғи ана шундай коллектив ижод маҳсули бўлганлиги учун лириканинг бош қаҳрамони лирик «мен» ҳам ўз характери жиҳатидан ёзма ва оғзаки адабиётда сезиларли фарқланади.

Ёзма адабиётдаги лирик «мен»нинг қалб дунёси, билими, дунёқараши қанчалик бой бўлмасин, у албатта бирор қирраси билан ижодкор шахсияти билан, халқ кўшиғидаги «мен» коллектив, халқ билан боғланади. Д.С.Лихачев айтганидек, халқ кўшиғининг лирик қаҳрамони ижрочининг ўзи, айна пайтда тингловчи ҳамдир(129. — С.219). Шу сабабли халқ лирикасининг лирик образлари умумлашган тип даражасига кўтарилган ва ҳар бир жанрнинг етакчи лирик қаҳрамонлари мавжуд. Булар: ёр-ёрлардаги келин-куёв, аллалардаги она-бола, меҳнат кўшиқларидаги меҳнаткаш, болалар кўшиқларидаги болалар, лирик кўшиқлардаги ошиқ-маъшуқ ва эру хотин образларидир.

Халқ лирикасида севги мавзуи ва хотин-қизлар образи етакчи аҳамият касб этган. Бунга сабаб ҳам хотин-қизларнинг табиатан ҳиссётга бойлиги ва тарихан оилавий-маиший маросимларда етакчи ўрин тутганлигидадир.

Адабий лирик турдан фарқли равишда халқ кўшиқларининг рамзлар тизими, маиший турмушни поэтиклаш-тируви, бадий тасвир воситалари, ҳатто лирик қаҳрамоннинг дунёқараши, қалб кечинмалари ҳам анъанавий характерга эга бўлади.

Масалан, халқ лирикасида қизил сифатлаши ҳеч қачон эрларга нисбатан қўлланмайди. Агар қўлланган бўлса, у халқ кўшиғи эмас, ёки анъана бузилган, сунъий ўзгартирилган кўшиқдир.

Кўшиқларнинг яна бир муҳим хусусияти уларнинг тарихий генезиси билан боғлиқ. Халқ лирикасининг тарихий асосида халқнинг қадим тассавурлари, маросим-

лари, иримлари муҳим ўрин тутган ҳолда, адабий лирик турга нисбатан бу фикрни айта олмаймиз. Ёзма лирикада ҳам айтилган ҳодисалар унсурлари учраши мумкин. Бу эса фольклоризмлар масаласи билан боғлиқ.

Рус фольклоршуноси Ю.Г.Круглов: «Халқ лирикаси маросим заминида пайдо бўлган», - дейди (14. – С.257). Чиндан ҳам маросим лирикаси номаросим лирикага нисбатан қадимийроқдир. Бироқ бу маросимларнинг ҳам халқнинг анъанавий дунёқараши, магик-мифологик тасаввурлар ҳосиласи эканлигини унутмаслик керак. Халқ лирикасидаги бирор поэтик образ ёки номаросим лирика жанри маросим воситасида, ёки бевосита халқ онгида мавжуд тассавур, инончларнинг қайта поэтик идрок маҳсули эканлигини ҳам назарда тутиш лозим.

Халқнинг анъанавий дунёқараши, урф-одат, иримлари ҳақида сўз кетар экан, барча анъанавий қўшиқларнинг генезисида ана шу ҳодисалар ётади деб ўйлаш керак эмас. Қўшиқнинг асосида маиший турмушда кундалик ва доимий такрорланиб турувчи ҳодисалар, инсон кечинмалари, ташвишлари, реал воқеликка муносабати ҳам туриши мумкин. Масалан:

*Тўп қайрағоч тагида,  
Тўп ўйнаган етимлар.  
Ота-онам келар деб,  
Йўл пойлаган етимлар.*<sup>1</sup>

Қўшиқ анъанавий бармоқ вазнларидан бири – еттилик бўғинда яратилган. Тилда синонимия деб юритиладиган ҳоди-садан маъно товланишларини ифодалашда фойдаланилган. Яъни тўп – миқдор, тўп нарсани англа-тиб келмоқда.

Қайрағоч Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида илгари жуда кўп экилган ва ёзда унинг соясидан фойдаланганлар. Етимларнинг бир неча қайрағоч тагида ўйнашлари илгари ҳам, ҳозир ҳам бўлиши мумкин бўлган табиий манзара. Қўшиқда лирик қаҳрамоннинг етимларга ачиниш ҳисси ифодаланган. Бу маъно **етимлар, йўл пойлаган** сўзларига юклатилган. Ҳозир ҳам етимхона – меҳрибонлик уйи ёнидан ўтиб қолган бирор халқ қўшиғи би-

лимдони ёдига ана шу анъанавий кўшиқ келиши мумкин.

Генезиси қадим тассавурлар, халқ маросимлари, иримлари, тарихий-маиший турмуши билан қанчалик боғлиқ бўлмасин, кўшиқ халқнинг бирон-бир маърифий, маиший, маънавий эҳтиёжига жавоб бермаса, бизнинг кунларимизгача етиб келмас эди.

Аслини олганда ҳаётнинг ўзи анъанавийдир. Туғилиш, яшаш, ўлим — инсон умри, баҳор, ёз, куз, қиш — табиат анъаналаридир. Шу сабабли ҳам инсоният ўзининг ўтмишини унута олмайди ва магик-мифологик тафаккур рудиментлари бизгача етиб келган. Анъана инсон умри ва унинг ижодининг илоҳий яшаш формасидир.

Анъанавий маросимлар билан боғлиқ бўлмаган лирик кўшиқлар пайдо бўлишини айрим мутахассислар феодализмгача бўлган давр, баъзилар феодализм билан боғлайдилар (14. —С.257). Мустақил лирик кўшиқларнинг жанр сифатидаги пайдо бўлиши, шубҳасиз, тарихий тараққиётнинг кейинги босқичларига хосдир. «Чунки лирика инсон ўз шахсини таниган, ўзини шахс сифатида англагач, ўзини олам ичра яна бир олам деб билган ва ташқи объектив оламга янгича қараган шароитларда пайдо бўлади» (5. Т.2. —Б.237).

Аммо бу таъриф оғзаки лириканинг пайдо бўлишини тўла таърифлай олмайди. Сабаби юқорида айтилганидек, халқ кўшиғининг лирик қаҳрамони умумлашма типлиги, анъанавий поэтик тафаккур меваси эканлигидадир. Айтайлик, ёр-ёрларда келинчак ҳақида жуда кўп куйлашади. Бу мақтовлар, тилаклар айни пайтдаги келинчакка ҳам, унинг бир пайтлар келин бўлган бувисига ҳам, келажакда келин бўладиган неварасига ҳам тааллуқлидир.

Халқ лирикасининг қадим тассавурлар, маросимлар билан боғлиқлиги унинг жуда қадимийлигини кўрсатади.

Анъанавий дунёқарашда кишилар ўз уруғи, қабиладан бошқа кишиларни бутунлай бегона олам вакиллари деб тушунганлар. Ёр-ёр кўшиқларида куёв томон-

нинг ёт дунё вакиллари деб билиниши ҳам ана шунинг ҳосиласидир. Бизнингча, халқ лирикасининг куртаклари инсоннинг ўзини ва уруғдошларини бир олам вакиллари деб тушунган даврлар, тотеместик инончлар туғилган пайтлар билан боғлиқ.

Халқ лирикасининг ўзига хослиги унинг генезисида ҳам кўринади. Қўшиқларнинг тарихий илдизлари ҳақида сўз кетар экан, фольклор тадқиқотчиси олдида халқнинг кўп асрлик тарихий жараёнлар давомида магик-мифологик дунёқараши-дан поэтик тафаккурга, қўшиқларнинг маиший-этнографик ҳодисадан бадий-эстетик ҳодисага айланиши тадрижини кўрсатиб бериш масаласи пайдо бўлади.

Бу жуда жиддий ва кўплаб тадқиқотлар натижасида ҳал этиладиган вазифадир. «Веселовский ишларида, — дейди И.К.Горьский, — ноэстетик ҳодисаларнинг эстетик ҳодисаларга ўтиши масаласи очилмай қолган»(44.— С.18). Поэтик тафаккурнинг пайдо бўлиши, тараққиёти масалалари кейинчалик кўпгина олимлар томонидан маълум даражада ҳал этилди, аммо ниҳоясига етгани йўқ(48; 62; 63; 124; 136; 171 ва ҳ.з.).

Биз кўриб чиққан адабиётларга асосан халқ лирикасининг пайдо бўлиши ва ривожини қуйидагича кўрсатиш мумкин: **магик-мифологик тафаккур, маросимлар, мифологик-поэтик тафаккур — поэтик тафаккур**. Қайд этиб ўтиш лозимки, соф мифологик тафаккур маҳсули бўлган асарларда поэтик тафаккур рудиментлари бўлганидек, соф поэтик асарларда мифологик тафаккур излари сезилиб туради.

Шу боисдан, анъанавий халқ лирикасининг намуналари мифологик-поэтик ва поэтик тафаккур меваларидир. Таффакурнинг юқоридаги босқичлари ўртасида жуда кўп асрлар ўтган. Ҳар бир босқичда халқ қайта-қайта мушоҳада қилган. Шу билан биргаликда мифологик тафаккур элементлари ҳам сақланиб қолган.

Халқ маиший турмушида ҳозиргача мавжуд бўлган кўпгина маросимлар, урф-одат, иримлар магик-мифологик тафаккурнинг трансформацияга учраган кўриниш-

лари бўлиб, улархалқ лирикасида ҳам ўз поэтик ифодаларини топган.

«.. ҳар бир этнографик факт, — дейди П.Г. Богатырев, — бирон — бир магик, эстетик ёки бошқа вазифага эга. Бу вазифалар кўпинча бири иккинчисига ўтади, роль алмашади. Масалан, магик вазифа эстетикага ўтиши мумкин ва ҳ.з». (31. — С.387).

Мисол учун кўпгина жаҳон халқлари, жумладан, ўзбек халқи ҳаётида ҳам мавжуд бўлган, ҳозиргача маълум даражада мавжуд бўлиб келаётган қалин этнографик детални кўриб чиқайлик: Қалин олиш тарихан уруғнинг яхлитлиги, мулкани сақлаб қолиш, янги оиланинг моддий пойдеворини яратиш мақсадларига қаратилгани учун жуда яшовчан одат бўлиб келди. У халқ кўшиғида шундай ифодаланган:

*От боғладим харига,  
Харидан ҳам нарига.  
Отам мени сотдилар,  
Ўзидан ҳам қарига.*

Кўшиқ ижрочисининг норозилиги отанинг уни сотгани учун эмас, балки ўзидан ҳам қарига узатганидир. Кўшиқдаги **сотиш** сўзини савдодаги **олиш-сотиш** тушунчаси билан тенглаштириб бўлмайди. Чунки кўшиқ тили поэтик кўчимларга бой бўлган ўзига хос ҳодисадир. Бунинг исботи сифатида мана бу кўшиқга диққат қилинг:

*Қошингнинг қораси ювса кетарми,  
Сенигдек тоза гул боғда битарми?  
Сенигдек тоза гул боғларда битса,  
Сўраб борсам, боғбон менга сотарми?*

Халқ кўшиғи табиатига кўра қора қош — гўзаллик, тоза гул — балоғатга етган бокира қиз, боғ — оила, боғбон — оила бошлиғи, яъни отанинг поэтик образларидир. Агар сотиб олиш маъносини савдодаги каби мол ёки буюм харид қилиш деб тушунсак, йигитнинг қизга сотилсанг, сотиб олардим, дейиши ўта хунук бўларди. Шунинг учун йигитнинг мурожаатини оддий тилга : «Сен тоза гулдай бокира, балоғатга етибсан, урф-одатимиз-

даги қалинни тўласам, отанг рози бўлармикан?»— деб ағдариш мумкин.

Қалин одати ҳаётий эҳтиёжлардан келиб чиққани учун у айрим кишилар талқин қилганидек, хотин-қизларни молдай сотиш рамзи эмас, урфий шарт ҳисобланган. Шунинг учун кўшиқларда хотин-қизлар ҳам бу одатни маъқуллаган:

*Тайғончоқга от солганда тойишади,  
Устидаги эгар-жабдуқ майишади.  
Қиз танлашга элимизга нега келдинг,  
Қалин учун қовурғанг қайишади.*

Халқ лирикаси намуналари урф-одатлар билан боғлиқлиги мана бу кўшиқда ҳам кўринади:

*Тоққа чиқдим тараша,  
Қоралар зулфим ярашар.  
Бизга келган совчилар,  
От устидан қарашар.*

Ўтмишда ҳам ҳозиргидек қизларга совчи келиши табиий бўлганидек, уларнинг отда келиши ҳам одат саналган. Отсиз совчи қиз бола учун ҳам, йигит томон учун ҳам номус ҳисобланган.

Этнографик деталнинг бадиий-эстетик ҳодисага айланиши кўпгина халқ мақоллари учун ҳам хос хусусиятдир. Масалан: «Қизлик уйга қирқ от боғланар» мақоли бор. Бу қиз болага кўп совчи келиши мумкин деган фикрнинг бадиий ифодасидир. Мисолларимиздаги от образи эса ҳам халқ одати, ҳам от култи билан боғлиқ.

Кўриниб турибдики, халқ маиший турмушидаги қалин, совчи, совчиликга отда бориш этнографик фактлари халқ лирикасида сотиш, қизлик уйга қирқ, яъни кўп от боғланиши поэтик кўчимларига айланиб, магик-утилитар функциядан ўсиб, бадиий-эстетик аҳамият касб этган. Яна бир мисол:

*Чимилдигинг чип-чинор,  
Бўйинг чинор, ёр-ёр.  
Бўйингга кўз темасин,  
Олай тумор, ёр-ёр.*

Чимилдик — келин-куёвни магик ҳимоя қилиш, улар-



нинг бахтли, серфарзанд бўлиши учун ясалган ритуал буюм. Чинор — узоқ умр, чинордай бўй — гўзаллик рамзи.

Тингловчи қўшиқнинг маълум такрор, кўчимлар, вазн ва қофия тузилишларидан ҳам завқ олиши мумкин. Бу қўшиқнинг бадий-эстетик ҳодисалигидандир. Аммо ўзбек халқининг чимилдиқ, чинор ҳақидаги тассавурлари, кўз магиясига инончи, тумор этнографик деталдан беҳабар киши бу қўшиқни умуман тушунмайди. Мободо қўшиқни ўзга тилга таржима қилинса, унинг учун, албатта тарихий, этнографик изоҳлар бериш шарт бўлади. Қўшиқни тарихий асосларига кўра шундай таҳлил қилиш мумкин: Гўзал келинчак бўлибсан (чинор ва чимилдиқ) гўзаллигинга ёмон кўз тегиб, бахтсиз бўлиб қолмагин, махсус кишилардан тумор ясатиб, тақиб кўяй.

Халқнинг чинор ҳақидаги тассавурлари, кўз магиясига инончи мазкур қўшиқнинг тарихий асосидир.

Хўш, бу магик-мифологик қарашлар қандай қилиб қўшиқга, бадий-эстетик ҳодисага кўчган?

Аввало қўшиқ ижрочиси бўлган халқ онгида чимилдиқ, чинор, кўз магияси ҳақидаги инончлар бўлганлиги учун. Халқ маиший турмушидаги этнографик детал ва дунёқарашидаги инончларни қайтадан поэтик мушоҳада қилиб, анъанавий тайёр шеърини шаклга солиб куйлаган. Анъанавий характерга эга бўлганлиги учун халқ лирикасида вазн кўринишлари ёзма адабиётдагидек кўп эмас.

Эстетик бўлмаган фактлар, ҳодисаларнинг халқ лирикасида бадий-эстетик ҳодисага айланиши тил, тарихий онг тараққиёти туфайли қадим инонч-тассавурларни, маиший турмуш воқеаларини қайта мушоҳада қилиш, поэтик идрок қилиш билан боғлиқ.

Бу боғлиқликни ўрганиш бизнинг бош мақсадимиздир ва уни бутун монография давомида ёритиб боришга ҳаракат қиламиз. Монографияда **рудимент**, **реликт** аталмалари кўп қўлланилади. Бу сўзлар билан биз **асорат**, **қолдиқ**, **парча** маъноларини англамаймиз.

«Барча фольклор тўпловчилари ва тадқиқотчилари,

– дейди П.Г.Богатырев, – халқ инончлари қолдиқ эмаслиги, уларнинг ҳаётий кучга эгалигини тасдиқлайди»(31. – С.181).

Ҳақиқатдан, қадимий тассавурлар реликтлари, иримлар ва уларнинг халқ ижодидаги ўзига хос бадиий ифодалари халқнинг бирон-бир эҳтиёжига жавоб берганлиги учун мавжуддир. Шу сабабли биз **реликт, рудимент** деганда, анъанавий дунёқараш, халқ маросими, урф-одатларининг таркибий қисмларини тушунамиз.

Қўшиқнинг асосида ҳиссиёт ётганлиги учун унинг куртаклари ибтидоий даврлар, мифлар билан боғлиқдир.

«Саънатда воқеликни бадиий ўзлаштириш ҳам, борлиқга диний муносабат ҳам инсон сезгилари, ҳиссиёти, кечинмаларисиз бўлиши мумкин эмас», – дейди Д.М. Угринович(229. – С.13).

Саънат, жумладан, халқ лирикаси тўлалигича архаик динлар, мифологик тафаккур таъсирида пайдо бўлган деган фикрларга қўшилмаганимиздек, уларнинг халқ оғзаки ижодидаги улкан аҳамиятини ҳам инкор этмаймиз.

**Қўшиқ ва лирика атамалари ҳақида.** Халқ лирикаси спецификаси, поэтикасини тотемизм, шомонлик, магия, ҳосилдорлик культлари, маросим, урф-одатларни ўрганмай тўла ёритиш мумкин эмас. Бунинг учун ҳар бир қўшиқ, ҳар бир образ, ҳар бир рамз, ҳар бир тасвир воситаси, сўзни жиддий ўрганиш лозим. Бу изланиш йўлидаги дастлабки кузатишни **қўшиқ, лирика, ашула** атамаларига муносабат билдиришдан бошлаймиз.

**Ашула** атамасини В.В.Радлов куй-мелодия деб изоҳлаган(175.–С.182). Музика фольклори мутахассислари фикри-ча, **ашула** қўшиқнинг бирор чолғу асбоби билан ижросини англатади(144). Демак, ашула ҳам қўшиқ англатган маъно доирасига киради.

Адабиётшунослик фанимизга **лирика** атамаси ҳам тўла сингишиб кетган ва унинг қатор тавсифлари мавжуд(194. – С. 267-269; 274. – Б.244-245 ва ҳ.з.). Шунингдек, **лирика** атамаси юнонча **лира** деб юритилган чолғу асбоби номидан олинган бўлиб, куйланадиган асарларни билди-

ради, дейдилар(203. — Б.251;274. — Б.175). Бу фикрларга эътироз билдириб бўлмайди. Аммо лирика ва кўшиқ атамаларининг илдизиди мифологик дунёқараш ётганлигини қайд этиш лозим.

«Исмига қараганда, — деб ёзади Дж. Фрэзер, — семитлар шоҳи Кинир номи семитча лира сўзидан келиб чиққан. Кинир исми юнонча — *синуға* — яъни, лира сўзи билан боғлиқ бўлиб, у ўз навбатида семитча *kinnoq* — лира сўзидан келиб чиққан». Дж. Фрэзер лира ё арфа чалиш оддий кўнгилхушлик бўлмай, Довуднинг Саул ҳузурда чалган асбоби лира диний маросимнинг таркибий элементи бўлганини ҳам айтади (240. — С.315-316). Довуд афсонавий пайғамбарлардан бўлиб, тарихий маълумотларга кўра, эрадан аввалги XI аср охири X асрнинг ўрталаригача яшаб, қадимги Исроил — Иудияда ҳукмронлик қилган (19. — С. 117).

Қуръони Каримнинг ўзбекча таржимасидаги “Сабаъ” сураси изоҳига кўра: “Тангри таоло Довуд алайҳис-саломга шундай хуш овоз ато этганки, у киши Забурни тиловат қилганларида, осмонда учиб кетаётган қушлар тек қотар ва чор атрофдаги тоғу тошлар билан бирга у зотга жўр бўлиб, тиловат қилишар экан”(272.— Б.299). Ўхшашлиги шундаки, ҳозирда Республикамизнинг айрим жойлар, аниқроғи Бухоро вилоятида кўшиқ айтишни ўқиш ҳам дейдилар.

Демак, лира асбоби илк бор одамлар тассавурида илоҳиёт билан боғлиқ бўлиб, лира атамаси милоддан аввалги III-II асрларда эмас, балки ундан ҳам 900-800 йил илгари семитча сўздан келиб чиққан деган хулосага келамиз. Айни пайтда лира чалиш нима учун диний маросимларнинг таркибий қисми бўлган деган савол туғилади. Унга Б.Л.Рабиновичнинг «Гермес лираси» номи мақоласидан жавоб топамиз (233. — С.67-75). Олимпнинг шарҳига кўра, Ҳомернинг «Гермесга» бағишланган тантанали кўшиғида Гермес лира ясаб, уни сигирлари эвазига Апполонга алмаштиргани куйланади. Юнон мифологиясида Апполон — ёруғлик, саънат ва музыка илоҳидир.

Е.Л.Рабинович Европадаги қатор халқлар фольклори материалларига асосланиб, лира мифологик, яъни илоҳий нарса, Гермес эса жаҳон дарахтининг аналоғи деган хулосага келади. Шомонлик тасавурларига кўра ҳам шомон дунё маркази ёки жаҳон дарахти ҳамда унинг аналоғлари тоғ, қир, устунларда бўлади. Улардан олий билим ва илҳом олади. Маълумки, шомонизм туркий халқлар тарихида ҳам муҳим роль ўйнаган. Туркий шомонларнинг ҳар учала: ер ости, юзи, осмон дунёларида эркин кеза олиш қобилияти Гермеснинг марҳумлар руҳини у дунёга кузатиб бориш вазифасига уйғундир.

Е.Л. Рабиновичнинг Гермес – шомон илоҳи, у Апполонга берган лира эса олий билим ва илҳомдир деган фикри ҳам Гермес билан туркий шомонлар ҳомий руҳлари ўртасида умумийлик мавжудлигини кўрсатади. Ана шу мулоҳазаларга асосан, биз лира дастлаб диний тасавурлар билдан боғлиқ чолғу бўлган деган хулосага келамиз.

Дж. Фрэзер арфа чолғусини ҳам тилга олган(240. – С.316). Қизиғи шундаки, Ўзбекистон территориясидан топилган археологик ёдгорликлар орасида арфа тасвири ҳам учрайди. Саънатшунос М. Раҳмонов ўз монографиясида ана шундай тасвирлардан бирини келтирган. Унда кўксига босиб, арфа чертиб турган аёл тасвири бор. Бу ёдгорлик Термиз яқинидаги Ҳайратомдан топилган бўлиб, мутахассислар уни эранинг I-II асрларига оид деб топишган(178. –С.85).

Умуман олганда, жаҳоннинг турли нуқталарида яшган, ҳато тарихда бир-биридан бутунлай беҳабар бўлган халқларнинг қадимий тасаввур ва эътиқодлари, мифологияси, оғзаки ижодини қиёсий ўрганган олимлар улар ўртасида фарқларни эмас, аксинча ҳайратланарли даражадаги уйғунликни кўрадилар.

Бу борада В.М.Жирмунскийнинг жаҳон халқлари фольклоридаги типологик бир ҳодисани чуқур ёритиб берган том маънодаги монументал ва умумлаштирувчи “Куйчининг иқтидори ҳақида афсона” мақоласи диқ-

қатга сазовордир. Олим келтирган маълумотга кўра, 731 йилда ёзиб тугатилган “Фаришталарнинг бутхона тарихи” асарида айтилишича, энг биринчи англо-сакс шоири Кэдмон куйлашни билмаган ва зиёфатлардан бирида бундан ор қилиб, кулбасига бориб ухлаб қолади. Унинг тушида бир киши пайдо бўлиб, ундан нимадир куйлаб беришни сўрайди. Кэдмон куйлай олмаслигини айтганда, у Кэдмонга дунёнининг яратилиши ҳақида куйлашни буюради. Уйғонгач, у барча қўшиқни эслаб қолган бўлади ва бу иқтидорни худодан деб биладилар(72. —С.397-407).

Фольклоршунос олим Б.Н.Путиловнинг сўнги асаридаги кузатишлари ҳам оғзаки ижод, жумладан эпос куйчиларининг чолғу асбобларига хос жуда кўп тассавурлар ва инончлар типологик, аини пайтда этник ҳодиса эканлигини тасдиқлайди.

Ўзбек халқ дostonчилиги ва дostonчилари ҳақида йирик тадқиқотлар яратган Ҳ.Т.Зарифов ва Т.Мирзаевлар халқ бахши-шоирлари тарихан шомон ҳам бўлганликларини, ўзидаги талант ва илҳомни ғайри-табиий туш кўриш билан изоҳлашларини кўп кузатганлар: Гуё аввал ҳеч қандай ижод иқтидори бўлмаган одам бирор дарахт таги, гор ёки қирда ухлаб қолиб, тушларида бир мўйсафид келиб, уларга дўмбира беради ва куйлашни буюради. Уйғонган одам ўз-ўзидан дoston куйлаб, бахши бўлиб кетади(74; 139).

Анимистик тассавурларга кўра туш кўриш инсон жонининг танасини вақтинча тарк этиши ва тушда кўрилган нарсалар ҳақиқат сифатида қабул қилиниши хосдир(240. — С.176-178). Бахши-шоирлар тушларида кўрган ҳодисалар шундай тарихий асосига кўра реал деб тушунилган. Тушда кўрилган тоғ, дарахт, қирлар эса шомон ҳомий руҳларининг маконидир. Шоир-бахшилиқнинг сабабини руҳлар дунёси билан боғлаш жаҳондаги кўпгина халқлар, жумладан туркийлар учун ҳам хос бўлган типологик ҳодисадир(72. — С.397-407; 220. —С.112-113). Исломий ҳадисларда ҳам яхши туш Оллоҳдан, ёмон туш шайтондан деб талқин қилинади ва пайғамбарга ҳам

Куръони каримнинг илк оятлари тушида нозил бўлганлиги айтилади(3.Т.1. — Б.367).

Халқимиздаги: «Яхши туш — раҳмон, ёмон туш-шайтон» мақоли ҳам ана шундай инончлар мевасидир.

Туркий халқлар анъанавий дунёқарашда шомон ва бахши-шоирлар ўз фаолияти билан тассавурларида Яратувчи даражасига етган(220.—С.184). Ф. Роузентал ёзишча, арабларда **шоир** сўзи дастлаб сеҳргар-жодугар, **шеър** эса сеҳр-жодугарликни англатган(182. — С.184).

Ўзбек бахши-шоирларининг дўмбиралари, шомонларнинг чилдирмалари ҳам анъанавий дунёқарашда илоҳиёт, руҳлар дунёси билан боғланади. Бахшилар талқинича, дўмбиранинг тарихи Гермес лирасидан ҳам қадимийроқ — биринчи одамлар билан боғлиқдир:

*Дўмбирамнинг торини,*

*Момо Ҳово эшдилар.*

*Дўмбирамнинг чаноғин,*

*Одам Ота тешдилар.*

Ўзбек халқ термаларининг мавзу жиҳатидан катта бир туркумини ташкил қилувчи «Дўмбирам» туркум термаларида дўмбиранинг ёнғоқ, арча, жийда каби дарахтлардан ясалганлиги кўп куйланади ва улар умумхалқ лирикасининг фаол поэтик образларидир. Қадимда бу дарахтлар ҳосилдорлик культларининг муҳим объектлари бўлганки, бу ҳақда биз кейинроқ тўхталамиз.

Халқ термаларида дўмбиранинг бахшилар томонидан — доимий ҳамроҳ, улфат, қизлар сочини сийпаловчи ошиқ, бахши оиласини боқувчи деб таърифланиши мифологик, эпик бедов отларга қиёсланиши қадим тассавурларнинг поэтик кўчимларга кўчиши натижасидир. Шомонлик, бахшилик илоҳий тухфа сифатида тушунилади. Кўпгина эртақларда сибизға, най каби чолғулар чалинганда подшоларнинг ҳам беихтиёр ўйинга тушиб кетишлари ҳам тарихан шомонизм билан боғлиқ. Шунинг учун бахшилар илоҳий тухфа ҳисобланган дўмбирасига ёмон кўзлар, ёвуз руҳлардан асраш учун туморлар, кўзmunчоклар тақадилар ва дўмбира ҳам қайсар от каби бегоналарга бўйсунмайди:

*Мендан бошқа одам чалса сайрамас,  
Кўлда бўлсанг эганг қайғу ўйламас...*

Қайд этиш лозимки, дўмбира, дутор ҳақидаги терма-ларда чолғу асбобларига инсонларга хос сифатларнинг берилиши тарихий асосига кўра, ўсимликлар культи, шомонлик қарашларининг ноэстетик ҳодисалардан эстетик ҳодисаларга эврилиши натижасида поэтикада жонлантириш саънатини юзага чиқарган. Лира ва дўмбира илҳом чақирувчи восита, қадимий тассавурларда илоҳ ва руҳлар туҳфасидир. Хусусан, Гомер талқинида рапсодлар илҳомига худолар, баъзан бош худо Зевснинг ўзи ҳомийлик қилади. Қўшиқ эса муқаддас ва гўзал(130. — С.220-221).

«Илҳомнинг илоҳийлигига ишонч бутун жаҳонда бор, — дейди Дж. Фрэзер, — Одамлар айрим кишилар вақти-вақти билан руҳлар ёки илоҳалар томонидан мубталоликга йўлиқишлари мумкин деб ҳисоблайдилар» (240. — С.111). Бу фикрни ўзбек олимнинг хулосаси ҳам тасдиқлайди.

«Илҳом деганда, — дейди А.Рустамов, — кишига бирор сирли ҳодисанинг аён бўлиши тушунилади»(187.— Б.33). Шунингдек, халқимиз қадимдан истеъдодли хонанда, рассом, шоир — хуллас ўз касбининг моҳир усталарига нисбатан, «танглайига худо берган», «унга худо берган» иборасини қўллаб келган. Реаллик билан мавҳумлик ўртасидаги фарқни унутиб, кучли илҳом ҳолатига кириш диний маросимларда таркибий элемент бўлган.

«Тассавур қилинган дунё ёки рамзлар олами,-дейди физиологлар, — ўз реаллиги жиҳатидан ҳақиқий дунёдан кам эмас»(48. — С.159).

Республикамизда халқ лирик қўшиқларининг омма орасида ижро жараёнига диққат қилсак, улар одатда вокал оҳанг ёки доира жўрлигида куйланишига гувоҳ бўламиз. Турли туманларда **чилдирма**, **зағома**, **даф** деб юритиладиган доира туркий шомонларнинг кўпчилигининг шомон маросимларидаги асосий асбоблари бўлиб, уларга қадимий рамзлар чизилган(36. — Б.158).

Демак, лира ва дўмбира тарихий асосларига кўра ило-

ҳий чолғулар деб тушунилган ва куйлаш, ижодкорлик салоҳияти руҳлар дунёси билан боғланган. Бу хулосани тарихан кўшиқ ва кўшиқчиликга ҳам тадбиқ қилиш мумкин. Шомонлик дунёқараши, бахшилар поэзияси, халқ лирикаси ривожда муҳим роль ўйнаган.

Энди кўшиқ атамаси ва кўшиқнинг мифологик талқини ҳақида: Халқ кўшиқларининг етук билимдони, олима М.Алавия: «..кўшиқ терминининг соф ўзига хослиги ва кўп асрлар муқаддам туркий тилда пайдо бўлган»лигини, ҳозирда халқ поэзияси маъносини англатиши айтиб, атама генезисини аниқлашга жуда яқин келган (7. – Б.15. – Б.24). Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида кўшиқ сўзининг арабча шеър, қасида, ражаз маънолари қайд этилади. Бироқ эътироф этиш керакки, кўшиқ туркий халқлар фольклорида араб босқинчилига қадар ҳам мавжуд бўлганидан ташқари, бу атамаларнинг бирортаси ўзбек халқ кўшиқларининг табиатини, моҳиятини тўлиқ ифодамай олмайди.

Ҳозир туркий халқлар ўз кўшиқларини турлича атайдилар. Масалан, туркманлар – айдым, турк ва озорлар гошма, қорақалпоқлар – кўсик, уйғурлар – кўшоқ деб юритадилар ва ҳ.з. Бу утамаларга диққат қилсак, уларнинг кўпчилиги асосида кўш ўзаги турганлигини кўра миз. XI асрда ижод этиб ўтган Юсуф Хос Ҳожининг «Қутадғу билик» асарида туркийча кўшиқ, XIV асрда яшаган «Муҳаббатнома» муаллифи Хоразмий ижодида куйидаги мисраларни учратамиз:

*Кел эй, ой юзли дилбар, тут бироз қўш,*

*Бирор қўш бирла қилғил бизни мадҳуш.*

Хоразмий маснавийсининг иккинчи мисрасидаги кўш халқ кўшиғи намунаси бўлиб, биринчи мисрада у май, шароб маъносида бўлиши мумкин.

Ҳозирги турк тилида халқ кўшиқлари туркилар деб ҳам деб аталади. Бизнингча, турклар кейинчалик бошқа туркий халқлардан фарқлаш учун шу атамани қабул қилганлар. Қадимги туркийча кўшиқ атамаси эса, кўпгина туркий халқлар учун халқ лирикаси маъносини англатган. Шу билан бирга турк фольклоршунослари ҳам ўз



халқи оғзаки ижодининг тарихини ҳозир Марказий Осиё деб юритилаётган мамлакатлар билан боғлайдилар ва ўзлари яшаётган ҳозирги ҳудудларга тарих тақозасига кўра, шу ерлардан бориб қолганлар.

Туркий тилларнинг кўпида халқ кўшиғини ифодаловчи атама ўзагида **кўш** ёки унга маънодош бўлган сўзлар туради. Шу жиҳатдан **кўшиқ** ва **кўшчи** сўзлари бир ўзакдан ясалган бўлиб, тарихий илдизларига кўра ҳосилдорлик культлари билан боғланади.

Ҳосилдорлик культлари туфайли жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида кўклам биринчи кўшни (омочни) қизлар ёки аёлча кийинган эрлар тортганлар. Бунга сабаб қадим замонларда одамлар ернинг ҳосил бериши билан аёлларнинг фарзанд кўриши ўртасида ажиб уйғунлик кўрганлар. Аёлларнинг туғиши учун эрларни алоқасиз деб билганлар. Бу инонч изларини В.Я. Пропп рус эртакларидаги Баба Яга образининг тарихий илдизлари мисолида жуда яхши кўрсатиб берган(169. – С.109).

Кўш, омоч ихтироси деҳқончилик тарихидаги буюк бурилиш эди. Шу сабабли кўшнинг ўзбек халқи ҳаётидаги роли ғоят улкан бўлган. Кўшнинг тарихан ҳосилдорлик культлари ва оила ғоялари билан боғлиқлигини мана бу халқ кўшиғи жуда равшан ифодалайди:

*Бедапоянг бўш қолди,*

*Ўртасида қўш қолди.*

*Келмайсанми, суйган йигит,*

*Шойи кўрпанг бўш қолди(154. – Б.50).*

Кўшиқдаги бедапоя кўрпа билан, кўш қизу йигит билан поэтик жуфтликлардир. Бундан ташқари лирик кўшиқларда беда, бедана, бедапоя тушунчалари кўпинча интим кайфиятларни бадиий ифодалашга хизмат қиладди.

Республикаимизнинг айрим жойларида келин-куёвнинг кўшилишларини ҳам кўш ҳайдашга қиёс қилганлар. Қадимда кўшиқнинг кўш каби оила ва ҳосилдорлик ғоялари билан боғлиқлигига бир хакас ривояти ҳам исбот бўлади: Бу ривоятга кўра, бир пайтлар кўшиқ билганларгина уйланиш ҳуқуқига эга бўлганлар(220. – С. 175).

Академик Б.А. Рыбаков рус эртақларидаги Кошей номи туркий тиллардаги қўшчи сўзидан келиб чиққанлигини, унинг дастлаб ҳосилдорлик ғоялари билан боғлиқ бўлганлигини рус эртақлари таҳлили мисолида жуда яхши кўрсатиб берган. Олимнинг фикрича, Кошейнинг ўлмаслиги, жонининг тухум ёки тухумдаги игнада бўлиши ҳосилдорлик тассавурлари ва ҳар йили кўкламда ўсимликларнинг қайта жонланиши билан боғлиқдир(188. — С.320-323). Бироқ олим Кошей сўзининг этимологик маъноси хизматкор, қул, асир дейдики, бунга қўшилиш қийин. Чунки Л.И. Гумилев маълумотларига кўра, туркийлар қул деганда бегонага бўйсунувчи, бировлар хизматини бажарувчиларни тушунганлар(51. — С.55). Бунда ташқари Кошей ҳақидаги рус эртақларида унинг жони тухумда ёки тухум ичидаги игнада бўлади. Этнографлар, хусусан, Л.Я. Штернберг жаҳон халқлари дунёқарашида тухумдан яралиш универсал мотиви ҳам кенг тарқалганини айтади( 196-С.242). Масалан, ҳинд мифларидан бирида дунёнинг яратилиши шундай талқин қилинади: Дастлаб фақат сув бўлган. Сувдан олов пайдо бўлган. Оловнинг буюк ҳарорати натижасида сувдан олтин тухум яралган. Бу олтин тухумдан биринчи инсон — Браҳма пайдо бўлиб, тухум иккига бўлинган. Бу бўлақларнинг биринчисидан осмон, ер ва улар ўртасида ҳаво пайдо бўлган(61). Бундан маълум бўладики, Кошей жонининг тухумда бўлиши бежиз эмас. Анимизмга ишонган ибтидоий одам ўз жонини бирор хилватга ёки бирор нарсага яшириб қўйиб, ўзи ўлимдан қўрқмай бемалол юраверган( 240. — С.741). Эртақлардаги Кошейнинг ўлмаслиги сири ҳам анимистик тассавурлар натижасидир.

Ушбу мавзумиз учун муҳими шундаки, баъзи рус эртақларида Кошей экиш ва ўрим даврида қаҳрамонга ўз асири бўлмиш маликани вақтинча олиб кетишга рухсат берар экан(188. -С.324). Бундан маълум бўладики, Кошей образи қўшчи, ҳосилдорлик ва у орқали фарзанд культлари билан боғлиқ. Унинг жонининг тухумда бўлиши ва ўзбекларда кўзи ёриган аёлнинг энг аввал

тухум ейиш одати кенг тарқалганлиги ҳам бу фикри-мизни тасдиқлайди. Яна бир муҳим факт: Тарихчи этнограф К.Шониёзов ўтмишда қўшчиларнинг баҳорги шудгор даврида бойларга ёлланиб ишлаган кишилар бўлганлигини айтадики, бу Б.А. Рыбаковнинг Кошей сўзи ҳақидаги қул, хизматкор деган фикрларини ёлланма ишчи деб алмаштиришни тақозо қилади (188. — С.320-323).

Қўш ва қўшчининг ҳосилдорлик культларида муҳим роль ўйнаганлигини фольклоршунос Б.Саримсоқовнинг ўзбекларда кўкламда далага биринчи қўш чиқариш маросимида жиддий аҳамият берганлиги ҳақидаги кузатишлари ҳам қувват-лайди(191. — Б.50-52).

Бизнингча, қўшиқ сўзи ўзагидаги қўш ҳам тарихан ҳосилдорлик ва серпущтлик ғоялари билан боғлиқ бўлган. Аждодларимиз қўшиқни ҳам қўш каби реал мавжудот деб тассавур қилганлар. Жумладан, Ч.Валихонов ёзиб олган ривоятга кўра: Бир замонлар қўшиқ ер узра учиб, одамларни куйлашга ўргатган. У аёлдай инжиқ ва гўзал бўлган. Қўшиқ қайси жойда кўпроқ тўхтаб, қувонса, у ерда одамлар сер-фарзанд ва фаровон яшашган (43. — С.274).

Қизиғи шундаки, туркий халқлар мифологиясида аёллар ва гўдаклар ҳомийси деб тассавур қилинган илоҳа Умай ҳам афсоналардан бирида мифик қуш сифатида талқин қилинади ва осмонда тухум қўяди(23. — С.163). А.Бернштам эса Умайни аёл жинсидаги фантастик мавжудот, оила ўчоғи ва авлодлар давомийлиги ҳомийси бўлган, деб талқин қилади(27. — С.163).

М.О.Косвен фикрича, деҳқончиликни биринчи марта аёллар кашф этишган(120. — С. 62). Тарихда жинсий меҳнат тақсимотига кўра, Марказий Осиёда ҳам эр — овчи, аёл — йиғувчи, кейинча зироатчи ва кулол бўлган(215. —С.315).

Этнографик фактлар ҳосилдорлик культларида аёллар, аёл илоҳалар етакчи роль ўйнаганлигини кўрсатади. М.Алавия: “Маросим қўшиқларининг асосий ижодчилари ва ижрочилари хотин-қизлардир”— деганида тўла ҳақлидир(154. — Б.5).

Бу фактлар барчаси тарихан кўшиқ ва кўш, ҳосилдорлик ва хотин-қизлар аждодларимиз тассавурларида уйғун тушунилганлигини кўрсатади.

Маълумки, **кўш** сўзининг жуфтлик маъноси ҳам бор. Халқимизнинг: “Эру хотин – кўш хўкиз” мақоли жуфтликни, оилани ҳам англатади. “Қадимги туркий луғат”-да **кўш** сўзининг **жуфт**, **тузмоқ** маъноларини учратамиз(58. – С. 460). Шунингдек, **икки** сўзи ҳам кўпинча **кўш** сўзининг синоними бўлиб, туркий тил тарихида эгизаклик-(иккиз)ни ҳам англатган(58. – С. 206-207). Анъанавий дунёқарашда кўш – жуфтлик, Оллоҳдан сўнг Оллоҳ яратган муқаддас ҳодисадир.

Ўзбек кўшиқларида **кўш** сўзининг синонимлари бўлган **жуфт**, **икки**, **жўра**, **эгиз** сўзлари фақат миқдорий маъно англатмай, кўпинча магик аҳамият касб этади ва албатта бирор жиҳати билан севги, оила, фарзанд ғоялари билан боғланади:

*Тўртимда кўрдим тўда гул,  
Қафасда сайрайди булбул,  
Икки юзинг боғдаги гул,  
Ёр мунча зор этдинг мени(7. –Б.275).*

Кўшиқда қатор: тўрт –икки жуфтлик, тўда – бир неча жуфтлик, гул билан булбул, икки юз ва гул, зор этган ёр билан лирик қаҳрамон – жуфтликлар, яъни поэтик параллелизмлар мавжуд ва уларнинг барчаси севги кечинмасини ифодалашга хизмат қилади. Кўшиқларимизда чақалоқни улғайтираётган она кўксининг ҳам кўш булоққа ўхшатилиши тарихан ҳосилдорлик, эгизаклар, жуфтлик культлари билан боғлиқ:

*Уйингнинг олди кўш терак,  
Кийганингиз адрас ипак.  
Тўшдан оққан кўша булоқ,  
Эна даркордир йигитга.*

Мисолимиздаги кўш терак бўлажак фарзанд истагининг яширин поэтик ифодаси бўлса, кейинги мисралар бу ғояни равшан юзага чиқарган. Умуман олганда, тараққиётнинг маълум бир босқичида аждодларимиз жонли, жонсиз ҳамма нарса жуфтликдан иборат ва ҳаёт шу

туфайли давом этади, деб билганлар. Масалан, осмон — ота, ер-она, майин шамол — аёл, изғирин — эр жинсидан деб тушунилган.

Халқ лирикаси намуналарида жўра сўзи ҳам кўпинча жуфтлик маъносини ташийти:

*Дилбарим, ойдек юзингга,*

*Бир жўра холинг бўлай.*

*Кеча ёнингда ётиб,*

*Кундуз гирифтoring бўлай(154. —Б.30).*

Ёр — ёлғиз. Унинг юзига хол бўлиш истаги оила қуриш истагидир. Кўшиқлардаги хол поэтик образи фақатгина гўзаллик рамзи бўлиб қолмай, тарихий асосига кўра, фарзанд орзусини ҳам ифодалайдики, бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз. Жуфтликка алоҳида эътибор, хосиятли деб қараш Кўшсарой, Кўшчинор, Кўштерак каби жой номлари, кўчатларнинг жуфт қилиб экилиши иримларида ҳам сезилади .

Халқ лирикасидаги жуфтлик, жуфтликни кўриш хосиятли белгидир. Бу хосият маълум даражада эгизаклар култи билан уйғунлашиб кетади. Моҳиятига кўра Одам қовурғасидан яралган Момо Ҳово ҳам унинг эгизагидир(173. — Б.18; 61. — С. 75).

Дж. Фрэзер дунёда эгизаклар обу ҳавога, айниқса, ёмғир чақиришга магик таъсир кўрсатиши, эгизаклар нияти ҳар доим ижобат бўлиши ҳақидаги инончлар кенг тарқалганлигини айтади. Эгизак фарзанд кўрганлар ҳам ҳосилга ижобий таъсир кўрсатадилар. Баъзи халқлар инончига кўра, жаҳонда ҳамма ўз эгизаги билан туғилади. Фақат уларнинг бири чақалоқ шериги сифатида бўлади(240.—С.45,69). Л.Я.Штернберг кўпгина халқлар эгизакларнинг бири отадан, иккинчиси руҳ ёки маъбуддан пайдо бўлади деб билганликларини қайд этади(196. — С.144). Туваликларда тарихан фақат эгизакларгина табиблик ҳуқуқига эга бўлганлар(220. — С.99).

Республикамининг кўпгина жойларида ёмғирдан сўнг пайдо бўлган камалакни Ҳасан-Ҳусан дейдилар. Гуё улар ота-она, яъни осмон билан ерни боғлашар экан. Бундай

мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Хусусан, Куръони Каримда борлиқдаги барча ўсимликлар, жониворлар, инсонлар жуфт-жуфт яратилган дейилади. Фақат Оллоҳгина ёлғиздир(272. – Б.25).

Демак, анъанавий дунёқарашда жуфтлик Оллоҳ яратган муқаддас ҳодиса, кўпайиш воситасидир. Кўпайиш эса ҳосил-дорлик культлари, инсон ҳаётининг ҳам туб моҳиятини, мақсадини белгилайди. Жуфтликнинг муқаддаслигига инонч излари ҳозир ҳам мавжуд. Жумладан, деярли барча халқлар никоҳни муқаддас деб билдилар, Арабистондаги кўпгина зиёратгоҳларга фақат эру хотин, яъни жуфт бўлиб кириш мумкин.

Қизиги шундаки, мифларда бирдан икки пайдо бўлгани каби, икки ёки учдан бир ҳам пайдо бўлиши мумкин. Масалан кўпгина мифлар ва қадим Юнондаги айрим файласуфлар талқинига кўра, одам танаси ер ва сувдан, жони эса оловдан яралган бўлиб, ҳаво уларнинг яшаш шартидир(61). Иккидан бир эмас, балки кўп ҳам пайдо бўлади ва бу кўп жонлидир(48). Хитойликларнинг қадим тассавурларига кўра, одамзотнинг биринчи аждоғлари Фу-си ва Нюй-ва ака сингил эгизаклар бўлиб, бошқа барча одамлар шулардан тарқаганлар. Э. Б.Тайлор ва С.А. Токаревлар кузатишларича, Эрон ва туркий халқлари тарихида муҳим ўрин тутган зардуштлиқ дини асосида ҳам эгизаклар ҳақидаги мифлар муҳим ўрин тутди( 213. -С.341-342.).

Араб тили грамматикасида сонлар birlikлар, иккиликлар ва кўпликларга бўлинар экан. Бизнингча, birlik Оллоҳ сифати, иккилик ҳаётнинг давомийлиги асоси, кўплик эса иккиликдан тарқалган жониворлар, ўсимликлар ва барча нарсалар бўлиши керак ва ислом таълимотида кўра, birlik барча сонлардан баланд рақамдир. Куръони Каримнинг «Зумар» – «Гуруҳлар» сураси олтинчи оётида, жумладан, шундай дейилади: «У сизларни жондан(одамдан) яратди, сўнгра унинг жуфтини-(яъни Ҳавони пайдо) қилди ва сизлар учун чорва ҳайвонларидан саккизта жуфтини туширди(яъни дунёга келтирди)( 272. -Б.324).

Танҳолик, биру борлик — Оллоҳагина хос сифатдир. Китобнинг изоҳида саккиз жуфт дейилганда, туя, мол, қўй ва эчки тушунилиши айтилади. Бизнингча улар тўрт жуфтдирлар. Бироқ ҳар бир жинс ўзига қарши жинсга нисбатан жуфтлик бўлгани учун улар саккиз жуфт ҳисобланади(272. — Б.325).

Қадимги туркий ёдномалар, М.Кошғарий асарида келтирилган ва мавжуд халқ қўшиқларининг энг кўп таркалган банд кўриниши тўртликдир. Бизнингча, бу ҳам жуфтликнинг иккилангани сабабли ривожланган, илк қўшиқлар иккиликдан иборат бўлиб, муқаддас сўзлар саналган.

Фольклоршунос олимлар Т.Мирзаев ва К.Очиловлар ўзбек халқ меҳнат қўшиқларини жуда кўҳна ҳисоблайдилар ва уларни тарихан нафақат меҳнат жараёни, балки турли маросимлар билан ҳам боғлиқ бўлган деб талқин қиладилар. Меҳнат қўшиқлари, алла, ёр-ёр, умуман, халқ лирикасининг барча намуналаридаги нақоратларнинг жуфт-жуфт такрорланиб келишилари ҳам эгизаклик-жуфтлик култи билан боғлиқ дейишимиз мумкин. Чунки қадим аждодларимиз турли ундовлар ва сўзларни жуфт-жуфт такрорлашнинг ўзидаёқ қандайдир магик куч, сеҳр бор ва бундай такрорлар ҳомий руҳларга мақбул бўлади деб билишган. Жуфтлик ҳақидаги мисолларни ўнлаб, юзлаб келтириш мумкин. Ислом таъли-моти уларнинг барчасини умумлаштириб, ўз позициясидан жуда тўғри изоҳлайди. Фақатгина Оллоҳнинг ёлғизлиги, барча ўсимликлар, зарралар, ҳодисалар, инсонлар ва ҳайвонлар жуфт яратилгани Куръони Каримда такрор-такрор уқтирилган.

Хўш, бу фактларни келтиришдан мақсад нима? Улар билан халқ қўшиқлари ўртасида бирор боғланиш ёки умумийлик борми? Юқорида қўш, қўшчи сўзининг ҳосил-дорлик културлари билан тарихан боғликлигини айтдик. Шунингдек, бу сўзнинг синонимлари, халқ қўшиқларидаги ранглар символикаси билан боғлиқ маънолари ҳам ҳосилдорлик, севги, оила тушунчалари билан уйғунлашади:

*Оқ олма, қизил олма пишмас экан,  
Икки яхши бир ерга тушмас экан...*

Табиатда оқ олма ҳам, қизил олма ҳам, кўк олма ҳам пишади. Аммо кўшиқда оқ ва қизил олма пишганда эди, жуфтлик қонунига кўра, албатта, икки яхши бир ерга тушар, яъни оила қуришар ва фарзандлар кўришар эди.

Жуфтликнинг муқаддаслиги тушунчаси **кўш** ва **кўшиқ** сўзларининг сийрат маъноларида ҳам маълум даражада сақланиб қолган. **Кўш** сўзининг севги, оила ғоялари билан боғлиқлигини тилимизда мавжуд **бошини бошига кўшмоқ** иборасининг уйлантиришни, **кўшилмоқ** сўзининг қовушиш, интим муносабатни ифодалашидан ҳам билса бўлади:

*Ганжи Қорабоғдан келдим қошингга,  
Кўшармисан бошинг менинг бошимга,  
Гул юзингга, ёрим, яна тўшингга,  
Рухсат этсанг, юзим босмасам бўлмас.*

Анъанавий халқ кўшиқларида ўз жуфтига эга бўлмаган бирор образ, кечинма ёки мисрани учратиш қийин. Халқ кўшиғи эгизак туйғулар, кечинмалар, образлар ифодасидир:

*Қош билан қовоқ ораси нордир,  
Йигитнинг икки муроди бордир:  
Бир муроди — яхши оту яхши тўн,  
Бир муроди — кўнгил суйган ёрдир(154. — Б.188).*

Кўшиқда — қош-қовоқ, икки мурод, яхши от-яхши тўн, кўнгил суйган ёр билан лирик қаҳрамон поэтик жуфтликлари равшан кўриниб турибди.

А.Н.Веселовский поэтик образлиликнинг асоси бўлган психологик параллелизм қонуниятини кашф этар экан, Э. Тайлорнинг анимизм ҳақидаги таълимотига таянган(44. — С. 101-154; 72. — С.122).

Аждодларимизнинг жуфтлик ҳақидаги тассавурлари улар онгсиз равишда психологик параллелизм қонуниятини ҳис қилганликларини кўрсатади. Шу ўринда олимларнинг архаик онг учун бир томондан, нарса-ҳодисаларнинг жуфтлиги, иккинчи томондан, улар ўртасида-



ги қарама-қаршилиқни абсалютлаштириш хослигини қайд этганлиқларини эслаб ўтиш жоиздир(86. – С.43).

Тарихий мифологик дунёқарашга кўра, кўшиқнинг сўзи каби куйи, у билан бирга ижро этилган рақслар ҳам магик-ритуал аҳамиятга эга бўлган.

**Кўшиқларнинг куй ва рақс билан муносабати.** Халқ кўшиғи куй билан бирга туғилади, бирга яшайди ва шу хусусияти билан ёзма адабиётдаги кўшиқ жанрларидан жиддий фарқланади(274. – Б.244).

“Оғзаки анъанада, – дейди А.А.Бонин, – кўшиқ генетик планда куйдан алоҳида туғилмайди, эволюцион планда алоҳида яшамайди, функционал планда алоҳида ижро этилмайди. Куй кўшиқ таркибидаги шеърнинггина эмас, бутун кўшиқнинг структурал элементидир”(236. – С.137).

Кўшиқлар тарихан рақслар билан ҳам бирга бўлган. Ибтидоий хор синкеретизмида сўз, куй, рақсларнинг яхлит-лигини А.Н.Веселовский илмий асослаб берган(44. – С.155-246).

Умуман олганда, халқнинг барча вакиллари мусиқа-шунос эмас, аммо айни пайтда ёш болалардан тортиб, то кексаларгача хиргойи қилишни билади. Хиргойи қилиш халқ кўшиғи ижросида муҳим ўрин тутаяди ва асрлар бўйи халқ мусиқасини аجدодлардан авлодларга етказиб келган.

Халқ қарашларига кўра, кўшиқлар жуда қадим замонлардан куй ва сўз бирлиги меваси эканлиги термаларда шундай куйланади:

*Соз билан суҳбатни ёлғон деманглар,*

*Одам Ота бино бўлгандан бордир.*

*Ҳобил билан Қобил эна қорнида,*

*Улар ер юзига келгандан бордир.(81. Инв. № 449)*

Соз билан суҳбат кўшиқ куйлаш деганидир. Ўзбек ривоятларидан бирида Худо Одам ота вужудини лойдан яратгандан сўнг, унга жон ато қилиш пайтида «Лазги» куйи янграб турган, дейилади.

Ўзбекларнинг тарихий тараққиёт йўли халқ музика меросида ҳам ўзига хос ифодасини топган. Шу сабабли

бастакор И.Акбаров: “Ўзбекистоннинг географик жиҳатдан водийларга бўлиниши музыкада ҳам акс этган” — дейди (265. Т.2. — Б.5).

Халқ қўшиғининг яна бир хусусияти уларнинг тарихан рақслар билан ҳам бирга ижро этилганлиги билан характерланади. “Музыка — сўз — рақс бирлигидаги примитив саънат тил шаклланаётган пайтлар пайдо бўлган” (236. — С.137). Қўшиқларнинг тарихан рақс саънати билан эгизаклиги бизнинг кунларимизда ҳам маълум даражада мавжуд.

“Рақс элементи, — дейди халқ рақс саънатининг билимдони Р.Каримова, — ўзбек музыкаси қўшиқ жанрларининг барчасида бор” (144. — С.166). Олиманинг тадқиқотларида ўйинларнинг тарихан ибтидоий динлар, маросимлар билан боғлиқлиги ҳақида қизиқарли кузатишлар бор. Жумладан, ўтган замонларда парихон, фолбинлар яхши раққосалар ҳам бўлишган ва халқ маросими билан боғлиқ бўлмаган ўйинларни жинлар рақси, деб билганлар (108. — С.16-17).

Ҳозирги халқ рақсларида ҳам магик ва ритуал характерга эга бўлган кўплаб ҳаракатлар сақланиб қолган. Олимлар рақс, музыка, қўшиқнинг илк бор пайдо бўлишини тотем аجدод ҳақидаги тассавурлар билан боғлайдилар (122. — С.61).

Америка ҳиндуларида тотемистик бўри рақси бўлиб, гуё инсонга рақсни бўрилар ўргатган деб билишар экан (199. — С.37). Туркий халқлар анъанавий дунёқарашида ўйин шомонлар учун Коинотга кириб бориш, уни ўрганиш ва ўзлаштириш учун табиий восита бўлиб ҳисобланган (220. — С.134). Н.Я.Бичурин маълумотларига кўра, қадимда Ўрта Осиёда яшаган кўпгина халқлар марҳумларни ҳам сўнгги йўлга ўйин ва музыка билан кузатганлар (28. Т.2. — С.59). Қадимги кишилар тассавурида куй ва поэтик сўз мифик дунё билан боғловчи восита эди (220. — С.180).

Афсоналарда айтилишича, «ёқимли оҳанг жўрлигида куй чалиб қўшиқ айтилганда, мўъжизавий ҳолатлар рўй беради. Мусиқадан сеҳрланган шамол япроқларни ҳил-

пиратишни тўхтатган, узоқдаги қоялар қўшиқ янграётган томон силжиган, денгиз тинчиб қолган, ёввойи ҳайвонлар уяларидан чиқиб, ажойиб созанда ортидан эргашган».<sup>3</sup>

Халқ ўйинларининг тарихан магик-ритуал аҳамият касб этганлигини айрим халқ қўшиқлари намуналаридан илғаб олса бўлади:

*Омон ёр айласанг-чи, омон — ёр,  
Белингни бойласанг-чи, омон-ёр.  
Суйган ёринг келибдир, омон-ёр,  
Очилиб ўйнасанг-чи, омон-ёр(154. — Б.87).*

Очилиб ўйнаш фақат севинч эмас, магик таъсир кўрсатишнинг ҳам ифодасидир. Бел бойлаш эса магик ҳимоя, кўнгилнинг тўқлиги рамзидир. Қўшиқларда ўйин воситасида жуда кўп маънолар ифодаланади:

*У ёнга ташлаб ўйнасам,  
Бу ёнга ташлаб ўйнасам.  
Орқа сочим жамалак,  
Ёнбошга ташлаб ўйнасам(7. — Б.217).*

Ўйиннинг балоғатни англатиши сочининг жамалаклигидан ҳам билиниб туради. Чунки жамалак соч қўшиқларда жинсий балоғат ва интим майлларни ифодалайди:

*Воҳ-воҳ тўрам, босманг жамалагимни,  
Жоним ёрим, қўйворинг билагимни(7. — Б.260).*

Қўшиқларда ўйин ёрдамида ёқтириш ёки ёқтирмасликни ҳам ифодалаш мумкин:

*Жимжима дарё кўйлагинг,  
Менга қараб ўйнагин.  
Мен кўнглингга ёқмасам,  
Ерга қараб ўйнагин.*

Лирик қўшиқларда рақс-ўйин маиший энгилтакликни ҳам англатиши мумкин:

*Мен ҳам ёрим бор деб, юрган эканман,  
Ёрим ўйнар экан, билмас эканман(154. — Б. 65)*

Англашилиб турибдики, ёрнинг ўйини унинг маиший энгилтаклиги ифодасидир. Ўйнашнинг ахлоқ чеғарасидан четга чиқишни билдириши туркий халқлар учун жуда қадимдан хосдир(220.—С.121). Туркий халқлар анъ-

анавий дунёқарашида ўйин дастлаб мархумлар дунёсининг эквиваленти бўлган. Бора-бора ўйинлар байрамларнинг таркибий қисми бўлиб, меҳнатнинг зидди, яъни дам олиш ва яратиш моҳиятига эга бўла борган (220. – С. 120,126).

Ўзбек халқ рақсларида севги, соч, нозу карашмалар магияси соч ёзиш, соч силаш, елка учириниш, қош қоқиш каби кўплаб нозик ҳаракатларда жуда яхши сақланиб қолган.

Қисқа қилиб айтганда, халқ кўшиқларининг тарихан куй билан эгизаклиги ҳозир ҳам мавжуд бўлгани ҳолда, кўшиқлар билан рақслар муносабати барқарор эмас.

**Халқ лирикасининг таснифи масалалари.** Халқ кўшиқларини турлича нуқтаи назардан тасниф қилиш мумкин:

а) иштирокчиларига кўра: аёллар, эрлар, эрлар ва аёллар, болалар кўшиқлари;

б) ижро формаси, композициясига кўра: якка, дуэт, хор кўшиқлари;

в) рақс билан муносабатига кўра: ўйинли ва ўйинсиз кўшиқлар;

г) этнографик жиҳатдан: маросим ва номаросим кўшиқлари;

д) регионал жиҳатдан: Фарғона, Хоразм кўшиқлари ва ҳ.з.

Халқ кўшиқларига энг яқин соҳалар халқ музыка ва рақс саънати ҳамда этнографиясидир. Кўшиқларнинг рақслар билан муносабатини оддий, куй билан муносабатларини сиам эгизакларига қиёслаш мумкин. Бироқ бизда ҳозиргача кўшиқларнинг сўз – вербал компонентини фольклоршунослар, куй қисмини мусиқа фольклори мутахассислари алоҳида ўрганиб келишмоқда ва шу боис улар таснифида фарқлар мавжуд. Ҳолбуки, В.Я. Пропп мусиқа билан муносабатини фольклор жанрларининг муҳим бир хусусияти сифатида қайд этган эди.

М. Алавия тадқиқотларида кўшиқларни жанрий тасниф қилиш муносабати билан кўшиқ ва музыка ҳақида

айрим қайдлар учрайди. Рус фольклоршунослари кўшиқларни куйланиш характерига кўра икки катта туркум: қисқа (частные) ва чўзиқ (протяжные) кўшиқларга ажратадилар(118. – С.117).

М. Алавия ёр-ёр кўшиқлари шўҳ – қисқа ҳамда чўзиб ижро этилишини, иккинчи усул халқ тилида «Наманган йўли» деб юритилишини қайд этган, холос(8.–Б. 192). Ўзбек музика фольклоршунослари халқ кўшиқларини тасниф қилишар экан, В.Я.Пропп, В.Е.Гусев кабиларнинг фикрларини ҳам эътиборга оладилар. Кўшиқларнинг сўз ва куйи, рақс билан муносабатини ҳам унутмайдилар. Жумладан, Ф.Кароматов халқ кўшиқларининг куйидаги таснифини тавсия қилади: маиший, оилавий-маросим, меҳнат, тарихий ва социал норозилик кўшиқлари(109. – Б.161).

Бу таснифдаги маиший кўшиқлар филологик жиҳатдан – мустақил лирик кўшиқларга, оилавий маросим кўшиқлари – маросим, социал норозилик кўшиқлари – ҳажвий кўшиқларга мос келади. Меҳнат ва тарихий кўшиқлар эса фольклоршуносларимиз таснифидан фарқ қилмайди.

Халқ кўшиқларининг музикашунос Л. Салимова тавсия этган таснифи ҳам фольклоршунослигимиз учун аҳамиятлидир(144. – С. 156-175).

Шу ўринда халқ кўшиқларини тасниф қилишда фольклоршунос ва музикашунос олимларимиз биргаликда иш олиб борсалар, биз халқ лирикаси намуналарининг анача мукамал жанрий таснифига эга бўлишимизни қайд этиб ўтамиз.

Ўзбек фольклоршунослигида кўшиқлар таснифига бир неча марта кўл урилган. Шу сабабли улар ҳақида батафсил тўхталмай, ишимиз мақсадидан келиб чиқиб, биз халқ лирикаси, яъни лирик тур намуналари таснифи ҳақидагина сўз юритамиз.

Фольклор асарлари бадиий тасвирлаш усули, ифода-лаш йўлларида ташқари, маиший характерга эга бўлганлиги учун маросимларга муносабати билан ҳам фарқланадилар. Шунинг учун фольклоршунослик фанида оғза-

ки ижод намуналари дастлаб маросим ва номаросим атамалари билан икки катга туркумга бўлинади.

Этнографик принципдан келиб чиқиб, ўзбек халқ лирикаси намуналарини ҳам дастлаб маросим ва номаросим туркумларга бўлиб, маросим поэзияси тизимидаги лирик тур намуналарини тадқиқ объектимишга манба қилиб олганмиз. Маросим фольклорининг яхлит таснифи эса Б. Саримсоқов монографиясида мукамал ёритилган(191. –Б.23-33). Олим таснифидаги тўй ва мотам маросимлари таркибидаги: жар, ёр-ёр, ўлан, лапар, келин салом, куёв салом, тўй олқишлари, йиғи-йўқловлар ва мотам ёр-ёрлари маросим лирикасининг намуналари, аниқроғи, жанрлари ҳисобланади(191. – Б. 31).

Республикамизнинг Хоразм вилояти тўй қўшиқлари регионал хусусиятлари билан жиддий фарқланади. Аввало, Хоразмда ёр-ёр қўшиқлари жуда кам учрайди. Бу, албатта, тарихан Хоразм воҳасининг ўзига хослиги билан боғлиқ бўлиб, ёр-ёрлар у ерда яқин даврларда бир мунча ўзлашган дейишимиз мумкин. Хоразм тўй қўшиқлари йиллар давомида табиий туркумлашиб, қатъий тартибга амал қилади ва асосан, профессионал халқ ижодчилари – халфалар томонидан ижро этилади. Бу қўшиқлар: тўйга ижозат, тўй бошлар, тўй табриги, келиннинг ўз юрти билан хайрлашуви, келинни кутиб олиш, келин-куёв таърифлари, чимилдиқ қўшиғи, халфаларнинг лирик чекиниши, хайрлашувлардан иборат. Ўзбекистоннинг бошқа жойларида юқоридаги қўшиқлар ифода этган маъноларни ёр-ёрлар, келин, куёв саломлар воситасида куйланади. Хоразм тўй қўшиқларига хос хусусиятлардан яна бири шундаки, уларда Хоразм дostonчилиги ва мумтоз адабиётимиз таъсири сезилиб туради(153.– Б.102-112). Аммо, тарихан Хоразм қўшиқлари ва бошқа регионлардаги ёр-ёр қўшиқлари ўртасида бир умумийлик бор. Бу умумийлик шундаки, айтилган қўшиқларнинг барчаси тўй маросими таркибида магик-ритуал аҳамият касб этиб келган.

Фольклор жанрларини аниқлашда В.Я. Пропп тавсия этган жанр поэтикаси, маиший қўлланилиши, ижро

формаси ва музика билан муносабати белгиларига амал қилсак(171. – С.39), маросим поэзиясининг барча лирик тур намуналари – тўй ва мотам қўшиқлари жанрларини ташкил этади.

Фольклоршунослик фанида маросимлар таркибидаги лирик қўшиқларни лирик турга киритиш ёки киритмаслик ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Масалан, К.С. Давлетов бутун маросим поэзиясини лирика доирасида ўрганишни тавсия этади(233.– С. 155-161). Олима А.В.-Торопова эса маросим фольклорини лирика сарҳадларидан бутунлай олиб чиқишни маъқуллайди(53. –С.252-253). Рус тўй маросимлари таркибидаги қўшиқларни тадқиқ қилган Т.М.Акимова: “Умуман, халқ қўшиқларининг асосий қисми лирика намуналари эканлиги бизда шубҳа туғдирмайди”, - дейди(233. – С. 204) .

Ҳар икки нуқтаи назар тарафдорлари маълум бир мантиқга таянадилар. К.С.Давлетов ва Т.М. Акимовалар тўй маросимлари поэзиясининг лирик характеридан, А.В. Торопова қўшиқларнинг маросим таркибидаги компонентлигидан келиб чиқиб фикр юритадилар.

Маросим поэзияси таркибидаги лирик характердаги қўшиқларнинг муҳим хусусиятларидан бири – уларнинг маросимдаги вазифаларидир. Айтайлик, сўзи, куйи айнан бўлган бирор қўшиқ маросим таркибида, албатта, маълум даражада магик-ритуал аҳамият касб этган. Маросимдан ташқарида эса бадий-эстетик аҳамиятгагина эга бўлади.

Ҳозирда хонандаларимиз тарихан маросимлар таркибида бўлган лирик қўшиқларни кўплаб ижро этмоқдалар. Ҳаёт тақозаси туфайли тўй маросим қўшиқлари маросимдан ташқарида мустақил лирик қўшиқларга айланиб бормоқда. Бу фактлар маросим поэзиси, хусусан, маросимлар таркибидаги лирик қўшиқлар номаросим лирикани доимо бойитиб келганлигини кўрсатади.

Рус фольклоршуноси Ю.Г. Круглов маросим поэзияси ва маросим лирикаси тушунчалари тенг эмаслигини таъкидлаб, маросим таркибидаги поэтик асарларни икки гуруҳга ажратади. Булар хусусий ва маросим таркибида-

ги лирик поэзия намуналаридир. Уларнинг фарқи ҳақида олим шундай дейди: “Хусусий маросим асарлари утилитар-магик мақсадларда ижро этилган; лирик маросим асарлари маросим натижаси сифатида пайдо бўлиб, персонажлар(ритуал иштирокчилари) ички дунёсини тасвирлаш оқибатида пайдо бўлган“(123. – С.10-11). Фольклоршунос Б. Саримсоқов юқоридаги каби мунозараларга аралашмаса-да, маросим поэзиясининг катта бир қисмини оғзаки ижоднинг лирик турига киритади(262. Т.1. –Б.66).

Маросим таркибидаги утилитар-магик вазифа бажарувчи поэтик намуналарда ҳам лиризм элементлари мавжуд бўлиши мумкин, аммо бу улар учун етакчи хусусият эмас. Хусусий маросим поэзиси намуналарида турғунлик кучли бўлиб, лирик маросим қўшиқлари контаминация, бадиҳа, трансформацияга мойил бўладилар. Ана шу белгиларга асосланиб, биз утилитар-магик функция бажарувчи халқ поэзияси намуналарига нисбатан, **қўшиқ** атамасини эмас, **айтимлар** сўзини қўллаймиз. Масалан, кинна ё бадик қўшиқлари демасдан, кинна ё бадик айтимлари деб юритамиз. Халқ поэзиясининг намунасига нисбатан, қўшиқ атамаси қўлландими, демак унда лирик кайфиятлар, лирик турга хос хусусиятлар етакчи бўлади.

Ўзбек фольклоршкносларига маълум бўлган меҳнат қўшиқларида ҳам лиризм етакчи хусусиятдир. Фольклоршунос Т.Мирзаев ва К.Очиловлар меҳнат қўшиқларининг дастлаб мавсум-маросим характерига эга бўлганликларини, тарихий тараққиёт туфайли улар кейинчалик ижтимоий маъно, лирик характер касб этганликларини тасдиқлайдилар(22; 140).

Ўзбек халқ меҳнат қўшиқларининг қайси соҳа: деҳқончилик, чорвачилик, касб-ҳунар, боғдорчилик билан боғлиқ бизгача етиб келган намуналарига диққат қилмайлик, уларда севги кечинмалари, оилавий-маиший турмуш ташвишларининг бадий ифодаси етакчилигини кўрамыз:



*Ўнг қобоғим учди-я,  
Сочим белимга тушди-я.  
Улла-булла шу бугун  
Оғам эсимга тушди-я(35. — Б.316).*

Бу ўзбек хотин-қизларининг тўн бичиб, тикаётган-ларисида айтилган қўшиқлардан бир намуна. Ўнг қобоқ учиши — хосиятли ирим. Белга тушган соч эса балоғат рамзи. Тўн тикиш жараёнининг ўзи оила қуришга тайёр-гарлик, ёрга етиш истагидир.

К.Р.Мегрелидзе иримларни мифологик-магик тафак-курнинг қолдиқлари деб биледи ва ҳаёт тақозаси туфай-ли иримлар фақат турмушда эмас, балки шеърятда ҳам қайта жонланиши мумкин деб, ҳисоблайди(62. —С.13). Биз бу фикрга (қолдиқдан сўзидан ташқари) қўшилган-нимиз учун бутун тадқиқот давомида халқ иримларига мурожаат қилиб борамиз.

Меҳнат қўшиқларидаги баъзи иримларнинг поэтик ифодаси жониворларга онгли мавжудот сифатида муро-жаат қилиш, майда, Одам Ота, Хўжаи Хизир, Бобо Деҳқон, Занги ота каби образларнинг қайта-қайта тилга олиниши, ўтмишда магик қудратли деб тушунилган на-қоратларнинг жуфт-жуфт такрорланишлари ҳам улар-нинг тарихий асослари қадимий даврлар, ҳосилдорлик культлари билан боғлиқлигини кўрсатади. Бора-бора бу образлар кишиларнинг тўкин турмуш, бахтли севги ва серфарзанд оила истақларини бадиий ифодалашга хиз-мат қилган(35.—Б.272-320). Шунингдек, меҳнат қўшиқ-ларидаги ўсимликларнинг жонли деб тассавур қили-ниши фақат онгли кўчимлар натижаси бўлмай, қадимги анимистик тассавурлар рудиментлари ҳамдир.

Ўзбек халқ лирикасининг тарихий илдизи қадим та-савурлар, хусусан, шомонлик дунёқараши билан боғ-лиқ яна бир жанр борки, бу профессионал халқ ижод-чилари, бахши-шоирлар, термачилар, халфалар репер-туаридаги терма жанридир.

Профессионал ижодкорлик халқимиз дунёқарашида Худо берган салоҳият ҳисобланади. Шу сабабли бахши-шоирларнинг ижоди ҳақида кўплаб ривоятлар, у билан

боғлиқ ирим ва маросимлар борки, улар анъанада ижодкорликнинг руҳлар дунёси билан боғлиқлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Халқ бахшиларининг репертуари, асосан термалар ва дostonлардан ташкил топган(138). Шу сабабли халқ термаларини эпик поэзия билан лирик поэзия ўртасидаги бир босқич дейиш мумкин(146). Фольклоршунос Б.Саримсоқов ўзбек халқ термаларини оғзаки ижоднинг эпик турига киритади(261. Т.1. –Б.66).

Бизнинг кузатишларимиз термаларнинг катта қисмида лиризм етакчилигини кўрсатади. Шунга асосан лирик характердаги термаларни халқ лирикаси таркибига киритамиз.

Энди соф лирик қўшиқлар ҳақида: Олима В.И. Еремина халқ лирик қўшиғини нисбатан кейин пайдо бўлган жанр ҳисоблайди, аммо унда узоқ ўтмишнинг излари мавжудлигини, лирика образлари қайта-қайта мушоҳада қилинганлигини, ҳозир ҳам маълум даражада мифологик тафаккур билан боғлиқлигини инкор этмайди(62).

Фольклористик нуқтаи назардан рус фольклоридаги соф лирик қўшиқларга Н.П. Колпакова шундай таъриф беради: “Халқ анъанавий қўшиқ жанрларининг бошқа кўринишларидан фарқли равишда, биз крестян турмушининг барча соҳаларида эркин куйланадиган, ўйин, бирон маросим билан боғлиқ бўлмаган намуналарни лирик қўшиқлар деб атаيمиз”(118. – С.12).

Олиманинг ушбу таърифидаги крестян атамасини ўзбек халқи бирикмаси билан алмаштирсак, ўзбек халқ лирикасининг яна бир жанри таърифига эга бўламиз. Шунингдек, биз Н.П. Колпакова ва Д. Қозоқовларнинг ҳажвий қўшиқларни ғоявий-социал йўналиши, кишиларнинг ички муносабатларини ифодалашига кўра мустақил лирик қўшиқлардир, деган фикрларига қўшила-миз(102).

Бу жанрларнинг ҳаммасида лирик характер етакчи хусусият касб этади. Шу сабабли лирик қўшиқларнинг бир жанрини ҳозиргача лирик деб юритиш чалкашлик туғдиради. Аслида бу жанрда севги мавзуи ва оилавий

муносабатлар, турмуш ташвишлари ифодаси биринчи ўринда туради. Уларни лирик кўшиқлар эмас, лирик кўшиқларнинг ички ишқий-маиший турлари деб атасак мантиқан тўғри бўлади.

Тилга олинган лирик тур жанрларига алла, болалар фольклори тизимидаги лирик кўшиқларни ҳам киритсак, ўзбек халқ лирикасининг қуйидаги маълум бир жанрий таснифига эга бўламиз:

Ўзбек халқ лирикаси:

а) маросим лирикаси: тўй ва мотам кўшиқлари;

б) номаросим лирика: меҳнат кўшиқлари, аллалар, термалар, ишқий-маиший кўшиқлар;

в) болалар фольклоридаги лирик кўшиқлар.

Халқ лирикаси намуналарини оммавий ва академик нашрга тайёрлашда бу жанрларни ғоявий-тематик жиҳатдан яна ички гуруҳларга бўлиш мумкин. Бизнинг монографиямиз учун бундай зарурият йўқ. Шунингдек, мавзуимиз доирасини лирик тур намуналари билан чеклаб олганимиз учун эпик ва лиро-эпик турга мансуб кўшиқларга ҳам тўхталмаймиз (274. – Б. 244).

Айтилган фикр-мулоҳазалардан сўнг мазкур бўлимга қуйидагича хулосалар айтишни лозим топдик:

1. Халқ лирикаси оғзакилиги, коллектив ижод маҳсуллиги, анъанавийлиги, вариантлилиги, лирик «мен»нинг характери, музика билан муносабати ва тарихий асосларига кўра ёзма адабиётдаги лирик турдан жиддий фарқланади.

2. Кўшиқ қадимий соф туркий сўз бўлиб, унинг ўзаги кўшдир. Анъанавий дунёқарашда кўшиқ лирика каби архаик диний тассавурлар, ҳосилдорлик, жуфтлик, оила, фаровон турмуш ғоялари билан боғланган. Кўшиқнинг сўзи, куйи, у билан бирга ижро этилган рақслар тарихан магикритуал аҳамиятга эга бўлган.

3. Тарихан хор синкретизмида пайдо бўлган кўшиқ ҳозир-гача куй билан бирлигини барқарор сақлаб қолган.

4. Ўзбек халқ лирикаси намуналари маросим таркибида ва мустақил ижро этиладиган кўшиқлардан иборат

бўлиб, жанрий жиҳатдан: тўй ва мотам қўшиқлари, меҳнат қўшиқлари, аллалар, термалар, ишқий-маиший қўшиқлар, болалар фольклори таркибидаги лирик қўшиқлардан иборат.

5. Бадиий-эстетик ҳодиса сифатида анъанавий поэтика, образлар тизимига эга бўлган, куй билан бирга туғиладиган, онгимиз ва ҳиссётларимизга таъсир кўрсатадиган шеърий намуналарга халқ қўшиғи дейилади.

## II. БЎЛИМ. ЎЗБЕК ХАЛҚ ЛИРИКАСИДА ТОТЕМИСТИК ВА ШОМОНЛИК РУДИМЕНТЛАРИНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ

**Тотемизм ва қўшиқ.** Халқ лирикаси оғзаки ижоднинг бир тури сифатида шаклланиб, ривожланиб, қарор топгунча узоқ тарихий даврларни босиб ўтган. Бу тарихий қатламлар халқ қўшиқларида турли даражада из қолдирган. Бу изларнинг баъзиси ҳақида аниқ фикр айтиш мумкин бўлса, баъзилари ҳақида аналогик хулосаларгагина келиш мумкин. Масалан:

*Чимилдиқнинг учуда,  
Даста қошиқ, ёр-ёр,  
Келинчакни сўрасанг,  
Олтин ошиқ, ёр-ёр(153. —Б.25).*

Қўшиқдаги даста, яъни жуфт қошиқ магик аҳамиятга эга бўлиб, келин-куёв ризқи бутун бўлсин, деган иримни англатишини ҳозир ҳам кўпчилик яхши билади. Аммо келинчак нима учун айнан **олтин** сифатлаши билан таърифланмоқда?

Н.Я.Бичурин Ўрта Осиё территориясида қадим замонларда яшаган халқлар олтиндан кўп фойдаланганликларини, марҳумларни ҳам олтин буюмлар билан кўмиш одати бўлганлигини айтади(28. Т.I. — С.283). Олтин фетишлар тарихида ҳам муҳим роль ўйнаб, бу металл илоҳий кучга эга деб тасавур қилинган. Олтин тарихан куёш култи билан ҳам боғланади. Рус сеҳрли эртақларининг тарихий илдизларини ўрганган В.Я. Пропп эртақларда: “Олтин ранг ўзга дунё муҳридир”, — дейди(169. —С. 225). Демак, мисолимиздаги **олтин** сифатлаши ҳам тарихий асосларига кўра, келиннинг ўзга дунё, ўзга уруғ ёки оила вакиласи эканлигига ишорадир.

Туркий халқлар анъанавий дунёқарашида ҳам ўзга уруғ вакиллари бошқа олам аъзолари ҳисобланган(220. —С. 13-

26). Демак, қўшиқдаги олгин сифатлаши тарихий асосига кўра, келинчакнинг ўзга дунё вакиласи эканлигига ишора бўлиб, поэтик жиҳатдан уни идеаллаштиришга хизмат қилади. Яна бир мисол:

*Йиғлама қиз, йиғлама,*

*Тўй сеники, ёр-ёр.*

*Остонаси тиллодан*

*Уй сеники, ёр-ёр.*

Поэтик жиҳатдан олгин сифатлаши келин-куёв яшайдиган уйни идеаллаштириб келмоқда, тарихий илдизига кўра, қиз-нинг ўз уйи — қизлик дунёсидан, оналик оламига бораётган-лигини билдиради. Остона қадимги барча халқларда икки дунё чегараси, руҳлар келадиган жой ҳисоблангани учун славянлар сафар олдидан остонада бир паст ўтирсалар, ўзбеклар, остонани босишни гуноҳ ҳисоблайдилар, унинг устида сўрашмайдилар.

Фольклоршунос Т.Мирзаев ўзбек фольклорида бевоқиф тарихий воқеалар, шахслар билан боғлиқ тарихий қўшиқ жанри ривожланмаган, дейди. Бунга сабаб, В.Я.-Пропп айтганидек: "...ўта аниқ мазмундаги қўшиқларнинг кўп яшамаслиги" бўлса керак(181.—С. 23). Бироқ бу фикрлар халқ лирикасида тарихнинг турли қатламлари ўз изларини қолдирганликларини инкор этмайди. Муҳими, бу изларнинг қай даражада ва қандай поэтик кўчимлар, воситалар билан ифодаланганлигидадир:

*Тоғда қулон изи бор,*

*Қумда қуён изи бор.*

*Бой буванинг уйида*

*Нортуядек қизи бор.*

*Сийналари пахтадай,*

*Ягринлари тахтадай.*

*Уни кўрган новчалар*

*Тикилишар ахтадай(154. — Б. 195).*

Ташқи маъносига кўра, новчани бўйи узун одам деб билсак, бой қизига пакана ё ўрта бўй одамлар қарамай-дими, деган табиий савол туғилади?

Тарихчи К. Шониёзов халқ тарихидаги новчалар

ҳақида: “Новча — комплекс қишлоқ хўжалиги ишлари учун тўққиз ой муддатга ёлланган одам”, — деб маълумот беради(246. — С. 289). Мисолимиздаги **новчалар** эрта баҳордан кеч кузгача бой ёллаган одамлардир. Шунингдек, тарихда жинсий безлари олиб ташланган эркаклар, ҳайвонлар **ахта** дейилган(259. Т.І. — Б. 64).

Тўққиз ой оиласига бора олмаган, истагу бору аммо иложи бўлмаган кишиларнинг **нортуядек, пахтадек, тахтадек** сифатли бой қизига **ахтадай** тикилишлари табиий бир ҳолдир.

*Майда ўзи ҳўптирган,  
Уйда хамир кўптирган.  
Бойни бозор жўнатиб,  
Новчасига ўптирган.*

Кўшиқдаги **майда** — кузги дон янчишни, **ҳўптириш, кўптириш** ва **ўптириш** эротик майллар ҳамда бойваччанинг энгилтаклигини, **новча** эса ёлланган кишини англатади. Кўшиқ мазмунидан новчаларнинг дала ишлари билан бир қаторда уй юмушларини ҳам бажаравергани, бу эса бойнинг энгилтак хотинига жуда қўл келганлиги англашилиб туради. Кўриниб турибдики, мисолимизда тарихий, этнографик ҳодисалар билан бадиий кўчимлар уйғунлашиб кетган.

Биз ўзбек халқининг шаклланиши тарихи каби мураккаб масалани ёритишни мақсад қилиб олмаганмиз. Шунингдек, мустақиллик туфайли ўзбек давлатчилиги ва Ўзбекистон халқлари тарихи ҳақида янги-янги илмий асарлар яратилганини алоҳида қайд этиб ўтамиз. Аммо монографиямиз мавзуси муносабати билан айрим фикрларга тўхталиб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз.

Тарих фанига оид адабиётларда XI — XII асрлар туркий тилда сўзлашувчи элатлардан ўзбек халқи шаклланиши кучайганлиги, гарчи улар ўртасида уруғ-жамоа лаҳжаларининг таъсири кучли бўлса ҳам, умумўзбек тили асосан қипчоқ, ўғуз, қарлуқ — чигил шевалари шаклланиши айтилади. Кўпгина олимлар, жумладан, К. Шониёзов ўзбек атамаси халқ номи сифатида XVI — XV асрларда тўла қарор топди, дейди(246.— .77). Тилшунос

Б. Исабеков эса ўзбеклар ва тожикларнинг халқ сифатида қарор топишини бир давр X-XII асрлар билан боғлайди.

Бизга маълум бўлган рус ва Оврупо тарихчилари асарларига диққат қилсак, айрим муаллифларда Марказий Осиё халқлари маданиятини камситиш ёки атайлаб юзаки ёритишга мойиллик сезамиз. Ҳолбуки, археологик изланишлар бу заминда аجدодларимиз ярим миллион йилдан буён яшаб келганлигини кўрсатади. «Қадимий туркийларнинг инсоният тарихидаги улкан аҳамиятини» эътироф этган машҳур тарихчи Л.Г. Гумилев 545 йил турклар учун халқ пайдо бўлган давр ва VI асрда турклар ўзларини бир халқ деб билганликларини холис тан олади (51.—С.6, 26, 147). Академик А.Ю. Якубовский «Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида» номли рисоласига яқун ясаб шундай дейди: «Юқорида баён этилган фикрлар «ўзбеклар» номи устидаги соф формалистик мулоҳазаларни енгиб, XVI асрга қадар Ўзбекистон тупроғида бўлган бутун турк элементларига қадимги ўзбек терминини қўллаш учун бизга ҳуқуқ бермасми экан? Менимча, албатта беради» (255). Олим «соф формалистик мулоҳазалар» деганда В.В. Бартольд каби тарихчиларнинг «Темурийлар ўзбекларни енгдилар» (том V. — М.: 1968. — С.183) каби фикрларини назарда тутади. В.В. Бартольд, Ҳ. Вамберилар **ўзбеклар** деганда, бу халқнинг фақат қипчоқ этник қатламини тушунганлар.

Тарихчи-этнограф К. Шониёзов қипчоқлар ҳақида қадимги хитой солномаларида эрамиздан аввалги 203 йилда маълумотлар борлигини, қарлуқ атамаси Ўрхўн — Энасой ёдгорликларида учрашини қайд этади. Ўзбек фольклоршунос олимлари, хусусан, Т. Мирзаев «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари» китобида ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпоси X-XII асрларда шаклланган, деган хулосага келади.

Мустақиллик даврида бу дoston 1000 йиллигининг ЮНЕСКО ҳамкорлигида жаҳон миқёсида нишонлангани ҳам бежиз эмас. Ана шуларга асосланиб, биз ўзбек



халқ лирикаси ҳам тахминан шу даврларда шаклланиб бўлган, дейишимиз мумкин.

Туркий халқларнинг бизга маълум қўшиқларининг энг қадимий намуналари XI аср олими Маҳмуд Кошгарийнинг «Девону луғотит турк» асарида келтирилган мисоллардир. Аммо улар ҳам қачондан бошлаб яратилганлиги номаълум. Гарчи қадимий қўшиқлар бизгача етиб келмаган бўлса-да, мавжуд анъанавий қўшиқлар ёрдамида улар ҳақида баъзи фикр-мулоҳазаларни айтиш мумкин.

Ўзбек халқ лирикаси намуналарида аналогик хулосалар айтиш имконини берадиган архаик дин формаларидан бири **тотемизм**дир. Халқ маиший турмушида тотемизм билан боғлиқ айрим иримлар сақланиб қолганлиги халқ қўшиқларида ҳам унинг рудиментлари бадиий ифодалари мавжуд эмасмикан, деган табиий саволни туғдиради.

Аввало, тотемизм ҳақида қисқа изоҳларга тўхталсак.

**Тотемизм** атамаси Шимолий Америка ҳиндулари тилидан ўзлашган бўлиб, луғавий маъноси — **унинг уруғи** демакдир (19. — С.448). Баъзи манбаларда **тотем**, **тотам** сўзлари ҳиндулар тилидаги **ака ё сингил билан қариндошлик**ни билдиради, дейилади(56.— С.20-21).“Тотемизм атамаси билан,— дейди С.А.Токарев, -қабиланинг эр ёки аёл уруғи бўйича ҳар бирининг ўз сирли туғишган тотем борлигига ишонч тушунчалари қабул қилинган”(212. — С.51).

Қадимда қабилалар ўз тотемларига кўра, уруғ-аймоқларга бирлашганлар. Ҳар бир уруғ-аймоқ ўзининг келиб чиқишини бирор предмет, ўсимлик, кўпроқ ҳайвон билан боғлиқ деб билган(212. — С.382). Одамлар инсон ўлиши билан унинг жони тотемга ёки тотем ўлиши билан тотем жони тотем вакилларига кўчишига ишонганлар(169.—С.155). Демак, тотемизмнинг ғоявий асоси реинкарнация (жоннинг кўчиб юриши, эврилиш) ҳодисасига ишончдан иборатдир. Тотемларнинг пайдо бўлишида одамзотнинг табиий жинсларга бўлиниши ҳам муҳим роль ўйнаган ва бу ўз навбатида жинсий тотемизмни пайдо қилган.

Дж. Фрэзер тотемистик қарашлар асосини аёлларнинг тасаввурлари билан боғлайди: Гуё аёллар фарзанд кўраётганларида бирор тотем руҳи бачадонга кириб, туғилажак бола тотеми бўлган(240.—С.664). Фанда кўпгина олимлар тотемизмни жаҳондаги илк дин формаси деб талқин қилганлар(56.— С. 20; 166.— С.14 ва ҳ.з.). Ўзбек эртақшунослигида К. Имомов, Ғ.Жалолов, Х.Эгамовлар эртақларимиздаги тотемизм изларини маълум даражада тадқиқ этганлар (67; 82; 250).

Эртақлар даражасида бўлмаса-да, қўшиқларнинг айрим намуналарида ҳам тотемизм рудиментлари ифодаси сақланиб қолган. Бизнингча, халқ қўшиқларида ёввойи, ваҳший ва уй ҳайвонларининг ижобий талқини, уларнинг образи орқали ички кечинмаларни ифодалаш саънати тарихий асосига кўра, тотемистик инончлар ва жониворлар култи билан боғлиқ. Шу сабабли кўпгина меҳнат қўшиқларида маданийлашган, ҳайвонлар, масалан, сигир онага қиёсланади, оила ҳомийси, тўкин яшаш сабабчиси деб талқин қилинади. Шахсан ўзимиз 1973 йилда Сурхондарё вилоятидан қуйидаги нақорат такрорланувчи соғим қўшиғини ёзиб олганмиз.

*Онажоним, ҳўш —ҳўш,*

*Моможоним, ҳўш-ҳўш.*

Илмий адабиётлар туркий халқлар тарихида айиқ, бўри, буғу, бургут, илон, от, оққуш, сувсар, қўй, эчки, ҳўкиз, дарахт ва ҳ.з. тотемларга инонч бўлганлигига гувоҳлик беради(122. — С.75; 215. — С. 223; 226; 220. — С. 35, 38).

Ўзбек фольклорида тотемизм рудиментларининг бадий ифодаларидан бири бўри образи билан боғлиқ. Ўтмишда жуда кўп уруғ— қабилалар бўрини ўз тотеми — илк ажлоди деб билганлар. Академик А.П.Окладников бўри култи Марказий Осиё ва Шимолий Америкада тош асридаёқ мавжуд бўлиб, қадимги туркийлар бўрини осмон билан боғлаганлар, дей-ди(231.— С.72). Тарихчи Л.И.Гумилев У I асрда бўри номи туркийлар учун муқаддас бўлиб, ривоятга кўра, туркийлар хунн шаҳзодаси билан урғочи бўрини илк ажлоди деб билганликларини

ва ўз байроқларини олтин бошли бўри тасвири билан безаганликларини ёзади(51. – С.21-23).

Байроқдаги тасвирнинг олтин сифати туркийлар илк аждодини ўзга олам – осмон билан боғлаганликларининг рамзидир. Туркийлар давлатининг асосчиси Ашино, унинг аждоди хунн шаҳзодаси ва урғочи бўри ҳақидаги афсонани биз тўлалигича Н.Я.Бичурин асарида учратамиз(28. Т.І. – С.221-222). Бу афсона жаҳонда шу қадар кенг тарқалганки, айрим ўзгаришлар билан Э.Тайлорнинг «Ибтидоий маданият» асарида ҳам келтирилган(208. – С. 127).

Бўрининг кейинча миллат сифатида шаклланган туркий халқлар тарихида тотем бўлганлигини уйғурларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги афсона ҳам тасдиқлайди: Хунн шоҳи гўзалликда тенгсиз икки қиз кўрди. Уларни ер фарзандларига лойиқ кўрмай, осмон худоларига бериш учун кимсасиз жойдаги баланд қасрда сақлайди. Аммо бир кекса бўри қасрга йўл топиб, кичик қиз билан қўшилади. Улардан туғилган ўғил авлодлари кўпайиб, катта давлат тузадилар(28. Т.І. – С.215). Бу афсонада халқимиздаги қарши қудаликка ўхшаган бир хусусият бор, яъни Ашино хунн шаҳзодаси билан урғочи бўридан туғилган бўлса, уйғурлар аждоди аксинча, шоҳ қизи билан эркак бўридан тарқалган деб талқин қилинади. Бу эса юқорида айтганимиз тотем инсонга, инсон жони тотемга ўтиши мумкин деган хулосани тасдиқлайди.

Л.Н.Гумилев туркийларда бўри тотемига инонч излари УІ аср сўнги УІІ аср бошларидаёқ соф холда учрамаслигини айтади(51. – С.82).

Ўзбек халқ лирикасида ҳам тотемизм рудиментлари излари диннинг бошқа архаик формалари таъсирига нисбатан жуда кам учрайди. Бўри тотемига инонч халқ иримлари, қўшиқ намуналарида кучсиз бўлса-да, сақланиб қолган:

*Чопингани бўридай,  
Бўриларнинг зўридай.  
Йигит бўлар чироғим,  
Ўзи эрнинг эридай.*

*Алла болам, алла,  
Жоним болам, алла (7. — Б.285).*

Мазкур алла намунасида бўрининг ижобий талқини, фарзанднинг зўр бўридай бўлиши орзусида бўри тотемининг бадиий ифодаси мавжуд десак, хато бўлмас. Ёки мана бу қўшиққа диққат қилайлик:

*Ўлан айтсам, ўланчи дейди мени,*

*Йўлда ётсам, оч бўри ёйди мени.*

*Оч бўрининг оғзига қилдан арқон,*

*Йигирмага киргунча юрдим дархон(49. — Б.172).*

Ҳаётда ақли-хуши ўзида бўлган аёл йўлда думалаб ётмаганидек, ҳид сезиш қобилияти кучли бўлган бўри ҳам мумкин қадар инсон йўлларида четлаб юради. Қўшиқдаги бўри поэтик образ бўлиб, тарихий асосига кўра, тотемизм билан боғланади ва маъжозий маънода эр кишини англатади. Унинг очлиги ҳам физиологик ҳодиса эмас, балки психологик кайфият, интим муносабатга ташналикдир. Қилдан қилинган арқон соч магияси билан боғлиқ бўлиб, йигирмагача дархон юриш, ёш турмуш қурмаганлик, яъни эр — бўри ихтиёрига тушмасликдир.

Халқ дostonларида эпик қаҳрамонлар ўз душманларига «оч бўридай дорийди»лар. Бу ҳам очлик эмас, маъжозий маънодаги шиддат, жасурлик ифодаси, бўри тотеми таъсирдир.

Фольклоршунос Т. Мирзаев Чимкент вилояти Султонработ қишлоғидан 1969 йил Ойимбуви Абдурасуловдан ёзиб олган мана бу қўшиқда тотемизм асоратлари яққол сезилиб туради:

*Бўри деган баковул,*

*Баковулга ким тегар?*

*Тулки деган ясовул,*

*Ясовулга ким тегар?*

*Айиқ деган отамиз,*

*Отамизга ким тегар?*

*Қашқир деган немиз,*

*Уни босиб еймиз.*

Туркий халқлар тарихида айиқ тотеми ҳам жуда ри-

вожланган. Шунингдек, этнографик адабиётларда бир тотем вакиллари душманлик мақсадида бошқа гуруҳ тотемларини еганликларини айтилади.

Олимлар фикрича, қадимда бир уруғдан тарқалган турли аймақ вакиллари фратирийларга бирлашганлар. Бунда бош уруғ ва унга яқин уруғлар тотемлари бўйича ҳам бирлашганлар(120. – С.105). Шунингдек, уруғлар бирлашмаси билан бошқа бирлашма ўртасида доимий зиддият мавжуд бўлиб, биз тушунчаси доимо уларга қарши қўйилган(220. – С.14). Ана шу жиҳатлардан қаралса, қўшиқдаги айиқ – бош уруғ тотеми, бўри, тулки – фратрий тотемлар, қашқир – душман тотем ифодасидир.

Анъанавий ўзбек халқ лирикасининг асл мағзини севги, оила, фарзанд ҳақидаги ўй-фикрлар, қалб кечинмалари ташкил қилади. Қўшиқлардаги тотемизм рудиментларининг бадиий ифодалари ҳам ана шу ғояларни ифодалашга хизмат қилади:

*Юқоридан тушиб келсам,*

*Икки бўрининг изи.*

*Кўнглимни олиб кетди,*

*Шу қишлоқнинг бир қизи.*

**Юқоридан тушиб келиш** тарихан тоғ култи билан боғлиқ ва бу култ туркийлар турмушида ҳам кенг тарқалган(212.– . 602-611). Бу култ тасаввурларига кўра, ҳөмий руҳлар қир, тепа, ғор, баландликлар – **юқорида** яшайдилар. Бўри – туркийлар тотеми. Иккилик магик рақам – жуфтнинг синонимидир. Икки бўрининг изи парциал магия қонуниятига кўра, жуфт бўрининг ўзига тенг бўлиб, тотемларни жуфт кўрган киши ҳам тез орада ўз жуфтига етишмоғи, яъни оила куриши мумкин.

Из магиясига инонч бутун жаҳонда бор. У қадимий ва барча халқаро динлар таълимоти таркибига кирган. Жумладан, Қуръони Каримнинг «Тоҳа» сурасида Сомирий Жаброил изи тушган тупроқдан бир сиқим олиб, бузоқ ҳайкалчасига сочганида, ундан тирик бузоқ каби овоз чиққанлиги айтилади(272. – Б.218). Демак, Жаброил изига унинг жон бахш этиш хусусияти кўчади. Тарихий асоси-

га кўра, мисолимизда бўрилар изида тотем хислатлари бор.

Бўри тотеми реликтининг мавжудлигини ва оила, фарзанд тушунчалари билан боғлиқлигини республика-мизнинг баъзи жойларида фарзандсиз аёлларнинг бўри тишини тақиб юриш одатлари ҳам тасдиқлайди. Галлаорол туманидаги ўрта ва кекса ёш кишиларнинг айтишича, келин-куёв ва чақалоқ чилласида хонадонга бўри келса, бундай пайт «бўри чилла» дейилади. Хатирчиликлар ёнида бўри тиши бор одам кўрқмасликларига ишонганлар. Бўри тиши теккан жониворлар гўштини ейиш келин-куёв, чақалоқ, фарзандсиз аёллар учун фойдали ҳисобланган.

Халқимизда бирор вазифани бажаришга кетган кишидан: «Бўримисиз, тулки?» – деб сўраш одати ҳам бўри тотемининг рудиментларидир. Бу саволга **бўри** деб жавоб бериш, иш ўнгидан келганлигини билдиради. Ўзбеклар орасида кенг тарқалган Бўрибой, Бўритош, Бўригул каби исмлар ҳам бўри тотеми билан боғлиқ. Чунки кишилар исмлари тарихи инсоният тарихи, этнографияси билан бевосита боғлиқ ва қадимда бутун жаҳонда инсон исмида унинг тақдири кодлашганига ишонганлар(46).

Туркий халқлар тарихида бўри тотеми саънатнинг деярли барча соҳаларида ўз ифодасини қолдирган(221.— С. 98-117). Шу муносабат билан мустақиллик туфайли қайта жонланаётган қарсақ ўйинлари ҳақида тўхталиш зарур.

Фольклорчи-саънатшунос олим М.Қодиров қарсақни IX-X асрлардаёқ Абу Наср Форобий музыка ижрочилигининг бир тури сифатида қайд этганлигини айтади. Шунингдек, у Ҳ.Т. Зарифовнинг тезисларига асосланиб, **қарсақ** – **курсоқ**, яъни **бўри** сўзининг синонимидан пайдо бўлган, қарсақ ўйини бўри тотеми билан боғлиқ, деган фикрни ишонарли асослаб беради.

Бўрининг айрим шеваларда **қарсоқ** деб юритилиши халқ кўшиғи намуналарида сақланиб қолган:

*Қамчи бўйи қор ёғса,  
Қарсоқ йўртар, ёр-ёр.  
«Обло, болам қайда?» – деб,  
Отанг йўртар, ёр-ёр.*

Қамчи бўйи қор - қалин, тизза бўйи ёққан қорнинг бадий ифодаси, бўри отанинг поэтик жуфтидир. Бу поэтик параллелизм тотемизм рудиментининг кўшиқдаги поэтик кўринишидир. Ҳозирги қарсақ ўйинларининг асослари жуда қадимий бўлиб, қадимги овчилар, бўри тотеми ва зардўштийлар рақсидан келиб чиққан.

Диншунос С.А. Токарев ҳам тотемизм илдизларини қадимги кишиларнинг овчилик фаолиятлари ва ўзларини табиат билан бир деб тасаввур қилишлари билан боғлайди.

М. Қодиров қарсақ ўйинларининг характери ҳақида шундай дейди: «Қарсақ ўйинлари билан ижро этиладиган жуда кўп кўшиқлар, яллалар бор. Уларда, умуман халқ кўшиқларига мос бўлган барча мавзулар учрайди. Қарсақ яллаларининг халқ кўшиқларидан биргина фарқи шундаки, уларда шўх, характерли, чертиб танланган нақоратлар бўлади»(270. – Б. 98).

Қарсақ ўйинларида айтиладиган кўшиқлар лирик кўшиқларнинг айнан ўзи бўлиб, ижро услуби жиҳатидангина фарқланадилар. Фикримиз исботи учун 1985 йилда Самарқанд вилояти Булунғур туманида ташкил этилган «Чавқи» фольклор-этнографик дастаси репертуаридан ёзиб олинган кўшиқларимиздан бир неча мисол келтирсак:

Якка қарсақ:

*Эшик олди музгина,  
Музда ўйнар қизгина.  
Кимнинг ёри бўласиз,  
Чит кўйлакли қизгина.*

Кўш қарсақ:

*Бордим дарё бўйига,  
Кирдим ёрнинг қўйнига.  
Кирган бўлсам қўйнига,  
Шерик бўлай тўйига.*

Уч қарсак:

*Боққа кирдим оралаб,*

*Олма уздим саралаб.*

*Чол йўрғалаб ўйнаса,*

*Кампир қарар мўралаб.*

Кўриниб турибдики, қарсак қўшиқлари халқ лирикасининг энг кенг тарқалган вазнида яралаган ва образлари ҳам анъанавийдир. Кузатишларимиз қарсак қўшиқлари катта бир туркум бўлиб, иккиликдан то ўн иккиликгача туркумчалардан ташкил топганлигини кўрсатади.

Бўри тотеми туфайли болаларнинг бўри келди ўйини, катталарнинг кўпқари мусобақалари ривожлангани ҳақидаги М. Жўраевнинг куйидаги фикрлари алоҳида эътиборга лойиқдир: «**Кўпқари**» сўзи ҳам аслида «**кўкбўри**» бўлиб, қадимги туркийлар орасида мўътабар саналган жонзот сифатида эъзозланган бўри ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқдир. Чунки туркий қавмлар афсоналарига кўра, Ўғузхон кўкбўри билан учрашиб, деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчиликни ўрганиб, фаровонликка эришган кун йилбоши қилингани учун ўша байрамнинг рамзий ўйинларидан бирини ҳам муқаддас жонивор номи билан кўкбўри деб аташган».<sup>5</sup>

Кўчирмамиздан кўриниб турибдики, бўри тотеми, у билан боғлиқ рамзий ўйин ҳам фаровонлик ғояси билан боғлиқ. Бу фикрни халқ лирикасидаги бўри образига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Тотемизм динларнинг илк кўринишларидан бири сифатида анъанавий дунёқарашларга асос бўлган. Жумладан, З.П. Соколова соҳа культлари(патронимия)нинг пайдо бўлишида тотемизмни сабаб деб ҳисоблайди(199. -С.44).(51)

Ўзбек халқ лирикаси намуналарида шундай бир поэтик образ борки, у тотемизм билан культларнинг генетик алоқа-дорлигини ўрганишда манба бўла олади. Бу **илон** образидир. Илонларга сиғиниш жаҳонда кенг тарқалган ҳодисадир ва бу фанда **офилотария** деб юритилди(215. – С.199).



С.П. Толстов қадим замонларда Ўрта Осиёда ҳўкиз ва илон ҳукмрон тотемлар бўлганлигини айтади (215. — С.303). Афсонага кўра скифлар Геракл билан ярми аёл, ярми илон жонзотнинг никоҳидан пайдо бўлганлар(122. — С.75).

«Халқ лирик кўшиғи, — дейди В.И Еремина, — қаҳрамонларнинг қадимий антропоморф қиёфасини қисман кўрсата олади»(63. — С.22).

Юқоридаги мулоҳазалар нуқтаи назаридан қуйидаги халқ кўшиғи жуда характерлидир:

*Оқ илон, оппоқ илон,  
Ойдинда ётганинг қани?  
Мен ёмондан айрилиб,  
Яхшини топганинг қани?*

Поэтик жиҳатдан илон образи инсоннинг кўчимидир. Бу кўчимнинг тарихий асослари эса жуда узоқ даврлар билан боғланади.

Илон ҳақда В.Я. Пропп: « Бу жаҳон фольклори ва жаҳон динларига мансуб ўта мураккаб ва серқирра фигурадир», — дейди. Халқ эртақларидаги илонлар осмон, олов, сув ва тотем билан боғлиқ(257). Эртақларда илонларнинг одам, айниқса, қизларни ейишини В.Я. Пропп қадимий бағишлаш-ўтиш маросими билан боғлаб, унинг тотемистик характерини шундай изоҳлайди: «Тотем жонивор билан мулоқотда бўлиш, шу йўл билан тотем уруфга кириш учун шу жонивор томонидан ейилиш шарт»(169. — С.227).

Фольклоршунос М. Жўраев маълумотича, Қорақўл туманида аёллар фарзанди тура бермаса, чақалоғини бўри калласи оғзидан ўтказиб ёки бўри терисига ўраб олар эканлар. Бизнингча, бу одат имитатив магияга инонч кўриниши бўлиб, тотем жонивор томонидан ейилиш рамзи бўлиши керак.

Итальян олими А. Донини: «Илон бутун Фаластинда тотем ва ҳосилдорлик илоҳи сифатида биринчи ўринда турган», — дейди(56. — С.151). Ж. Фрээр одамзотнинг биринчи гуноҳи ҳақидаги мифлар, ривоятларга якун ясаб, шундай хулосага келади: Яратувчи эр ва аёлга илон

орқали ўлим дарахтининг мевасини емаслик ҳақида хабар юборади. Аммо илон уларни алдаб, ўлим дарахти мевасини егизади. ўзи эса ҳаёт дарахти мевасини ейди. Шунинг учун инсонларга ўлим, илонларга барҳаётлик хос бўлиб қолади(241. – С.34)).

Илон образининг сув ва ҳосилдорлик, барҳаётлик ғоялари билан боғлиқлиги ўзбек фольклори учун ҳам характерлидир. Шунингдек, бу образ осмон билан ҳам боғлиқ:

*Оқ илон, оппоқ илон,  
Ойдинда ётганинг қани?*

Ойдинлик осмон ёритгичи ойнинг белгисидир. Кўпгина жаҳон мифларида ой ва кўёш эру хотин деб талқин қилинади. Жумҳуриятимиздаги ушбу ўта машхур кўшиқнинг вариантларидан бирида **ойдинда ўрнига офтобда** сўзи қўлланилади. Ота-онани кўёш ва ойга ўхшатиш ҳазрат Навоий ижоди учун ҳам хосдир.

Поэтик маънода ойдин бахт рамзидир. Ота-она ой ва кўёш каби фарзандлар умрини ёритиб туради ва турмушда улар майли билан ажралиб кетган оилалар, ўз севгилисига етишмаган ёшлар ҳам кўп. Ана шу мифологик ва ҳаётий асосларига кўра юқоридаги кўшиқни мендан воз кечиб, ота-онанг даврида бахтли яшаганинг (ойдинда ётганинг) қани, деб талқин қилиш мумкин. Аммо бу шарҳ кўшиқнинг тарихий асоси учун қониқарли эмас. Бунга сабаб илон образидадир. Нима учун қаҳрамон айнан илон кўчими билан тасвирланмоқда? Булбул ёки гул деса бўлмасмиди? Севги мавзуидаги лирик кўшиқларда оқ ранг одатда йигит рамзи-ку:

*Оқариб ойдинда ётсам,  
Ой менинг қўйнимдадур.  
Сесканиб кўзимни очсам,  
Ёр қўли бўйнимдадур.*

Кўриниб туибдики, ёрни ойга, гулга қиёслаш мумкин. Бироқ аввалги кўшиқдаги илон образини халқ лирикасидаги тотемизм ва культлар таъсирисиз тўла англаш қийин.

Илон тотеми, култи рудиментлари бизнинг кунларимизгача етиб келган. Халқимизда илон ҳақида кўплаб топишмоқлар, мақоллар, эртаклар бор ва тушда илон кўриш бойлик, фаровонлик, ўғил фарзанд кўришга таъбир қилинган.

Қадимги хитойликлар дунёқарши ва мифларини ўрганган Б.Л. Рифтин уларнинг энг биринчи одамлар ҳақидаги тассавурлари Фу-си ва Нью-ва исмли қиз ва йигит билан боғлиқлиги, бу жуфтликнинг ярми илон шаклида бўлиб, қадимги ёдгорликларда уларнинг ўзаро чирмашиб кетган тасвирлари учрашини айтади. Илон сифат қуйи қисмлар қовушувни билдиради, дейди(180. – С.42).

Бизнингча, олим айтган тасвирлар илон тотемига инонч ифодаси бўлиши керак. «Умуман, қовушиб кетган илонлар образи, – дейди Б.Л. Рифтин, – асосига кўра жуда қадимий бўлиши керак. Узоқ Шарқ ва Марказий Осиёдаги айрим халқларнинг, масалан, хитойлар ва дўнганларнинг эртақларида гуё жанг қилаётган ва қаҳрамон ажратишга уринган оқ ва қора илонларнинг образи кўп учрайди. Эртақларда уларнинг турли жинсга мансублигига кўрсатма йўқ, аммо улар ранги жинсий фарқлар рамзи бўлиши керак»(180. – С. 41-42).

Ўзбек эртақларида ҳам илонлар (аждарлар), илон пари, илоншоҳ образлари кўп учрайди. Мутахассислар жаҳон халқлари, жумладан, туркий халқлар тасаввурида илон, аёл ва қуёш ўртасида мустаҳкам алоқа мавжудлигини айтадилар.

Айтилган фикр-мулоҳазалар кўшиқдаги оқ илон тарихан тотем рамзи бўлиб, кейинчалик кулът объекти орқали бадиий кўчимга айланган деб хулоса қилиш имконини беради.

Халқимиздаги фарзандларга нисбатан: «Ичингдан чиққан илон иссиқ», – мақоли ҳам фольклоримиздаги илон образида тотемизм излари сақланиб қолганлиги натижасидир. Ёки яна бир мисол:

*Шохма - шох излаб юриб,  
Топдим илон ўрдасини.*

*Юртма-юрт излаб юриб,  
Топдим йигит мирзосини (49. — Б.29).*

Биз эртақларда илонлар ўрдасини учратишимиз мумкин.

З.П. Соколова маълумотларига қараганда дунёда ўз келиб чиқишини илонлар билан боғлаган халқлар, илонларга бағишлаб қурилган ибодатхоналар кўп бўлган(199. — С.181-182). Бу фактни аналогик равишда юқоридаги қўшиққа тадбиқ қилсак, мифологик тасаввурларга кўра илонлар ўрдаси бўлиши мумкин. Тарихий тараққиёт натижасида илон тотеми ўрнини илон култи эгаллай бошлаган.

Э. Тайлор илон култининг жаҳон халқлари мифологияси ва динларида кенг тарқалганини қайд этиб, хонадонларда яшайдиган бир жуфт илон уй эгаси ва бекасининг жони билан боғлиқ деган тушунчалар мавжудлигини айтади(208. — С. 385).

Илонни арвоҳ деб билиш тасаввури ўзбекларда ҳам бор. Шу сабаб илонни ўлдиришаётганда, жуфтинг билан ўл, деганлар. Гуё жуфти омон қолса, албатта қасос олар эмиш. Араблар уйларида яшаётган илонларни кофир ё мусулмон руҳлар деб билишган. Муҳаммад пайғамбар кўрсатмасига кўра, уларга аввал тинчгина кетиш таклиф қилинган. Кетмасалар, уларни кофир руҳ сифатида ўлдириб ташлашга рухсат берилган(87. — С.78).

Доғистон халқи тотемистик қарашларини тадқиқ қилган А. Абдурахимов хулосалари ҳам юқорида айтилган фактларга жуда уйғун. Унинг кузатишларича, Доғистон халқлари уй, ҳовлиларда яшовчи илонларни марҳум қариндошларининг руҳи ҳисоблаб, уларга сут беришар, илгари янги уй пойдеворига илон қўйиш одати ҳам бўлган экан(166. — С. 21-22). Уй, ҳовли илонларига сут бериш, уларни муқаддас билиш ўзбекларда ҳам яқин-яқинларгача бор эди.

Келтирилган фактлар қадимда кўпгина халқлар, аниқроғи уруф-аймоқлар илонни ўз тотеми деб билганларига шубҳа қолдирмайди. Академик Б.А. Рыбаков қадимги одамлар қарашларида қушлар ва илонлар ер дунёсини

юқори – осмон дунёси билан боғлаб турганлигини айтади(188– – С.201).

Саънатшунос М. Қодиров Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида «Лайлак илонни овлади» ўйини бўлганини айтиб, у ҳақида ёзади: «Аввалига у муқаддас қуш ҳисобланган лайлакка бевосита тақлид сифатида вужудга келган. Кейинроқ лайлакнинг илон овлашини кўрсатишга ўтилган, натижада содагина сюжет ҳосил бўлиб, ўйин ритуалик қобиғидан чиқиб, томошага айланган». Ўйинда ушбу байтлар такрор-такрор айтилиб турган:

*Лайлак илонни овлади,*

*Овласаям ололмади (270. – Б. 23).*

Бизнингча, бу ўйинда тотемлар кураши ифодаланган.

Халқ лирикасида қадимий тасаввурлар излари билан ҳаётий кечинма ва тушунчалар уйғунлашиб, серқирра ассоциатив маъноларни юзага чиқаради:

*Қаро қуш қичқириб ўтди,*

*Уясида илон кўрди.*

*Балиқ кўксини чок айлаб,*

*Азим дарёда қон кўрди(49. – Б. 18).*

Қушнинг уясида илон кўриши бўлиши мумкин бўлган ҳодиса. Бироқ тарихий асосига кўра кўшиқдаги қуш, илон, балиқ ҳам чуқур ички маъно – қандайдир фалокатдан хабар бермоқда. Тарихан қушлар ҳам, балиқ ҳам тотемизм билан боғлиқ. Масалан жухудлар Инжилдаги Исус Навинни балиқ ўғли деганлар. Христиан дини рамзий тизимига киргунча балиқчилик билан шуғулланадиган Фаластин қабилаларининг кўпчилиги балиқни ўз тотеми деб билганлар(56. – С.43).

Қадимий тасаввурларда илоннинг илоҳийлаштирилиши тотемизмнинг ўз мавқеини йўқотиб бораётганлиги белгиларидан бири эди. Масалан, финикияликлар ўз думини тишлаб турган илон тасвирини дастлаб реал замин ва осмон, кейинчалик мангулик рамзи деб билгачлар. Афсонага кўра, А. Македонский илон ва аёл фарзанди бўлган(212. – С.147). Ўзбек халқ лирикаси намуналарида илон образининг тотемистик қараш изларини

тўғри ифодалаганини учратмаймиз. Фикримизча, туркий аждодларимизда тотемлардан бири бўлган илон ўзбеклар дунёқарашига культлашгандан кейин культ сифатида кириб келган.

Биз юқорида фольклордаги илон образининг тарихий илдизларига кўра сув, осмон, олов, тотемизм, культлар билан боғлиқлигини айтдик. Илоннинг сув билан боғлиқлиги ўзбек халқ лирикаси учун ҳам характерли хусусиятдир:

*Чашмадан чиққан илонга,  
Мен нечук занжир солай.  
Кўнгли қолган гуч йигитни,  
Мен нечук кўнглин олай(235. – Б.54).*

Халқимизда сув илонга тегмайдилар. Бунга сабаб, биринчидан, унинг безарарлиги бўлса, иккинчидан айнан сув билан боғлиқлигидир. Шу сабаб: «Сув ичганга илон ҳам тегмас» мақоли ҳам бор.

Лирик кўшиқларда илон образи ҳосилдорлик рамзи бўлган боғ поэтик образи орқали севги тушунчалари билан боғланади:

*Чилон боққа кирмайман,  
Чилон боғда илон бор.  
Ёр ёнига бормайман,  
Унинг бўлак ёри бор.  
Ёки:  
Оғамжон уй солибдир, наст-настгина,  
Ичига гул битибдир, қат-қатгина.  
Гулидан олай десам, тикони бор,  
Суvidан ичай десам, илони бор.*

Чилон боғдаги илон тарихий асосига кўра, лирик қахрамонга душман бўлган илон тотемининг асорати туфайлидир, поэтик кўчим табиатига кўра эса, йигитнинг ўзга ёри борлигини англатади. Илоннинг чилон боғда бўлиши унинг ҳосилдорлик ғояси билан боғлиқлигини англатади. Иккинчи мисолимизда **уй солиш** эса оддий тилда **оила қурмоқ** деганидир. Сувдаги илон тотемистик асосига кўра оиладаги фарзанддир.

Халқ кўшиқларида илон севгили ёрнинг поэтик жуфти

эканлиги мана бу кўшиқда, айниқса равшан кўринади:

*Асаканинг йўлида,  
Илон кўрдим чўлида.  
Минг жон бўлса берармиз,  
Севган ёрнинг йўлида.*

М. Алавия айтганларидек, халқ кўшиқларида чўл-биёбон айрилиқ рамзидар. Чўлда илон кўриш эса айрилиқдаги рамзий бир хабар. Илон образининг ҳосилдорлик, севги, фарзанд тушунчалари билан боғлиқлиги кўшиқларда куйланган сув ва унинг аниқловчилари — дарё, булоқ, қудуқ, ҳовуз ва ҳ.з.лар билан уйғунлашиб кетишида ҳам сезилиб туради:

*Хўйдин —хўйдин, хўйланди,  
Дарёда балиқ лойланди,  
Балиқмикан деб қарасам,  
Илон бўлиб товланди.*

Тотемизм излари ёки культ рудиментларининг бадиий ифодаси барча кўшиқларда бир хил даражада учрамайди. Масалан, ёрнинг юриши илонга қиёсланса, бу оддий поэтик кўчим бўлиши мумкин. Бироқ айрим намуналарда кўшиқнинг тарихий илдизи кўриниб туради:

*Илон тилин биламан,  
Чаён тилин биламан.  
Урмай-сўкмай юрсангиз,  
Ўғил туғиб бераман/154. — Б.114/.*

Илон, чаён тилларини билиш бу тотемлар, шомонлик сирларидан хабардорлик, уларга ўз магик таъсирини ўтказишнинг бадиий ифодасидир. Тарихий асосига кўра, кўшиқда мени ва мен орқали ҳомий руҳларимни ранжитмасангиз, сиз ёқтирган ўғил фарзандни туғиб бераман деган фикр баён қилинган. Илон, чаён тиларини билишнинг яна бир тарихий сабаби бор.

Халқимиз қадимдан илон гўштини баъзи бир касалликларга даво деб билган. Шунингдек, жаҳондаги кўпгина халқларда илон донишмандлик рамзи бўлиб, унинг гўштини ейиш хосиятли ҳисобланган. Масалан, қадимги славянлар ва германлар илон гўштини еган одам жониворлар тилини тушунадиган бўлиб қолади деб ишон-

ганлар/199. —С.193/. Бундай тассавурларнинг кенг тарқалганлигини В.Я. Пропп эртактар талқинида исботлаб беради/169. —С.230/. Баъзи жониворлар, қушлар гўшти-ни еб, ҳайвонлар тилини тушуниш фазилатига эга бўлиб қолиш ўзбек халқ эртактарида ҳам кўп учрайдики, унинг тарихий асоси ҳам тотемизм билан боғлиқ. Негаки, умуман тотем гўшти-ни ейиш тақиқланган бўлса ҳам, йилида бир марта магик-ритуал мақсадда тотем гўшти-ни ейиш мумкин бўлган/199. — С.23/.

Ана шу мулоҳазаларга кўра биз, юқоридаги қўшиқда тотемизмнинг бадиий ифодасини кўрамиз. Халқ лирикаси таркибидаги бундай намуналар тотемизм кейинча диннинг бошқа формалари, жумладан, магиянинг турли кўринишлари билан уйғунлашиб кетганлигини кўрсатади. Қадимги аждодларимиз ўз тотемларига магик йўллар билан таъсир кўрсата олишига ишонганлар.

Халқ лирикаси намуналарида ёрнинг юриши, сочларининг тўлғониши, нозланиб ётиши илонга, илон ҳаракатларига қиёс этилиши қанчалик поэтик кўчимга асосланган бўлса, шунчалик илон тотеми ва култи билан ҳам боғлиқ. Негаки, ҳаётда илон дейилганда кўпчиликнинг вужуди бир сесканиб тушади. Аммо қўшиқларда илон гўзаллик рамзи бўлиб, лирик қаҳрамон кечинмаларини ифодалашга хизмат қилади. Қизиғи шундаки, сиз илондайсиз, дейиш ўзбек аёли учун ҳақорат бўлса, япон аёли уни гўзаллигига мақтов сифатида қабул қилар экан. Аммо илоннинг гўзаллик рамзи ўзбек қўшиқларида ҳам сақланиб қолган. Бу эса қадимий тассавурларга асосланган анъана туфайлидир.

Илон култи таъсири рақсларда ҳам сақланиб қолган. Жумладан, ўзбек халқ ўйинларида рақосанинг бошини сарак-сарак қилиб, жилва қилиши, бошини кўтариб овини кузатаётган илонга ўхшайди. Айрим халқларда махсус илонлар рақси ҳам бор.

Халқ эртактаридаги илон парилар, подшоларнинг илон ё қурбақага уйланиши, маликаларнинг турли жониворларни туғиши ҳам тотемизм таъсирининг бадиий ифодасидир десак хато бўлмас. Тотемларга ишонилган



замонларда илон сўзининг ҳам сеҳрли, муқаддас бўлганлиги табиийдир.

Ўзбек халқ лирикасида илон поэтик образининг бадий-эстетик қирралари махсус тадқиқотни талаб қилади. Биз эса мавзуимиз муносабати билан бу масалага йўл-йўлакай тўхталдик.

*Наманган борманглар, йўллар хатардир,*

*Ўрик олмасини пулга сотадир.*

*Ўрик, олмасининг тагига борсам,*

*Илондек тўлғониб бир қиз ётадир/154. – Б.40/.*

Мисолимизда қиз тилга олинмаганда ҳам, масалан, «Тўлғониб, буралиб илон ётадир» бўлганда ҳам биз илон образи туфайли сўз севгили ёр, унинг гўзаллиги ҳақида кетаётганлигини билган бўлар эдик.

Халқ лирикасидаги илон поэтик образининг сув, боғ, мевали дарахтлар билан талқин қилиниши уни севги, оила, фарзанд ва тўкин турмуш ғоялари билан боғлайди.

Илон (аждар) образининг ижобий талқини кўпгина Осиё мамлакатлари учун ҳозир ҳам характерлидир. Сеҳрли эртақлар тарихий илдизларини тадқиқ қилган В.Я. Пропп жаҳон халқлари динлари, маросимлари, фольклорида илон аввал фақат ижобий талқин қилингани, салбий хусусиятлар унга кейинча кўчирилганлигини исботлаб берган /169. – С.216-280/.

Пайғамбарлар ҳақида ҳикоя қилувчи Рабғузий асарида ҳам илон ижобийдир: Жаннатда Момо Ҳаво илоннинг гўзаллиги, ширин сўзлигини кўриб, уни ўзига ҳамсухбат қилиб олади. Иблис эса содда илонни алдаб, унинг тили тагига жойлашиб, жаннатга киради ва Одам унинг иғвосига учмагач, Ҳавони тақиқланган бугдойни ейишга кўндирадики, бу биринчи инсонларнинг жаннатдан ҳайдалишига сабаб бўлади. Шунингдек, илон жаҳон тўфони пайтида Нуҳ кемасининг ёриғини беркитиб, ердаги ҳаёт сақланиб қолишига улкан ҳисса қўшади/173. –Б. 24, 43/.

Шубҳасиз, бу ривоятларда халқ оғзаки ижодининг ўрни катта. Ўзбек халқ лирикасидаги илон образининг тарихий асосларига мурожаат қилишимиз, илоннинг қадим тасаввурларда тотем ва культ объекти бўлганлиги-

ни, ўзбек халқи дунёқарашида культ сифатида сақланиб қолганлигини ва бу халқ кўшиқларида ҳам маълум даражада ўз бадиий ифодасини топганлигини кўрсатади.

Тотемизм ва кўшиқ муносабатлари ҳақидаги қарашларимизга хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, қадимда мавжуд бўлган бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтиш —эврилишга ишончлар ҳам маълум даражада тотемистик қарашлар билан боғлиқ. Бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўта олиш диннинг яна бир архаик шакли —шомонлик қарашларида айниқса ривожланган бўлиб, у тарихан фольклордаги эврилиш мотивига асос бўлган.

**Шомонлик ва кўшиқ.** Архаик динлар кўринишидан бири бўлган шомонлик халқаро характерга эга бўлиб, ўзбек халқи тарихи, маиший турмуши, оғзаки ижодининг шаклланиши, ривожида муҳим тарихий асослардан бири бўлган.

Илмий адабиётларда шомонликнинг тотемизм билан генетик боғлиқлиги, тотемизм шомонизмга ғоявий асос бўлганлиги ҳақидаги мулоҳазалар кўп учрайди/15; 42; 212 ва ҳ.з./.

Туркийлар Ашинони биринчи шомон деб ҳам ҳисоблаганлар. Ашино авлодлари шомонлар каби обу ҳавога ҳам ўз ҳукмларини ўтказишларига ишонганлар/220. — С. 36, 72/. Бир шаклдан бошқа шаклга эврилиш, жоннинг мангулиги каби тушунчалар тотемизмнинг сўнги босқичи каби шомонлик учун тўлиқ хосдир. Шу муносабат билан бир халқ кўшиғини кўриб чиқсак:

*Ҳаво ҳавони тебратар,  
Ҳаво булутни тебратар,  
Булут ёғинни тебратар,  
Ёғин ерни тебратар,  
Ер кўкни тебратар,  
Кўк бияни тебратар,  
Бия қимизни тебратар,  
Қимиз йигитни тебратар,  
Йигит қизни тебратар,  
Қиз бешикни тебратар/8. — Б.116/.*

Бу кўшиқ жон кўчиш ғоясининг ўзига хос бадиий

ифодасидир. Унда тотемистик ва шомонлик рудиментларининг ифодаси уйғунлашган.

Л.И.Климович «Ислом» номли китобида М.С. Андреевнинг куйидаги бир кузатишини келтирадики, бу юқоридаги қўшиқнинг тарихий асосларини маълум даражада изоҳлай олади: «Жон танадан чиқиб, нафас ёки шаббода сифатида осмонга кўтарилади. У ерда булутларга қўшилиб, ёмғирга айланади. Ёмғир синган ўтти жониворлар ейди. Жонивор гўштини ҳомиладор аёл еганда жон гўшт орқали туғилажак болага ўтади. Агар жон ўзини яхши тутса, кейинги ҳаётда одам қиёфасида, ёмон тутса, ҳайвон қиёфасида дунёга келади»/115. — С.139/. Кўриниб турибдики, қўшиқ билан М.С. Андреев айтган тасавурлар ўртасида сезиларли яқинлик мавжуд.

Шомонликнинг зарурий хусусияти турли ҳомий ва ёвуз руҳлар, кучларга инончдир. Бусиз шомонизмнинг бўлиши мумкин эмас/213. — С.167/. Агар ислом дини таълимотида ҳаёт — ўлим — қиёмат инончи асос бўлса, архаик динларда ҳаёт — ўлим — бошқача шаклдаги ҳаёт тушунчаси мағиз ғояни ташкил этади. Бу учликка кўра ўлим ҳаётнинг бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтиш воситасидир. Энди ана шу нуқтаи назардан юқоридаги қўшиқни таҳлил қилайлик: Даслабки мисрадаги ҳаво-ҳаво қиз билан йигитнинг паралелларидир. Жаҳондаги биринчи аёлнинг исми ҳам Момо Ҳаво(Ева) бўлганлигини эслайлик. Иккинчидан, анимизм барча динлар учун хос белги бўлиб, юнонча — ҳаво, шамол деган сўздан олинган. Ҳаво, яъни жон жон билан, кейин булутга қўшилиб кетади. Жон ёғин, ўт, бия, қимиз, йигит-қиз орқали фарзандга ўтади. Фарзанд тушунчаси қўшиқда бешик аналогиси орқали ифодаланган.

Анъанавий халқ қўшиғи учун атеизм — даҳрийлик, умуман ёт тушунчадир. Шу сабабли фольклор намуналарида архаик ва замонавий динлар, маросимлар, урф-одатлар, иримлар ўз бадий ифодаларини қолдирган.

Тарихий тараққиёт давомида кишилар онгида турли диний қарашлар уйғунлашиб, синкретлашиб борганлиги фольклор асарлари мисолида ҳам сезилиб туради.

Таниқли диншунос С.А. Токарев қадимий инсонлар тизимида анимизм — яъни жонли — жонсиз нарсалар руҳига ишонч дунёда мавжуд барча динларга таркибий қисм бўлиб кирганлигини айтган/212. — С.24/.

Ўзбек халқ лирикаси намуналари, айниқса, йиғи-йўқловларда анимистик тасаввурлар излари яққол сезилиб туради:

*У дунё борсанг кўп ётма,*

*Оч арвоҳ билан сўз қотма.*

*Оч арвоҳ сени оздирар,*

*Бола-чақангдан бездирар/154. — Б.213/.*

Мазкур йиғи намунасида марҳумлар руҳи, уларнинг тирикликдаги уй-жойларидан хабар олиб туришига инонч излари сақланиб қолган. Бундай инонч номаросим лирикаси намуналари, севги мавзуидаги қўшиқларда ҳам кўп учрайди:

*Мен ўлиб тупроқда ётсам,*

*Ҳар замон ўтгин ёрим.*

*Этагинг шамоли тегса,*

*Оромлар олгай жоним.*

Қўшиқдаги **этак** магия қондасига кўра ёрнинг ўзига, **этак шамоли** унинг тириклигига ишорадир.

Ер, сув, олов культларини жамлаган табиат культларида шамол ҳам тўртинчи унсур сифатида муҳим ўрин тутади(213. — С.127).

Ҳоявий асосини тотемизмдан олган шомонизм анимистик эътиқод қўринишларидан бири бўлиб, махсус одамларнинг инсонлар билан руҳлар дунёси ўртасида воситачилик қилиш инончига асосланган/212. — С.266 — 291/. Қадимги туркийларда тотемизмдан кейин шомонизм етакчи диний қараш бўлганлиги Н.Я.Бичурин, В.В.Радлов, К.Шониёзов кабиларнинг тадқиқотларида етарлича ёритиб берилган.

Шомонизм рудиментлари республикамизнинг кўпгина жойлари, хусусан, қипчоқ ва қарлуқ этник қатламларидан келиб чиққан ўзбеклар орасида ҳозиргача маълум даражада сақланиб қолган. Ҳозир ҳам жумҳуриятимиз ва унга қардош республикаларда бахши-шомонлар-

ни, фолбин ва уларга ишонувчиларни кўплаб учратиш мумкин.

Ислом дини таълимоти ҳам одамлар билан бир қаторда уларга кўринмайдиган фаришта ва жинлар дунёси борлигини инкор этмайди. Хусусан, Куръони Каримнинг «Жин» сурасида мусурмон ва кофир жинлар хусусида сўз боради/272. –Б. 434-437/. Дуохонлар Куръоннинг «Ал-нос» сурасини ёвуз, инсонни ҳақ йўлдан оздирувчи жинларга қарши восита деб биладилар.

Бурят олими И.А.Манжигеев шомонликни кўп ҳудодлик билан якка ҳудодлик оралиғидаги тарихий босқич деган хулосага келадики, академик А.Окладников ҳам бу фикрни қувватлайди/135.–С.3-4,7/. С.Е.Малов Ўрта Осиёдаги шомонлик инончлари ислом таълимоти билан уйғунлашиб кетганлиги учун яшовчан, дейди.

Бизгача етиб келган қўшиқлар халқ анъанавий лирикасида тотемизм рудиментларига нисбатан шомонлик реликтлари кучли ва кўпроқ сақланиб қолганлиги ҳамда шомонизм халқимиз тарихида узоқ асрлар етакчи диний мафкура бўлганлигини кўрсатади.

Ўзбекларнинг тарихи, маиший турмушида шомонликнинг аҳамияти, шомон типлари вазифалари ҳақида фольклоршунос олим Б. Саримсоқовнинг «Ўзбек маросим фольклори» монографиясида етарлича маълумотлар берилган /191/.

Биз бу ўринда олим фикрларини такрорламай, шомонликнинг халқ поэзияси, хусусан, халқ лирикаси билан боғлиқ айрим қирралари, тарихига тўхталишга ҳаракат қиламиз.

Шомонлар тарихан жуда кўп вазифаларни бажарганлар: Улар худодлар ва руҳлардан одамлар учун мўл ҳосил, серфарзандлик сўраган. Касалликлар сабабини аниқлаб, беморларни даволаган. Марҳумлар руҳини у дунёга кузатиб борган, жангда қабиладошлари ғалабасини таъминлаган ва ҳ.з./24. – С. 13-26/.

Ёқут афсонасига кўра, фарзандсиз аёл бургутга мурожаат қилиб, ундан фарзанд кўрган, бу фарзанд ёқутларнинг аждоди бўлган. Бурят афсонасига кўра эса дунё-

да илк шомон бургут бўлган. У ердаги бир аёл билан қовушиб, унга шомонлик сирларини ўргатган. Улардан туғилган фарзанд одамзот ичида биринчи шомон бўлган/199. — С. 35, 93/. Бу икки афсонани келтиришдан мақсад шуки, улар шомонликнинг генетик жиҳатдан тотемизм билан боғлиқлигига яхши далил бўлади. Уйғунлиги шундаки, ўзбек шомонлари учун бургут, лочин, қарға каби қушлар ҳомий руҳ ва ёрдамчилар бўлишган/199. — С.92.

Шомонлик этиқодларида шомонлар ўзлари турли ҳайвон, паррандалар шаклиги кира олишдан ташқари, истаган одамларини ўшаларга айлантира олганлар. Шомонлар ажойиб сўз устаси, моҳир артист, хушовоз хонанда, етук раққос бўлганлар/221. — С.40/. Шомон руҳлари эзгулик ёки ёвузликка хизмат қилишларига қараб, улар танлаган шомонлар оқ ва қорага бўлинган. Туркий халқлар билан ёндош яшаган бурятларда ўзбеклардаги дostonчилик каби махсус шомон тайёрлаш мактаблари бўлган. Бурят шомон фольклори сўз саънатининг намунаси сифатида ҳам кишини ҳайратга солади/221. — С.48.

Айтиб ўтганимиздек, тарихан шомонлар жуда кўп ижтимоий вазифаларни бажарган. Масалан, И.Я. Бичурин хуннлар хитой қўшинлари йўлини тўсиш учун шомонларга мурожаат қилгани, шомонлар қўй ва ҳўкизларга афсун ўқиб, душман келадиган йўлга кўмиб қўйганларини ёзади/28. Т.2. — С.202/. Тунгусча саман сўзи шомон, коҳин, олим ва табиб маъноларини умумлаштирган/28. Т.1. — С.231/.

Ўзбекларда ҳам шомонлар касалларни даволаш, ҳосилдорликни таъминлаш, одамларни турли ёвуз руҳлардан ҳимоя қилиш каби кўп вазифаларни бажарганлар. Ўзбек шомонлари аёл ҳам, эр киши ҳам бўлиши мумкин/247. — С.158/. Аммо кейинги давр ўзбек халқи маиший турмуши учун аёл шомонларнинг кўплиги хосдир. Бунинг сабаби ҳам тарихда, шомонларнинг авлоддан авлодга ўз ҳўнарларини ўтказишлари бўлса керак. Чунки олтой, тува, бурят ва сариқ уйғурлар афсоналарида илк шомон аёл бўлган деб талқин қилинади/24. — С.27/. С.П.Толстов ёзишича, X асрда Ўрта Осиё, хусу-

сан, Бухоро ўзбеклари ва тожиклари орасида шомонлик, асосан, аёллар машғулоти бўлган/215. – С.325/.

Биз кузатган, билган ўзбек шомонларининг экстаз ҳолатга тушишдаги асосий ёрдамчиси доира – чилдирмадир. Шомонликнинг таъсири туфайли лирик кўшиқларда ҳам доира чалиш имконни, чала олмаслик ноилжликни англадиб келади:

*Доирани чалинг, жон момо,  
Ўйинга тушсин қиз бола/149.-Б.29/.*

Ёки:

*Чилдирма чалолмайман,  
Кўлимни ололмайман.  
Золим ёрнинг дастидан  
Кўлимни ололмайман/7. – Б.246/.*

Шомонлик эътиқодига кўра шомонлар ўз иқтидорини аждодларидан мерос сифатида ёки ер, сув илоҳалари ва турли ёвуз руҳлардан оладилар. Шу сабаб зиён келтирган руҳларни аниқлаш, уларни енгиб, беморларни даъволаш ўзбек шомонларининг ҳам асосий белгисидир.

Шомон руҳлари жониворлар, паррандалар шаклида бўлиб, шомонни осмонга олиб чиқиб, у ерда унга шомон рақслари ва кўшиқларини ўргатадилар. Ўзбек халқ рақслари тадқиқотчиси Р. Каримова «Хоразм рақси» монографиясида парихон ва фолбинларнинг тарихан профессионал раққосалар бўлганлигини ва ўзбек рақслари орасида фол очиш рақси ҳам мавжудлигини айтади/108. – С.17/.

Ўзбекларда ҳақиқий кучли шомон – даволовчи бахши, парихон, азаимхон, фолбин вазифаларини бажарган. Шомонлик бу касблар орасида юқори мартаба ҳисобланган. Масалан, қушноч фақат қоқса, фолчи фол очиш билан чекланган.

С.А. Токарев талқинига кўра, фол очишнинг мақсади бирор воқеани юзага келтириш эмас, балки унинг сабабларини аниқлаш, у ҳақда билдиришдангина иборат бўлган(212. – С.416). Ҳақиқий бахши шомон эса ўз фаолиятида бир неча хусусиятларни умумлаштирган.

Шомонлар шомонлик зикри (экстаз ҳолат) пайтида ҳар учала: осмон, ер, ер ости дунёларида кезиб юришларига ишонганлар ва қадимда ўзларини пайғамбар деб санашларини ёқтирган. Э. Тайлор айтганидек, шомонлик эътиқодларига кўра, дунёдаги барча жонзотлар вақтинча фарқланадилар. Маймун, фил, чувалчанг ва ҳ.з.лар бир замонлар одам шаклига эга бўлишган, яна одам шаклига қайтишлари мумкин/208. – С.258). Шомонлик оғзаки ижоднинг йирик намуналари.— эпик тур шаклланиши ва ривожи, халқ профессионал ижодчилари фаолиятида муҳим аҳамият касб этган.

Мутахассисларнинг тадқиқотлари ўғуз, ва рус эпосларининг илк эпик куйчилари Курқут ва Боянлар ҳам шомон, ҳам куйчи бўлганликларини кўрсатади. Уларнинг кўбиз ва гуслиси лира ва дўмбира каби илоҳий фазилатларга эга бўлган. Шомон айтимлари, кўпгина туркий халқлар, масалан, туваликлар оғзаки ижодида бадиий жиҳатдан юксак поэзия намуналари даражасига кўтарилган/113/.

Айтилган мулоҳазалар шомонлик, шомон поэзияси туркий халқлар оғзаки ижодида лирик тур шаклланиши ва ривожида муҳим тарихий асослардан бири бўлган дейишга имкон беради.

Ўзбек қўшиқларида бевосита шомонлик рудиментларининг бадиий ифодалари ҳақида сўз юритишдан аввал, шомонлик билан боғлиқ бўлган ва версиялари кўпгина халқлар фольклорида учрайдиган машҳур бир эртақни кўриб ўтсак. Эртақ «Дунёда йўқ ҳунар» деб номланади ва бу ҳунар оддий кишиларга насиб этмайдиган шомонликдир: Бир подшо қизи дунёда йўқ ҳунарни биладиган одамга тегаман, деб овоза қилибди. Табиийки, эртақ қонуниятиятига кўра, ҳеч ким бу шартни бажара олмаган. Ўша юртда бир бечора кампир ўғлини жодугарга сотибди. Жодугар болани семиртириб емоқчи экан. Жодугарнинг қизи кампирнинг кал ўғлига отаси биладиган ҳийлалардан ҳам кўпроқ ҳунар ўргатибди.



Йигит жодугардан қочиб, уйига қайтгач, бўрдоқи қўйга айланиб, онасига ўзи билан бирга арқонни сотиб юбормасликни тайинлабди. Аммо бола кейинги сафар туяга эврилганда онаси алданиб, уни арқони билан бирга жодугарга сотиб юборибди. Жодугар туя қиёфасидаги болани уйга олиб келиб, сўймоқчи бўлганда, қизи арқонни ечиб юборибди. Бола каптарга, жодугар қарчиғайга, каптар подшо боғидаги гулга, қарчиғай хушовоз ҳофизга, гул тариққа, ҳофиз товукқа, панада қолган бир дона тариқ шақалга айланиб товукни еб қўйибди. Сўнг бир думалаб, подшо қаршисида гўзал йигитга, яъни асл ҳолига эврилибди/267. – Б. 202-207/.

В.Я.Пропп «Айёрлик илми» номли рус халқ эртагини тадқиқ қилиб, ундаги сеҳргар образи шомоннинг бадий ифодасидир, деган хулосага келган. Бу эртақ биз айтган ўзбек эртагининг айнан русча версиясидир. Унда ҳам шогирд сеҳргардан қочиб, оқибатда ғолиб чиқади. «Айёрлик илми» эртаги муносабати билан олим шундай дейди: «Бурятларда шомоннинг касал жонини ўрмонлар, чўллар, сувлар тагидан излаши эртақдаги сеҳргарнинг қочган болани излашига айнан ўхшайди»/169. – С.348/.

Биз тилга олган эртақлардаги жодугар ва сеҳргар шомоннинг бадий образи бўлиб, унинг эврилиш қобилияти шомонлик инончининг фольклордаги кўринишларидандир. Сеҳргар-шомоннинг ҳунари бегоналар учун тақиқланган. Шомонлик наслий танланиш қонунига кўра авлоддан авлодга ўтганлиги учун/191.-Б.187/ жодугар қизининг отасидан ҳам илмироқ бўлиши табиийдир. Эртақ қаҳрамони шомон тақиқини бузганлиги учун ўлимга маҳкум. Қизнинг йигитга сеҳрли хунарни ўргатишида ҳам шомонликка хос бир қоида яширинган. Гап шундаки, жодугар кексайиб қолган. Унинг қизи ота хунарини кимгадир ўргатмаса, ундан сўнг авлод шомонлиги тугаб кетади. Шу сабаб қиз сеҳрли хунарни кимгадир ўргатиши шарт. Эртақдаги жодугар ва йигитнинг турли жониворлар ва нарсаларга эврилиши қобилияти ҳам шомонлик тасаввурларининг мевасидир.

Тува халқи маиший турмушида шомонликнинг моҳиятини ўрганган М.Б. Кенин-Лопсон ерли халқ вакилининг шомонликни характерловчи қизиқ бир ҳикоясини келтиради: Бир қишлоқда ётиб қолган шомонни нонуштага таклиф қилишга борган хизматкор унинг ўрнида улкан илонни кўриб қочиб кетади. Хизматкори сўзига ишонмаган бой ўзи борганда шомон ўрнида ўтовда катта айиқни кўради/113. – С.41/.

Тарихий маълумотларга кўра, туваликлар билан ўзбек аждодларининг VII-VIII асрлардан бошлаб, ўзаро алоқалари жуда кучли бўлган. К.Шониезов ўзбек халқи этник қатламларидан бири бўлган қипчоқ элементларининг тува халқи таркибига ҳам кирганлигини эътироф этади/246. –С.83/.(70)

«Дунёда йўқ хунар» эртагидаги жодугарнинг ҳофизга айланиб, ўз кўшиқлари билан ҳаммани мафтун қилиши шомон айтимлари билан боғлиқ. Биз юқорида шомонларнинг осмонга чиқиб, ҳомий руҳлардан кўшиқ ва рақслар ўрганишини айтиб ўтган эдик. Руҳлар кўшиқларининг ер одамларини сеҳрлаши шомонлик тассавурларида табиий ҳолдир.

Боланинг шақалга айланиб, товуқ шаклидаги жодугарни еб қўйиши тарихан бўри тотеми билан ҳам, шомонларнинг ўзаро рақобати билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Эртақдаги жодугарнинг одамхўрлигини М.Б.Кенин-Лопсон келтирган фактлар билан маълум даражада изоҳлаш мумкин.

Олимнинг кузатишларича, Тува шомонлари ўзларининг зўрлигини кўрсатиш учун доимо ўзаро рақобатда бўлиб келганлар. Ривоятларга кўра узоқ ўтмишда голиб шомон мағлуб шомон гўштини ҳам еган. Шомонлар ўзаро тортишиб қолганида бир-бирига : «мен сени ейман!», – деб дўқ урганлар ва бу одат «чижири» деб юритилган/113.-С.79-83/.

Умуман, каннибализм(одамхўрлик) жаҳон халқлари тарихида учрайдиган ҳодиса бўлиб, унинг ғоявий асослари ҳам қадимги одамларнинг инонч, мифологик қарашлари билан боғлиқ. Ж.Фрээр келтирган бир аф-

сонага кўра, дастлаб бутун одамзот бир тилда сўзлашган. Одамлар ёвуз бир жодугар гўштини ейишгандан сўнггина бир-бирини тушунмайдиган турли тилларда сўзлашадиган бўлиб қолганлар/241. — С.169/. Балки ўзбек аёлларининг «гўштингни ей» деб қарғишлари ҳам қадим тассавурлар асорати бўлса керак.

Жумҳуриятимизда аёллар кўшиқларни, асосан унли оҳанг ёки чилдирма жўрлигида ижро этадилар. Доира, чилдирма эса на фақат ўзбекларда, балки қатор туркий халқларда ҳам шомоннинг энг яқин ёрдамчисидир. Тараққиётнинг қуйи босқичида турган халқларда ноғоралар турли маросимларнинг зарурий элементи, ёвуз руҳларни ҳайдавчи магик-ритуал аҳамиятга эга бўлган предмет саналади.

Юқорида қайд этганимиздек, тарихий илдизига кўра шомонлик билан боғлиқ бўлган доира чала олиш кўшиқларда эркинлик, имкон маъноларини англатади:

*Чилдирманинг қасқони,*

*Банди борми осгани.*

*Ўйнасанг ўйнаб қогин,*

*Ёринг борми тўсгани(154. — Б.46).*

Айтилган фикр-мулоҳазалардан сўнг халқ лирикасида шомонлик рудиментларининг бадиий ифодаларини ўрганиш анча энгил кечади.

Лирик кўшиқларда шомонликка хос эврилиш мотиви мифологик тафаккур меваси бўлиб, бадиий кўчимга айлангунча бир неча босқичларни босиб ўтган(62. — С.32). Кўшиқларда эврилиш бадиий восита сифатида ё элемент, ё бутун кўшиқни шакллантирган тизим сифатида учрайди:

*Бўз тўрғайлар бўлсангиз-чи,*

*Бўсағамизга қўнсангиз-чи.*

*Зарғалдоқлар бўлсангиз-чи,*

*Сарҳарамга қўнсангиз-чи.*

Мисолимизда марҳумнинг қушларга эврилиб, ўз уйига келиши армон қилинмоқда. Эврилиш мотиви лирик қаҳрамоннинг кечинмаларини ифодалашга хизмат қилиб, реал эврилишга ишонч йўқолган.

Ўзбек халқ лирикасида шомонликдаги эврилиш ғояси бир поэтик усул сифатида, айниқса, диалог формасида ижро этиладиган намуналарда кўп қўлланилган.

Шомонлик тассавурларида шомон беморни даволаш учун касаллик сабабчиси бўлган ёвуз руҳлар билан курашади ва ғолиб чиқади. Бу кураш бора-бора лирик қўшиқларда айтишув-лапар формасида қайта идрок ва мушоҳада қилинган ҳолда кўринади. Бу тип қўшиқларнинг мақсади ҳам ҳариф томонни қўшиқ билан енгиш эканлиги фикримизни қувват-лайди:

– Сен сой чумчуғи бўлсанг,  
Сойларга қараб учсанг.  
Мен тоғ каптари бўлиб,  
Орқандан қувиб борсам,  
Ёр унда на қилғайсан?  
– Сен тоғ каптари бўлсанг,  
Орқамдан қувиб борсанг,  
Тез учар лочин бўлиб,  
Чангалга олиб қолсам,  
Ёр унда на қилғайсан?

Қўшиқ шундай айтишув формасида давом этади. Унда йигит овчи, боғбон, ари бўлишни, қиз унга жавобан – анор, узум, гулга эврилишни истайди. Шу ўринда тоғ, сой, анор, узум, гул образлари маълум бир жиҳатлари билан ҳосилдорлик ғояси билан боғланишининг эслатиб ўтиш керак. Қўшиқнинг лирик хотимасида йигит ғолиб чиқади:

– Сен боғда гулнор бўлиб,  
Очилиб кулиб турсанг,  
Мен булбулигуё бўлиб,  
Сайраб шохинга қўнсам,  
Ёр унда на қилғайсан? (7. – Б.271.)

Қўшиқдаги йигит ва қизнинг эврилишлари истаги мифологик тафаккур ва шомонликда реал бўлиши мумкин бўлган ҳодисалар, поэтик жиҳатдан эса хаёлот меваларидир(62. – С.5). Бундай қўшиқлар анъана туфайли авлоддан-авлодга ўтиб келаверган. Халқ ижодини маълум даражада ихтиёрсиз ижод маҳсули деб баҳолаган

олимлар анъананинг ана шундай хусусиятларини назарда тутганлар.

Биз юқорида қушларнинг шомон ёрдамчилари бўлиши мумкинлигини айтган эдик. Бу фикрни В.Я. Пропнинг: «Сибир шомонлари билан қушлар ўртасида мустаҳкам боғлиқлик бор», — деган хулосаси ҳам тасдиқлайди(169. — С.170). Бугина эмас. Бурятлар шарят ва ҳарят уруғларини шомон билан оққуш қиздан тарқаган деб биладилар(199. — С.170).

Фольклоршунос Ш. Турдимов халқ лирик қўшиқларида қушлар— қарға, ғоз, ўрдак, турна, қалдирғочлар хабарчи рамзлардир, дейди(223. — С.76-91). Тарихий асосларига кўра қушларнинг поэтик образлари учун бу жуда тўғри топилган хулосадир.

*Қарғалар учса қарайлик,  
Марғилоннинг йўлига.  
Ҳиди келса, маст бўлайлик,  
Ҳандалакнинг бўйига.  
Ҳандалак бўйликкинам,  
Сиз унда зор, биз бунда зор.  
Иккаламиз тўти қушнинг  
Боласидай интизор. (154, — Б.78).*

Қўшиқдаги қарғалар учиши ёрдан даракдир. Лирик қаҳрамоннинг ўзи ва ёрни тўтиқуш боласига ўхшатишида эса тотемизм изларини кўриш мумкин. Ш. Турдимовнинг мулоҳазаларига қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, халқ қўшиқларида қушларнинг хабарчи рамзлар бўлиб келишлари тарихий илдизларига кўра маълум даражада шомонлик дунёқараши билан ҳам боғлиқ. Чунки ҳомий ва ёрдамчи руҳ бўлган қушлар шомонни ҳар уччала — осмон, ер, ер таги дунёсидан хабардор қилиб турадилар. Улар келтирган хабар яхшими-ёмонми — бу энди бошқа рамзларнинг бадиий-эстетик вазифаси, поэтик функциялари билан боғлиқ масаладир. Масалан, куйидаги қўшиқда қуш образи лирик қаҳрамоннинг ғамгин ҳолатини ифодалаб келган:

*Ҳаводаги бўзтўрғай,  
Бўзламасанг на бўлғай?*

*Ёлғизгина жонимни  
Қийнамасанг на бўлғай?*

Шомонликда шомоннинг асосий вазифаларидан бири турли беморларни даволаш эканлигини юқорида айтган эдик. Шу жиҳатдан қуйидаги қўшиқ шомонлик ва халқ лирикасининг генетик боғлиқлигига ажойиб далил бўлади:

*Йигит: Қаттиқ касал сен бўлиб,  
Тўрда ётар чоғингда,  
Ҳақим табиб мен бўлиб,  
Бошингга ўтсам нетасан?*

*Қиз: Ҳақим, табиб сен бўлиб,  
Бошимга ўтар чоғингда,  
Жонсиз мурда мен бўлиб,  
Гўрда ётсам қайтасан?*

*Йигит: Жонсиз мурда сен бўлиб,  
Гўрда ётар чоғингда,  
Гўрковбачча мен бўлиб,  
Гўрингни очсам нетасан?*

*Қиз: Гўрковбачча сен бўлиб,  
Гўрни очар чоғингда,  
Бир қоп тариқ мен бўлиб,  
Сочилиб ётсам, қайтасан?*

*Йигит: Бир қоп тариқ сен бўлиб,  
Сочилиб ётар чоғингда,  
Жўжали товуқ мен бўлиб,  
Териб есам қайтасан?*

*Қиз: Жўжали товуқ сен бўлиб,  
Териб еяр чоғингда,  
Юрган шақал мен бўлиб,  
Қириб кетсам қайтасан?*(154. – Б. 110-111).

Мазкур қўшиқнинг тарихий асосида шомонлик инончлари турганлиги шубҳа қилиш мумкин бўлмаган даражада аниқ. Қўшиқ сўнгида йигит ғолиб чиқади. Ку-

затишларимиз айнан шу тип, шу мазмундаги кўшиқларнинг Шимолий Кавказ халқлари оғзаки ижодида ҳам жуда кенг тарқалганлигини кўрсатади(157. – С. 114-115).

Кўшиқни «Дунёда йўқ хунар» эртагига қиёсласак, қуйидаги талқинга эга бўламиз: бу кўшиқ ва эртакнинг тарихий асосида шомонликка инонч ётади. Кўшиқдаги йигит ва қиз эртакдаги жодугар ва кал каби шомонларнинг бадий ифодасидир. Эртакда ҳақиқат сифатида қабул қилинган қахрамонларнинг турли нарсаларга эврилиши, кўшиқда истак, яъни поэтик кўчимга айланган. Ҳақимлик, марҳумлар дунёсига бемалол кириб бориш, турли жониворлар ва паррандаларга эврилиш қобилияти шомонлик тассавурларида реал деб тушунилади. Кўшиқнинг эртакдан фарқи шундаки, «кўшиқларда эврилиш эртаклардаги каби воқеликда эмас, хаёлотда рўй беради». (62. – С.29).

Жонсизнинг жонлига, жонлининг жонлига эврилиши ҳам шомонлик эътиқодининг таркибий қисмларидан биридир. Ривоятларга кўра Бади исмли Олтой шомонини душманлари уч марта ўлдирадидлар. Аммо у ҳар сафар қайта тирилаверади((24. – С. 29).

Туркий халқлар анъанавий дунёқарашида шомонлар икки марта туғилган кишилар ҳисобланади. Шунинг учун шомон инициацияси моҳиятини Ю.М. Лотмон: ҳаёт, ўлим, туғилиш(янгилиниш) деб, изоҳлайди(220. – С. 95-97). (76).

Шомонларга хос хусусиятлардан яна бири шомонларнинг хонандаликлари ва доимо ўлим(рақибидан) қочиб юришларида кўринади. Бунинг ёрқин намунаси Қуркут образидир. Ривоятларга кўра, афсонавий Афросиёб ҳам шомон ва хонанда бўлган(119– – С. 113-116). Биз таҳлил қилган эртакда қахрамоннинг ўлим хавфидан қочиб юриши ҳам унинг шомон образи эканлигига бир исботдир. Кўшиқларда бу мотив тўла поэтик кўчимга айланган.

Шомонлик дунёқараши анимизм каби магия билан ҳам узвий боғлиқ. Шу сабабли фанда **шомонлик магияси** ибораси кўп қўлланилади.

Халқ тассавурида шомонлар кўнгилисиз йигит-қизлар, эр-хотинларни бир-бирига исита олгани каби, ёмонлик ниятида бир-бирларидан совутишлари ҳам мумкин. Халқ тилида бу иситиш — совутиш (иссиқ-совуқ), жоду тушиш каби сўзлар билан ифодаланadi. Шомонлар турли яхши-ёмон ниятларини турли нарсаларга афсун ўқиш йўли билан ҳам амалга оширадilar. Бундай воситалардан бири турли тугунлардир. «Дунёда йўқ хунар» эртагидаги арқон детали ҳам тугун магиясига инончнинг бадиий ифодасидир.

«Тугунларнинг кашф этилиши, — дейди М.И. Шахнович, — кишиларни шунчалар ҳайратга солдики, улар узоқ вақт уларнинг сеҳрли таъсирига инониб келдилар»(241. — С. 129).

Ж. Фрэзер жаҳоннинг кўпгина халқларида туғиш, никоҳ ва дафн маросими пайтларида қўл-оёқларни чалкаштириб ўтириш тақиқланганлигини айтади. Гуё қўл-оёқлар чалиштирилса, никоҳ бузилиши, чақалоқ туғилиши қийинлашуви, марҳумнинг йўли беркилар эмиш. Ислom дини Макка зиёрати пайтида узук тақиш ва турли тугунларни туғишни қатъий ман этадики, Ж Фрэзер бу одатни изоҳлаб шундай ривоятни келтиради: Маккор жуҳуд шомони пайғамбарни сеҳрлаш учун бир ипни тўққиз марта тугиб, афсун ўқиб, қудуққа ташлайди. Шундан сўнг пайғамбар қаттиқ дардга чалинади. Оллоҳ Жабраил орқали пайғамбарга ип яширилган қудуқ ҳақида хабар беради. Ҳазрат Али қудуқдан шомон ташлаган ипни олиб келгач, оятларни ўқиб тугунларни ечгач, дардига шифо топади(240. — С. 233-234). Шу ривоят имом Бухорий ҳадисларида Биби Ойша тилидан ҳам ҳикоя қилинадики, шомонларга ишониш араб дунёси халқларида ҳам кенг тарқалганлигини кўрсатади(3. Т.4. — Б. 33-34).

Халқимизда никоҳ ўқиладиган пайтда кўёв сарпоси елкасидан тугилмаган игна-ипни ўтказиб туриш одати ҳам тугун магиясига инонч туфайлидир. Шунингдек, ўзбекларда туғиш олдидан ва хонадондан ташвишлар аримай қолса, чучвара пишириб, қўни-қўшнига тарқа-



тиш ҳам тугун магиясига инонч туфайли келиб чиққан. Гуё шундай қилинса, яъни тугилган чучвара ейилганда ечилса, фалокат арийди, хурсандчилик бўлади, аёлнинг туғиши енгиллашади. Шу сабабли чучвара ўзбекларда магик-ритуал аҳамият касб этган таомдир. Унинг магик таъсирига инонч болалар кўшиғида шундай акс этган:

*Чучвара қайнайди-ё,  
Қозонда ўйнайди-ё,  
Ўйнаса, ўйнасин-эй,  
Қайнаса, қайнасин-эй,  
Дўстлар меҳмон бўлсин-эй,  
Кувончларга тўлсин-эй.* (35. — Б. 107).

Никоҳ пайти қулф ёки ипларни тугиб, афсун ўқиш оқибатида никоҳнинг бузилишига инонч Европа халқларида XVIII асрларгача давом этган(240. — С. 233). Ўзбеклар ҳам никоҳ пайти қулфланган қулф ёки тугилган тугунлар келин-куёвни бахтсиз қилишига яқин-яқинларгача ишонишган. Халқимизда тугун магиясига ишониш жуда кенг тарқалган. Шунга кўра баъзи тур гиламларда четидаги нақшлар қулфу калит деб аталади. Шу қулфу калитлар гуё она-бола, Ҳасан-Хусан деб аталувчи нақшларни ҳимоя қилиб турадилар.

Қадимий инончларга кўра тугунлар яхшилик учун ҳам хизмат қилишган. Денгизчилар бўронни тўхтатиш учун уч тугун туккан бўлсалар, шамолни чақиритиш учун уч тугунни ечганлар. Араб қизлари йигитни ўзига мафтун қилиш учун тугун тугиб, унинг қамчисининг учига илиб қўйганлар(240. — 82-83, 233).

Ўзбекларда болаларни ёшлиқдан аташтирганда қиз бошига рўмол ўраб келишган. Қизлар севгисини белбоғ орқали билдирганлар. Тугунларнинг магик таъсирига инонч ўзбек халқ лирикаси намуналарида ҳам ўз бадиий ифодаларини топган:

*Рўмолимнинг учини,  
Тугмаганга тугдирай.  
Қошимга ўсма қўйиб,  
Куймаганни куйдирай*(154. — Б. 98).

Рўмол – бош кийими. Бош руҳлари, соч магияси билан боғлиқ қадимий тассавурлар рўмолга ҳам тегишди. Севги магиясига кўра ўсма ҳам магик аҳамият касб этган. Рўмол учини афсун билан шомон, янга ёки бирор кекса аёлга тугдириш мумкин. Бу тугиш эса ёрни мафтун қилишга қаратилган магик усулдир. Халқда унаштирилган қизларга нисбатан «боши боғлиқ» ибораси ҳам қўлланилади. Бу одат қўшиқда шундай ифодаланган:

*Эшигингинг олди Найманди ёрим,  
Найманнинг сувлари лойланди ёрим.  
Энди биздан умидингни узавер,  
Бошимиз бошқага бойланди ёрим(154. – Б.123).*

Сув лойланиши нохушлик рамзи бўлса, бош боғланиш кўчими тугун магияси билан боғлиқ бўлиб, лирик қаҳрамоннинг ноиложлиги, ўзгага унаштирилганининг бадий ифодадир. Қўшиқларда қулф, занжир деталлари ҳам тугунлар каби поэтик вазифаларни бажаради:

*Ошино бўлдим, тутилдим  
Тўтининг занжирига.  
Ҳеч илож тополмадим  
Парвардигор тақдирига(154. – Б. 75).*

Мантиқан қаралганда тўтининг занжири бўлмайди. Занжир поэтик кўчим бўлиб, қарамликни ифодалаган ва тақдир билан поэтик жуфтлашган.

*Тахта кўприк қулфу занжир,  
Ваъда шундайми тўрам.  
Ваъдани ёлғон қилган  
Номард тўрамга бандаман(154. – Б.102).*

Қўшиқдаги кўприкнинг қулфу занжирлиги тарихий асосига кўра, лирик қаҳрамонга ёр билан учрашув имкони йўқлигини билдиради. Баъзи қўшиқларда қулфу калит ёрни ўзига қаратиб олиш, мафтун қилишни ифодалайди:

*Ака ҳайитинг бўлай,  
Қулфу калитинг бўлай.  
Оқ чой ичган жойингда  
Пиёлаларинг бўлай (154. – Б.97).*

Мисолимиздаги оқ чойни спиртли ичимлик эмас, балки сариеғли сут деб тушуниш лозим. Юр-

тимизнинг кўпгина жойларида эрталаб меҳмонларга ана шундай ичимлик бериш одати бор. Маросимларда тугунларни ечиш йўл очиш, висол учун магик таъсир қилади, деб тушунилган. Масалан, Хоразмда чимилдиқда айтиладиган мана бу қўшиққа эътибор беринг:

*Жоннинг истади, тушнинг алина,*

*Ёздир, Асилхоним тугмаларингни.*

*Хафалик келтирма сира кўнглинга,*

*Эркалаб еч, ўзинг тугмаларингни (153. – Б. 108).*

Халқимиздаги никоҳ маросимларида янгалар кўпинча куёвни синаш учун келиннинг либосларида турли тугунларни тугиб қўядилар. Қўшиқларда тугун магиясига инончнинг бадий ифодалари бошқа тасаввурлар, культлар, магия кўринишлари билан уйғунлашиб кетган:

*Мендан қочиб йўллар солди,*

*Жуда узоққа.*

*Сочин туйиб солиб қетди,*

*Мени тузоққа.*

Ёр кетди. Аммо унинг ирим билан сочини тугиб кетиши лирик қаҳрамонни магик жиҳатдан ҳамиша унга боғлаб туради. Юқорида айтганимиздек, тугун магияда йўл боғлиқлиги, ноиложликни билдирса, тугунларни ечиш яхшиликдан хабар бўлади:

*Рўмолим учи тугун,*

*Тугунни ечай бугун.*

*Узоқдаги акамни*

*Соғинибман шу бугун(49. – Б.88).*

Мисолимизнинг сийрат маъносида рўмолдаги тугуннинг ечилиши узоқдаги аканинг келишига йўл очади деган инонч бор.

Хуллас, халқ қўшиқларидаги тугун магиясига инончнинг бадий ифодаси шомонлик ва бошқа қадимий тасаввурлар билан уйғунлашиб кетган. Шомонликнинг бадий ифодаларини халқ ижодини яхши билган, ундан ижодий ўрганган ёзма адабиёт вакиллари шеърларида ҳам учратиш мумкин:

*Чарх уриб бўз тўрғайдай бўзлашим бор бошингда,  
Эй, сочларинг тўлқини тун сингари сим-сиёҳ.  
Хол каби пайдо бўлгум ёноғинг ё қошингда,  
Эй, изларинг губори кўзларимга тўтиё...  
Қуш бўлиб қочар бўлсанг, тарлон бўлиб қувгайман,  
Тоғларда шаршарадек губорингни ювгайман...*

Устоз Миртемирнинг бу мисралари анъанавий халқ кўшиқлари каби нақадар сеҳрли.

**Шомонлик ва лирикадаги янга образи.** Ўзбек оилаларидаги фаол оила аъзоларидан бири янгадир. Янгалар халқимиз маиший турмуши, айниқса никоҳ маросимларида етакчи роль ўйнаб келишган. Этнофольклористик кузатишларимиз янганинг тарихи маълум даражада шомонлик билан боғлиқлигини кўрсатади. Ўзбекларда локал жиҳатдан **янга, чеча, келинойи** деб юритиладиган оила вакиласи — янга образи халқ лирикаси намуналарида кўп куйланади:

*Бодиринг диринг-диринг,  
Чечажон уйга киринг.  
Акажоним келганда,  
Қайрилиб салом беринг.*(81. Инв № 1746).

Бу кўшиқ болалар фольклорининг намунасидир. Халқимиз янга ҳақида кўплаб мақоллар ҳам яратган. Жумладан: «Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» — ҳикматини оддий киноя деб тушунсак, жуда юзаки бўлади. Чунки оилада келиннинг роли қиздан кўра баланддир. Қиз бола ота уйида вақтинча меҳмон ҳисобланса, келин доимий, оилада авлодни давом эттирувчи асосий шахсдир. Янгалар ҳақидаги оддий мақол, ибораларда ҳам баъзан, ҳозир ғалати туюладиган одатлар ўз ифодасини топади. Масалан, «Янганинг бир оёғи ҳалол» мақолида қадим **левират** одати ўз ифодасини топган. Бу одатга кўра, агар ака бевақт вафот этса, унинг болалари хор бўлмасин деб, янгани қайнисига никоҳлаб берганлар. Биз бу ҳақда мақола давомида яна тўхталамиз.

Янганинг шомонлик билан боғлиқлиги масаласига келсак, шуни айтиш керакки, халқимизнинг никоҳ тўйларида кўпгина маросим, анъанавий одат-иримлар-

ни бажариш, келин-куёвни тассавур қилинган ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш, асосан, янгалар зиммасига тушади:

*Қат-қатгина қатлама,*

*Қатланади, ёр-ёр.*

*Қизни олиб янгалар*

*Отланади, ёр-ёр.(153. –Б.74).*

Қатлама – ритуал таом, пишириқ. Янгалар эса қизни бир дунёдан, иккинчи дунёга олиб бораётган вакиллардир. Шу сабабли никоҳ маросимининг бошланишидан то сўнгигача янгаларнинг ритуал вазифалари кўп. Қизни никоҳга янгалар тайёрлайди. Куёв ва куёв жўралар билан янгалар муомила қилишади. Келинни олов атрофида янга айлантиради. Соч сийпатар, ойна кўрсатар, никоҳ сувини ичириш каби урф-одатлар янга иштирокисиз ўтмайди.

Тарихчи – этнограф К. Шониёзов ўтмишда янга келин-куёвга ширинликлар едириб, никоҳ сувидан бир қултум ичиргани, қолганини оловга сепиб, уларга тўшак солиб берганлиги ва маълум муддат улар ёнида ётиш одати бўлганлигини айтади.(246. – С.322).

Кўриниб турибдики, никоҳ тўйларидаги одатлар тизимида оташпарастлик (оловдан айланиш), соч магияси(соч сийпатар), сув культи (никоҳ сувини ичириш), шомонликка инончлар кўшилиб кетган.

Янганинг никоҳ кечаси келин-куёв ёнида, аниқроғи чимилдиқ ташқарисида ётиш одати ҳозиргача маълум даражада сақланиб қолган. Бу шубҳасиз, чилладаги келин-куёвни ёвуз руҳлар, ёмон ниятли кишилардан сақлашга қаратилган. Бундан ташқари янга қизнинг қизлиги ҳалок бўлиб, аёллар дунёсига, тарихий илдизларига кўра ритуал ўлиб, бир оламдан иккинчи оламга ўтганлигига гувоҳ ҳам бўлади.

«Жинсий балоғатга етган қиз, кейинча тўй маросимларида келинчак сифатида янги ижтимоий босқичга ўтган, – дейди В.И. Еремина, – Қадимий тассавурларга кўра, бундай ўтиш никоҳгача бўлган ҳаётнинг тугаши, яъни ўлиш орқалигина мумкин бўлган».(63. – С.92).

Янганинг келин-куёвни қовуштириш вазифаси қўшиқда шундай ифодаланган:

*Ўргилайин жон янга, жоним янга,*

*Қирқ кокиллик қизингни қўшгин менга.*

*Қирқ кокиллик қизингни қўшсанг менга,*

*То ўлгунча хизматлар қилай сенга.* (49. — Б.179).

Мисолимиздаги қўшиш сўзи жинсий қовушишни ифодалаган. Унга эса никоҳ маросими орқали етишмоқ мумкин.

Ўзбек халқ лирикасида янга образи, одатда уддабурон, сўзамол, қўшиқчи, ўйинчи, ҳаёт тажрибасига бой, шўх аёл сифатида талқин қилинади. Ҳаётда янгалар келинчаларга интим муносабатлар ҳақида ҳам дастлабки маълумотларни берадилар. Янга қиз болани онасидан ҳам яхшироқ билади. Натижада: «Онаси мақтаган қизни олма, Янгаси мақтаган қиздан қолма», — каби мақоллар яратилган.

Никоҳ маросимлари қоидаларини яхши билиш ва уларга қаътий амал қилиш, янгаларнинг вазифаларидир. Айни пайтда ношуд янгалар устидан юмористик характердаги қўшиқларда самимий қулинади:

*Янгамсану янгамсан,*

*Иштон бичар билмайсан.*

*Иштонингни қўлтиқлаб,*

*Элдан уят қилмайсан.*

Тарихий илдизлари жуда қадимий айтишувларда ҳам ўлан бошлаш ҳуқуқи янгаларга берилган:

*Қора-қора қўзилар,*

*Қўйни бошлар, ёр-ёр.*

*Қалам қошли янгалар,*

*Ўлан бошлар, ёр — ёр.* (153. — Б.18).

Маълумки, ўланлар тўй маросим қўшиқларининг нисбатан қадимий, бевосита маросим билан боғлиқ бўлган типидир. Фикримиз исботи сифатида фольклоршунос олим Б. Саримсоқов ёзиб олган ўлан шаклида ижро этилган бадик матнини кўрсатишимиз мумкин. Олим мазкур бадик типи ҳақида: «...маросим тексти бевосита мавжуд лапарчилик традициясига тушиб қолган», — деб тўғри илмий хулосага келган. (191. — Б. 166-167).

Янганинг бўлғуси келин — қайинсингил олдида ҳуқуқлари катта. Шу сабабли қиз бола ишқий ишларда ундан ижозат сўрайди:

*Дарёнинг нарёғида бир туп ғўза,*

*У ғўзанинг тағида олтин кўза.*

*Жон янга, жоним янга арзим сизга,*

*Ўйнашга рухсат беринг қора кўзга.* (7. — Б. 199).

Кўшиқдаги дарёнинг нарёғи — айрилиқ рамзи, ўйнаш сўзига эса интим маъно юклатилган бўлиб, бизнингча унда қаллиққа бориш, қаллиқ ўйнаш одати ўз бадиий ифодасини топган. Янгалар оилада қизнинг кўнгил очар сирдоши ҳамдир:

*Чечалар, чечалар, жоним чечалар,*

*Ёмғир ёғса, ҳўл бўлади кўчалар.*

*Соғиниб кўрганда севар ёримни,*

*Кун тез ботгай, узоқ бўлгай кечалар.* (154. — Б. 122).

Кўшиқда айнан янгага мурожаат қилишнинг сабабларидан бири шундаки, ўтмишда, қаллиқ ўйнаш одати мавжуд бўлганда, қиз ва йигит унаштирилгач, куёв кечаси қаллиққа келганида, янга ўртада воситачилик вазифасини бажариб, уларнинг туни билан бирга бўлишлариغا имкон яратиб берган.

Янга образининг тарихан шомонлик билан боғлиқлигини кўшиқларда ўз ифодасини топган айрим иримларда ҳам кўриш мумкин:

*Оғажоним овға-ё,*

*Чодир тикайин товға-ё.*

*Акам сухсур отиб келса,*

*Гажаги менга совға-ё.*

*Бу гажакни тақмай десам,*

*Янгам қилади — говға-ё.* (7. — Б. 204).

Товга чодир тикиш тоғ, аждодлар култи билан боғлиқ. Сухсур гажаги эса балоғат белгиси, қиз боланинг қушдай учиб кетишига ишора — ирим. Агар у тақилмаса, ирим бузилади. Шу сабабли урф-одат, иримларга қаътий амал қилувчи янганинг ғавғо қилиши табиий.

Халқимизда қизлар мучал ёшига тўлганларида, яъни болалик дунёсидан қизлик сари қадам қўйганларида

кўпгина иримлар билан бирга қуш патидан жиға тақиш одати ҳам айрим жойларда сақланиб қолган. Жиға — қизлик рамзи, унинг ота-она уйидан қушдай учиб кетиши белгисидир. Мисолимиздаги лирик қаҳрамон эса болалигидан воз кечиш, бир кун келиб туғилиб кетган уйдан кетишни ёки уни эслатиб туришларини истамайди.

Халқ қўшиқларидаги янга образининг талқинига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, худди турмушдаги каби қўшиқларда ҳам лирик қаҳрамон — қайни тилидан уларга бемаюл интим маънодаги ҳазиллар қилинаверади.

Рус фольклоршуноси Ю.Г. Круглов бундай қўшиқларнинг пайдо бўлишини магия билан боғлаб, улар дастлаб маросимлар таркибида пайдо бўлган, дейди.(123. — С.88-89).

*Деҳқон эшади бовлиқни,*

*Келин совади совлиқни.*

*Ҳазиллашиб қўл солувдим,*

*Ўзинг кимсан? — деб ҳовлиқди.(7. — Б. 222).*

Келин — янганинг жаҳли чиқмай ҳовлиқиши маиший енгилтаклик эмас, балки тарихий асосларига кўра мавжуд одатлар туфайлидир.

Машҳур тарихчи Л.Н. Гумилев қадимги туркийларда эрли хотинга тегишган киши ўлимга маҳкум этилгани, қиз болага теккан киши унга уйланишга мажбур қилингани ҳақида ёзади. Шунингдек, ота, катта акалар, тоға вафот этганида ўгай она, янга, холаваччаларга уйланиш мумкинлигини айтади. Аммо бунда бева мажбур қилинмаган. Бу одат уруғ вакили бўлган бевани тақдир ҳукмига ташлаб қўймай, уни ҳимоя қилишга қаратилган.(51. — С.74). Левират деб аталадиган никоҳнинг бундай формаси мақсади уруғ яхлитлигини сақлаб қолишга қаратилган бўлиб, Ўрта Осиё худудларида жуда қадим замонлардан мавжуд бўлган.(28. Т.1. — С. 143; Т.2. — С.29; 39). Тарихчи К. Шониёзовнинг тадқиқотларига кўра, ўзбекларнинг қарлуқ этник қатламида левират — уканинг марҳум ака хотинига уйланиши мумкин бўлган.(247. — С.138).

Бизнинг 1971—1989 йиллардаги турли фольклор экспедициялари давомидаги кузатишларимиз никоҳнинг



левират формаси ўзбекларда Иккинчи Жаҳон уруши даври ва ундан кейинги дастлабки йилларда ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Айтилганларга асосланиб, халқимиздаги «Янганинг бир бути ҳалол», «Янга, яриминг манга» каби мақолларнинг асослари тарихий никоҳ формаси — левиратнинг таъсирида пайдо бўлган, дея оламиз. Шунингдек, янгага нисбатан яратилган қўшиқлар никоҳ ва оилавий муносабатларнинг ўзига хос тарихий типларидир. Тарихий никоҳ формасига кўра, исталмаса ҳам янга бўлғуси хотин бўлиши эҳтимоли мавжуд бўлган. Шу сабабли қуйидагича қўшиқларнинг яратилиши табиийдир:

*Энгашайлик, янгажон энгашайлик,*

*Нари борма янгажон, кенгашайлик.*

*Қўлтиғингиз тагидан қўл юборсам,*

*Қўлинг совуқ қайнижон, демасангиз.(49. — Б. 178.)*

Хулоса қилиб айтганда, халқ лирикасидаги янга образи шомонизм сўниб бориши туфайли маълум даражада шомон вазифаларини ҳам бажарувчи бўлган оила аъзосининг бадиий ифодасидир.

Янга ҳақидаги лирик қўшиқларда ўзбек халқи тарихига оид никоҳ типлари, хусусан, левират шакли ҳам маълум даражада ўз ифодасини топган. Ҳаётда йигитларнинг сўз билан ҳазил қилишларига ишқивозли Миртемир домланинг бир шеърида шундай чиройли ифодаланган:

*— Енгажон! — дедим.*

*— Қайнимов! — деди.*

*— Берроқ кел! — дедим,*

*— Айнима! — деди.*

Юқорида айтилган мулоҳазалар ва таҳлил этган қўшиқларимиз ушбу бўлимга қуйидагича хулосалар яшаш имконини беради:

1. Халқ қўшиқларида энг қадимий даврлардан тортиб, халқимиз тарихининг турли даврларга оид тасавурлари, урф-одат, иримлари, воқеа-ҳодисалар, маиший турмуши у ёки бу даражада ўз бадиий ифодасини топган.

2. Барча динлар учун таркибий қисм бўлган анимизм ифодаси ўзбек халқ қўшиқларида ҳам кўп учрайди.

3. Туркий халқлар, табиийки, ўзбек халқи аجدодлари тарихида ҳам айиқ, буғу, бўри, бургут, илон, лочин, от, оққуш, сувсар, қўй, эчки, хўкиз ва ҳ.з. тотемларга инончлар бўлган.

4. Турли ибтидоий диний қарашлар тарихий жараён давомида ўзаро уйғунлашиб кетган. Бу ҳол тотемизм ва шомонлик, хусусан, илон култи мисолида ҳам кўзга ташланади. Хусусан, халқ қўшиқларидаги илон поэтик образи илон тотеми ўрнини илон култи эгаллаб борганлигини кўрсатади.

5. Халқ лирик қўшиқларида шомонликнинг бадиий ифодалари тотемизмга нисбатан кучлироқ сақланиб қолган. Негаки, тотемларга инонч туркий халқларда VII аср бошларидаёқ сўна бошлаган бўлса, шомонизм маълум даражада бизнинг кунларимизгача етиб келган. Шомонликнинг яшовчанлигини халқ лирикасидаги янга образи мисолида ҳам кўrsa бўлади.

6. Анимизм каби магияга инонч ҳам шомонлик билан уйғунлашиб кетган. Бу уйғунликни биз қўшиқлардаги из ва тугун магияларига инончнинг бадиий ифодаларида ҳам кўрамиз.

7. Ўзбек халқ қўшиқларидаги тотемизм ва шомонлик рудиментларининг бадиий ифодалари турли бадиий-эстетик функцияларни бажариб, лирик қаҳрамоннинг қалб дунёсини кўрсатиб, оила, севги, фарзанд ғояларини ифодалаш учун хизмат қилади.

### III. БЎЛИМ. МАГИК ИНОНЧ – ИРИМЛАР РЕЛИКТ-ЛАРИНИНГ ХАЛҚ ЛИРИКАСИДАГИ ПОЭТИК КЎРИНИШЛАРИ

**Магия ва кўшиқ.** Архаик дин кўринишларидан бири бўлмиш магияга инонч ҳам халқаро характерга эга бўлиб, фан ва техника гоят кескин ривожланганига қарамай, сўнгги йилларда унга инонч бутун жаҳонда қайта жонланди. Магия жаҳон тафаккури тарихида шу даражада муҳим роль ўйнаганки, Ж. Фрэзер инсоният тафаккур тарихини: **Магия, дин, фан** босқичларига бўлган.

Магия атамаси ўзбек фольклоршунослигида кейинги пайтлардагина фаол қўлланилаётгани учун биз Ж. Фрэзер талқинларидан келиб чиқиб, унинг асаридан бир парча эркин таржимамаизни келтириб ўтсак: «**Магия принциплари:** Магик тафаккур икки принципга асосланади. Улардан биринчисининг қоидасига кўра, ўхшаш нарса ўхшашини келтириб чиқаради ёки оқибат ўз сабабига ўхшашдир. Иккинчи принципга кўра, бир-бири билан бир марта тўқнаш келган нарсалар, тўғридан – тўғри алоқа тугагач ҳам, яқин – олис масофадан ўзаро таъсир кўрсатишларини давом эттиради. Биринчи принципни ўхшашлик, иккинчисини эса алоқадорлик ёки юқтириш қонуни деб аташ мумкин. Биринчи принцип, яъни айнан ўхшашлик қонунига кўра, маг унга тақлид қилиб, ҳар қандай исталган ҳаракатни бажариш мумкин деб хулоса қилади. Иккинчи принципга асосланиб у қандайдир предметга қилган таъсири билан шу предмет билан бир марта алоқада бўлган шахс(танасининг бир қисми ва ҳ.з.), буюмга албатта таъсир кўрсатаман, деган хулосага келади... у ўхшашлик ва алоқа қонуни на фақат инсон ҳаракатлари, балки ҳамма нарсага тегишли деб, ҳисоблайди (240. – С. 19)».

Магия қонунларини табиат қонунларининг бузилган тизими, ёлғон фан, самарасиз саънат деб, баҳолаган олим ибтидоий жамиятда маглар улкан ижтимоий функция

бажариб, бутун жамоа манфаатлари учун хизмат қилганларини инкор этмайди ва: «Магия адашувнинг қизи, айти пайтда озодлик ва ҳақиқатнинг онасидир», — дейди.(240. — С.53). Фанда магия ҳақидаги қарашларда яқдиллик йўқ. Бизнингча, С. А. Токаревнинг қуйидаги таърифи магияни бирмунча тўлиқ таърифлай олади: «Инсоннинг ғайри-табиий тарзда у ёки бу моддий объекта бевосита ёки билвосита таъсир қилишига асосланган, айти пайтда анимистик тасаввурлар билан боғлиқ бўлмаган маросимларгина магиядир»(212. — С.245). Магияга инонч ҳам анимизм каби барча динларнинг таркибига сингиб кетган.

Ўзбек халқи урф-одат, маросим ва иримларининг кўпчилиги асосида ҳам тарихан магик-мифологик тафаккур ётади. Магияга инонч халқимиз маиший турмушида ҳозиргача сезиларли даражада сақланиб қолган. Ўзбек фольклорининг барча жанр намуналарида магияга инонч рудиментларининг бадиий ифодаларини учратиш мумкин. Бу хусусият халқ лирик кўшиқлари учун ҳам характерлидир.

Фольклоршунос учун халқ кўшиқлари, аввало, сўз сазнати мевасидир. Халқ инончлари, магик ҳаракатларда жуда қадим замонлардан сўзнинг аҳамияти шубҳасиздир. Таниқли фольклор назариячиси П.Г. Богатырев сўз билан муносабатига кўра барча магик ҳаракатларни: сўз формулалари ва уларсиз икки катта синфга ажратади(31.— С.197). Сўзнинг илоҳийлиги ва муқаддаслиги ҳақидаги қадимий инончлар сўз магияси ривожиди жуда муҳим роль ўйнаган ва кўшиқларни ҳам магик аҳамиятли ҳодиса даражасига кўтарган. Диншунос С.А. Токарев магия типлари ҳақида фикр юритар экан, сўз магиясини инкор этади(212.—С.431). Жуда қадимий ҳисобланган Зардушт динининг асосий ахлоқ қонуни: эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу ишларни тарғиб қилади(34. — С. 34).

Ўзбек фольклоршуноси Б.Саримсоқов ҳаракат магиясининг аҳамиятини камситмай, сўз магиясини ҳам эътироф этадики, биз кўшиқларда магик инончлар бадиий ифодаси таҳлилида ана шу фикрга кўшиламыз(191. — Б.142).

Кузатишларимиз ўзбек халқ лирикаси намуналарида ҳам сўз магиясига инонч излари жуда яхши сақланиб қолганлигини кўрсатади. Кўшиқлардаги лирик қаҳрамон, ёр тилига нисбатан қўлланган **жонбахш, асал, бол, шакар, новвот** сифатлашлари поэтик жиҳатдан кўчим бўлса, тарихий асосига кўра сўз магиясининг таъсири туфайлидир:

*Аравасин ғасир-ғусур ҳайдаган,  
Қомутина бир чаман гул бойлаган.  
Пачиз ўйниман деб ҳужра сайлаган,  
Новвот сўзи билан бизни бойлаган (81. инв № 552).*

Сўз билан бойлаш образли ифодадир. Аммо магик тафаккур, хусусан, сўз магиясига инонч туфайли сўз билан ҳақиқатда боғлаш мумкин. Магия қондасига кўра, сўз инсоннинг ўзига ҳам тенг, реал нарса деб тушунилади. Шу сабабли кўшиқларда инсоннинг ой, юлдузларга қиёсланиши мифологик тафаккур, сўзга тенглаштирилиши магик инонч, хусусан, сўз магияси билан боғлиқ деб тахмин қилишимиз мумкин:

*Алла, кўзим алла,  
Ой, юлдузим алла.  
Икки кўзим алла,  
Ширин сўзим алла(154. — Б. 202).*

Кўшиқда мавҳум сўз, реал нарсалар — кўзи, ой, юлдуз, икки кўзга поэтик жуфтлик бўлиб келмоқда ва кўчим сифатида фарзанднинг ўзига тенглашган.

Халқ лирикасида сўз магиясининг мақсади: яхшилик ёки ёмонликка қаратилган бўладики, бунинг тарихий асоси ҳам магия билан боғлиқ. Масалан мана бу кўшиққа эътибор берайлик:

*Мени ўлсин, деган ўлсин,  
Балога мубтало бўлсин.  
Кўлига косасин ушлаб,  
Кўчаларда гадо бўлсин(154. — Б. 68).*

Мисолимизда қарғишнинг магик таъсирига ишонч излари сезилиб турибди. Шунингдек, қўлга коса ушлаб, гадолик қилиш ҳам халқимиз тарихи, маиший турмушидаги ҳаётгий ҳодисалар билан боғлиқ. Ўзбек фольк-

лоршунослигида қарғиш жанри кейинги йиллардагина махсус ўрганилди ва унинг тарихий асослари қадимий-лиги, жаҳон халқлари фольклори учун типологи ҳодиса эҳзаблиги, сўз магиясига асосланиши кўрсатиб берилди.

Халқ тассавурларида бўлгани каби қўшиқларда ҳам магик инонч реликтларининг бадиий ифодаси бошқа тасаввурлар – тотемизм, анимизм, ҳосилдорлик культу-ларига инончлар билан уйғунлашиб кетган:

*Сабо билан субҳидам*

*Гул очилар, ёр-ёр.*

*Сўйлаганда оғзидан*

*Дур сочилар, ёр-ёр(153. – Б.24).*

Анъанага кўра субҳидам – хосиятли вақт. П.Г. Бога-тыров маросимлар ва магик ҳаракатларни ўтказишда вақтнинг алоҳида аҳамиятига эгаллигини таъкидлайди(31. – С.200).

Сабо ҳосилдорлик культутидаги шамолнинг аналогит. Шу сабабли субҳидамги сабо гулга жон бахш этади-гул очилади. Қўшиқда келинчакнинг сўзлари дурга тенглаштирилган. Дур детали фольклорда жуда кўп қўлланилади. Шунингдек, қўшиқнинг сийрат маъно-сида келинчакнинг кулиб сўзлаши ҳам англашилиб туради.

Этнограф Л.В.Покровская кулгунинг қадимги ҳосил-дорлик культуларида ритуал аҳамиятга эга бўлганлигини айтиб, қизиқ фактларни келтиради: Қадимий инончларга кўра, кулгу ҳаёт йўлдошигина эмас, ҳаётни туғдирувчи ҳамдир. Худолар етти марта кулганда, етти дуне яралган экан. Эртактларда аёллар кулгусидан гуллар, йиғисидан дурлар сочилади. Қадимги одам куёшни ҳам осмон кулгусига ўхшатган. Овчилар ов тугамагунча кулмаганлар ва ҳ.з. (103. – С. 70-72). Туркий халқлар анъанавий дунёқарашида ҳам кулгу янги ҳаётни чорловчи ва ҳаёт белгиси бўлган. Кулгу ҳосилдорлик ва ҳаёт ғояси билан боғланиб, мифо-поэтик анъанада тирикликнинг универсал рам-зи ҳисобланган (220. – С. 161-162).

Ўзбек тўй маросимларидаги келинчакларнинг йиғиси, кулгуси ҳам тарихан ритуал аҳамиятга эга бўлиб, тўкин турмуш, серфарзандлик ғоялари билан боғланади. Биз келтирган кўшиқда кулгунинг бу вазифасини сўз бажариб келган.

Халқ лирикасида сўз магиясига инонч излари кўшиқ билан ифодаланган дуо-тилаклар, қарғишларда ҳам кўриниб туради. Халқ мақолида: «Дуо олган омондир, Қарғиш олган ёмондир», — дейиладики, бу ҳам сўз магиясига инончнинг мевасидир.

Кўшиқларда ҳам ёрнинг ширин сўзлари жонбахш бўлса, аччиқ сўзи жон олувчи деб талқин қилинади:

*Ёр у ён ўтиб кетди,*

*Ёр бу ён ўтиб кетди.*

*Ёримнинг айтган сўзи*

*Жонимдан ўтиб кетди(154. — Б.10).*

Сиртдан қаралганда соддагина кўшиқ. Аммо жондан ўтган сўз образи тингловчини турли хаёлларга етаклайди ва маълум жиҳатдан сўз магияси билан боғланади.

Сўз магиясининг маросим фольклори тизимидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида Б.Саримсоқовнинг жидий кузатишлари бор(191). Биз эса айтилган қисқа фактларга таяниб, номаросим лириканинг тарихий асосида сўз магияси ҳам муҳим роль ўйнаган дея оламиз.

**Соч магияси ва кўшиқ.** «Ҳар қандай магик ҳаракат, — дейди, — П.Г. Богатырев, — кўпгина деталлар билан бажарилади» (31. — С. 201).

Олимнинг фикрини тўла қувватлаб, айтишимиз мумкинки, магияда инсоннинг ҳар бир ҳаракати, сочидан то тирноғигача бўлган таъна аъзолари ҳам тарихан жуда муҳим роль ўйнаб келган. Жаҳон халқлари эътиқодларида кенг тарқалган, рудиментлари, ўзгаришга учраган кўринишлари ҳозиргача яшаб келаётган магия кўринишларидан бири соч магияси билан боғлиқдир. Бу магиянинг ғоявий асосида контагиоз магияга инонч ётади.

Соч магиясининг ўзбек халқ лирикасидаги бадиий ифодалари, соч поэтик образининг қирраларини ўрганишни бир кўшиқдан бошласак:

*Дарёдан оқиб келоди,  
Шода-шоода марварид.  
Рўпарамда ўлтироди,  
Қоши қаро, барно йигит.  
Қоши қаро, барно йигит,  
Хурсанд этолмайсан мени.*

**Кокилим қиймат баҳо**

*Ташлаб кетолмайсан мени(49. – Б.15).*

Қўшиқни бугунги шеърият нуқтаи назаридан таҳлил қилсак, ажиб бир лирик манзара ва ҳолатни кўрамиз: Дарёдан шоода-шоода марваридлар каби тўлқинлар оқиб келмоқда. Соҳилда қиз ва барно йигит ёлғиз. Қиз негадир хафа. Аммо йигит уни ташлаб кетолмайди. Негаки қизнинг кокили қиймат баҳо. Парциал магия қоидасига кўра кокил қизнинг ўзига тенг бўлиб, кокилдан воз кечиш, қиздан айрилишдир.

Энди қўшиқни тарихий асослари, халқ анъанавий қарашларидан келиб чиқиб, таҳлил қилиб кўрайлик: Дарё ҳосилдорлик культларидаги сув култи объектидир. Марварид ҳам тўлқингина эмас, дарёнинг ҳосиласи, бўлғуси ҳосилдорлик рамзидир. Тўлқинларнинг марваридга ўхшатилишида сийрат маъносида фарзанд ғояси ҳам бор.

Қуръони Каримда шундай дейилади: «Дарҳақиқат биз инсонни(вояга етганидан сўнг шариат таклифлари билан) имтиҳон қилувчи бўлганимиз ҳолда (оталик ва оналик сувларидан) аралаш бўлган бир нуфтадан яратдик»(272. – Б. 445). Юнон мифологиясидаги севги ва гўзаллик илоҳаси Афродита мифлардан бирида айтилишича, ахталанган Уран томчиси билан денгиз тўлқини қўшилуvidан пайдо бўлган.

Қўшиқдаги шоода-шоода марварид жуфтлик ифодаси, оила асоси. Рўпарада ўтирган барно йигит дарёнинг поэтик параллелидир. Кокил эса соч магияси билан боғлиқ.

Э. Тайлор дунё халқлари тарихида ёвуз кучлар соч толаси ва тирноқлар орқали ҳам унинг эгасига зиён етказиши мумкинлиги инончи кенг тарқалганлигини айтади(208.— С. 94). В.Я. Пропп кузатишларича қадимги одам-



лар дунёқарашида : «Сочлар жон ёки инсон магик кучларининг макони ҳисобланган»(169. – С. 41). (94)

Ж. Фрэзер соч олиш, тараш, тозалаш – обу ҳавога таъсир қилиши, улар орқали соч ёки тирноқ эгасига исталган масофадан ўз ҳукмини ўтказиш мумкинлигига дунёдаги барча қадимий халқлар ишонганлигини эътироф этган (240. – С.43).

Ибтидоий одамлар тасаввурларда инсон боши, демак сочи ҳам жон ва осмон ғояси билан боғлиқ бўлган. Инжилда баён этилишича енгилмас Самсоннинг куч манбаи ҳам сочларида бўлган. Дастлаб қуёш худоси бўлган Самсон душманлари унинг етти тола сочини кесиб олишгач, бутун куч-қудратидан айрилган(241. – С. 300).

Инсон сочи қадим тасаввурларда осмон ғояси билан боғлиқ бўлганлиги учун жаҳондаги кўпгина халқларда туғилиш, никоҳ, ўлим маросимлари билан бир қаторда, илк бор гўдак сочини олишни ҳам инсон ҳаётидаги магик-ритуал аҳамиятга эга ҳодиса деб биладилар (252. – С. 32). Афсонага кўра Муҳаммад пайғамбар билан Оллоҳ ўртасидаги воситачи Ҳазрати Жаброилнинг сочи ҳам елкаларида ёйилиб турар экан(87. – С.80-81).

Ўзбекларда илк бор соч олиш маросими соч тўйи ёки **ақиқа** дейилган(90.–С.32). Ўрта Осиёнинг кўпгина жойларида гўдакнинг олинган сочини мевали дарахтга илиб қўйганларки(79. – С.372), бу магик аҳамиятга эга бўлиб, бахт ва ҳосилдорлик ғоялари билан боғланган.

Халқимиз маиший турмушида соч билан боғлиқ кўплаб иримлар, одатлар, тасаввурлар ҳозир ҳам кўп учрайди. Масалан, бировнинг бош кийимини кийиш тақиқланади, ялангбош юриш айб саналган. Аёлларнинг сочини ёзиб юриши фалокат, сочини қирқиши беҳаёлик рамзи ҳисобланган. Шу сабаб қўшиқларда шундай куйланади:

*Оқсув юзли, қалам қош,*

*Чиқма ёрим, ялангбош(154. – Б. 70). (96)*

*Даричадан қараманг, бошим яланг,*

*Қарасанг, қарамасанг қошим қалам.*

*Сочимни қирқай десам,  
Уволидан қўрқаман... ва ҳ.з.*

Тарихий тараққиёт натижасида инсон сочлари, унинг ҳолати маиший турмуш ва халқ оғзаки ижодида турли функциялар касб этиб борган. Тарихчи К. Шониёзов қадимги қипчоқ жангчилари узун соч кўйганликларини, олган тақдирларида тепаси ёки орқасида кокил қолдирганликларини айтади. Шунингдек, унинг аниқлашича, ўзбекларда қизлар анъанага кўра сочини майдалаб, келинчақлар ва жувонлар эса жуфт қилиб ўрганлар. Келинчақлар кокиласи **гажак** деб юритилган(246. – С. 268-269).

*Сочларим толим-толим,  
Майдалаб ўролмайман.  
Арз қилиб бу ҳолимни  
Ҳеч ерга боролмайман (49. – Б.53).*

Тарихий асосига кўра бу турмуш қурган ёки номусидан айрилган жувон кўшиғидир. Буни биз толим-толим сочларни майдалаб ўра олмасликдан билиб оламиз.

*Қизил гулнинг чечаги,  
Нима бўлди кечаги.  
Нақш олмадай юзига,  
Ярашибди гажаги (49. – Б.10).*

Кўшиқда келинчақ ҳақида сўз кетаётганлиги гажакдан маълум. Шу билан бирга унда келин-куёвларнинг тунги интим муносабатларига нозик қочирим ҳам бор.

Сочни майдалаб ўриш турмуш қурмаган қизлар учун хослиги мана бу кўшиқда равшан кўринади:

*Том бошида турган қиз,  
Сочини майда ўрган қиз.  
Маржонини йўқотиб,  
Ҳайронликда қолган қиз (49. – Б.10).*

Ш. Турдимов тадқиқотида лирик кўшиқларда том оила ва у билан боғлиқ тушунчалар рамзидир дейилади(223. – Б.122-132). Юқоридаги кўшиқда қизнинг том бошида туриши оила қуриш истаги, сочини майда ўриши оила қурмаганлиги ифодасидир. Аммо йўқолган маржон унинг

гуноҳ қилиб қўйганлигини англатади. Шунинг учун у хайрон. Умуман, ўзбек фольклори намуналарида нимаки, йўқотилмасин-бу йўқотиш сийрат маънода, албатта, бирор-бир кўнгилсизлик, келгусидаги машаққатлар рамзидир.

XIX аср сўнгида Олтойдаги туркий халқларда аёллар ва қизларнинг соч ўримларидан ҳам фарқланишига алоҳида эътибор берган В.В. Радлов аёллар сочини иккита ёки учта, қизлар майдалаб ўрганликларини айтади (174. – С.294). Бизнингча, сочнинг учта ўрилиши фарзанд гоёси билан боғлиқ бўлса керак. Бу одат ўзбекларда ҳам бўлганлигини мана бу қўшиқ тасдиқлайди:

*Қора қулоч сочимни*

*Уч ўрдилар, ёр-ёр.*

*Ота-онам шаҳридан*

*Кўчирдилар, ёр-ёр (153. – Б. 47).*

Туркий халқларда соч ўримининг жуфтлиги жуда қадим замонлардан аёлларнинг турмуш курганлигини ифодалаб келган. Жумладан, Н.Я.Бичурин қадимда Амударё бўйларида яшаган халқлар ҳақида шундай ёзади: «Аёллар турмушга чиқишдан аввал сочларини парваришлаб, икки ўримга ажратиб ўрадилар» (28. Т.1.–С.243). Қизиғи шундаки, жаҳоннинг кўпгина халқлари, шу жумладан, Европада ҳам қизлар, аёллар, турмуш қурмай маиший бузилган жувонлар ҳам соч ўримидан фарқланганлар(31.–С.334-335; 166.–С. 57). Бизнингча, бу тарихий типологик одат соч магиясининг моҳиятига кўра бутун жаҳондаги уйғунлиги натижаси бўлса керак.

Соч ўримларининг оилавий ҳаёт, маиший турмуш билан боғлиқ турли маънолар англатиши бизнинг кунларимизда ҳам маълум даражада сақланиб қолган. Бу ҳақда Ҳ.Исмоилов шундай ёзади: «Қизларнинг маълум ёш гуруҳларидан бошқа поғоналарга ўтишларида, яъни ёшликдан қизликка, қизликдан хотинликка – жувонликка ўтиш палласида, сўнг ўрта ёшлик даврига ва ниҳоят қаринликка ўтиш палласида ҳар бирига мос соч ўрими тарти-

бини сақлаганлар ва шу билан ўзларининг қайси ёшда эканликларини ҳам намоён этганлар»(90. — Б.34).

Сочнинг икки ўрилиши қизликдан аёлликка ўтиш рамзи эканлиги халқ кўшиқларида ҳам ўз бадий ифодасини топган:

*Ёримнинг қора сочи,  
Иккига бўлгудек бўпти.  
Шу дамда ўйин қилсам,  
Қараб кулгудек бўпти(154. — Б.28).*

Юқоридаги мулоҳазалардан сўнг аён бўладики, ёр сочининг иккига бўлгудек бўлиши унинг балоғатга етганлиги рамзи, энди оила қуриш мумкинлигига ишора-дир.

Республикамизнинг баъзи туманларида бир одат ҳозиргача учраб туради: Тўй куни никоҳ ўқилиб, чимилдиқда соч сийпатар, ойна кўрсатар, қўл ушлатар ва бошқа рамзий қовушишгача бўлган барча маросимлар бажарилгач, куёв чимилдиқдан чиқиб кетади. Шундан сўнг серфарзанд бир аёл ёки янга келинчакнинг сочини икки ўрим қилиб ўриб қўяди.

Халқ лирикасидаги соч поэтик образи тарихий асосига кўра соч магияси орқали ҳосилдорлик культлари билан ҳам боғланади. С.П. Толстов маълумотларига кўра, қадимда Ўрта Осиёда ҳам худо унвонига эга бўлган шоҳ ўз мамлакатада қурғоқчилик бўлишидан қўрқиб, сочини олдирмаган, ҳатто бегоналарга кўрсатмаган (215. — С. 319). Мутахассислар фикрича, туркий халқлар оғзаки ижодида ҳам соч ва унинг аналоглари — қил, қош, киприк, мўйлов, соқол, от ёлларининг бўлиқ-қалинлиги ҳосилдорлик рамзи бўлиб, фаровон турмуш ва серпуштликка магик таъсир кўрсатади, деб билинган (228. — С.240). Шу сабабли халқ кўшиқларида соч фақат гўзаллик рамзи бўлмай, сийрат маънода балоғат, севги, оила, фарзанд ва бахтли-тўкин турмуш ғояларини ҳам ифода-лайди.

«Сочлар, — дейди Н.И. Гоген-Торен, — шубҳасиз ва доим иккинчи жинсий белги бўлиб хизмат қилган. Иккинчи жинсий белги онгда сочнинг ҳосилдорлик

культлари билан боғлиқлиги ҳақидаги тасавурларга магик функция нисбатини бериш билан боғлиқ»(165. – С.92).

Сочнинг балоғат рамзини англатиши ўзбек халқ лирикасидаги «Сочингни узун дейдилар...», – мисраси билан бошланувчи композицион жиҳатдан диалог асосига қурилган кўшиқ – лапарларда, айниқса равшан кўринади. Унда инсон аъзолари – қош, кўз, бел, юз таърифлари соч поэтик образи билан уйғунлашиб, барчаси лирик қаҳрамоннинг жинсий балоғатга етганлигини рамзий ифодалашга хизмат қилади. Бунда сочпопунинг сочга, қошнинг қалдирғоч қанотига, кўзнинг гул гунчасига, юзнинг қизил олмага, белнинг чумоли белига ўхшатилиши маълум даражада қадим тасаввурлар, ҳосилдорлик культлари билан боғлиқ:

– Сочингни узун дейдилар,  
Доно укам, ёр-ёр,  
Қорасоч укам, ёр-ёр. (99)  
Кўрсат сочингни мен кўрайин,  
Беҳол укам, ёр-ёр(154. – Б. 90 -92).

Кўшиқда ёрнинг қоши, сочи, бел, юзларини кўрсатишни сўрашдан мақсад унинг балоғатга етганлигини аниқлашдир. Умуман, халқ кўшиқларида сочнинг узунлиги, белга, қошга тушиши ҳамиша севги фасли – балоғатни англатади:

Қора сочим ўсиб, қошимга тушди,  
Не савдолар менинг бошимга тушди(265. Т. 1. – Б. 147).

Белга тушган соч англатган поэтик маъно бошқа образлар билан уйғунлашиб кетади:

Олма пишганда келинг,  
Тагига тушганда келинг.  
Орқа сочим жамалак,  
Белимга тушганда келинг(154. – Б.47).

Мисолимизда олма пишиши билан сочнинг белга тушиши поэтик маъно жиҳатидан тенглаштирилган, яъни лирик қаҳрамон сочим белимга тушса, мен ҳам олмадай етиламан демоқда. Кўшиқларда сочга хос магик хусусиятлар унга уланадиган нарсалар учун ҳам те-

гишли бўлади. Қизлар, аёлларнинг сочларига илгари магик ҳимоя қилиш учун танга, турли нарсалар тақишган бўлса, ҳосилдорлик, яъни серфарзандлик истаклари билан тол хивичлари, пахта попукларини улашганлар:

*Сочим учи пиликсиз,*

*Ахир пилик соламан.*

*Ёрим менга кўнгилсиз,*

*Ахир ёрсиз қоламан(49. — Б. 130).*

Мисолимизда фарзанд ҳақида сўз йўқ. Аммо халқ иримларидан хабардор киши кўшиқнинг сийрат маъносида фарзанд ҳақида сўз кетаётганини идрок қилади. Чунки сочга ёвуз руҳлардан ҳимоя қилиш ва аёл серфарзанд бўлиши учун пилик улайдилар. Соч учининг пиликсизлиги лирик қаҳрамоннинг бефарзандлиги ёки жин-пин чалган касаллик туфайли бўлиши мумкин. Ўзбекларда боласи ёки ўзи касал бўлса, аёллар пахта толасидан пилик ясаб, танага сийпаб олган ва бу пилик касаллик учун қурбонлик қилинган, ис чиқарилган пайтда шам сифатида ёқилган. Бу жиҳатдан юқоридаги кўшиқда ёрнинг кўнгилсизлигини айнан лирик қаҳрамон сочига пилик уламаганидан деб тўғри — иримсиз маънода тушуниш мумкин эмас.

Соч ва унинг аналоглари — қош, мўйлов, соқол поэтик образлари эрларни ҳам ёш ҳамда жинсий жиҳатдан фарқлаши ўзбек халқ лирикаси учун характерли хусусиятдир.

Халқ лирикасида ўспиринлик, йигитлик, боланинг балоғатга етганлиги — қош, мўйлов, ўрта ёш ва кексаллик — соқол поэтик образлари билан ифодаланади:

*Тоғдаги барра қиёқдек,*

*Қошларингдан ўргилай.*

*Янги чиққан майсадек,*

*Мўйлабларингдан ўргилай(154. — Б.56).*

Кўшиқдаги барра қиёқдек қош ва майса йигитнинг жинсий балоғати рамзи бўлиб, қош маълум даражада соч магияси билан, мўйлаб ҳосилдорлик ғояси билан боғлиқ.

Халқимизда болаларнинг ўспиринликка ўтиши хатна тўйлари, балоғатга етиши қадим замонлардан мўйлов тўйи ёки мўйлов оши билан нишонланиб келинган. Хатна, суннат тўйлари одати ҳозир ҳам тўла мавжуд бўлиб, мўйлов билан боғлиқ маросим қолдиқлари малум даражада (90. – Б.81). Ҳозирда кўча-куйда мўйлов қўйган йигитларга : «Мўйлов ошини қачон еймиз?» – деб ҳазиллашишлар ана шу қадимий одат ифодасидир.

Соч магияси билан боғлиқ бўлганлиги учун хотин-қизлар сочини қирқиб кетиш қандай бўлса, йигитларнинг мўйловларини ёки оти ёлини қирқиб ташлаш ҳам шундай қаттиқ ҳақорат, номуси топталиши рамзи бўлиб келган. Энди мана бу қўшиққа эътибор берайлик:

*Томда тариқ сочилган,*

*Оғзинг қурсин очилган.*

*Соқолингда бурга бор,*

*Эркаламай гўрга бор.*

Том-оила, сочилган тариқ – кўнгилсиз оила рамзи. Очиқ оғиз – ажалга яқинлик, соқол эса кексалик ифодасидир. Лирик қаҳрамон қочирим йўли билан: Ажалинг яқинлаб қолибди, сен менинг тенгим эмассан. Менга тегажқлик қилгунингча ўлганинг яхши, – демоқда. Қўшиқдаги очилган оғиз, соқол, гўр сўзлари бир моҳиятни ҳар жиҳатдан кучайтириб ифодалашга хизмат қилган.

Қўшиқларда мўйловнинг аналоги бўлган майса– баҳор, ёшлик; похол – куз, кексалик рамзларидир. Соч образи борасидаги кузатишларимиз бизни жаҳон халқлари қадимдан йил фаслларини турли маросимлар, байрамлар билан нишонлагани каби инсон умрининг фаслларини ҳам соч ва унинг аналоглар воситасида ифодалаган деган хулосага олиб келади.

Биз шу пайтгача келтирган мисолларимизда соч поэтик образининг магик хусусиятлари равшан кўрингани йўқ, аммо унга ишоралар бор. Фольклоршунос Г.И. Мальцев тўғри таъкидлаганидек, халқ лирик қўшиқлари, поэтик образларининг маъноси анъана туфайли доимо

маълум бир матн англатган маънодан анча кенг бўлади. Шу сабабли уларни таҳлил қилганда кўшиқнинг матн, ижро жараёнидаги маъноси билан бир қаторда халқ онги ва тассавурларидаги маъноларини ҳам топишга ҳаракат қилиш лозим(134. – С. 165).

Кўшиқларда магик инонч излари турлича даражада, кўпинча поэтик кўчимларнинг сийрат маъносида яширин бўлади:

*Қизил гул новдасидан, алла,*

*Қамар қилай белингга, алла.*

*Сочларим толасидан, алла,*

*Боғич қилай тўнгингга, алла(49. – Б. 146).*

«Қизил ранг, – дейди П.Г. Богатырев, – кўз тегишига қарши энг кўп тарқалган воситалардандир»(31. – С. 316). Гул ҳосилдорлик култи билан боғлиқ бўлганлиги учун тассавурда унинг новдасидан қамар қилиш мумкин. Қамар ҳам магик ҳимоя кучига эга. Шунингдек, халқ лирикасида гул, одатда, хотин-қизларни, белбоғ образи эрларни англатади. Шу сабабли юқоридаги алла ўғил болага айтилган ва она унинг улғайиб, оила қуриши, уйланишни орзу қилмоқда.

Кўшиқдаги соч толаси тумор ўрнини босганлигини, биз сочнинг магик функцияларидан маълум даражада хабардор бўлганимиздан кейингина билиб оламиз. Магик қарашларда инсон сочи унинг боши каби осмон ва жон ғояси билан боғлангани учун халқ оғзаки ижодида соч поэтик образи жуда қудратли куч сифатида талқин қилинади.

Эртақларда сочнинг аниқловчиси бўлмиш тароқ ташланганда ўтиб бўлмас тўқайлар пайдо бўлади. Ўз ёлидан тола берган от, бўри, шер каби жониворлар қаерда бўлишларидан қаътий назар, эпик қаҳрамон бу толани туташ билан етиб келадилар. Чунки улар ушбу тола ҳукмидадирлар. «Алпомиш» достонида Бойчибор қаҳрамонни чоҳдан думи билан тортиб чиқаради. Романик дostonларимизда жанг пайти ҳомий руҳлар қаҳрамон отининг ёлида туриб, унга кўмаклашади, қаҳрамон бирор сабаб билан менмансираб кетганида, уни ташлаб кетадилар,



шунданг сўнг албатта ярадор бўлган қаҳрамонни оти ёли билан суяб, жанг майдонидан хавфсиз жойга олиб келади.

Магик инончга кўра соч жонли ва қудратлидир. Шу сабабли аёллар сочи тоқ ўрилса, жуфт бўлиб ўсай (8.— Б.35), оила кўрай дермиш.

*Балбаланинг баланди,  
Сочинг дарёнинг банди...*

Биз ҳосилдорлик культларида сувнинг осмон билан боғлиқлигини кўрамиз. Соч ҳам осмон ғоясини ифода-лар экан, унинг сув билан боғлиқлиги, дарёларни тўса олиши ҳам магик тафаккур учун табиий ҳисобланади. Шу сабабли сочлар баланд дорларни йиқади:

*Қирқ қулоч сочимни солдим дорга,  
Сен учун мен кирайин бозорга...(64.— Б. 48).*

Маълумки, халқ ижодида соч каби қирқ сони ҳам магик аҳамият касб этади(78). Қўшиқларда соч поэтик образининг соч магияси билан боғлиқ хусусиятларидан бири шундаки, уларда лирик қаҳрамон ўз сочи билан севгилисини мафтун этади, ўзига қаратиб боғлаб олади:

*Мен борай кўча билан,  
Теракзор ичи билан.  
Йигит қўли боғлансин,  
Қизларнинг сочи билан(154. — Б.73).*

Ёки:

*Тол барги толим-толим,  
Толда қолди рўмолим.  
Орқам тўла ҳайдарим,  
Ҳар жойда харидорим(154. — Б.84).*

Йигит арқонни, занжирни узиши мумкин. Аммо магик қудратли соч бандидан чиқиб кета олмайди. Иккинчи мисолимиздаги **толим-толим** сифатлаши сочга ҳам, толга ҳам хос белгидир. Тол — ҳосилдорлик ва рўмол бош ғояси билан боғлиқлиги бизга маълум бўлгач, толда қолган рўмол сийрат маънода оила ва фарзанд тушунчалари билан боғланади. Орқа тўла соч бу маънони кучайтириб, тарихан соч магиясига инонч билан боғла-

нади. Фольклоршунос Ш. Турдимов лирик қўшиқлардаги рўмол — оила рамзи бўлиб келишини атрофлича ёритиб берган(223. — Б.91-105). Бизнингча, рўмол поэтик образи халқ лирикасида рамз даражасига етишгунча бош ва соч каби магик маънога ҳам эга бўлган.

Халқ лирикасида соч каби унинг атрибутлари — қош, киприк, кокил, гажак, зулф, ҳайдар, жамалак, қил, тароқ ва ҳ.з. — барчаси соч эга бўлган магик хислатларга эга бўлиши мумкин. Шунингдек, соч ҳолатлари лирик қаҳрамоннинг қалб кечинмалари, ёқтириш ёки ёқтирмаслигини ифодалашга ҳам хизмат қилади:

*Мен ёримни соғинсам йўлга қарайман,  
Сочларимни авайлаб, силлиқ тарайман.  
Қошимга ўсмалар қўйсам келарми ёр-эй,  
Кўзимга сурмалар сурсам келарми?*

Соч, қошга эътибор магик жиҳатдан ёрга эътибор, унинг келишини тезлатишга қаратилгандир. Сочни силлиқлаб, авайлаб тараш умидворлик, ёрга меҳр-оқибатдир. Қўшиқдаги ўсма ва сурмалар ҳам севги магияси билан боғлиқки, бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз. Қўшиқларда сочга бепарқлик майлсизлик ифодасидир:

*Сочимни тарамайман,  
Ойнага қарамайман.  
Хотирингни жам қилгин,  
Мен сенга қарамайман (154. — Б.114).*

Ўзбек никоҳ маросимларидаги соч сийпатар, ойна кўрсатар одатлари ҳам келин-куёвни бир-бирига яхши кўрсатишга қаратилган магик усул бўлиб, соч магияси билан боғлиқдир.

Ж.Фрэзер қадимда жон соя, сув ва кўзгудаги акс тасвирда ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида тассавурлар бўлганлигини айтади(240.— С.186). Катта сувларга ёлғиз бориш, кечаси ойнага қараш, соч тараш тақиқи, бутун жаҳонда, жумладан ўзбек халқида ҳам мавжуд. Ана шу фактларга кўра ойнага қараш, соч тараш каби муҳим магик-ритуал аҳамиятга эга бўлган.

Соч магияси туфайли соч толасини муқаддас деб билиш, соч толасидан туморлар тақиб юриш жаҳон халқ-

лари тарихида жуда ривожланган. Жумладан, бундай одат ҳақида имом ал-Бухорий тўплаган ҳадисларда ҳам маълумотлар бор. Пайгамбар саҳобаларидан бири шундай дейди: «Менда Расуллоҳ ва салламнинг бир тола сочларининг борлиги дуне ва ундаги бор нарсалар меники бўлиб қолганидан ҳам севинчлироқдир»(3. Т.1. – Б.61). Қизиғи шундаки, лезгинларда ҳозиргача соч ёқиш, худди эртақлардагидек, ёрдамга чақириш маъносини англатар экан. Туркий аждодларимиз соч рангига қараб, инсон ва унинг авлодлари келажакда бахтли ёки бахтсиз бўлиши ҳақида ҳукм юритганлар(220. – С.79).

Ўзбек халқ лирикасида соч магиясининг ифодалари ҳосилдорлик культлари каби магиянинг бошқа кўринишлари, хусусан, жинсий ва из магияси билан уйғунлашиб кетади. Халқ кўшиқларида соч ва из магиясига инончнинг уйғунлашиб кетганлигини кўриш учун яна бир машҳур кўшиқни таҳлил қилайлик:

*Оқ, ойдин кечалар,  
Оптоқ, ойдин кечалар,  
Гул билан райхон буркайди,  
Ёр юрган кўчалар.*

*Ёр юрган кўчаларни  
Супурай сочим билан.  
Чанги чиқса, сув сепай,  
Кўздаги ёшим билан.*

*Ёр юрган кўчаларнинг  
Чанги бор, тупроғи йўқ.  
Бормикан дунёда ошиқ  
Дилда асло доғи йўқ.*

Биз кўшиқнинг бир бандинигина мисол келтиришимиз мумкин эди. Аммо анъанада, ижодчи ва ижрочи халқ онгида, ижро жараёнида кўшиқ бир банд билан чекланиб қолмайди. Ижрочи кўшиқ куйлаганда бандларнинг мазмунан ва шаклан яқинлиги қонуниятига амал қилиб, поэтик образлари, мазмуни жиҳатидан оғзаки жараёнда яхлит-яхлит кўшиқларни юзага келтиради.

Энди бевосита юқоридаги қўшиқ таҳлилига ўтсак, биз унда дастлаб ойдин кечалардаги салқин ва гул ҳиди чўллаган кўчаларни, бу кўчаларда ёр юрганлиги учун сочи билан супуриб, кўз ёши билан сув сепадиган ишқ фидойисининг лирик образини тассавур қиламиз. Ана шундай сиртқи талқинга кўра кўпгина қўшиқ тадқиқотчилари анъанавий халқ лирикасида қувончдан мунг оҳанглари кўп дейдилар. Ҳолбуки, халқ қўшиқларида моддий қийинчиликлар, камбағалликдан нолинган намуналар қалб дунёси ифодаси бўлган қўшиқларга нисбатан жуда камчиликни ташкил қилади.

Аслида қўшиқлардаги йиғи ва қайғулар маълум даражада анъана натижаси бўлиб, кўпинча ритуал аҳамият касб этади. Халқ лирикасида умидворлик, ҳаётга муҳаббат оҳанглари, жон-руҳнинг ўлмаслигига ишонч етакчилик қилади. Масалан, бирор кекса киши вафот этса ҳам «Қари ўлса тўй», — деган халқимиз, азада барча йиғисиғи маросимларини ҳам унутмайди. Бундай пайтлар йиғи ғамдан кўра кўпроқ ритуал ифодаси сифатида намоён бўлади.

Магик тафаккур натижасига кўра мисолимиздаги ёр юрган кўчаларда гулу райҳонлар атри қолади. Ойдин кечалар ҳам ёруғлик ва шодлик рамзидир. Тарихий асосига кўра бу қўшиқда лирик қаҳрамон магик кучга эга бўлган сочи ва кўз ёши билан севгилисини ўзига қаратиб олишни истайди. Чунки ёр юрган кўчаларда унинг изи қолади. Из магияси ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш учун вақтинча мисолимизни унутиб, халқ лирикасининг бошқа намуналари ва из магияси билан боғлиқ инончларга тўхталсак:

*Бугун хафалик етди,*

*Меҳрибон ёрим кетди.*

*Боққа кирсам изи бор,*

*Менинг сабрим тамом битди(154. — Б. 31).*

Сиртдан қаралганда оддийгина қўшиқ: Ёр кетибди. Лирик қаҳрамон боғда унинг изини кўриб қаттиқ қайғурибди. Аммо халқ лирикасидаги боғ образи ҳаётдаги боғ тушунчасидан анча кенгдир. Қўшиқларда боғ оила-

ни, ёрни, учрашув жойини, оламнинг кичик моделини англатиши мумкин. Агар кўшиқдаги боғ образини оила рамзи деб тассавур қилсак, ёр уйдан кетган, аммо ҳар бир нарса уни эслатиб туради. Лирик қаҳрамоннинг ёр изини кўриб, ўзини тута олмай қолиши тарихий асосига кўра из магияси билан ҳам боғлиқ.

Ж.Фрэзер фактларига кўра инсон билан унинг изи ўртасида ҳам магик муносабат сақланиб, қадимги одамлар тассавурида инсон изига мих қоқилса, унинг эгаси оқсаб қолиши тайин бўлган. Жанубий славян халқлари қизлари севгилиси изидан тупроқ олиб, тувакка гул ўтқазганлар ва гул қанча очилиб-яшнаса, йигитнинг уларга бўлган муҳаббати шунча кучли бўлишига ишонганлар(240. – С.48-49). Изига мих қоқилса, унинг эгасига зарар етишига аждодларимиз ҳам ишонишган.

Туркий аждодларимиз гўдакларнинг туғма холларини ҳосилдорлик ва гўдаклар ҳомийси – илоҳа Умайнинг изи деб билганлар. Гўдаклар ўзича кулиб, ўйнаб ётганларида у Умай билан ўйнашяпти, йиғлаганда Умай болани ташлаб кетибди, деб ўйлаганлар(219. – С. 278). Анъанавий дунёқарашда холнинг из билан боғлиқлиги ва илоҳий характери Муҳаммад пайғамбар ҳақидаги афсоналар ҳам тасдиқлайди: Афсонага кўра пайғамбар уч ёшга тўлганда, фаришта Жаброил келиб, унинг икки елкаси ўртасига урган. Пайдо бўлган хол пайғамбарлик белгиси бўлиб, қуш тухумидай келган ва уни баъзи пайғамбар замондошлари ўз кўзлари билан кўрган эканлар(87. – С.18). Шунингдек, ўзбек халқ эпоси қаҳрамони Алпомишнинг ўнг елкасида Шоҳимардон пир, чап елкасида тарихан аждодлар ва от култи ҳомийси бўлган Култой панжаларининг изи, яъни холлар қолган(10. – Б.8).

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Улардан чиқадиган хулоса шундаки, кишиларнинг танасидаги туғма холлар қадимий тушунчаларга кўра, худди соч каби осмон ғоялари билан боғланган.

Ўзбек халқ кўшиқларида севгили ёр холининг кўп куйланиши ҳам бизнингча, қадимий илдизларига кўра, илоҳиёт ва у орқали фарзанд тушунчалари билан боғ-

ликдир. Қўшиқларда хол фақат гўзалик рамзи бўлмай, танасида Умай изи қолган қиз-аёлларнинг келажакда бахтли ва серфарзанд бўлишлари аجدодларимиз инончларида табиий бўлган. Бу мулоҳазаларимизни тилшунос А. Рустамовнинг: Ума – қадимги туркча она маъносини англатади, деган фикри ҳам қувватлайди(187. –Б.125).

Ўзбек халқи дунёқарашада из магиясига инонч излари ҳозиргача сақланиб қолган. Кекса ва ўрта ёшдаги кишилар бировга унинг изи орқали ҳам ёмонлик қилиш мумкинлигига ҳануз ишонадилар. Яқин-яқинларгача ёмон кўрган одамларининг изини ҳам қарғаганлар. Изидан тупроқ олиб, оловга ташлаганлар. Изнинг соч каби жон, аниқроғи фарзанд тушунчаси билан боғлиқлигини бекфарзанд кетган одамлар ҳақида «Изсиз кетди», - деганларидан ҳам билса бўлади.(109). Яна бир мисол:

*Тоғдан кийик тушади,*

*Изи билан, ёр-ёр.*

*Она кашта тикади,*

*Қизи билан, ёр-ёр (153. – Б.59).*

Халқ маиший турмушида она ва қизнинг кашта тиқиши оила қуриш, қиз узатишга тайёргарликнинг белгисидир. Энг моҳир халқ қўшиқчиси ҳам поэтик параллелизмлар ҳодисасини изоҳлаб бера олмайди. Аммо анъанавий ижод салоҳияти билан уни ҳис қилади ва мумкин қадар ундан фойдаланади. Бу жиҳатдан қўшиқдаги она – кийикнинг, қиз эса изнинг поэтик параллелари бўлиб, из тушунчаси фарзанд маъноси билан тенглашади. Лирик қўшиқларда хол поэтик образи ҳам тарихий асосига кўра магик тасаввурлар билан боғлангани учун из каби фарзанд маъносини ҳам англатиши мумкин:

*Қизариб тунга сиғмасман,*

*Агар кўрсам жамолингни.*

*Жаҳон, оламга бермасман,*

*Сенинг бир жўра холингни(154. – Б.68).*

Сийрат маъносига кўра хол фарзандга ишорадир. Бу талқинимиз асоссиз туюлиши мумкин. Исбот учун яна этнографик фактлар, халқнинг поэтик қайта идрок қилиш салоҳиятига мурожаат қиламиз:

Халқда табиий хол билан туғилганларга кўпинча Анор, Нор, Анорбой, Норбиби, Аноргул деб исм қўядилар. Гуё нор билан боғлиқ исм қўйилмаса, хол катталашиб, болага зиён етказди. Шунингдек, ҳосилдорлик, гўдаклар ҳомийси — Анахитанинг аниқловчиси ҳам анор бўлган. Анор дарахти ҳам халқда серпуштлик ғояси билан боғланади.

Кишиларга исмлар қўйиш тарихи жуда қадимги даврлар инончлари — тотемизм, шомонлик, магик-мифологик тафаккур, ажодлар култи билан боғлиқ(63. — С.71, 96; 228. — С. 160). Гўдакларга кўпинча магик ҳимоя қилинади деб тушунилган исмлар қўйилган. Хол, айрим аъзолар, масалан, қўл-оёқ бармоқларининг ортиқ ёки камлиги руҳлар дунёси билан боғланган. Халқ лирикасида оғир оёқлик белгилари — юздаги холга ўхшаш сепкиллар ҳам хол дейилади:

*Сув қўйибман жийда майдон устига,  
Хол тушибди келинчакнинг юзига(154. — С.143).*

Қўшиқдаги жийдага сув қўйиш билан юзга тушган хол ўртасида ўта нозик эротик маъно бор. Сув, жийда ҳосилдорлик культлари рудиментлари туфайли фарзанд тушунчалари билан уйғунлашади. Келинчак юзига тушган хол оғир оёқлик белгисидир.

*Кўча-куйинг лой бўлипти,  
Ўтгани жой бормикан.  
Оқ юзингга хол тушипти,  
Ўтгани жой бормикан(154. — Б.146).*

Хол — бўлғуси фарзанд, кўча-куй лойлиги аёлнинг оғир оёқлиги туфайли чекланган интим муносабатлар ифодасидир.

Айтилган этнографик фактлар, тассавурлар ва маиший турмуш ҳодисалари қўшиқ ижрочиси онгида уйғунлашиб, поэтик мушоҳада қилинган ва қўшиқ пайдо бўлган. Бу маъноларни поэтик кўчим ва шаклда ифодалаш қўшиқ ижрочисига ҳам, тингловчисига ҳам яширин ифодалангани учун эстетик завқ беради. Агар оддийгина қилиб: «Хотин, бўйингда бўлиб қолибди, шунинг учун ўпа олмай қолдим», — дейилганида жуда кўпол

бўларди. Шу сабабли халқ лирикасининг ривожда маънавий турмушни поэтиклаштириш муҳим асослардан бири бўлган.

Энди бевосита дастлабки кўшиғимизга қайтсак. Халқ кўшиқчиси куйлар экан, биргина банд билан чекланиб қолмайди. У кўшиқ айтганида кўшиқларнинг бой хазинасидаги мазмунан ва руҳан бир-бирига яқин намуналарни ўз қайфиятига мослаб тизиб кетаверади. Натижада бандлардан иборат яхлит кўшиқ пайдо бўлади. Биз шартли равишда яхлитлаган «Оқ, ойдин кечалар» кўшиғи ҳам шундай намуналардан бири бўлиши мумкин. Кўшиқда ҳамгин оҳанглар кучлидай туюлади. Аслида бу кўшиқнинг анъанавий мусиқаси, оҳангига тегишли бўлиб, дастлабки мисрадаги ойдинлик, гул-райхон бурканган кўчаларнинг ўзидаёқ ёруғлик ва сархушлик ифодалари бор.

Халқ лирикасидаги йиғи ва қайғулар кўпинча, тарихан ритуал аҳамиятга, анъанавий характерга эга бўлиб, уларнинг сийрат маъносида умидворлик, ҳаётга муҳаббат оҳанглари, жон-руҳнинг мангулигига ишонч ғояси етакчилик қилади. Шунинг учун ҳам кечалар ойдин, ёр юрган тупроқсиз кўчалар хушбўй.

*Ёр юрган кўчаларни*

*Супурай сочим билан...*

Халқимизда совчи бўлиб борган аёлларнинг қиз ҳовлисини супуриш одати ҳам бўлган. Умуман, халқ оғзаки ижодида, иримларида супурги зиёнларни қуритувчи, тик қўйилса, зиён келтирувчи магик нарсадир. Баъзи халқлар эртақларида ялмоғизларнинг супургини миниб учишлари ҳам магия билан боғлиқ. П.Г. Богатырев айтганидек, предмет функцияси магияда жуда катта роль ўйнайди (31. – С.366).

«Алпомиш» достонида Барчиннинг Бойчибор отга : «Қурру-ё, қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти, Оқ тўшим – яйловинг, сочим – шипиртки», – деган мурожаатида сенга келган балоларни мен олай деган сийрат маъно бор. Қолаверса, кўшиқдаги соч билан супуриш, Барчиннинг мурожаати, супурги билан боғлиқ иримлар барча-



си, бизнингча, бир тарихий асос — магик инончларга боғланади. Шу боис Барчин мурожаатида фақат фидойилик эмас, бошқа жиҳатлар ҳам бор. Жумладан, от култи таъсирига кўра, Бойчибор Алпомишнинг аниқловчиси, поэтик ассоциацияда ўзига тенгдир. Сочнинг шипиртки бўлиши соч, супурги магияси билан боғлиқ бўлганидек, сийрат маънода тўшнинг яйловлиги из магиясининг поэтик ифодасидир. Айни пайтда Барчин Алпомишнинг ўз кўксига яйраши, сочини супурги қилиб изларини супуришни ва шу йўл билан ўзига мафтун қилишни ҳам истади.

Халқ қўшиқларида соч поэтик образининг қирраларидан бири унинг ёзиқ ҳолати билан боғлиқ:

*Соқолинг саватдек чиқма тўшакка,*

*Нега зое бўлай сендай эшакка.*

*Сенга топилмасми бир сочи ёзиқ,*

*Менга қурибдими бир бахти ёруғ(81. Инв.№ 1538).*

Соқол — кексалик рамзи, сочи ёзиқлик-бевалик. Халқда яқин кишиси вафот этган хотин-қизлар соч ёзиб йиғлайдилар. Умуман, сочнинг ёйиқлиги ўзбекларда тарихан азадорлик, бузуқлик, ёмонлик маъноларини англатиб, магик инонч билан боғлиқ бўлган. Ж.Фрэзер дунёнинг кўпгина халқларида аёллар марҳум руҳини чалғитиш учун соч ёзиб йиғлаганлар дейди(242. — С.61). Ёйиқ соч этнографик фактининг фалокатни англатиши халқ термасида қуйидагича баён қилинган:

*Гужумнинг шохасина осдим ҳалкинчак,*

*Ҳаз этиб ўйнасин, кулсин келинчак.*

*Шохога илиниб тўзмасин сочи,*

*Замоннинг тўзгани бўлар ёронлар.*

Халқ тасавурларида ажиналарнинг сочларини ёзиб ўтиришлари ҳам соч ёзиқлигининг фалокат нишонаси эканлигидадир.

Тожик олими О. Муродов шомон қарашлари бўйича ажина сочини қўлга киритган одам унга ўз ҳукмини ўтказиши мумкинлигини айтадики, бу ҳам соч магиясига инонч туфайлидир(234. — С.82).

Соч магияси ва соч поэтик образининг қирраларидан бири **кокил** ва **ҳайдар** деб аталувчи соч ҳолатлари билан боғлиқ. Этнограф Г.П. Снесарев шундай этнографик фактни келтиради: Узоқ вақт фарзанд кўрмаган эру хотинлар бўлажак фарзандларини муқаддас жой ёки бирор эшонга атаганлар. Бу назр дейилган. Бола туғилиб, илк бор сочи олинганда назр белгиси сифатида бир тутам соч қолдирганлар. Ана шу соч толалари **кокил** ёки **ҳайдар** деб юритилган. Бола 7-9 ёшга тўлгач, назр қилинган жой ёки эшон хонадонига топширилган. Унинг **кокил** ёки **ҳайдари** ота-онада қолдирилган. Бола уйда қолганда кокил назр қилинган жойга кўмилган. Ўтмишда бу одат рамзий бажарилмай, унга қабътий амал қилишган(196. – С. 92-96).

Ҳ.Исмоилов ёш қизчаларнинг икки томонидан қолдирилган соч толалари ҳам **кокил** дейилганлигини айтади. Ўғил болаларнинг **кокил** сочлари суннат тўйларида олинган(90. – Б.33-35). Бизнингча, суннат тўйларида олинган кокил болаларни магик ҳимоя қилишга қаратилган.

Қозоқ фольклоршуноси Э. Турсунов қозоқларда бош тепасида қолдирилган бир тутам соч **айдар** деб аталганини эътироф этади(224.–С.173). Фольклоршунос Т. Мирзаев илгари кокил фақат қизларда эмас, ўғил болаларда ҳам бўлганлигини қайд этади, Гўрўғли туркуми дostonларидаги Авазнинг ҳайдар кокили қаҳрамонлик белгиси, дейди.

Бу фактлар **ҳайдар** атамасининг қадимийлигини ва **аждар** сўзи билан бирлигини кўрсатади. Аёллар сочини илонга ўхшатиш халқда бор нарса. Аждар халқ тассавурида илоннинг каттасидир: «Илон қирқ йил яшаса, аждар бўлади».

Назр этилган бола сочининг **ҳайдар** деб юритилиши ва у соч эгасини магик ҳимоя қилибгина қолмай, боланинг туғилиши руҳлар дунёси билан боғлиқ деб ҳам тушунилган.

Э.Турсунов айтган **айдар**ни одатда жангчилар кўйишган. Халқдаги илон, аждарлар ҳақидаги тассавурлар кўп жиҳатдан сув ва ҳосилдорлик культлари билан боғлиқ.

Шу сабаб назр қилинган бола сочининг **ҳайдар** деб аталиши тарихан сув руҳлари ва ҳосилдорлик ғоялари билан уйғунлашган.

Ўзбекларда бирор фарзанд кўриб, кейин фарзандлари турмаган ота-оналар боланинг орқасида бир тутам соч қолдирганлар ва бу соч магик қудратга эга бўлиб, болага ука ёки сингил келтиради, деб ишонишган.

Ўтмишда болаларни назр қилиш одатининг қўшиқлардаги поэтик кўринишлари шундай ифодаланган:

*Отам билан онам мени,*

*Не кулфатлар билан боққан.*

*Азиз бошим ниёз айлаб,*

*Мозорларга чироқ ёққан(154. — Б. 68).*

Ота-онанинг кулфати кўп йиллар фарзанд кўрмаганлигидадир. Шунингдек, кўшиқдаги **ниёз** назр сўзининг синонимидир.

*Боққа кирсам боғ шамоли,*

*Ҳайдаримни ёзади.*

*Уйга кирсам, ғариб онам,*

*Юрагимни эзади(154. — Б.58).*

Она ғариблиги, лирик қаҳрамон юрагининг эзилиши унинг назр қилинганлиги туфайлидир. Бу ҳукмга **ҳайдар** сўзининг тарихий маъносига таяниб келамиз. Поэтик мушоҳада туфайли **ҳайдар** сифатлаши халқ ижодида кейинчалик гўзаллик рамзига айланган.

Бу мулоҳазалардан сўнг «Кокилим қиймат баҳо, ташлаб кетолмайсан мени...» қўшиғининг сийрат маъноси анча ойдинлашади. Қизнинг хурсанд бўла олмаслиги, йигитнинг уни ола олмаслигига сабаб **назр** одатидир. Лирик қаҳрамон ёшлигидан бировга аталган. Шунинг учун қаттиқ хафа. Аммо соч магияси қудрати туфайли йигит қиздан воз кечиб ҳам кетолмайди. Қизиғи шундаки, соч ҳосилдорлик, ёмғир, оила, фарзанд ғояларини ифодаласа, сочсизлик бунинг акси экан. Қардош Қирғизистоннинг Аровон туманида илгарилари ёмғир ҳеч тинмаса, қирқта кални рўйхат қилишиб бир дарахтга осиб қўйишар экан.

Соч поэтик образи мумтоз ва замонавий ёзма адабиётда ҳам гўзаллик, паришонлик рамзлари бўлиб, тарихан осмон ғояси, инсон тақдири билан боғланади(187.– Б.49). Бу, айниқса, Бобур ғазалларида жуда равшан кўринади:

*Сочнинг савдоси тушди, бошима бошдин яна,  
Тийра бўлди рўзгорим ул қора қошдин яна...*

*Оёғим етганча Бобурдек кетай эрдим, нетай,  
Сочнинг савдоси тушди, бошима бошдин яна.*

Замонавий ёзма адабиёт вакиллари билибми – билмайми соч образига мурожаат қилганларида, унинг тарихий асосларини поэтик ифода этадилар:

*Алвидо деб, қўлларимга бойладинг, бир тола соч,  
Ошиқ аҳли ичра кимни сайладинг, бир тола соч.  
Қолди умрим дори ишқда, соч каби ҳолим забун,  
Толеимни тола – тола айладинг, бир тола соч.*

А. Ориповнинг ушбу шеърида ҳам соч поэтик образи ишқ ва тақдир тушунчаларини ифодалаб, унга магик хислатлар ҳам, ҳазрат Навоий ижодидаги каби паришонлик ҳолатларини ифодалаш хосдир.

**Севги магияси ва кўшиқ.** Халқ лирикасида жинслар севгиси, оила, фарзанд, дўст – дугоналар, ота-онага меҳр-муҳаббат, марҳумлар руҳига оқибат туйғулари асосий ўрин тутган. Булар орасида биринчи ўрин жинслар севгисига таалуқлидир.

Кўшиқлар жанрий таркиби, маъно қирралари жиҳатидан қанчалик ранг-баранг бўлмасин, уларнинг барчаси учун умумий бўлган рамзлар, поэтик образлар, бадий тасвир воситалари, қадим инонч-тассавурларнинг поэтик ифодалари уларни яхлит бир лирик турга жамлаб туради. Шу сабабли халқ лирикасидаги бир мавзу, бир жанрдаги рамзлар, образлар бошқа жанр намуналарига эркин кўчиб юради. Бу кўчириш кўшиқ ижрочисининг кайфияти, истаги, билими даражаси билан характерланади. Кўшиқларга хос бу қонуниятни нозик илган М. Алавия: «Шундай кўшиқлар борки, тўйда ҳам,

азада ҳам, бола алалаганда ҳам қўшиб айтилаверади», — деган эди.

Халқ лирикасининг мумтоз тасаввуф адабиёти лирикасидан фарқларидан бири шундаки, унда маъжозий, яъни инсоннинг инсонга ва борлиқ табиатига, ҳаётга севгисини куйлаш асосий ўрин тутади. Ўзбек қўшиқшунослигида севги мавузи қанча кўп талқин қилинган бўлмасин, халқ лирикасида севги магиясининг ўрни ва аҳамияти, бадий ифодалари ҳозиргача қўл урилмаган соҳадир.

Диншунослик ва элшуносликда ишқ-муҳаббат билан боғлиқ магик ҳаракатлар ва предметларга инонч жинсий ёки севги магияси деб юритилади(212.—С.119). Қадимда жинсларнинг бир-бирига инстинктив майллари етакчи бўлиб, улар муносабатида позитив(ижобий) ва негатив (салбий, табу) магия жуда ривожланган. Эротик культлар ва жинсий магияни тадқиқ қилган Э. Краули: «Эр ва аёлнинг энг оддий муомиласи ҳам ибтидоий одам учун диний аҳамиятга эга бўлган», — дейди(212.—С.116). Кузатишлар инсон қадим замонлардан аёлга сирли бир хилқат сифатида қараб келинганлигини кўрсатади(71). Архаик динлар тарихида аёл илоҳаларнинг кўплиги, ҳосилдорлик культларида уларнинг етакчи аҳамияти аёлларда илоҳийлик бор деган илк мифологик тушунчаларни туғдирган. Севги магияси тарихан тотемизм ва шомонлик тасаввурлари билан ҳам уйғунлашиб кетган.

Севги магиясининг ўта яшовчанлик хусусиятини интим муносабатларнинг инсоният тарихи ва келажаги, бугуни билан ҳам боғлиқлиги, бу соҳада табиий, инстинктив майлларнинг ҳукмронлиги ҳамда инсон ақл-идрокининг бу майллар қаршисида кўпинча ожизлиги билан изоҳлаш мумкин. Севги магиясининг усуллари табиий ва содда бўлганлиги учун қарши жинсни мафтун қилишнинг табиий йўллари билан магик воситалари ўртасида фарқни доимо аниқлаш мумкин эмас.

Масалан, бирор қиз тўйга атайлаб атлас қўйлак кийса, бу либос маросимий функция касб этади. Агар у бу

куйлаги йигитларни албатта мафтун қилишига инонса, кўйлак магик аҳамиятга ҳам эга бўлади. Кўйлак ёрдамида қалб кечинмалари, муносабатини ифоаласа, кўйлак поэтик образга айланади:

*Атлас кўйлак киймайман,*

*Чок-чокидан кетади.*

*Кундошликка тегмайман,*

*Кунда ташлаб кетади(7. — Б.245).*

Кўйлак предметининг поэтик образга айланишида қалб кечинмаларидан ташқари кўшиққа хос куй, вазн, қофия, поэтик параллелизмларнинг ролини ҳам инкор этиб бўлмайди, албатта.

Ж.Фрэзер ибтидоий одамлар инсон танасига афсун қилинган бирор нарса билан тегиш, тил чиқариб масхара қилиш, қош қоқиш, кўз учирини, нозу имолар, майда тош, гул отиш магик таъсир қилади, деб ишонганларини айтади(240. — С. 121).

*Олма отдим отганга,*

*Сим кароватда ётганга.*

*Аччиғингиз чиқмасин,*

*Бир қучоқлаб ўпганга.*

Олма отганга олма отиш ўзаро майл, тарихан олманиннг магик кучига инонч ифодасидир. Бизнингча, халқимиз тарихида йигит-қизларнинг бир-бирига магик мақсад билан олма, гуллар отиш одати бўлган. Магияни турли ҳаракатлар, предметлар ва уларга юклатилган магик функциясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қарши жинсда майл ёки майлсизлик уйғотишга қаратилган ҳаракатлар, предметлар жуда кўп бўлганлиги учун жаҳон халқлари тарихида севги магияси жуда ривожланган ва шу кунгача яшаб келмоқда. Севги магиясининг мақсади, асосан иккита: қарши жинсни ўзига мафтун қилиш ёки ўзидан бездириш. Бу мақсад халқ ўйинлари-рақсларида ҳам ўз ифодасини топган(118).

Бу икки хусусиятни доимо назарда тутиш лозим. Халқ лирикаси, хусусан севги мавзуидаги кўшиқларни тарихий асосларига кўра ўрганишда магиянинг бу икки қутбий хусусияти катта аҳамиятга эга.

Юқорида кўриб ўтганимиз соч поэтик образининг ҳам муҳим қирраларидан бири севги магиясининг ана шу хусусиятлари билан боғлиқ эди.

Контагиоз (алоқа, муносабат) магия принципига кўра соч ва унинг аналогларига хос магик хусусиялар улар билан муносабатда бўлган бош кийимларига ҳам кўчади:

*Ироқи дўппи тикманглар,  
Ироққа кетар йигитлар.  
Бодом дўппи тикинглар,  
Боғда юрсин йигитлар(154. – Б.65).*

Кўшиқнинг биринчи мисрасидаги **ироқ** сўзи кашта турини, иккинчи қаторда йироқликни( балки Ироқ мамлакатини ҳам) англатади. Магик тафаккур рудиментининг таъсири шу даражада кучлики, ҳосилдорлик култи объектларидан бири бўлган бодомнинг ўзигина эмас, ҳатто дўпидаги рамзий тасвири ҳам магиянинг ўхшашлик қонунига кўра йигитларни ўз суюмли масканларида сақлаб қола олади.

Ўзбек дўппилари турли иримлар, магик мақсадлар билан тикилиб, тарихан осмон ва руҳлар дунёси билан боғланади. Бу халқ топишмоқларида ҳам сезилади: «Отдим осмонга чиқди» (дўппи). Ўтмишда бош кийимлари кишиларни жинси, социал мавқеи, ёши этник ва ниҳоят миллий жиҳатдан ҳам фарқлаган. Дўппи ҳозиргача ўзбек халқининг миллий рамзи бўлиб келмоқда. Мутахассислар фикрича, ўзбек дўпилари осмон, ундаги тўрт гул тўрт томон ғоясини ифодалайди. Қадимги туркийлар дунёни тўрт томонли, тўрт бурчакли деб тассавур қилганлар. Халқнинг қадим инончларидаги чилтонларнинг чортани(тўрттаси) дунёнинг тўрт томонига ҳукмронлик қилишган. (11. – С.335).

Хотин-қизларнинг рўмоллари, умуман бош кийими осмон ғояси орқали ҳосилдорлик ва серфарзандлик тушунчалари билан боғланади. Академик Б.А. Рыбаков бош кийим осмон ғоясини ифодалайди ва либослар, зебу зийнатлар инсон танасининг очиқлиги, уни турли ёвуз

руҳлардан ҳимоя қилиш зарурияти билан магик аҳамият касб этади, дейди(188. — С. 506, 519).

Демак, юқоридаги мисолимиз тарихий асосига кўра бош кийимининг осмон ғояси билан боғлиқ бўлганлиги учун характерлидир ва шу сабабли дўпининг гуллари магик қудрат касб этган. Инсон кийимларининг қадимда магик аҳамият касб этганлиги бош кийимидан то оёқдаги пойафзалгача хосдир. Жумладан, рўмолнинг осмон ғояси туфайли кейинча бош бутун тана, инсон тақдирини белгилаганлиги халқ кўшиқларида ҳам ўз бадий ифодасини топган:

*Рўмолим бор, рўмолим бор,*

*Рўмолимда туморим бор,*

*Бир кўришга хуморим бор,*

*Дод, алимдан кетди рўмол(7. — Б.212).*

Рўмолнинг қўлдан кетиши қиз бола эркидан, номусидан айрилиши рамзидир. Рўмолдаги тумор эса магик ҳимоя воситаси. Анъанага кўра, қиз боланинг номусидан айрилиши ўлимга тенгдир. Халқ лирикасида рўмол поэтик образи турли бадий-эстетик функцияларни бажариб, лирик қаҳрамоннинг қалб кечинмалари, ҳолатини ифодалашга хизмат қилади.

Фольклоршунос Ш. Турдимовнинг халқ лирикасида рўмол оила рамзи деган фикрини юқорида айтиб ўтган эдик. Рўмол поэтик образи қандай вазифаларни бажармасин, тарихий асоси соч, бош ва улар орқали осмон ғояси билан боғланади. Ўзбекларда яқин-яқинларгача болаларни ёшлигидан унаштириб қўйишганда йигит томон қизга рўмол ўратиб келар эди. Ҳозир ҳам совчилар келиб, қиз томон розилиги олингач, куёв юборадиган совға-ҳайитликлар орасида рўмол бўлиши шарт ҳисобланади.

Бу этнографик детал илдизининг жуда қадимийлиги «Алпомиш» достони мисолида ҳам кўринади. Достонда Барчинга бораётган Сурхайил кампир қаршисидан чиққан Қоражонга шундай дейди:

*Назар солиб ўзбекларни кўрайин,*

*Ўзбекларнинг яхши қизи бор бўлса,*



*Боши бўшми, дейин аввал сўрайин,  
Яхши қизи агар боши бўш бўлса,  
Қалин қилиб бирор рўмол ўрайин(10. Т.1. — Б.34).*

Халқимиз дostonда тилга олинган рўмол ўралган қизларни «боши боғлиқ» деб юритади. Қўшиқларда рўмол каби эрларнинг салласи, дўпписи ҳам бош ғояси билан боғлиқлиги шундай ифодаланган:

*Мавлонбойнинг дўпписи,*

*Девор тагида қолди.*

*Мавлонбойнинг ўлиги,*

*Ўрда тагида қолди.*

Агар Мавлонбойнинг ўлгани айтилмаганда ҳам, халқ тушунчалари, иримидан хабардор киши дастлабки икки сатрданоқ бу маънони англаб олган бўлар эди. Чунки дўппининг девор тагида қолиши контагиоз магия нуқтаи назаридан унинг эгасининг тупроқ тагида қолиши, яъни кўмилиши билан барабардир. Бундан ташқари халқ деворнинг ўз-ўзидан ёки тушда қулашини ҳам доимо фалокатга таъбир қилади. Шунингдек, мархумлар ҳақида ўзига хос табу сақлаб, «телпаги тагида қолди», «қулоғи тагида қолибди» ҳам дейишади.(120).

Этнограф Л.Н. Жуковский мўғулларда узоқ замонлардан бери нишонланиб келинаётган қимиз байрами муносабати билан қизиқ маълумотни келтиради: Байрам, маросимлар пайти ва жамоат жойларида бош кийимида юриш шарт бўлган.

Уйғунлиги шундаки, бундай ахлоқ қондаси — яланг бош юриш табуси яқин ўтмишда ўзбекларда ҳам мавжуд эди. Бош кийими билан боғлиқ бу одатга сабаб, яланг-бош кишининг магик ҳимояланиш қобилияти пасаяди, деб тушунганлар. Дастлаб магик аҳамиятга эга бўлган бош кийимлари кейинчалик бошқа функцияларни ҳам бажарган.

Олима О.А.Сухарева айтишича, Ўрта Осиёда бош кийим, хусусан хотин-қизларнинг рўмоллари ранги, ҳолатига кўра уларнинг ёши, оиладаги ўрнига кўра ўзгариб борган. Ҳар бир ўзгариш махсус маросим билан нишонланган. Қизлар турмуш қурганда, ўғлини суннат

қилдирганда ва неваралик бўлишганда бош кийими ранги ва ҳолатларини ўзгартиришган(177. – С.73).

Демак, ўтмишда ўзбек хотин-қизлари, эрлар – етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган кишилар соч ўримлари, соқол-мўйлови каби бош кийимлари билан ҳам фарқланиб турганлар. Бу тарихий этнографик фактлар поэтик мушоҳада қилиниб, халқ лирикаси намуналарига ҳам кўчирилган.

С.А.Токарев нозу имолар билан мафтун қилиш қадимги дунё халқларида тўла магик аҳамиятга эга бўлганлигини айтади(212. – С.124). Ҳозирги пайтда нозланиб соч тараш, қош қоқиш, кўз қисиш, имлаш ва бошқа хатти-ҳаракатлар ўз-ўзидан магик ёки эротик функцияга эга бўлиб қолмайди. Фақат улар бу ҳаракатлар эгаси томонидан улар қаратилган кишига сеҳрли таъсир қилади деб ишонилгандагина севги магияси доирасида бўлади.

Кўшиқларда қулоқ кам тилга олинади. Аммо халқ лирикасида қулоққа такиладиган металл зийнатлар кўп куйланади. Чех олимаси М.Гангулова ҳиндларда ўғил-қизларнинг қулоқларини тешиш одати жуда қадимий даврлардан мавжудлигини айтади-ю, сабабини изоҳламайди(32.–С.274). Жаҳоннинг кўпгина халқлари каби қулоқ тешиш одати ўзбекларда ҳам мавжуд ва у тарихан магик аҳамиятга эга. Масалан, хунук бўлиб қолади деб қалдирғоч келадиган пайти қулоқ тешмаганлар. Шунингдек, фарзандлари туравермаган аёллар ўғил болаларнинг ҳам қулоқларини тешганлар. Бу уларнинг худодан тилаб-тилаб олинганини билдирган. Шу сабабли севимли адибимиз Абдулла Қодирийнинг ҳам бир қулоғини тешганлар.

*Олисдан мен кўрдим манглайинг ёзиқ,  
Кийганинг хулладир, белларинг нозик,  
Билакка ярашур олтин билакузук,  
Кумуш сирға осган қулоқларингдан.*

Айтилган мулоҳазалардан сўнг сирға фақат гўзаллик рамзи бўлмай, анъанадан хабардор тингловчи ва ижрочи учун анча кенг маънолар касб этади. Сирғаларнинг магик аҳамиятга эга бўлганлигини Афросиёб харобала-

рини қазииш даврида топилган VI-VII асрларга оид ёдгорликларда эрларнинг ҳам сирға таққан тасвирлари яна бир бор тасдиқлайди(91. – С.136). Манбаларда Муҳаммад пайғамбарнинг ҳам сирға таққанлиги ҳақида маълумотлар учрайди(3. т.4. – Б. 61).

Махсус адабиётлардаги маълумотлар ибтидоий одамлар ёки тараққиётнинг қуйи босқичида турган халқларнинг юз баданларини бўяб, қўллари, бел, оёқларигача турли тақинчоқлар тақиб олишлари магик инончлар билан боғлиқлигини кўрсатади. Металл буюмларнинг қадимги тасаввурлардаги магик аҳамияти ҳақида Э.Тайлор : «Шарқ жинлари темирдан, металлдан қўрқадилар»,-деб тарихий жиҳатдан жуда тўғри изоҳлайди(208.– С.109). Кузатишлар сирға тақииш одати туркий халқларда анча қадим замонлардан мавжудлиги ва у кейинча турли этнографик маънолар касб этганлигини кўрсатади.

Сибир туркийлари ҳаётини ўрганган В.В.Радлов улар балоғатга етган қизларга сирға тақиишлари ва уларнинг шундан кейин **сирғали**, яъни қайлиқ ҳисобланишларини айтиб ўтган (174.–С.133). К.Шониёзовнинг қипчоқ этник қатлами ҳақидаги монографиясидаги маълумотга кўра, совчилар келиб, қиз томон розилиги олингач, куёв йигитга: «Иш битди, энди келинга сирға тақиб кел», – дейишар эканлар(246.– С.309). Шу жиҳатдан Тошкент шаҳри туманларидан бирининг номи ҳам Сирғали(Сергели) дейилиши бежиз эмас.

Табиийки, сирға, яъни қулоқ билан боғлиқ халқ тушунчалари унинг қўшиқларида ҳам ўз ифодасини қолдирган:

*Шилдир-шилдир қамишга,*

*Сирғам тушди, ёр-ёр.*

*Синалмаган ерларга*

*Синглим тушди, ёр-ёр.*

Қамиш – сув аналогии, сирға эса сингилнинг аввал қаллиқ, кейинча келин бўлганлигининг бадиий ифодасидир. Қўшиқларда сувга нарсалар тушиши ё севиб қолиш ёки қовушиш рамзидир. Сингилнинг ўзга дунё – куёв уйига кетиши қўшиқда опанинг сувга сирғаси тушиши

билан уйгун келган. Бу эса сирға билан боғлиқ қадимий инонч- тассавурлар руҳлар дунёси билан боғлиқлигини кўрсатади.

Илгари республикамизнинг кўпгина туманларида қариндошлар болаларини ёшлигидан аташтириб кўйилганда ўғил болачага қизчанинг қулоғини тишлатганлар. Бу этнографик факт асосида ҳам контагиоз ва парциал- (қисм орқали бутунга таъсир қилиш) магияга инонч ётади. Бу фактлар бизга сирға деталли ҳам халқ маиший турмушида муҳим магик аҳамият касб этганлигини кўрсатади.

Тарихий маълумотларга кўра, бўлажак келинлар аташтирилгандан сўнг **манглайқош, тиллақош** деб юритилувчи безак таққанлар (246.—С.269). Бу безакларнинг пешонага тақилишининг ўзиёқ тарихий асосларига кўра, магик инончлар билан боғлиқ. Чунки халқ тушунчаларида инсон манглайи унинг бутун умрининг ўзига хос ифодасидир. Пешонанинг анъанавий дунёқарашда инсон тақдири билан боғлиқлиги **манглайи кенг ёки ёруғ, манглайи оқ, манглайи қора, шўрпешона** каби тушунчаларда ҳам сезилиб туради.

*Заргар ясар тиллақош,  
Келинчаклар тақсин деб.  
Йиғлайман маржон ёшим,  
Оқ юзимга оқсин деб.*

Келинчакнинг манглайи ёруғ бўлишини ҳеч бўлмаганда заргарнинг **тиллақош** безагидан ҳам билиб оламиз.

Инончларга кўра, инсон тақдири унинг кафтлари каби манглайига ҳам ёзиб кўйилар, фақат уни оддий кишилар ўқий олмас эканлар. Қадимда ва ҳозир ҳам манглай, юздаги ажинлар, кафтдаги чизиқларга қараб, инсон тақдири ҳақида фол очувчилар кўп учрайди.

Бу кўшиқда яна бир муҳим жиҳат бор. Бу кўз ёшининг **маржон** сифатлаши билан боғлиқ. Маржоннинг қизлик иффати эканлигини биз юқорида кўриб ўтган эдик. Поэтик жиҳатдан кўз ёши маржонга ўхшатишмоқда. Тарихий асосига кўра, маржон қиз боланинг қизлик

дунёси билан хайрлашиб, келинлик дунёсига бораётган-лиги ифодаси, шу сабабли ритуал кўз ёши рамзидир. Академик А.Н. Веселовский сифатлашларнинг ана шундай хусусиятларини назарда тутиб: «Агар мен сифатлаш тарихи қисқарган нашрдаги поэтик услуб тарихидир десам, бу муболаға бўлмайди», – дейди(44 – С. 59).

Ўзбек халқ лирикасидаги энг актив ва магик маъно берилган поэтик образлардан бири қош бўлиб, қўлланилиши даражаси жиҳатидан сочдан ҳам юқори туради:

*Сувни сулув кўрсатган*

*Тоши бўлар, ёр-ёр.*

*Қизни сулув кўрсатган*

*Қоши бўлар, ёр-ёр(7. – Б.291).*

Кўшиқларда соч магияси қолдирган поэтик хусусиятларнинг барчаси қош поэтик образи учун ҳам хосдир. Шу сабабли бутун ҳаётнинг асоси бўлган сув туфайли тош, тош туфайли сув сулув бўлганидек, қиз бола ҳам қоши туфайли гўзал деб талқин қилинган. Шундай кўшиқ намуналари борки, уларда қош ва соч поэтик образлари бирга келиб, айтиладиган маъно, ифодаланадиган қалб хиссиётларини кучайтиришга хизмат қилади:

*Қора сочим ўсиб, қошимга тушди,*

*Не савдолар менинг бошимга тушди...*

Севги магиясида қош образининг магик қирралари жуда кўп. Кўшиқларда қошнинг ҳолатлари ҳам магик аҳамият касб этади:

*Боққа кирсам боқасан,*

*Имлаб қошингни қоқасан.*

*Қоқма десам, қоқасан,*

*Бағримга ўтлар ёқасан.*

Кўриниб турибдики, қош поэтик образи магик қудратли образлардан биридир.

Жаҳонда кенг тарқалган мифологик тассавурларга кўра, инсон бир-бирига зид: ер-ҳаво, олов ва сувдан яралган. Византияликлар талқинига қараганда Адам сўзи дунёнинг бир-бирига қарши бўлган тўрт томонини билдиради(61.–С.84). Айтиш мумкинки, фалсафанинг қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураш қонунини қадимги

одамлар жуда яхши ҳис қилганлар. Инсоннинг зид нарсалардан яралганлиги тушунчаси кўшиқларда таъна аъзоларининг зиддияти сифатида маълум даражада ўз бадиий ифодасини топган:

*Иккимда кўрдим ошадур,  
Қошу кўзинг талошадур.  
Бир-бирига ярошадур,  
Ёр мунча зор этдинг мени?*

Мисолимизда қош билан кўз ҳусн, ошиқни талашмоқда, яъни бу гўзаллик мен туфайли демоқда. Улар бир-бирига зид, Аини пайтда гўзалликда уйғундирлар. Ўзбек халқида, агар ўртада бурун бўлмаса, икки кўз бир-бирини ўярди, деган тушунча бор. «Ҳадис»ларда инсон кўзлари ҳақида шундай фикрни учратамиз: «Агар мен бандамни икки маҳбубасидан маҳрум этсаму, у бунга сабр-тоқат айласа, бунинг бадалига унга жаннатдан жой ато этгайман»(3. Т.4.— Б.5). Бу ҳадисда икки маҳбуба дейилганда инсон кўзлари назарда тутилган. Демак, икки кўз бир-бирига кундошдир.

Ўзбек халқи тарихида хотинлар на фақат камбағал оилада туғилганлари, балки левират ва туғмасликлари туфайли ҳам кундош тутишга мажбур бўлганлар. Халқ кўшиқлари орасида кундошлик ифодаланган намуналар талайгина:

*Гўзапоя ўтини,  
Аччиқ экан тутуни.  
Ҳеч кимсага солмасин,  
Кундошликнинг ўтини(49. — Б.53).*

Турмушда **кимса** сўзи ўрнига одатда **банда** қўлланилган. Шунингдек, бу мисолимизнинг биз кўрмаган вариантларидан бирортасида ҳам **банда** сўзи қўлланган бўлиши мумкин. Кўшиқда кундошлик тақдир туфайли эканлиги сезилиб туради. Энди қош образи иштирок этган яна бир кўшиқни кўрайлик:

*У қошим ҳам бу қошимнинг,  
Ораси бир қилча бор.  
Ғам билан ўтган умримнинг  
Соати бир йилча бор.*

М.Алавия мазкур қўшиқда қошларнинг яқинлиги билан гамда ўтган умрнинг узоқлиги зид қўйилган деб талқин қилади( 8. -Б.77). Поэтика, зиддий параллелизм нуқтаи назаридан — бу тўғри. Аммо тарихий асосига кўра, икки қош орасидаги қил соч магияси билан боғлиқ бўлганлиги учун на фақат бир йил, балки бир умр ҳам ажратиш қудратига эга.

Қўшиқларда қош толаси бўлмиш киприк ҳам соч ва қош эга бўлган магик хусусиятларга бой бўлади. Бизнингча, бу парциал магиянинг қайта мушоҳада қилиниши билан боғлиқ бўлган поэтик образлардан биридир:

*Қизларжон қилиқгинанг қил ёради,  
Лабгинангнинг шакари тил ёради.  
Қошларинг қози бўлиб, юрт сўраса,  
Кипригинг наштар бўлиб, жон олади.*

Қўшиқдаги қилиқ, лаб, қош, киприк — барчаси маълум жиҳатлари билан магик инончга боғланади. Халқ лирикасидаги жонлантириш усули ҳам тарихан магик-мифологик тафаккур мевасидир.

Мисолимизда қошнинг қозига тенглаштирилгани бежиз эмас. Ўзбек халқ афсоналаридан бирида айтилишича, киши ўлгач, у дунёда унинг барча таъна аъзолари инсон зиёнига гувоҳлик берар, кўз унинг гуноҳларини кўрганман деса, оғиз менга ҳаром нарсаларни едирган, оёқлар ёмон жойларга боришга мажбур қилди, дер экан ва ҳ.з. Фақатгина қош мен ҳеч нарса кўрмадим, эшитмадим, аксинча у доим мени ёғли бармоқлари билан силаб турди, дер экан. Шу сабабли одамлар ёғли бармоқлари билан қошини силаб қўйишар эмиш.

Куръони Каримнинг «Қиёмат» сурасида айтилишича, қиёматда тангри таоло инсон танасидаги барча аъзоларига тил ато этиб, улар ўз эгаларининг бу дунёдаги гуноҳларига гувоҳлик беришар экан(272.—Б.443). Бу гоя ўзбек фольклорига ислом дини таъсирида ўтганми ёки мустақил пайдо бўлганми, бу ҳақда ҳукм қила олмаймиз. Муҳими шундаки, юқоридаги қўшиқда қош-қози, одил, аммо унинг атрибути киприк жаллод-жазоловчи.

Бу факт халқ инонч-тассавурларининг поэтик ҳодсага айланиши нақадар мураккаб жараён бўлганлигига бир мисолдир. Қўшиқларда қалам қош образининг доимий сифатлашларидан бири бўлиб келади:

*Даричадан қараманг, бошим яланг,  
Боқсангиз, боқмасангиз қошим қалам.*

Халқ лирикасида сочининг магик хусусиятлари рўмолга кўчгани каби қошнинг бундай фазилати ўсма орқали ифодаланади:

*Рўмолимнинг учини,  
Тугмаганга тугдирай.  
Қошимга ўсма қўйиб,  
Куймаганни куйдирай.*

Рўмол учини тугдириш, айтиб ўтганимиздек, тугун магияси билан боғлиқ. Ўсмадан мақсад қарамаган кишини мафтун қилиш бўлиб, лирик қаҳрамон майлини ҳам ифодалайди. Ўсма детали қош образининг доимий ҳамроҳидир. Шу сабабли у орқали турли кечинмалар, ҳолатлар баён қилинади:

*Ўсмани қўяй десам,  
Сурма қўйиб қўйдилар.  
Севганим бунда қолиб,  
Чолга бериб қўйдилар(154. — Б.86).*

Қисқа қилиб айтганда, халқ лирикасида қош поэтик образи қатор бадий-эстетик функцияларни бажаради ва кўпинча магик аҳамият касб этади.

*Қошинг билан кўзинг шўх,  
Илоҳи ўлмагайсан.*

*Жаннатдаги ҳурларнинг  
Бирови бўлмагайсан(154. — Б.51).*

Қўшиқдаги жаннат, ҳур сўзлари ислом дини таъсиридан бўлса, қош билан кўзнинг шўхлиги қош қоқиш, кўз қисиш, имо қилишнинг бадий ифодасидир.

Халқ лирикасида инсоннинг сеҳрли, магик қудратли деб талқин қилинган аъзоларидан бири унинг кўзларидир.

«Инсоннинг кўзи ва кўриш иқтидори, — дейди Б. Саримсоқов, — Ўрта Осиё халқларида, жумладан ўзбек-



ларда қадимдан магик қудратга эга бўлган хусусиятлардан бири саналади»(191.—Б.181). Олим маросим фольклори жанрларидан бири бўлган кинна мисолида кўзнинг магик қудратига инонч, ундан сақланиш, теккан зиёнларни магик ҳаракатлар ва предметлар билан даволаш ҳақида атрофлича фикр юритган(191. — Б. 181-211).

Кўз магиясига инонч жаҳонда жуда кенг тарқалган. Агар маросим фольклорида кўзнинг салбий магик хусусиятларига инонч кўпроқ тарқалган бўлса, халқ номаросим лирикасида унинг севги билан боғлиқ сеҳрли фазилатлари ўз ифодасини топган. Шу билан бирга айрим қўшиқларда кўз магиясининг маросимий қирралари ҳам сақланиб қолган:

*Олти қизнинг ичида отинг Туйма,*

*Туймажон туя бойлаб тунда юрма.*

*Туймажон туя бойлаб тунда юрсанг,*

*Оқ этингга кўз тегар, қора кийма,*

*Тол бўйингга кўз тегса, мендан кўрма(154. — Б.175).*

Тун ёвуз кучлар фаоллашган пайт ҳисобланади. От ва бўйга кўз тегиши эса магик инонч билан боғлиқ. Ўзбек халқ дostonчилигида Гўрўғли туркум дostonларида Гўрўғлининг бир аниқловчиси Фирот бўлса, иккинчи атирибути унинг кўзлари деб талқин қилинади. Хусусан, Фозил Йўлдош ўғли репертуаридаги «Зулфизар» дostonидаги таърифга кўра, чилтонлар унинг кўзига ўн етти шернинг ўтини эзиб қуйганлар. Шу сабаб Гўрўғли: «Тиклаб қараса, қора тошни қоқ ёриб юборар эди. Ҳар ким Гўрўғлини таниса — кўзидан танир эди»(50.— Б. 24 -25).

Кўз магиясига инонч ўзбек фольклорида дostonлардан тортиб, то мақолларгача ўз ифодасини топган: «Ўзи ёмон — бир ёмон, кўзи ёмон — минг ёмон». Қўшиқлардаги таърифга кўра кўз шу даражада магик хислатларга эгаки, ҳатто эгаси билмаган ҳодисаларни ҳам сезади:

*Кўзларим учадир менинг,*

*Тошкентдан ёрим келадир.*

*Ўзи келмаса ёрнинг,*

*Хушхабар сўзи келадир(154. — Б. 21).*

Умуман, халқ иримларида кўзларнинг қайси бири

учишига қараб, яхшилик ёки ёмонликка таъбир қилинади. Ўнглик магиясига кўра, ўнг кўз учиши яхшилик аломати ҳисобланади. Мисолимизда ҳам ана шу иримга асосан ўнг кўз ҳақида сўз кетаётганлигини билиб оламиз. Бундан ташқари ёрнинг ўзи келмай, сўзи келса ҳам магия қоидасига кўра инсоннинг ўзига тенглашади. Халқ лирикаси намуналарида кўз образининг поэтик хусусиятлари ишқий кечинмалар билан уйғунлашиб кетади:

*Беқасам тунлар кийиб,  
Мунча мени куйдирасиз.  
Ҳар замонда бир қараб,  
Беажал ўлдирасиз(265. Т.2. – Б.159).*

Поэтик жиҳатдан бир қараб беажал ўлдириш муболаға натижасидир. Аммо тарихий асоси, кўз магиясига инонч туфайли бир қараш билан одамни ўлдириш мумкинлигига ишонганлар. Одамлар ҳозир ҳам баъзи кўзи ёмон кишилар ёмон қараб, экинларни қуритиши, кишини шайтонлатиб қўйишига маълум даражада ишондилар.

Инсон кўзи билан боғлиқ зиён ёки жинсий(севги) магия – қайси бири аввал пайдо бўлганлигини ҳозир аниқлаш қийин. Бироқ уларнинг ҳар икки кўриниши жуда қадимийдир. Кўшиқларда эса бу салбий ва ижобий хусусиятлар уйғунлашиб кетади:

*Сочпопугим учуда  
Кўзмунчоғим бир шода.  
Йиғламаган қиз борми,  
Бу бевафо дунёда(154. – Б. 108).*

Халқимизда кўзмунчоқ магик ҳимоя воситаси сифатида жуда кўп қўлланилади. Бундай мунчоқлар бешикларга, чақалоқ, ёш болалар қўлларига боғлаб қўйилади. Мисолимиздаги кўзмунчоқ эса сочпопукка тақилгани учун лирик қаҳрамоннинг балоғатга етганлигини ҳам англатади. Чунки соч-попукларни одатда болаликдан қизлик даврига ўтиш мучал ёшида ва узатилаётган келинчаклар сочларига таққанлар. Балоғатга етиб қолган қизлар ҳақида: «Кўзга яқин бўлиб қолибди», – ибораси ҳам уларни магик ҳимоя қилиш зарурати туғилганлиги-

ни билдиради. Ана шу этнографик фактларга кўра, кўшиқдаги йиғи ҳам маълум даражада ритуал йиғидир. Дунё эса қиз боланинг ота-она уйидан кетишга мажбурлиги туфайли бевафо деб талқин қилинган.

Кучли севги асосан ёшликка хосдир. Муҳаббатда эса севишганлар учун энг оддий қийинчиликлар, хурсандчиликлар ҳам жуда муболағали ҳис қилинади. Қолаверса, ҳаётда инсон қувончдан кўра ташвиш, қайғу кўп бўлади. Халқ лирикасида мунгли оҳангларнинг кўплигини бир жиҳатдан мана шу сабаблар билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Кўшиқларда одатда сурма ва кўз ёшлари кўз поэтик образининг аниқловчилари бўлиб келади. Магияга инонч туфайли кўз эга бўлган магик хусусиятлар улар учун ҳам хосдир. Сурма детали мафтун қилишни, кўйилмаса бездиришни, кўз ёши ритуал йиғи, бахтсиз севги, ҳижрон азоблари, қайғу ва алам тушунчаларини поэтик ифодалашга хизмат қилади. Хусусан, тўй ва аза кўшиқларидаги йиғи ҳам қайғу ифодаси, ҳам ритуал шартидир. Энди кўз ёши магияси билан боғлиқ машҳур бир кўшиқни кўриб чиқайлик:

*Оҳ урарман, оҳ урарман,*

*Оҳларим тутгай сени.*

*Кўз ёшим дарё бўлиб,*

*Балиқлари ютгай сени(265. Т. 2. — Б. 159).*

Ислом таълимотига кўра, кишининг ҳар бир нафасида Оллоҳнинг ҳикмати, ҳаёт бор. Барча архаик ва замонавий динлар учун хос бўлган анимистик эътиқод бўйича нафас жонга ҳам тенгдир. Жаҳондаги кўпгина халқлар мифларига кўра, худо инсон танасини тупроқдан ясагач, унга ҳаёт нафасини пуфлаган(241. — С.13).

Мисолимиздаги оҳ лирик қаҳрамон жонининг аниқловчисидир. Шу сабаб оҳ уришни жоннинг қийналиши, оҳ тутишини жонимнинг уволи тутсин, чунки бевақт ўлсам, бунга сен сабабчисан деб талқин қилиш мумкин. Учинчи мисрадаги кўз ёши ва дарё аслида бир нарса, ҳар иккисининг асосида сув ётади. Парциал (қисмий) магияга инонч туфайли бутунга тегишли хусусият унинг

парчаси, зарраси учун ҳам хос бўлади. Магияга инонган аждодларимиз учун кўз ёши ҳам, дарё ҳам, уммон ҳам бирдай қудратга эга. Масалан, эртақлардан бирида сингилнинг ака елкасига тушган бир томчи кўз ёши денгизга айланиб, акани чўктириб юборади(43.—С. 315). Кўпгина эртақларда, аксинча, юзга томган бир томчи кўз ёши ўлган қаҳрамонларни тирилтиради.

Беғуноҳ кўз ёшларининг уволи бир кунмас бир куни албатта гуноҳқорни тутиши, уни фалокатга дучор қилишига ишонч халқимиз дунёқарашида ҳозиргача маълум даражада сақланиб қолган.

Кўшиқдаги тўртинчи мисрани тарихий асосига кўра талқин қилиш учун биз яна мифлар, халқнинг ирим ва қадимий тассавурларига мурожаат қиламиз. Халқимизда тиф тегмай ўлган, яъни қон чиқмаган барча жониворлар, паррандалар ҳаром тушунилгани ҳолда, балиқ доимо луқмаи ҳалол ҳисобланган.

*Оқсувдан оқиб келган оқ балиғим,*

*Пичоқсиз ҳалол бўлган жон балиғим(154. — Б. 145).*

Ҳозир ҳам республикамизнинг кўпгина зиёратгоҳларида булоқларнинг балиғи муқаддас ҳисобланиб, уларни тутиш, ейиш ман қилинади. Одамлар бунинг сабабини бу балиқларнинг бирор авлиёга тегишли эканлиги, уни еганлар албатта фалокатга дучор бўлиши билан изоҳлайдилар. Мазкур инончини С.П.Толстовнинг балиқ чилтонлар таоми ҳисобланганлиги ҳақидаги фикри ҳам тасдиқлайди(215. — С. 311).

Баъзи балиқ турларининг муқаддаслигига инонч жаҳонда кенг тарқалган. Бу муқаддаслик сабаби турлича изоҳланади. Ж.Фрэзер кўпгина халқларда муқаддас ҳисобланган ҳар бир балиқда бир одамнинг жони бўлади, агар балиқ тутилса, ўша одам ўлади деган эътиқод бўлганлиги билан тушунтиради(240. — С. 461). Фаластинликлар балиқни тотем билганликларини биз аввалги бобларда айтган эдик.

Рабғузий асарида бутга сиғинувчи Намруд худони ҳам енгмоқчи бўлиб, қушлар ёрдамида кўкка кўтарилгани ҳикоя қилинади. У худони ўлдирмоқчи бўлиб, осмонга

ўқ отганида ҳазрати Жаброил Оллоҳ амрича ўқни балиқ қони билан бўяб, Намруд қушлар ёрдамида осмонга кўтарилган сандиққа таш-лайди. Намруд худони енгдим деб ерга қайтади. Шу сабаб балиқ ўша замонлардан буён тиг тегмаса ҳам ҳалол эмиш(173. Т.1.— Б. 68).

Халқимизда: «Сувда Сулаймони кўрдим», — деган топишмоқ бор. Унинг жавоби ҳам балиқ бўлиб, Сулаймон афсонавий пайғамбардир. Кўпгина халқлар мифологиясида заминни чексиз сувда сузиб юрган учта балиқ, тошбақа ёки қурвақа тутиб туради(61. — С.57-59).

Айтилган фактлар халқ лирикасидаги балиқ поэтик образи ҳам тарихий асосига кўра, соч каби осмон, жон, сув ғоялари билан боғлиқлигини кўрсатади ва улар асрлар оша аждодлардан авлодларга ўтиб келган.

Шу фактлар ва мулоҳазалар келтирилган мисолимиздаги балиқ образининг тарихий илдизлари ҳақида маълум бир хулосага келиш имконини беради:

*Кўз ёшим дарё бўлиб,  
Балиқлари ютгай сени.*

Кўз ёши — сув, мифологик тафаккурда борлиқ, ҳаётнинг асоси. Балиқ заминнинг таянчи, илоҳийлик ва покизалик рамзидир. Шу сабаб кўшиқни сени менинг бегуноҳлигим уволи тутсин, худонинг муқаддас балиғи ютсин, деб талқин қилиш мумкин. Балиқ бегуноҳ жоннинг кўз билан кўриб, қўл билан тутиб бўлмас азобларининг моддийлашган рамзидир. Сувда балиқдан ташқари жониворлар ҳам бўлади-ку, нега бевафо ёрни айнан балиқ ютиши керак деган савол туғилиши мумкин. Қуръони Каримда Юнус пайғамбарни балиқ ютиб юборгани, аммо у Оллоҳ иродаси билан тирик қолганлиги айтилади(272.— Б.317). Бизнингча, бу мотив, яъни одамни балиқ ютиб, унинг тирик қолиши жуда кўп халқлар фольклорида мустақил пайдо бўлган ва илк асоси тотемизм билан боғлиқ. Тотемнинг тотем вакилини еб, янгича сифатда қайта дунёга келтиришининг бадий ифодаси дунё халқлари фольклорида кўп учрайди.

Жумладан, Эргаш Жуманбулбул ўғли репертуаридаги «Кунтуғмиш» достонида қаҳрамоннинг бир боласи-

ни балиқ ютиб юборади. Уни кутқарган балиқчилар балиқ қорнидан чиққанлиги учун унга Моҳибой, яъни Балиқбой деб исм қўядилар.

*Кўз ёшим дарё бўлиб,  
Балиқлари ютсин сени.*

Энди бу қўшиқни сенинг гуноҳларингни менинг кўз ёшларим, азобларим покласин, деб ҳам талқин қилиш мумкин.

Халқ қўшиғини ҳис қилиш, қандай тушуниш жуда кўп жиҳатдан тингловчининг идроки, мушоҳадаси, ҳаёлот, халқ дунёқараши билан қанчалик танишлигига боғлиқ. Туркий халқлар анъанавий дунёқарашида йиғи ҳам кулгудай ҳаёт белгиси ҳисобланган(221. – С. 163). Демак, мисолимиздаги кўз ёши ҳаёт белгиси ҳамдир.

Халқ қўшиқлари фантазияга, халқ онгида мавжуд қадимий ақидалар рудиментларини қайта жонлантириш, поэтик ишлов беришга кенг имкониятлар яратиб беради. Анъанавий халқ қўшиқларини деярли айтилгандай юзаки, сурат маъносини қабул қилиш, замонавий поэтика нуқтаи назаридангина талқин қилиш уни тушунмаслик, билмаслик билан тенгдир. Фақат қўшиқ талқини ишончли бўлиши учун у ҳаётий, илмий ҳақиқатлар асосига қурилиши шарт. Масалан қуйидаги қўшиқда соф кўнгилнинг Яратганга мурожаати ўз ифодасини топган:

*Юринг ўртоқ ўйнайлик,  
Дарёларни бўйлайлик.  
Балиқларга роз айтиб,  
Бир худога йиғлайлик(154. – Б.44).*

Балиққа роз айтишга сабаб, унинг муқаддаслиги, илоҳиёт билан боғлиқлиги ғоясидир. У— лирик қаҳрамон билан худо ўртасида воситачи.

Қўшиқлардаги кўз ёши, сув, балиқ поэтик образлари генезиси жиҳатидан, поэтик маънони воқе қилиш функцияларига кўра бир-бирлари билан боғлиқдир. Тараққиёт жараёнида улар ҳосилдорлик культлари, оила, севги, фарзанд тушунчалари билан уйғунлашган:

*Эшик олди ариқча,  
Ўйнашади балиқча.*

*Номозшомдан қолмайин,  
Ўрин солар қаллиқча(7. – Б. 219).*

Халқ ёмон кўзларнинг на фақат инсонлар, балки жониворлар ва ўсимликларга ҳам таъсир кўрсатишига ишонган. Бухоро вилояти Қорақўл тумани, Жигали қишлоғида Остон Жўра ўғли шундай ҳикоя қилган эди: «Бир киши яхши бир от миниб кетаётган экан. Бир кўзи бор одам: « Ўўў.. жуда зўр от эканми?!», – деган заҳоти ўзининг икки кўзи оқиб тушибди. Сабаби– чавандоз хуржунининг ҳар икки кўзи қалампир билан тўла экан».

Кўзи бор одамларнинг бир қараш билан одамлар, ҳайвонларни ўлдириб, экинлар, боғларни қуритиб, харсанг тошларни қоқ ёриб қўйганлиги ҳақидаги ҳикояларни юртимиз ва Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон Республикаларига уюштирилган экспедициялар пайтида жуда кўп эшитганмиз.

Яхши ва ёмон кўзлар таъсирига ишонч на фақат магик тафаккур, балки биз тўла англаб етмаган инсон психологияси ва табиат сирлари билан боғлиқ ҳодисадир. Масалан, бургут 3 минг метр баландликдан ердаги майда сичқонни ҳам кўрар экан. Йўлбарснинг кўз қуввати, қўйникига нисбатан жуда кучли, шу сабабли кишини ваҳимага солади. Инсон ёки жониворлар кўзининг қандайдир ижобий ёки салбий таъсири борлигига ишониш учун иримчи ҳам, олим ҳам бўлиш шарт эмас. Биз кундалик турмушимизда жуда кўп кишиларни учратамиз. Баъзиларнинг кўзига кўзимиз тушса, кўнглимиз ёришиб, руҳимиз тетиклашиб кетади. Баъзи кўзлардан юрагимиз орқага тортади. Қирқ ёки эллик ёшга кириб, бизки шунчалик ҳис қилар эканмиз, энди бирор ёвуз кўзнинг чақалоқ ёки болага қанчалик таъсир қилишини тасаввур қилиб кўринг.

Қайд этиб ўтиш зарурки, ёзма адабиётда ҳам кўз образига мурожаат қилмаган бирор ижодкорни топиш қийин. Унинг энг ёрқин намунаси Алишер Навоийнинг «Қаро кўзим...» деб бошланувчи, «Муножот» куйида куйланувчи ғазалидир. Мутахассислар бу ғазалнинг та-

саввуфий, яъни илоҳиёт ғоялари билан боғлиқ жиҳатларини кенг таҳлил қилганлар.

Қискача айтганда, халқ лирикасида инсон кўз ёши, кўзлари образлари ҳам тарихан магик инончлар билан маълум даражада боғлиқдир.

Ўзбек халқ лирикасида инсон, айниқса аёллар юзи ой, гул, юлдузларга кўп қиёсланадики, бунинг тарихий асосида ҳам маълум даражада магик-мифологик тассавурлар ётади.

Халқимизда ҳозиргача ҳар бир кишининг осмонда ўз юлдузи бўлади, бир юлдуз учса, бир киши вафот этади деган мифологик тушунчалар сақланиб қолган.

«Юлдузнинг, мунажжимлар эътиқодларига кўра киши-нинг табиатига таъсири бор, — дейди А.Рустамов, — шунинг учун ҳам **истараси иссиқ** ибораси — **ситора** — **юлдуз** билан боғлиқ бўлиб, **юлдузи иссиқ** маъносини билдиради»(187.— Б.85).

Юлдуз ҳақидаги халқ ақидасига кўра, қўшиқлардаги юлдузи юлдузига тўғри келиш поэтик кўчими йигит қизларнинг бир-бирига кўнгил қўйишлари, бир-бирига муносиблигини, уларнинг тақдири аввалдан Оллоҳ томонидан белгиланганини билдиради. Юлдуз кўчимининг фарзанд маъносини англатиши мана бу қўшиқда равшан кўриниб туради:

*Ҳаводаги юлдузни*

*Отган отам, ёр-ёр,*

*Ўз қизини ёт билиб*

*Сотган отам, ёр-ёр.*

Халқ лирикаси доирасида юлдуз поэтик образи олма, беҳи кабиларнинг ўзига хос синонимларидир:

*Олма деб отган отам,*

*Беҳи деб сотган отам.*

*Ўз қизини ёт билиб,*

*Жабрини тортган отам.*

Ёр-ёр қўшиқлари намуналарида она кўпинча ой, фарзандлар юлдуз параллелари билан ифодаланади:

*Ой олдида бир юлдуз,*

*Ой боласи, ёр-ёр.*



*Келинчакни сўрасангиз,  
Бой боласи, ёр-ёр(153. -Б. 23).*

Бу келин таърифидир. Лирик қўшиқларда контаминация ҳодисаси кўп учрагани учун қўшиқнинг кўпгина вариантларида келинчак сўзи ўрнига, менинг синглим, менинг опам, куёв бола, менинг поччам, менинг акам сўзлари қўлланилади ва қўшиқ ижрочисининг объектга нисбатан кимлигини аниқлаб келади.

Инсон ҳамиша гўзал бўлишга интилади. Бу истак хотин-қизларда, айниқса, жуда кучли. Бунинг табиий ва ижтимоий-тарихий сабаблари бор. Бу сабаблардан бири севги магиясидир. Аёллар доимо ўзгаларни мафтун қилишни, ўзлари ёқтирмаган кишиларга ҳам ёқишни истайдилар. Уларнинг зебу зийнатлар, кийим-кечакларга ўчлиги ҳам табиий истаклари ва севги магиясига ишонишлари билан боғлиқ.. Шу сабаб халқ лирикасида юз-чехраларнинг ҳамроҳсиз қолишлари мумкин эмас эди. Бу ҳамроҳ упа бўлиб, юзга хос магик хусусиятлар унга ҳам тегишлидир:

*Ўсма қошни ўстирар,  
Сурма кўзни суздирар.*

*Ўлим берсин упага,*

*Совчиларни келтирар(154. – Б. 52).*

Упани қарғаш ёлғон қарғишдир. Қўшиқнинг сийрат маъносида совчи келсин десанг, юзингга упа қўй деган маъно, упанинг магик қудратига инонч бор. Халқ лирикасида кишининг лаблари ва унинг ҳаракати ҳам магик маъно касб этади:

*Ёр бўлса, тузук бўлса,*

*Қўлида узук бўлса.*

*Упсанг роҳат қиласан*

*Лаблари қизил бўлса(154. – Б. 28).*

Контагиоз магия қондасига кўра, қўшиқларда лабга хос ширин, асал, новвот, жонбахш сифатлашлари ўпиш каби бутун ёр вужуди учун ҳам хосдир.

Ишқ-муҳаббатда севишганларнинг қовушуви энг олий бахт ҳисобланади. Аммо бу лирика намуналарида жуда но-зик, яширин, бирор поэтик кўчим орқали ифодаланади:

*Ака, ёшман ёмон йўлга бошланг,  
Кокилимдан тутиб, чоҳга ташланг.  
Кокилимдан тутиб, чоҳга ташласанг,  
Номаҳрамсиз биллагимдан ушланг(49. — Б. 32).*

Ёмон йўл — ахлоқий бузуқликдир. Ўлдирсанг ҳам номусимга тегма, деган лирик қаҳрамоннинг кечинмасини билакдан ушлаш тушунчасидан билиб оламиз. Номаҳрамлик ахлоқ қондаси бўйича лирик қаҳрамонга интим муносабатларга кириш ихтиёрини бермайди ва тананинг танага тегиши (билак ушлаш) катта гуноҳ саналади. Чунки магия қондасига кўра аёлнинг бирор тана аъзосига тегиш(эга бўлиш) унинг тўла вужудига ҳам эгалликдир:

*Жоним акам, босманг жамалагимни,  
Ваҳ-ваҳа тўрам, қўйворинг биллагимни.*

Биз суҳбатдош бўлган баъзи кексалар бундай қичиқли қўшиқлар меҳмонхоналарда баччалар томонидан айтилганлигини эслашади. Мисолимизда жамалакни босиш, билак ушлаш тўла интим-эротик мазмунга эга бўлган.

Қўшиқларда тан қовушуви олий висол деб талқин қилинганидек, ёрнинг бундай ҳолатдан юз ўгириши лирик қаҳрамон учун олий жазо ҳамдир:

*Эшигимни қоқдингиз,  
Биздан нари ётдингиз.*

*Йўқмиди инсофингиз,  
Зор-зор йиғлатдингиз(154. — Б. 28).*

Уйғунлиги шундаки, бу қўшиқнинг моҳияти Куръони Каримнинг «Нисо» — «Аёллар» сурасидаги фикрларга ўхшайди. Бу сурада, жумладан, шундай дейилади: «Хотинларингизнинг итоатсизлигидан кўрқсангиз, аввало уларга панду насиҳат қилинглар, сўнг(яъни насиҳатларингиз кор қилмаса) уларни ётоқларда тарк қилингиз(улар билан бир жойда ётманг, яқинлашманг), сўнгра (яъни шунда ҳам сизларга бўйсунмаса) уринглар»(272. — Б. 57).

Севги магиясига инончга кўра, кишининг тана аъзолари каби ҳиди ҳам магик кучга эга ва инсон билан унинг ҳиди ўртасида магик алоқа мавжуд бўлади:

*Қарғалар учса қарайлик,  
Марғилоннинг йўлига.  
Ҳиди келса маст бўлайлик,  
Ҳандалакнинг бўйига.*

Бўй — ҳам ҳид, ҳам қомат маъноларини берувчи поэтик сўздир. Халқ лирикасида ёрга тегишли кўпгина сифатлар одатда балоғатни англатади. Мисолимиздаги хандалак, унинг ҳиди ҳам бундан мустасно эмас. Маълумки, хандалак дастлаб пишадиган полиз маҳсулотидир. Шунга кўра ёр ҳам эндигина балоғатга етган. Ўзбеклар жинсий балоғатга етганларга нисбатан **бўй қиз**, **бўйи етиб қолган** ибораларини кўп қўллайди:

*Эшикни катта очинг,  
Бўйингизни кўриб қолай.  
Бироз тоқат қилинги,  
Ҳидингизга тўйиб қолай(154. — Б.13)*

Инсон ҳидининг магик кучга эғалигини халқ иримлари, диний маросимлар ҳам тасдиқлайди. Халқ тасавурларига кўра маросимдаги ритуал таомлар — қатлама, бўғирсоқлар пиширилганда руҳлар уларнинг ўзига эмас, ҳидига келадилар. Зиёнлардан сақланиш, ёвуз руҳларни ҳайдаш учун бажариладиган пишириқли маросим шу сабабли **ис чиқариш** деб юритилади.

Зардўштийлар инончларига кўра ҳам: «Худолар қурбонликнинг ҳиди билан қониқадилар»(34.—С.12). Шу сабабли христиан, буддизм диний маросимларида хушбўй нарсалар кўп тутатилади.

Тарихий асосига кўра ҳид магияси билан боғлиқ бўлганлиги учун юқоридаги кўшиқда ҳам **ҳидингизга тўйиб қолай** дейилмоқда. Шунингдек, маиший турмушдаги гуллар, чақалоқлар ҳидига тўйишлар физиологик тушунча бўлмай, инсон маънавий дунёси, руҳиятига хос.

Айтиб ўтганимиздек, магияда предметлар ғоят кўп ва муҳим аҳамиятга эга. Халқ кўшиқларида ўз бадиий ифодасини топган, севги магиясининг таркибий қисми буюмлар, инсон либослари билан боғлиқ. Инсон буюмлари тарихан жуда кўп маънолар касб этган. Моравия славякларининг миллий буюмлари функцияларини ўрган-

ган П.Г.Богатырев хулосаларини жаҳондаги деярли барча халқлар либосларига тадбиқ қилиш мумкин(31.— С.297-366). Олимнинг тадқиқотлари либослар тарихан: Амалий, эстетик, эротик, магик вазифалар бажаришини, ёш, ижтимоий-жинсий, миллий мансубликни ифода лаб келганлигини кўрсатади.

Магик хусусиятга эга бўлган ўзбек миллий маросим либосларидан бири паранжидир. Паранжи ўзбек халқи тарихини камситувчилар учун яхши баҳона бўлиб келди. Шўролар даврида унга ҳужумлар уюштирилди, шу туфайли қизлар ўлдирилди. Ҳолбуки, тарихий тараққиёт туфайли кўпгина ислом мамлакатларида паранжи «ҳужум» кампанияларисиз ҳам ўз тарихий-этнографик вазифалари ва мавқеини йўқотиб бормоқда.

Паранжининг туркий халқлар, ўзбеклар миллий турмушига кириб келиши, бизнингча, ислом дини билан боғлиқ. Исломни танқид қилувчи баъзи муаллифлар у юришга халақит беради, деган баҳонани рўкач қиладилар(115. — С.292). Ҳолбуки, кўпгина замонавий европача либослар ахлоқсизлик, ноқулайлик жиҳатидан паранжини анча ортда қолдириб кетади.

Кийиниш маданиятининг шаклланишида халқларнинг қадимий инончлари—тотемизм, шомонлик, магия, ўзаро ижтимоий муносабатлар катта аҳамиятга эга бўлган. Халқ тассавурларига кўра, кинна кўпинча чиройли хотин-қизлар, ёқимтой гўдаклар, бўлиқ ҳосил майдонлари, югурук отлар, семиз уй ҳайвонлари, чиройлик либосларга тушади. Шу сабабли ўтмишда на фақат одамлар, балки яхши отларнинг пешонаси, дўмбира, дуторлар тепасига ҳам тумор тақиб юрганлар.

Ўзбек халқи гўзаллик деганда, аввало, юз, қомат, бўй, либослар, сочнинг мутаносиблигини тушунади:

*Алпинчоқли, салпинчоқли,  
Манглайи тилла гажакли,  
Узун бўйли, кенг қучоқли  
Бир ёр керакдир йигитга.*

Магия нуқтаи назари ва ҳосилдорлик культларига инонч туфайли инсон юзи, аёллар кўкси, белга тушиб

турган сочлари энг нозик аъзолардан ҳисобланади. Бу инончни ашаддий атеист Л.И.Климович ҳам беихтиёр эътироф этади, яъни чачвон от ёлидан тўқилган тўр бўлиб, аёллар юзи ва кўкрагини яшириб туради дейди(115. – С.288).

Соч магияси ва от култига инончга кўра от ёли халқ тассавурларида магик ҳимоя қилиш қудратига эга бўлган. «Анимистик тассавурларга кўра, – дейди Б.А. Рыбаков, – инсон кийими ёвуз руҳлар ўта олмайдиган афсунлар билан тайёрланиши керак»(182. – С.506).

Ҳозир ҳам эътибор берсак, келинчаклар паранжиси турли кашталар билан безатилганлигини кўраимиз. Бу кашталар шубҳасиз келинчакни ёмон кўзлар, руҳлардан асраш, серфарзанд ва бахтли бўлишига магик таъсир кўрсатишга қаратилган бўлади.

Кузатишларимиз илгари паранжи ёпиниш одати ривожланмаган кўчманчи ўзбек уруғларида ҳам аёллар ҳаётидаги муҳим даврлар – келинчаклик, оғир оёқлик пайтларида паранжи ёпиниш одати бўлганлигини кўрсатади:

*Дарёларни ёқалаб-ёқалаб, сой келади,*

*Паранжига ўралиб олиб, ёр келади.*

*Паранжига ўралмаса, ким кўради,*

*Унинг ойдек жамолига ким тўяди (7. – Б. 300).*

Турмушда келинчак паранжисининг ўзиёқ кишида эстетик завқ уйғотади. Қизларга, йигитларга, аёллар, эрлар – ёшу кексага турлича таъсир қилади. Ҳар бирини ўтмиш ва келажак сари хаёллар оғушига етаклайди. Бошқача айтганда, келинчак паранжиси гўзаллик, янги ҳаёт кўшигининг рамзидир.

Мантиқан қаралганда, паранжига ўралган ёрни кўриб, ойдек жамолига тўйиб бўлмайди. Аммо бу фақат бегоналар учундир. Паранжи маросим либоси, келинчакнинг аниқловчиси бўлганлиги учун ўзбекларда юз очиш ажойиб тўй маросимларидан биридир. Агар келинчак паражи ёпинмаса, ритуал либослар киймаса, унинг тўйга ясаиб келган бошқа қизлардан фарқи, юз очиш маросимининг ҳожати ҳам қолмайди. Шу сабабли паранжи ке-

линчакни яширмайди, аксинча, келинчаклигини намоёйиш қилиб туради. Ота-она, янга, куёв эса унинг ойдек жамолига истаган пайтида тўйиш мумкин.

Этнограф Г.П.Снесарев никоҳ маросимларидаги чимилдиқ ҳам магик ҳимоя воситаси эканлигини, кейинроқ келинчак фарзандли бўлгач, ундан бешик учун ёпқич тайёрланишини айтади(196.—С.77-78). Магик инончга кўра, онани келинчаклигида ҳимоя қила олган буюм унинг фарзандига ҳам паноҳ бўла олади. Чимилдиқ келин-куёвни магик ҳимоя қилибгина қолмай, паранжи каби бўлғуси серфарзанд ва бахтли турмушга замин ҳам бўлади деб тушунилган. Шу сабабли тўй қўшиқларида чимилдик фаол поэтик деталлардан биридир:

*Чимилдиқнинг боғини*

*Тўқитганмиз, ёр-ёр.*

*Келинчакни сўрасангиз*

*Ўқитганмиз, ёр-ёр(153. — Б. 25)..*

Мисолимизда **тўқитганмиз** эмас, айнан **тўқитганмиз** дейилишига сабаб шундаки, анъанага кўра чимилдиқ ва паранжи тикишни, албатта серфарзанд ҳамда узоқ умр кўрган аёл бошлаб берган. Бу этнографик факт қўшиқда яширин. Аммо халқ иримларидан хабардор киши **тўқитганмиз** сўзини эшитиши биланоқ бу одатни ёдга туширади. Шу сабабли халқ қўшиғи ўзига хос турмуш ва тарихнинг поэтик хотираси ҳамдир.

Шу нарса диққатга лойиқки, Куръони Каримнинг «Ахвоб» сурасида Оллоҳ шундай амр қилади: «Эй пайғамбар, жуфтларингизга, қизларингизга ва мўминларнинг аёлларига айтинг, устларига ёпинчиқлар ўрасинлар. Мана шу уларнинг (чўри эмас, балки озод аёл эканликлари) танилиб, озорланмасликлари учун энг яқин(воситадир)»(272. — Б. 296). Паранжини танқид қилган Л.И. Климович ҳам аёллар ёпинчиғи Арабистонда озодлик белгиси бўлганлигини тан олиб, қул аёллар ва фоҳишаларгина паранжи ёпинса, жазоланганликларини айтади(115. — С. 292). Билиб-билмай танқид қилган каби ҳозир паранжини тарғиб қилиш ҳам жуда кулгули. Бироқ унинг тарихини, маросимий-рамзий вазифаларини, қолверса,

у бахш этадиган эстетик завқни ҳам билиб-билмай танқид қилиш олим учун кечириб бўлмас ҳол. Айтилган мулоҳазалардан маълум бўладики, магик алоқа инсон билан унинг буюмлари ўртасида ҳам сақланар экан.

«Буюм буюк нарса, — дейди А.Ф.Лосев, — уни носоглом одамгина мифга алоқасиз деб ҳисоблаши мумкин»(131.— С.27). Тарихан либосларнинг аҳамияти шу даражадаки, муҳим бўлганки, қадимги Шумер-Аккад мифологиясида Уйту исмли кийимлар илоҳаси бўлган(143. — С.14). Тарихан чақалоқни, никоҳга киришаётганларни, марҳумларни кийинтириш — инсон моҳияти ўзгаришининг рамзи бўлиб, қайта кийиниш ҳар бир инициал жараён учун қонуният бўлган(63.— С.14). Кийимлар магик-ритуал аҳамиятга эга бўлганлиги учун хакаслар гўдакнинг биринчи кийимини кекса кишининг кўйлагидан тайёрлашган бўлса(220. — С. 114), ўзбеклар дастлаб от қозигига кийгизиб олишган.

Ўзбек халқида кийимлар билан боғлиқ жуда кўп магик иримлар сақланиб қолган. Либослар магияси ва фольклор муносабатлари махсус бир тадқиқотни талаб этади. Биз эса бу мавзуга дастлабки изланиш сифатида қисқагина тўхталамиз. Либосларнинг магик кучига инонч, унинг қайта мулоҳаза қилинган поэтик ифодалари ўзбек фольклорида жуда кўп учрайди. Бу жиҳатдан бир латифа жуда характерлидир:

«Афанди ўчоққа ўт ёқишга кўп уринди, бўлмади, охири уйга кириб, хотинининг рўмолини ўраб чиқиб, пуфлаган эди, ўт ёниб кетди.

— Ҳа, кўрқмас экансан-а ! — деди Афанди ўтга қараб»(20. — Б. 250).

Ҳозирги замон кишиси учун бу — кулгули бир ҳодиса. Аммо кийимлар магияси, оилавий ўчоққа аёллар жавобгар бўлган даврлар учун табиий магик усул бўлган. Тарихий илдизи, аниқроғи олов култи туфайли оиладаги ўчоқ муқаддас жой ва жинсий меҳнат тақсимотига кўра ўчоқ билан боғлиқ ишлар аёл зиммасига юклатилган. Шу сабабли ўзбекларда ўчоқ бошига ҳар кимни

яқинлаштира бермайдилар ва қайнонанинг келини биринчи марта ўчоқ билан таништириши ҳам ритуал аҳамият касб этиб келган.

«Жинсий тақиқ, -дейди С.А. Токарев, – табиий жинс фарқининг ўзига асосланади»(212. – С.127).

Эртакларда ҳам кампирларнинг олов эгаси эканлиги ўчоқ ишлари аёллар вазифаси бўлиб келганлигини тасдиқлайди. Ана шу сабабга кўра Афандининг олов ёқиши жинсий тақиқни бузиш намунасидир. Аёлга ўрганган ўчоқ-олов Афандига бўйсунмайди. Шунда у хотинининг рўмоли билан гуё оловни алдайди. Ҳозирги замон кишиси учун Афанди пуфлаган оловнинг ёниб кетиши табиий ҳодиса. Шу сабабли у Афандининг лақмалиги устидан кулади. Аммо магияга инонч туфайли рўмол ўраган Афанди оловга хотинидек таъсир қилади. Бу ўринда рўмол контагиоз магия туфайли магик кучга эга. Бу ерда муҳими буюмнинг нималигида эмас, балки аёлга тегишлилигидадир.

Кўпгина халқ эртаклари ва дostonларида парилар қанотларини ечиб, гўзал қизларга айланадилар. Биз шомонлик муносабати билан шомоннинг турли паррандалар ва жониворларга эврилишини кўрган эдик. Бунда у ҳеч қандай предмет воситасидан фойдаланмайди. Шу сабабли париларнинг қанотлари кийим вазифасини бажарган ва магик аҳамияти туфайли уларнинг асл қиёфасини яшириб келган дея оламиз. Бу эса шомонлик эътиқодларидан кейинги ва ундан ўсиб чиққан қайта поэтик идрок қилиш туфайлидир. Бундай поэтик мушоҳада кейинча қалб кечинмаларини кийим воситасида ифодалашга замин тайёрлаган:

*Қора ласдан кўйлагим,*

*Қонларга тўлди юрагим.*

*Сариқ ласдан кўйлагим,*

*Сарғайди ранги рўйларим.*

Бу кўшиқда ранг ва либос магияси уйғунлашиб кетган. Негаки, халқ лирикасида қора ранг қош, сочга нисбатан қўлланилганда гўзалликни, кийимларга ишлатилганда қайғу – аламни ифодалайди. Шунингдек, сариқ



ранг хасталик рамзи бўлиб, бу сифат отлашиб халқда касаллик номини ҳам билдиради. Лас бўлса нави паст матодир.

Либослар маросимий функция касб этишлари туфайли тўй ва аза маросимларида улар кимларга тегишли эканлигини маросимда кийган либосларидан ҳам фарқлаш мумкин. Масалан, хатна қилинадиган болакай ёки мархумнинг яқин кишилари кийимлари билан бошқалардан алоҳида ажралиб туради. Либосларнинг ритуал-магик хусусиятларининг бора-бора эстетик аҳамияти кучайиб, лирик қаҳрамоннинг кечинмаларини ифодалашга хизмат қилган. Қўшиқларда кўйлак кийиш майлни, мафтун қилишни ифодалаб, либосда бу истакни амалга оширувчи магик куч бор деб, билинади:

*Бурама кўйлак кияди,*

*Этаги ерга тияди.*

*Шу замоннинг қизлари*

*Танлаб эрга тияди.*

Бурама кўйлак кийишдан мақсад бор, яъни бундай либосдаги қизлар дуч келганга тегиб кетиши мумкин эмас ва бурама кўйлакнинг магик таъсирига ишонч бор. Кузатишлар ўтмишда аёллар кийинишлари билан ҳам қиз, жувон ёки бева эканлигини билдириб юрганлигини кўрсатади.

Айтиб ўтганимиздек, севги магиясининг: ёқтириш, мафтун қилиш ва ёқтирмаслик, ўздан бездириш билан боғлиқ икки қутбий қирраси бор. Бу либослар магияси учун ҳам хосдир. Севги магиясига инонч туфайли жаҳоннинг кўпгина халқларида **иситиш-совутиш** иримлари жуда ривожланган. Бундай одат славянларда қадимдан **присушки –отсушки** деб юритилар экан(212.-С.124). Халқимизда иситиш-совутиш учун турли дуолар, магик восита сифатида махсус кишилар жуда кенг фойдаланишган. Ана шундай воситалардан бири, кенг тарқалгани тумордир:

*Атлас кўйлак энги тор,*

*Енг ичида хати бор.*

*Хатни олиб ўқисам,*

*Суйганимнинг оти бор(154. – Б. 97).*

Кўйлак энгини тор қилиб тикиш ҳам магик ва амалий мақсадга қаратилган. Чунки тор энг аёл билагини янада сулув кўрсатади, ошиқни ҳаяжонга солади. Энг ичидаги хат эса севгилидан келган мактуб ҳам, магик ҳимоя ва мафтун қилишга қаратилган дуоли тумор ҳам бўлиши мумкин. Бундай дейишимизга сабаб оғзаки жараёнда мазкур кўшиқнинг куйидаги вариантини ҳам учратганмиз:

*Атлас кўйлак энги тор,  
Энг ичида хати бор.  
Хатни олиб ўқисам,  
Пайғамбарлар оти бор.*

Севги магиясига инонч туфайли кўшиқларда бирор кўйлак кийишни истамаслик, қарши жинс вакилига нисбатан майлсизликни билдиради:

*Атлас кўйлак киймайман,  
Этагини лой қилиб.  
Қиморбозга тегмайман,  
Юрагимни қон қилиб.*

Ёки:

*Атлас кўйлак киймайман,  
Чок-чокидан кетади.  
Кундошликка тегмайман,  
Кунда ташлаб кетади (7. – Б. 245.)*

Ёғингарчилик, лойгарчиликда ҳар қандай кўйлакнинг этагига табиий равишда лой тегиши мумкин. Аммо халқ кўшиғида этакнинг лой бўлиши ихтиёрий ёки ихтиёрсиз равишда маший бузуқлик йўлига кириб қолишни англатади. Либос билан боғлиқ майлсизликни ифода-лайдиган, сийрат маъносида магияга инонч бўлган кўшиқларни кўплаб келтириш мумкин. Улар барчаси бизнинг халқ лирикасида либослар магиясига инонч асрлар давомида мифологик таффакурдан поэтик таффакурга ўтиш жараёнида қайта-қайта мушоҳада қилиниб, ўз поэтик ифодасини топган деган хулосамизни тасдиқлайди.

Тарихий асослари магияга инонч билан ҳам боғлиқ бўлган либосларнинг поэтик образлари, вазифалари

қўшиқларда, баъзан бир-бирига бутунлай зид турли маъно қирраларига эга. Масалан, қуйидаги қўшиқда юқоридаги мисолларга қутбий қарши маъно бор:

*Атлас кўйлагинг бўлса,*

*Кийганда кўнглинг тўлса.*

*Яхши кўрган йигитинг*

*Ёнингда кўшининг бўлса(49. — Б. 74).*

Халқ қўшиқларида қўлланиш даражасига кўра, сифатлашлардангина кейин турадиган поэтик параллелизмлар ҳам кўпинча қадим инонч-тассавурлар ифодасини қалб кечинмалари билан уйғунлаштиришга хизмат қилади.

А. Ваславик аёлларнинг ич кўйлаклари ҳақида шундай деб ёзади: “ У аёл либосининг шундай интим қисми эдики, айрим эрлар бутун умри давомида уни кўрмаганлар”. П.Г. Богатырев аёлларнинг ички кийимларини кўрсатмаслик одатини магияга инонч билан боғлаб, бунга сабаб, Ж. Фрэзер айтганидек, кўйлак яланғоч тананинг магик кучини ўтказувчи деб тушунилганидан дейди(31.— С. 315). Ўхшашлиги шундаки, ўзбек хотин-қизлари ҳозиргача ички кўйлаклари, лозимларини ювишганда киши кўрмас жойга иладилар. Бунга сабаб мулоқот магиясига инончга кўра аёлнинг ич кийимларини кўрган киши унинг танасини ҳам кўрган ҳисобланади.

*Кўйлагимнинг ичида*

*Ажир-бужир гули бор.*

*Чол кишига тегмайман, (150)*

*Кўкрагида жуни бор(49. — Б. 74).*

Мисолимизда кўйлак ичининг тилга олинишига сабаб шуки, у лирик қаҳрамоннинг мен танамни чол кишига кўрсатмайман, деган сийрат маънони ифодалашга хизмат қилган. Энди мана бу қўшиққа диққат қилинг:

*Бир ёрим бор аравакаш,*

*Оббермади хонатлас.*

*Оббермаса хонатлас,*

*Яна битта аравакаш(7. — Б. 225).*

Ташқи маъносига кўра, лирик қаҳрамонни ким хонатлас олиб берса, ўшанга эргашиб кетаверадиган ен-

гилтак аёл экан, деб тушунсак катта хато бўларди. Айтилик, ёр ўзи камбағал аравакаш бўлса, хонатласни қаёқдан олсин.

Кўшиқ тили поэтик, кўчма маъноларга таянадиган ҳодисадир. Шу сабабли лирик қаҳрамон ёрдан бироз кўнгли қолиб, орқаворотдан ноз қилиб, енгил ўпкаламоқда. Кўшиқнинг енгил юмористик характери ҳам шу маънони англатиб турибди.

Халқ лирикаси намуналарида айтилмаса ҳам кишиларнинг жинси, ёши, бўйдоқ ёки оилалик эканлиги ва бошқаларни уларда тилга олинган либослардан ҳам библи олиш мумкин. Хусусан, атлас қизлар, келинчаклар, беқасам йигитлар, куёвлар либоси сифатида кўп куйланади:

*Беқасам тўнлар кийиб,  
Мунча мени куйдирасиз.  
Ҳар замонда бир қараб,  
Беажал ўлдирасиз.*

Халқ маиший турмушида беқасам буюм кўпинча маросим функциясига эга бўлади. У қайсидир жиҳати билан тўй маросимини ёдга тушириб туради. Мисолимизда беажал ўлдириш кўз магияси билан боғлиқ бўлса, куйдириш беқасамнинг магик кучи, яъни у уйғотган ҳиссиётлар, тасаввурлар туфайлидир.

Халқ лирикасида либослар поэтик деталлари ҳам албатта бирор очиқ ёки сийрат маъноси билан, севги, оила, фарзанд, ҳосилдорлик ғоялари, маиший турмуш билан боғланади:

*Жимжима дарё кўйлагинг,  
Менга қараб ўйнагин.  
Мен зехнингга ёқмасам,  
Ерга қараб ўйнагин.*

Дарё ҳосилдорлик культларининг асосий объектларидан биридир. Кўйлакнинг дарёга ўхшатилиши бежиз эмас. У лирик қаҳрамон истаklarини сийрат маънода фаровон турмуш, фарзанд ғоялари билан боғлайди. Шу муносабат билан 1986 йил қардош Туркменистон Рес-

публикаси Фороб шаҳарчасида эшитган бир афсонамиз характерлидир:

“Хон хотинининг ўз кўйлақларидан ҳеч кўнгли тўлмабди. Шунда хон барча тикувчиларга дунёда йўқ ажойиб бир мато топиб келмасаларинг, барчангни ўлдираман, деб амр қилибди. Ёш бир тикувчи дарё бўйига келиб, ғамга ботибди. Тунда дарё салқинидан совқотиб олов ёқибди. Тонга яқин олов, осмондаги ой-юлдузларнинг сувдаги жилвасига эътибор бериб, ўшанга ўхшаш мато тўқибди. Бу мато хон хотинига жуда маъқул бўлиб, ўшандан буён хонатлас дейилар экан”.

Халқ афсонасига кўра, хонатлас олов, осмон, дарё билан боғланган. Иккинчидан хонатласнинг чиройли гуллари ҳақиқатдан ҳам тўлқинларнинг жимираши, олов ёлқинларига ўхшайди.

Ж.Фрэзер ҳар бир халққа алоҳида кийимлар худо томонидан берилганлиги инончларини қайд этган(241.— С. 27). Бизнингча, ана шундай инончлар асрлар давомида либосларнинг ўз миллий ва регионал хусусиятларини сақлаб келган. Чунки бунда анъанани бузиш ўзига хос шак келтириш ҳисобланган.

Бу фактлар, аёлларнинг азада кўк (осмон рамзи) кийиш урфлари инсон кийимлари ҳам тарихан маълум даражада осмон ғояси ва ҳосилдорлик культлари билан боғлиқлигини кўрсатади. Хусусан, дўппи рамзий кашталари билан бевосита осмон ғояси, соч магияси билан боғлиқ буюмдир. Атлас дўппи каби ўзбек халқи, миллатининг рамзидир. Кўшиқлар у турли қалб кечинмалари, севги майлларини ифодалайди:

- *Ёр нималар девдим сизга,*

*Атласлар олинг-о, бизга.*

- *Ҳо, атласларни кийволиб-о,*

*Ҳилпиллаб келасиз-о, бизга(154. — Б. 103).*

Кўшиқда атласнинг хусусияти (ҳилпиллаши) қаҳрамонга кўчирилган ва у ёрнинг нозу карашмаларини ифодалашга хизмат қилган.

Халқ лирикасида аёллар рўмоли ва эрлар белбоғи тарихий ва ҳаётий асосларига кўра жинсларни фарқлаб,

поэтик рамзлар даражасига кўтарилган. Хусусан, рўмол хотин-қизлар, белбоғ эрлар рамзи бўлиб келади. Шу сабабли халқда бетайин, енгил-елпи, аёл қилиқли йигитларга нисбатан «белида белбоғи йўқ» иборасини иборасини ишлатадилар:

*Мен-ку, мен ваъдамда турдим,*

*Сочда сочбоғим билан.*

*Сен-ку, сен ваъдаси ёлғон,*

*Белда белбоғинг билан(7. – Б. 242).*

Белбоғ детали кейинча маъноси кенгайиб, бойлик, давлат маъносини ҳам англатиши мумкин бўлган. Чунки белбоғига пул тугиб юриш одати бир вақтлар ўзбекларда жуда ривожланган:

*Дарёларнинг нарёғида қўш ҳайдаган,*

*Белида белбоғи йўқ қиз сайлаган...*

Бу мисолдаги белбоғ бойлик ёки йигитнинг аёлмижозлиги ифодаси ҳам бўлиши мумкин. Бу тингловчининг мушоҳадасига боғлиқ.

Ўзбек белбоғлари амалий, маросимий, магик функцияларга эга. Эрлар ва аёлларнинг аза маросимлари, тўйларда бел боғлашлари ритуал аҳамият касб этади. Тўй эгалари ва уларнинг яқин қариндошларини билдириб туради.

Хотинлар эрлари, қизлар қаллиқлари учун турли инонч ва иримлар билан белбоғ тикканларки, бу белбоғнинг магик функциясини белгилайди. Қўшиқларимизнинг етук билимдони М. Алавия қизларнинг ўз севгани, аёлларнинг эрларига белбоғ тикиб бериш одати ўзбекларда жуда қадим замон-лардан ривожланганини айтади(7. – Б. 19-21).

*Ака отинг уч яшар,*

*Ўрама белбоғ ярашар.*

*Сиздек барно йигитга,*

*Биздек қаллиқ ярашар.*

Айлана, доира шаклининг магик ҳимоя кучига инонч қадимда бутун дунёда кенг тарқалган. Белбоғ белни айланиб, танани кучиб туради. Қўшиқнинг сийрат маъносида, ака сенга ўрама белбоғ ярашар экан, шундоқ бел-

боғ тикиб берай, яъни белбоғнинг магик кучи билан сени ўзимга мафтун қилай, суюмли ёринг бўлай деган истак бор. Чунки контагиоз (мулоқот) магиясига кўра қиз тиккан белбоғнинг йигитни кучиб туриши, қизнинг ўзи кучиши билан баробардир.

Зардуштийларнинг шу динга мансублиги белгиси белга уч марта айлантирилган буюм бўлиб, уни ўн беш ёшдан аёллар ҳам, эрлар ҳам боғлашган экан(34. — С.42). Демак, белбоғ, салла каби диний функция ҳам бажарган. Этнограф Н.А. Лавонен карел халқи этнографияси ва фольклори мисолида қадимда тўсиқларнинг магик кучига инонч берк доиралар, қамар-қайишларга ҳам кўчирилганини айтади(234. — С.78). Ўзбекларда бу магик функцияни белбоғлар бажарган.

Г.П. Снесарев Хоразмда кўзи ёриган жувон ва чақалоқ атрофи магик ҳимоя мақсадида арқон билан ўраб қўйилганини қайд этиб ўтганки, бу факт ҳам бизнинг хулосамизни тасдиқлайди.(154) Шунингдек, олим кузда ғалла хирмони атрофига белкурак билан айлана чизиқ тортишларини кузатган. Бу усул ҳам магик ҳимоя қилишга қаратилган(196. — С. 221 -222). Доиранинг магик ҳимоя воситаси Н.В. Гоголнинг “Вий” қиссасида жуда ёрқин тасвирланган.

Чўпонлар отар ётиши олдидан албатта уни бир айла-ниб келганлар ва ўзлари ётган жойни жун арқон билан ўраб қўйишган. Бу ҳам амалий, ҳам магик функция бажарган. Биринчидан, жун арқон турли чаён, қорақурт, қумурсқа каби ҳашоратларни ўтказмаган, иккинчидан магик инончга кўра чўпонни ёвуз кучлардан ҳимоя қилган. Ушбу этнографик фактларни қатор келтиришдан мақсад, синхрон(статистик) усул билан ўз тезисларимизни исботлашдир.

Фольклоршунос Б. Саримсоқов: «Айланай» сўзи ўзини садақа қилиш, қурбон қилиш маъносини англатади», — дейди(191.—Б.93). Олим фикрига қўшимча қилиб айтиш мумкинки, айланай сўзи тарихан магик ҳимоя кучига ҳам эга бўлган. Айланаларнинг магик ҳимоя қилиш кучига инонч халқ қўшиқларида ҳам ўз бадиий ифодасини топган:

*Ёрим-ёрим дединг-а,  
Кетсам кетай элингга.  
Беш гули белбоғ бўлиб,  
Беш айланай белингга.*

Ўзбек фольклоридаги беш рақамининг магик аҳами-  
яти, эртақлардаги бадиий-эстетик функцияларини М.  
Жўраев жуда яхши ёритиб берган(78). Шу ўринда  
кўшиқни изоҳлаш учун «беш кунлик дуне» ибораси  
жуда қўл келади. Модомики, халқ тилида умр ҳақида  
**беш кунлик дунё** иборси бор экан, мисолимизни ли-  
рик қаҳрамон севгилисига: Сенга бир умр фидойи ёр  
бўлай, ҳимоя қилиб юрай, демоқда, деб талқин қила-  
миз.

Ўзбек хотин-қизлари **айланай, ўргилай** деб ўз меҳри,  
соғинчларини ифодалайдилар. Тарихан бу сўзлар асоси-  
да ҳам айланаларнинг магик кучига инончлар ётади. Шу  
сабаб аллалар, севги қўшиқларида **айланай, ўргилай**  
сўзлари фаол қўлланилади:

*Тоғдаги барра қиёқдек,  
Қошларингдан ўргилай.  
Янги чиққан майсадек,  
Мўйлабларингдан ўргилай.*

Халқ лирикасида севги магиясига инончнинг поэтик  
кўринишлари ҳақида сўз кетар экан, унинг рудиментла-  
ри, излари қадимий эротик культлар, интим кечинма-  
лар билан уйғунлашиб кетганлигини кўрамиз.

**Лирика ва эротика.** Ўзбек халқ кўшиқларини илмий  
тадқиқ қилиш тарихига назар ташлар эканмиз, устоз  
олим, олималаримизнинг интим-эротик мавзуларни  
четлаб ўтишга ёки бундай кўшиқларни халқ ижоди учун  
ёт ҳодиса деб баҳолашга мойилликларини кўрамиз. Ҳол-  
буки, жаҳондаги барча қадимий ва замонавий динлар,  
халқ маросимлари, урф-одатлари, оғзаки ижодини жин-  
слар муносабатисиз тассавур қилиб бўлмайди. Қадимий  
эротик культлар, маросимлар, инонч, иримлар саънат-  
нинг барча соҳаларида, жумладан, фольклорда ҳам энг  
мўъжаз мақоллардан, то йирик эпик асарларгача ўз из-  
ларини қолдирган.



«Ёмон хотиннинг ўйнаши кўп», «Вафосизда ҳаё йўқ, Ҳаёсизда вафо йўқ», «Арава бузилса — ўтин, Қиз бузилса — хотин», «Шармандага шаҳар кенг» каби ўнлаб мақоллар жинсий бузуқликнинг бадий ифодаларидир.

Тенгсиз эпосимиз «Алпомиш» достонида шундай интим лаҳзалар баёни бор: « Бийлар ҳар қайсилари ўз тўшагида, ўз уйларида хотинларига қараб: — Кел-чи, — деяпти, бойбичалар: — Кун совуқ, кўй-чи, — деяпти... Шунда бийлар қўлини узатди, бойбичаларнинг қўлидан ушлаб, шундай бағрига тортди, булар ҳам чечиниб кўрпага кириб кетди. Кўринг дарвешди, ёйди қулочди, бийлар билан бойбичалар топишди»(10.— Б.7).

Эротика диний маросимлар ва ақидаларнинг таркибий қисми бўлиб келган. Ҳиндистонда эротология фанининг ривожланганлиги эротик ақида ва тассавурлар қадимдан бу мамлакат диний ҳаёти ва маданиятида етакчи роль ўйнаб келганлигини кўрсатади(32.—С.104-123). Тантризм эътиқодида ритуал жинсий муносабатлар ҳудода етишиш, у билан қовушиб кетиш воситаларидан биридир. Интим муносабатлар инсоният авлодини давом эттиришнинг бирдан-бир табиий ва зарурий шартидир. Шундай экан, халқ лирикаси бу мавзунини четлаб ўтиши мумкин эмас эди ва унинг тарихий асослари жуда қадимийдир.

Ўзбек халқи маиший турмушидаги бедана, хўроз, кўчқор уриштиришлар тарихи маълум даражада эротик куч ва унинг илоҳийлиги ғоялари билан боғлиқ. Халқ тушунчасида бу жониворлар эротик активлик рамзи ҳисобланади. Хитойларда хўроз ўз қичқириқлари билан қотиб турган қуёшни илк марта ҳаракатга келтирган парранда ҳисобланиб, хўроз уриштириш катта маросимнинг таркибий қисми сифатида қадим даврлардан мавжуд(104.—С.34). Араб ривоятларига кўра, дунёдаги уч овоз Ҳудода доимо хуш ёқар экан: Булар — саҳар чоғи Қуръон тиловат қилаётган, Ҳудода тавба қилаётган кишилар ва Ҳудони шарафлаётган хўроз овозлари экан(87. — С.84).

Республикамизнинг Китоб туманида (балки кўпгина бошқа жойларда ҳам) никоҳ тўйлари пайти келин-куёв

кўрпа-нинг тагида бурканиб ётиб, бир кампир улар устидан уч марта у ёқ бу ёққа думалаб, хўроз бўлиб қичқириш одати бўлган. Ўзбеклар анъанасида жаҳоннинг кўпгина халқ-ларидаги каби уч рақами ҳам магик аҳамиятга эга бўлган(78) ва кампирнинг уч марта хўроз бўлиб қичқириши ёшларнинг эротик активлигини ошириш, уларнинг тезроқ фарзандли бўлиши мақсадига қаратилган. Хўрознинг интим фаоллик, интим муносабатлар билан боғлиқлиги тўй маросим қўшиқларида ҳам пардаланган ҳолда ўз ифодасини топган:

*Қизил-қизил хўрозлар,*

*Хирмон сочар, ёр-ёр.*

*Уйланмаган йигитлар,*

*Тилло сочар, ёр-ёр (153. – Б. 18).*

Европа халқларида тушда от кўриш куч ва озодлик ҳамда эротик майлга ҳам таъбир қилинган. Ўзбек халқ қўшиқларида йигитнинг ҳамроҳи ва поэтик аниқловчиси бўлган от образи ҳам эротик фаолликни ифодалаб келади:

*Газмолдан бор белбоғим бувадиган,*

*Бир отим бор бияни қувадиган...*

Биз қўшиқ ижрочиси эр жинсига мансублигини белбоғ ва от образларидан билиб оламиз. Юқорида кўриб ўтганимиздек, қўшиқларда белбоғ—эрлар рамзи. Белбоғ боғланадиган белнинг бақувватлиги эса бойликка ҳам, эротик кучга ҳам тегишли.

Халқ қўшиқларида от образининг эротик фаоллиги тарихан от култи туфайлидир. От култи жуда қадимий бўлиб, туркийларда от ҳосилдорлик култилари, шомонлик ва магияда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Масалан, қадимда ёкут аёллари жинсий шавқни уйғотиш учун шомон бошлиқлигида от бўлиб кишнаганлар ва шомонни ерга ётқизиб, турли ҳирсий ҳаракатлар қилишган(220. – С.122).

Халқ лирикасида бедана ва бедапоя поэтик образлари ҳам, одатда, интим майл, интим муносабатларни англатиб келади:

*Бедана бўлиб учдим,  
Бедапояга тушдим.  
Иқболим баланд экан,  
Косиб болага тушдим(49. – Б.57).*

Бу ерда бедана билан бедапоя интим қовушиш ифодаси бўлиб, косиб образида эротик фаолликга ишора бор.

Таниқли диншунос-этнограф С.А.Токарев эротик маросимларнинг жуда қадимийлиги, дунё халқлари тарихида уларнинг севги магияси билан уйғунлашиб кетганлигини аниқлаган(212.–С. 116 -130). Севги магияси эса табиий равишда оила, фарзанд ғоялари билан боғланади:

*Том бошида беда бор,  
Майдасини элаб ол.  
Уй ичида қизлар бор,  
Яхшисини сайлаб ол.*

Том – оила рамзи. Майда беда энг сара бедадир. Бундан ташқари халқ лирикасида **майда**, **кичкина** сифатлашлари гўзаллик ва ёқимтойликни ҳам ифодалайди. Шунга кўра кўшиқда сулув қизни сайлаб, оила қур, деган маъно ифодаланмоқда.

Халқ лирикаси, хусусан, хотин-қизлар поэзиясида интим майл-ҳиссиётлар жуда пардаланиб, нозик поэтик кўчимлар, қочиримлар воситасида ифодаланади, бу соҳада ҳам табиат ҳодисалари ва инсон кечинмалари уйғун тасвирланади.

Анънавий дунёқарашда баҳор табиатнинг қайта жонланиш фаслигина эмас, балоғат рамзи ҳам бўлган. Баҳор – ёшлик – севги – интим кайфиятлар инсоният тарихининг барча даврларида бир-бири билан боғлиқ ҳодисалар ҳисобланган. Шу сабабли кўпгина халқлар баҳорги маросимлар, байрамлар пайти ёшларга интим муносабатларга киришувларига ҳам рухсат берган. Баҳор – табиатнинг, севги (жинсий балоғат) – инсоннинг уйғониш давридир. Халқимизда жинсий балоғатга етганларга нисбатан **уйғониб қолибди** иборасининг қўлланилиши ҳам ана шу ўхшашлик туфайлидир.

Кўкламги маросимларда эротик маъноларнинг очиқ ифодаланишига сабаб, улар ернинг ҳосилдорлиги, аёлларнинг серфарзанд ёки аксинча бўлишига магик таъсир кўрсатади деб ишонганлар. Ана шу мақсадда немис қизлари баҳорда яланғоч рақсга тушиб, шудгорлаш олдидан қўшчини кучоқлаб ўпишган(103.—С.78). Аёллар эркакча кийиниб, қўш тортишган(212.— С.78). Тибетда қўшчини башанг кийинган аёллар далага кузатиб боришган(104. — С.271).

Руҳий жиҳатдан байрам кайфиёти, қиз-йигитларнинг байрамона кийинишларининг ўзиёқ ёшларда интим истак-майлларни туғдиради. Халқ лирикасида гулларнинг очилиши, боғларнинг яшнаши, гунчалар гўзаллиги баҳор фасли билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам баҳорнинг аниқловчи-сифатлари доимо севги, интим кайфиятларга уйғун тасвирланади. Кўшиқларда интим-эротик маънолар жуда пардаланиб баён қилинади:

*Шолипоя марзаси,  
Шол кўйлакнинг тозаси.*

*Тозасини олмаса,*

*Бирга ётманг — жазоси(154. — Б. 66).*

Кўшиқда аёлга агар эри тоза(яхши) кўйлак олиб бермаса, унга интим жиҳатдан азоб бериш хийласи ўргатилмоқда. Қизиғи шундаки, ҳиндларнинг диний руҳдаги қадимий **Ригвед**даларида ҳам аёллар тунги эркалашлари билан эрларига нима истаса, ўз ҳукмини ўтказишлари куйланган экан(32. — С. 111).

*Том бошида турасиз,*

*Мен қарасам куласиз.*

*Ҳамма ишни биласиз,*

*Билмасликка оласиз(81. инв. № 1747).*

Айтиб ўтганимиздек, том — оила рамзи, ҳамма иш эса интим-эротик муносабатлар ифодаси. Кулиш шунга ишора.

*Сенинг дардингни мен тортган,*

*Менинг дардимни сен тортган.*

*Кечалари тол чивиқдек,*

*Иккимиз чирмашиб ётган(154. — Б.25).*

Мисолимиздаги дард кучли эротик истак ифодасидир. Икки жинс вакилининг жинсий муносабати эса чирмашиб кетган тол чивиқлари деталлари билан ифодаланмоқда. Тарихий асосига кўра тол ҳосилдорлик кўлтининг муҳим объектларидан биридир. Шунга кўра, кўшиқда фақат эротик маъно эмас, балки сийратида фарзанд кўриш истаги ҳам баён қилинган, дея оламиз.

Кўшиқларда интим-эротик муносабатлар, майллар ифодаси ҳосилдорлик кўлтларида муҳим роль ўйнаган ўсимликлар, сув, олов тушунчалари билан уйғунлашиб кетади:

*Ариқ бўйида ялпиз,  
Ялпизнинг шохи ёлғиз.  
Ўн еттига кирган қиз,  
Қандай ётади ёлғиз(81. инв№ 1746).*

Ариқ бўйи — сувнинг аниқловчиси, тарихий асосига кўра сув кўлти билан боғлиқ. Кўшиқларда эса сув поэтик образи, албатта, бирор жиҳати билан жинсий баҳоғат, севги кечинмалари, оила ва фарзанд ҳоялари билан уйғунлашади. Кўшиқдаги ариқ— тарихан сув кўлти билан, ялпизнинг ёлғиз шохи — қизнинг турмуш қурмаганлиги, ёлғиз ёта олмаслиги — интим майлга ишорадир.

Севги мавзуидаги кўшиқларда интим-эротик истаклар кўпинча дард образи билан баён қилинади. Бу дарднинг давоси эса қарши жинс вакили билан интим муносабатдир:

*Ариқ бўйида чигит,  
Чигитни сувга ивит.  
Қиз бола касал бўлса,  
Унинг давоси йигит(49. — Б. 83).*

Халқ лирикасида қош, кўз ва уларнинг аниқловчилари бўлмиш ўсма, сурмалар ҳам севги истаги, интим майлларни ифодалаши мумкин:

*Ўсма экдим суялиб,  
Барги чиқди буралиб.  
Суйган ёрман ётайлик,  
Оқ чойшабга ўралиб(154. — Б.86).*

Халқимизда никоҳнинг биринчи кечаси янгилар келин-куёвга тўшак солишганда ритуал аҳамиятга эга бўлган оқ чойшаб ҳам ёйганлар. Эндигина буралиб чиққан ўсма — лирик қаҳрамоннинг балоғати рамзи. Оқ чойшабга ўралиб ётиш интим-эротик майлгина эмас, тўй кўриш орзуси ҳамдир. Чунки лирик қаҳрамон ёр билан оддий қовушиб кетаверишни эмас, халқда мавжуд анъаналарга амал қилиб, турмуш қуришни истайди.

Эротик мазмундаги лирик қўшиқларда ҳам қадимий тотемизм, шомонлик, магия, турли культлар рудиментлари-нинг бадиий ифодаларини учратиш мумкин:

*Ака, отинг бўзмиди,*

*Юклаганинг тузмиди?*

*Асти назар солмайсан,*

*Танлаганинг қизмиди?(154. — Б. 98-99.).*

Туз — аввало ризқ рамзидир. Халқда бировлардан туз қарз бўлиш оғир қарзлардан ҳисобланади. Шунингдек, тўй-ларда қиз томонга бериладиган ҳаражатлар ҳам қизнинг ота уйида шу пайтгача еган ризқига тўланган ҳақ саналади.. Негаки қиз бола туғилиши биланоқ бировнинг хасми, ота-она уйида меҳмон кабидир. «Қиз пули — туз пули» мақоли ана шу тушунчаларнинг бадиий ифодасидир.

Мисолимиздаги туз образида ҳам мазкур тушунчалар маълум даражада англашилиб туради. Отнинг бўзлиги йигит-нинг бўйдоқлиги рамзидир. **Туз, бўз, танлаганинг қизмиди** сўзларига қараб, биз лирик қаҳрамоннинг мунгли бевалигини билиб оламиз.

Қўшиқлардаги кундузги боғ сайллари учрашув, висол истакларини англатса, тунги кўришувлар интим муносабатлар билан боғланади:

*Очиқ сўзни мен айтай,*

*Тинглаб ол, қулоғинга..*

*Кечаси мен борайин,*

*Олиб чиқ гул боғинга(154. —Б. 12).*

Ўзбеклар миллий турмушида йигит-қизларнинг кечаси ҳам, кундузи ҳам боғ сайри одатлари бўлмаган. Анъанавий мавсумий гул сайллари бундан мустасно.

Аксинча, балоғатга етган қизлар қаттиқ назоратга олинган. Лирикада боғ кўчими билан бир неча маънолар ифодаланади. Шунингдек, халқ кўшиқларида тун, кеча, оқшом сўзларига вақт англатишдан ташқари эротик маънолар ҳам юклатилади.

Халқ ўланларида интим тушунчалар баъзан анча очиқ ифодаланади. Бунинг сабаби ўлан айтаётган йигитлар чечан қизларини айтишувда енгавермагач, уят ўлан айтишга мажбур бўлганлигидандир:

*Тоғдан қуён қочирибман ияги йўқ,  
Қизлар кўйлак кияр экан жияги йўқ.  
Жияги йўқ жойлардан қўлим солсам,  
Билқиллайди қўш анори суяги йўқ(49. –Б.26).*

Мисолимизда интим-эротик маъно жияксиз кўйлак, жияк одатда лозимларда бўлади, қўл солиш, анор образлари орқали ифодаланибгина қолмай, қуённинг ияксизлиги воситасида ҳариф қизнинг маҳмаданалигига ҳам пичинг қилинмоқда. Чунки халқимиз эзмаларга нисбатан ияксиз кўчимини қўллайди. Умуман олганда, уят (жаргон)сўз айтмаслик, ўзбек халқ кўшиқлари ижросида ўзига хос бир тақиқ(табу) бўлса ҳам, уят маъноли кўшиқлар ҳам учраб туради:

*Кампирларнинг лаккиси, воҳ-эй бола,  
Бошида тамакиси, воҳ-эй бола.  
Кампирларнинг ўйнаши, воҳ-эй, бола,  
Эрининг амакиси, воҳ-эй, бола.*

Халқ кўшиқларида интим майллар қизлар томонидан ҳам турли образлар, кўчимлар воситасида ифодаланаверади:

*Тутга чиқиб тут қоқдим,  
Йигитларни есин деб.  
Юпқа кўйлакни кийдим,  
Оқ баданим кўрсин деб.*

Пишган тут – балоғат рамзи. Баданни кўрсатиш учун юпқа кўйлак кийиш интим майл ифодасидир. Кўшиқларда маиший интим турмушнинг ижобий-салбий барча томонлари қамраб олинган десак, хато бўлмас:

*Салла ўраманг ёрим,  
Салладан дўппи яхши.  
Ўйнаш ўйнаманг ёрим,  
Ўйнашдан ўзим яхши(154. —Б. 85).*

Салла — мусулмонлик ва кексалик рамзи. Аммо у кўшиқда бошқа маънолар учун хизмат қилган. Лирик қахрамон ўз ёрига салла ўраб, ёши ўтган жувонларга бориб юргунча, дўппи кийиб, ўзимга келаверинг демоқда. Эротик маъно, истак-майлларни паррандалар, қушлар образи воситасида баён қилиш ўзбек халқ лирикаси учун хос хусусиятдир:

*Терак учида ҳакка,  
Оқшом бўлса, ётмайди.  
Ёмон ёрнинг қўйнида,  
Дод, десанг тонг отмайди(154. — Б. 189).*

Халқ кўшиқларига хос параллелизмлар қонуниятига кўра, ётмаган ҳакка ёмон эрнинг аналоги бўлиб, ёмонлик эротик фаоллик ифодасидир. Халқда чумчуқ, хўроз, бедана, умуман, паррандаларнинг гўшти эротик фаолликни оширади деган ишончлар борки, ҳакканинг ётмаслиги ҳам шу тасаввурлар билан боғлиқ. Баъзи кўшиқларда интим кайфиятлар уларнинг нақоратларидан ҳам англашилиб туради, яъни бу нақоратларнинг ўзиёқ тингловчида эротик истакларни уйғотади. «Қилпиллама», «Воҳ эй, бола», «Астагина» каби нақоратлар шулар жумласидандир.

Халқ лирикасидаги эротик кечинмаларнинг бадиий ифодаси тарихий асосларига кўра, баъзан халқнинг аниқ бир одатлари, маросимлари билан ҳам боғлиқ бўлади. Ўтмишда ўзбек халқи айрим этник қатламларида қиз бола унаштирилганидан кейин куёвнинг кечаси уникига бориши, Янга воситачилигида билан яширинча учрашуви мумкин бўлган. Бу одат қаллиқ ўйнаш деб аталган.

В.В. Радлов Сибирдаги айрим туркий халқларда қизлар унаштирилганидан кейин бўлғуси эри билан жинсий муносабатда бўлишга ҳақли эканликларини ёзади(174.—С:335). Қаллиқ ўйнаш одати ўзбек лақайларида ҳозиргача сақланиб қолган бўлиб, Қашқадарё,



Сурхондарё вилоятларида илгари анча ривожланган. Хусусан, Сурхондарё вилоятида кенг тарқалган қуйидаги қўшиқда биз, қаллиқ ўйнаш одати ўз бадий ифодасини топган деб ҳисоблаймиз:

*Жононга бордим бир кеча,  
Бир-бир босиб астогина.  
Жонон ётур ноз уйқуда,  
Қўлим солдим астогина.*

*Сесканди-ю, кимсан — деди,  
Оғам ётур мундо, — деди.  
Билса сени ҳам ўлдирар,  
Қўймас мени бундо — деди.*

*Дедим: Садоғанг кетайин,  
Бир бўса бергин жон учун!  
Берсам, берайин жон учун,  
Қилма товуш, астогина(265. Т.4. — Б. 201).*

Қўшиқ давомида севишганларнинг қовушганлиги куйланади. Ундаги қизнинг уйқуси шартли уйқудир. Бу унинг ноз билан ётишида, йигитдан қўрқиб додлаш ўрнига кимсан дейишида билиниб туради. Унинг бўсага розилиги эса ёшларнинг унаштириб қўйилганлиги, тўйнинг яқинлиги туфайлидир. Қолаверса, бундай пайтларда воситачи сифатидаги янга уларни қўриқлаб туради.

Халқ лирикасида эротика билан боғлиқ бадий деталлардан бири ҳалгинчакдир. Ҳалгинчак одатда ҳосилдорлик культларида хосиятли деб билинган тол, қайрағоч ва тут, ўрик каби мевали дарахтларга солинган. Арғимчоқлар учиш жаҳоннинг кўпгина халқлари, жумладан, туркийларда ҳам маросимларнинг, байрамларнинг, хусусан, Наврўзнинг таркибий қисми бўлган.

Г.П.Снесарев, Ж.Фрэзер, Л.Я.Штернбергларнинг этнографик кузатишлари ҳалгинчак учиш оддий кўнгилхушлик бўлмай, балки келажакда фарзанд кўриш ғояси билан уйғун имитатив-сексуал усул бўлганлигини кўрсатади. Арғимчоқ учишнинг интим-эротик муносабатлар ҳамда ҳосилдорлик учун магик аҳамияти Европа мамла-

катларида ҳам қайд этилган. Одамлар кўкламги маросимлар пайти қиз-йигитлар учган арғимчоқлар қанчалик баланд кўтарилса, шу йили ҳосилнинг шунчалик мўл бўлишига ишонганлар(103. – С.104). Этнограф В.В.Маявин кузатишлари славян халқлари маросимларида ҳалгинчак учиш XII асраёқ оммавий тус олганлигини, бу одатни улар Шимолий– Фарбий қўшни мамлакатлардан, бизнингча, маълум даражада туркий халқлардан ҳам ўзлаштирганлигини кўрсатади(104. – С.39).

Ўзбек халқ кўшиқларида ҳалгинчак учиш одати оила ва фарзанд ғоялари билан боғланади:

*Тут ёғочга ип солиб,*

*Учган синглим, ёр-ёр.*

*Ҳовлингизга гул бўлиб,*

*Тушган синглим, ёр-ёр(153. – Б. 30)..*

Ёки:

*Ҳалинчак уч Ҳадича,*

*Сен бўласан келинчак.*

*Эрта-индин уйингда*

*Толдан бўлар беланчак(149. – Б.33).*

Мисолларимиз никоҳ тўйлари ва Наврўз байрамида ижро этилиши билан ҳам оила ва фарзанд ғоялари билан уйғунлигини кўрсатади.

Ўзбек халқ кўшиқларида интим-эротик майллар билан боғлиқ поэтик деталлардан бири тамакидир. Тамаки детали тилга олинган кўшиқлар юмористик оҳанглари билан ҳам ажралиб туради:

*Рўмолимнинг учини,*

*Дорга солиб берсанг-чи!*

*Ўлим бергур, кўкнори,*

*Атлас олиб берсанг-чи!*

Кўшиқларда кўкнор, чилимлар ҳам тамаки бажарган бадий-эстетик функцияларга эга бўлади. Кўшиқларда матн мазмунига кўра рўмол образи оила севги, инсоннинг ўзи, руҳий ҳолатларини ҳам ифодалайди. Биз юқорида соч магияси муносабати билан рўмол поэтик образининг жон ва бош ғоясини рўёбга чиқаришини кўрган эдик. Шу сабабли мисолимиздаги рўмолни дорга солиб

бериш, лирик қаҳрамоннинг менга ҳам эътибор бер, деганини англатади. Атлас ва кўкнори деталлари эса, атлас билан кўнглимни олсанг, кўкнорингдан кам роҳат, кайф бахш этмайман маъносини билдиради. Халқ лирикасида кўкнор, тамаки, чилимларнинг эротик маънолар англатишида бу ўсимликларнинг кайф бериш хусусият ҳам муҳим роль ўйнаган, албатта.

Фольклоршунос Ш. Турдимов лирик кўшиқларда тамаки эротика рамзи эканлигини тўғри белгилайди, аммо бу рамз фақат табиий қиёс асосида пайдо бўлган деб, унинг функциялари, тарихий асосларини бироз чеклаб қўяди(223.—Б.169). Чунки анъанавий дунёқарашда ҳомий руҳларнинг турли нарсалар ҳидига ишқивозлиги тасавурлари кенг тарқалган. Биз юқорида ўзбеклардаги исчиқариш одатига тўхталган эдик.

Э.Тайлор жамоа сеҳргарлари ва Мексика қоҳинлари экстаз ҳолатга кириш учун тамаки чекканларини ва тамаки ўсимлигини муқаддас билганликларинини айтади (208.— С.488). Тамакининг магик кучига ишонганлари учун ярашувчи томонлар тинчлик трубкасини чекканлар. Тараққиётнинг қуйи босқичларида турган кўпгина халқларда қарши жинс вакилини тамаки билан ўзига мафтун қилиш, сеҳрлашга магик инончлар бизнинг асримизда ҳам сақланиб қолган(212. — С.121). В.В.Радлов ўтган аср охирларида баъзи туркий халқлар тамаки чекишга жуда берилиб кетганликларини кузатган(174. — С. 171).

Айтилган фикрлар халқ лирикасидаги тамаки, кўкнор, чилим деталларининг эротик майллар билан боғлиқлиги тарихий жараён натижаси эканлигини кўрсатади. Тамаки, кўкнор, чилимларнинг эротик маънолар англатишини тўй кўшиқларида ҳам учратиш мумкин:

*Синглим тушган жойларга*

*Ой бўлайин, ёр-ёр.*

*Поччам чеккан чилимга*

*Най бўлайин, ёр-ёр. (153. — Б. 20)*

Метафорик маъносига кўра, почча чекан чилим — опа, най бўлиш истаги эса опага ҳамдарад бўлишдир. Аммо опа тақдири бошқа, сингил тақдири бошқа:

*Поччам чекан чилимнинг  
Найи бошқа, ёр-ёр.  
Синглим тушган жойларнинг  
Ойи бошқа, ёр-ёр(153. — Б.20).*

Қўшиқларда тамаки рамзи интим ахлоқсизликни ҳам ифодалайди:

*Кампирларнинг лакиси,  
Учида тамакиси  
Кампирларнинг ўйнаши  
Эрининг амакиси(154. — Б.35).*

Лаки — кампирлар ўрайдиган рўмол. Тилимизда кампир сўзи маъноси кенгайиб, умуман турмуш қурган жувонларни ҳам англатиши мумкин. Никоҳнинг левират шаклига кўра эри ўлган аёл қайноға ёки қайнисига ҳам теккан. Мисолимизда балки тул қолган хотин эрининг барча маъракалари ўтмай қайноғаси бидан юриб кетган аёл образидир. Бундан ташқари маиший турмуш идеал покликдан иборат эмас. Ана шу тарихий ва ҳаётий асосларига кўра, қўшиқда аёлларнинг хуфя бузуқликлари ҳажв қилинган. Бунда тамаки детали маънони кучайтириб келган.

Тамаки, чилим деталларининг халқ қўшиқларида интим-эротик кечинмалар рамзи эканлигига мисоллар жуда кўп:

*Чекким келса, чилимни,  
Силаб қўяман ёрни.  
Мени десанг, сен ёрим,  
Савдо қилурман жонни(154. — Б.17).*

Чилим чекишни иташ интим майл рамзидир. Шу сабаб лирик қаҳрамон ёрни силаб қўяди. Баъзи қўшиқ намуналарида тамаки детали англатувчи кўчма маъно жуда тез англашилади:

*Тамаки солиб берди,  
Дардинг бўлса, тортгин деб.  
Кўрпани солиб берди,  
Ухламасдан ётгин, деб(154. — Б. 115).*

Дард образи қўшиқларда кучли севги, интим-эротик майл ифодаси эканлиги бизга маълум бўлгач, қўшиқ-

нинг кейинги мисраларидаги маънони изоҳлашга зарурат ҳам қолмайди.

Сўз халқ лирикасида интим-эротик майлларнинг поэтик кўчимлари ҳақида кетар экан, **эротика** атамаси, фанда **травестизм**, халқ тилида **баччабозлик** деб юритилган тарихий ҳодисага ҳам тўхталиб ўтиш лозим бўлади. **Эротика** атамаси шаҳвоний эҳтиросларни англатиб, қадим юнон мифологиясидаги Эрос — севги худоси номидан пайдо бўлган(19. — С.505).

Жамият ҳаётидаги маиший енгилтакликлар бирданига ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. Архаик даврларда жинсий тақиқ(табу) жуда кучли бўлган. Шу билан бирга кишилар кайф берувчи нарсалар, муносабатларда қандайдир магик куч, илоҳийлик борлигига ишонганлар. Шу сабабли Л.Фейербах динларнинг пайдо бўлишида жинсий севгини илк асос деб ҳисоблаган. Психоанализ таълимоти асосчиларидан бири З. Фрейд эса инсоннинг бутун умрий фаолиятида эрос ва ўлим майлларини етакчи ҳиссиётлар сифатида баҳолайди(238.— С. 36).

Ҳақиқатдан, тарихий фактлар интим муносабатлар, улар ҳақидаги тассавурлар қадим даврлардан маълум даражада диний ақидалар билан боғлиқлигини кўрсатади. Масалан, Ж. Фрэзер маълумотларига кўра, қадимги Кипрда барча аёллар турмуш қуришдан аввал севги илоҳаси зиёратгоҳида бирор чет эллик билан қовушмоғи шарт бўлган. Бобил аёллари ана шу одатни амалга ошириш мақсадида ибодатхона олдида мусофирлар учун баъзан йиллаб навбатда турганлар. Арманистон аёнлари ўз қизларини илоҳа Анахитага бахш этганлар. Бу қизлар эрга теккунча ҳар ким билан интим муносабатда бўлиб юрaverишган. Ривоятга кўра, диний-ритуал аҳамиятга эга бўлган фоҳишалик одатини ҳам илк марта исми **лира** атамаси билан боғлиқ бўлган шоҳ Кинир таъсис этган(240. — Б.313-314).

Бу каби ўнлаб тарихий-этнографик фактлар, диний раққосалар биринчи фоҳишалар бўлганлигини тасдиқлайди. Бу фоҳишалик эса ритуал функцияси билан ҳозирги тушунчалардан жиддий фарқ қилади. Аммо қарши

жинс вакили бўла туриб, инсонни ўз жинсдошига яқинлашиш учун нима мажбур қилган? Онгсиз ваҳшийликми ёки узоқ давом этган жинсий табуларми? Бу каби саволларга жавоб топиш учун замонавий гомосексуализм(ўз жинсидаги киши билан жинсий алоқада бўлиш)дан тарихан ва мазмунан бутунлай фарқ қиладиган травестиизм ҳодисасига қисқа тўхталиб ўтиш зарур.

**Травестиизм** ҳодисаси ҳозир жирканиш ҳисси билан тилга олинади ва ахлоқ доирасидан четга чиқишнинг энг ёмон кўринишларидан ҳисобланади. Бироқ бизга ғайри табиий, ғайри инсоний туюлган бу ҳодисанинг пайдо бўлишида ҳам қатор тарихий-диний, этнографик сабаблар бор ва у фақат ўзбек ёки туркий халқлар учун хос бўлмаган.

С.А.Токарев шаклангина гомосексуализмга ўхшаш бўлган травестиизм ҳодисаси жаҳондаги барча халқлар тарихида мавжуд бўлиб, унинг келиб чиқишига инсоннинг нормал жинсий функцияси бузилиши сабаб бўлган, деган тахминни айтади. Шунингдек, у Европа халқлари маросимларидаги эрларнинг аёлча, аёлларнинг эркаклардай кийинишларини травестиизм ҳодисасининг ҳазил – ўйин кўриниши деб талқин қилади(103. – С.100). Таниқли диншунос олимнинг бу фикри янада аниқликни талаб қилади.

Рус фольклоршуноси В.Я.Пропп травестиизмни жуда қадим замонларда эрлар иттифоқига қабул қилиш маросимининг таркибий қисми деб таърифлайди. Олим фикрича, **эрлар уйи** уруғчилик тузумига хос махсус ташкилотлардан бўлган. Бу ташкилот қонунларига кўра, аҳолининг асосан балоғат ёшига етган қисми никоҳгача, яъни уйлангунча ота-она уйини ташлаб, махсус қурилган **эрлар уйи** ёки **бўйдоқлар уйи** деб номланган биноларда яшаганлар(241. – С.109-113). Ж. Фрээр маълумотлари Жанубий Осиёдаги халқларда ҳам шундай маконлар бўлганлигини тасдиқлайди(241. – С.203).

Эрлар уйига қабул қилувчи маросим раҳбари аёллардек кийинган. У ҳам эр, ҳам аёл мажбуриятларини бажарган. Аёлга эврила олиш қобилияти маросимнинг энг

олий босқичи ҳисобланган. Сибир шомонлари ҳам кўпинча аёл деб тассавур қилинган ёки эркак бўлса ҳам аёл кийимлари, хотинча қилиқлари билан аёлларга ўхшаганлар(169. – С. 109-110).

Демак, травестизим ҳодисасида кийимлар магиясига инонч ҳам муҳим роль ўйнаган. Қадим тассавурларда го-меопатик(Ж. Фрэзер) ёки ўхшашлик магияси қонуниятига кўра, аёлча кийинган, аёлча қилиқлар қилган эркаклар аёлга, аксинча, эркакча кийинган аёллар эркакга тенг деб тушунилган. Ана шу жиҳатдан В.И. Ереминанинг ритуал қайта кийиниш инсон моҳиятининг ўзгарганлиги рамзи бўлган, деган фикри жуда тўғри топиб айтилган(63. – С.141). (172)

**Травестизим** атамаси французча – *travesty* – сўздан ясалган бўлиб, луғавий маъноси **уст-бошни алмаштириш, қайта кийиниш** демакдир(19. – С.448).

Эрларнинг аёлча, аёлдай қилиқлар қилганлигини Марказий Осиё халқлари тарихида ҳам учратамиз. Жумладан, М. Қодиров халқ қизиқчиларининг аёлларча кийиниб, аёллар ролларини ўйнаганлари ҳақида ёзади(270.– Б.36-57). Саънат-шунос олим М. Раҳмонов ўтмишда раққосларнинг махсус мактаблари бўлганлиги, раққос ўсмирлар **бачча** деб юритилганлиги, уларнинг аёллар рақсларини ижро этибгина қолмай, кийинишлари, ясама соч ўримлари, нозли қилиқлари билан тўла аёлга ўхшаганликларини айтади(272. – С. 187-188).

М.Қодиров ва М.Раҳмоновлар бу ҳодисаларни арабларнинг Ўрта Осиёга бостириб кириши туфайли эрлар ва аёллар ўртасидаги эркин муносабатларнинг чекланиши билан изоҳлайдилар. Бироқ уларнинг бу хулосаси бироз аниқликни талаб қилади. Гап шундаки, XIX аср охири XX аср бошларида ҳам ўзбек театри шаклланаётганда эркак актёрларнинг аёллар ролини ижро этиши одат бўлган, профессионал қизиқчиларимиз бу усулдан ҳозирги кунда ҳам жуда фаол фойдаланишмоқда.

Қуръони Каримда Лут пайғамбар даврида баччабозлик жуда ривожлангани айтилиб, у кескин қораланади(272. – Б.277). Кузатишларимиз қадимда Ўрта Осиёда

ҳам эрлар уйи ташкилотлари бўлганлигини, баччалар ўша ташкилотлар одатлари трансформациясидаги бир узвий аъзо эканлигини кўрсатади. Тожик олими Р. Раҳимов қадимда эрларнинг ёшига кўра турли гуруҳларга бирлашгани, улар мунтазам йиғилиб тургани, йиғилиш жойи дастлаб **оловхона** деб аталганини ёзади. Оловхона фактининг ўзиёқ эрлар ташкилотларининг қадим оташпарастлик даврлари билан боғлиқлигини кўрсади. Кейинчалик **гап**, **гаштак** деб номланган эрлар меҳмонхоналарида ҳар бир гуруҳнинг ўз баччаси, шоҳи, вазири, амалдорлари, гуноҳқорлари ва жаллоди бўлган. Бачча маҳаллий қизлар каби кийиниб, узун соч улаб, даврадагиларга шароб тарқатган, рақсга тушган. Бир давра баччасини бошқа давра олиб кетолмаган(177. – Б.19-21).

Шу ўринда болаларнинг анъанавий «Подшо –вазир» ўйинини эслатиб ўтиш зарур. Ўйинда подшо, вазир, жаллод ва гуноҳқор ошиқ (суяк) ташлаб аниқланган. Туркийларнинг анъанавий дунёқарашда аجدодларнинг суяклари, айниқса, ошиғи культ аҳамиятига эга бўлган(220. – С.40-41). «Султон суягини хўрламас» мақоли, «суяк сурди» иборалари ана шу дунёқараш рудиментларидир. Суякларнинг аجدодлар култи билан боғлиқлигини С.П.Толстов тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди.

Бизнингча, эрлар уйи, меҳмонхоналарда кимнинг қандай вазифада бўлиши ҳам болалар ўйинидаги каби ошиқ ташлаш билан аниқланган ва улар ўртасида тарихан генетик алоқадорлик мавжуд. Жумладан, С.П. Толстов эрлар, айниқса, аёлларнинг тунда рақслар билан ўтказиладиган оргиастик (айш-ишратли) зикрларини чилтонлар ҳақидаги тассавурлар билан боғлайди. Олимнинг хулосасига кўра, **оловхона**, **меҳмонхона**, **оташкада**, **чойхона**лар генетик асосига кўра, айнан **эрлар уйининг** ўзидир(215.–С311-312). Унинг аёлларнинг оргиастик зикрлари ҳақидаги маълумотлари жуда қизиқ. Негаки, Л.Н. Гумилев қадимги туркийларда қизлар 14-15 ёшга етишгач, 8-9 таси (балки кўпроғи ҳам) тантанали равишда иттифоқ тузганлар ва бир-бирларини ака-ука деб аташган. Бирор йигит бу қизлардан бирортасига уйлан-



са, ўша иттифоқда аёлча ном олганларини ёзади(51. – С.74-75).

Магик инонч, хусусан, исм магиясига кўра аёлча исм олиш аёл бўлиш демақдир. Ўрта Осиёда яшаган қадим аждодлар ҳаётини хитой солномачилари асарлари асосида тадқиқ қилган Н. Я. Бичурин ҳам аёллар салтанати ҳақидаги афсоналарни қелтиради(28. Т.2. – С.273, 282).

Бу маълумотлар Ўрта Осиё халқлари ўтмишида эрлар каби балоғатга етган аёлларнинг ҳам қизлар уйи ёки уюшмалари бўлган дейишга асос бўлади. Халқ эртақлари ва дostonларидаги бирор малика бошчи бўлган қизлар, парилар қасри, мамлакатлари ана шу тарихий ташкилотларнинг қайта мушоҳада қилинган поэтик кўринишларидир. Табиийки, бу уюшмаларда эротик ўйинлар ёки маросимлар ўтказилган.

«Бухоро тарихи» асари муаллифи Наршахий ҳикоялари ҳам мавзумиз учун характерлидир. У бир қавм одати ҳақида шундай деб ёзади: «Улар хотин худди гулга ўхшайди, уни ким ҳидласа ҳам камайиб қолмайди, деб ўз хотинларини биров-бировларига ҳалол ҳисоблайдилар. Бирор киши бирор хотиннинг олдига хилватга кирганида уй эшигида белги қолдиради: у хотиннинг эри келиб қолгудек бўлса, хотини уйда бошқа киши билан бирга эканлигини билиб, қайтиб кетади ва у киши хилват ишдан фориф бўлгандан кейингина ўз уйига киради.

Ўша қавм қишлоқларида кимки уйланмоқчи бўлса, қизнинг баракотини аввал қишлоқда тайинланган бир киши олар, сабаби балоғатга етган йигитлар уйлангунча ўша киши билан ўз жинсий эҳтиёжларини қондириб юрар экан»(4.– Б.145 -146). С.П.Толстов Наршахий айтган бу одатларни массагетларга хос бўлган, дейди(215. – С.321).

Фольклор экспедицияси даврида олган маълумотларимиз травестизм ҳодисаси ўзбеклар тарихида ҳам бўлганлигини кўрсатади. Меҳмонхона деб аталган эрлар уйининг гули аёлча кийинган ўсмирлар бўлиб, у ерда айтиладиган кўшиқлар меҳмонхона кўшиқлари дейилган. Тарихий асосига кўра уларни эрлар уйи кўшиқлари дейилса, аниқроқ бўларди:

*Кўкча қовун пўчоғи,  
Меҳмонхонанг ўчоғи.  
Минг тиллога арзийди,  
Шу баччанинг қучоғи.*

Қайд этиш керакки, меҳмонхона ва у билан боғлиқ одатлар, кўшиқлар ҳақида маълумот тўплаш жуда қийин. Сабаби уларни билувчи кексалар кўпи оламдан ўтиб кетишган. Ҳаёт бўлганлари эса айтишга истиҳола қилишади. Айрим айтувчилар ҳам ёзиб олувчидан у ҳақида ҳеч нима демасликни сўрашади, ваъда олишгандан сўнггина баъзи тўртликларни айтишлари мумкин.

Юқоридаги мисолимизда ўчоқнинг тилга олиниши қадим эрлар уйида олов алоҳида ардоққа сазовор бўлган, бу олов культининг рудиментлари деган мулоҳазаларга етаклайди. Кўкча қовун эса ҳали пишиб ўтмаган ёки ҳандалак каби дастлаб пишадиган, пўчоғи юпқа жуда ширин қовун навидир.

Этнограф Е.М.Пещерева XX аср бошларида ўзбеклар ҳам кенг нишонлайдиган лола байрами маросимида баччалар ўйини, эротика элементлари ҳам мавжудлигини айтиб, у ҳақда шундай кўшиқни мисол келтиради:

*Чорбоғ аро мажли қуриб,*

*Чойу шўрбони ичиб,*

*Олдида ўйнар баччаси...*

*Баччага кокил солиб...(158. — С.376).*

Таниқли тилшунос К.К. Юдахин ёзиб олган ўзбек кўшиқлари орасида ҳам травестизм ҳодисаси ифодаланган намуналар бор:

*Шафтолининг бўйи наст,*

*Мевасининг кўпидан.*

*Бесоқолнинг ақли наст,*

*Акасининг кўпидан (ўша манба. — Б.417).*

Бизнингча, «Ўзбек халқ музикаси» номли кўп томлик монументал асарда келтирилган қуйидаги намуна ҳам травестизим ҳодисасининг бадиий ифодаларидан биридир:

*Гулидан олай десам,  
Ёнларида гунчаси бор.  
Ёрга гап ташлай десам,  
Тиззасида баччаси бор(265. Т.4. — Б.222).*

Баёнларимиздан кўриниб турибдики, травестизм ҳодисасининг ахлоқий бузуқликнинг жирканч кўриниши бўлган гомосексуализмдан жуда ката фарқи бор. Гомосексуализмнинг бадиий адабиётдаги ифодасини биз А. Қодирий асарлари, хусусан, «Меҳробдан чаён» романидаги мулла Абдурахмон образида кўрамиз. Роман бобларидин бири «Ифлос бир мозий» деб номланади. Боб ҳажман унча катта бўлмаса-да, унинг сийрат маъноси жуда кенг ва травестизм тарихи, унинг кўринишлари ҳақида озгина бўлса-да, маълумотга эга бўлмай бу сийрат маънони англаш қийин деб ўйлаймиз. Қодирий асарларидаги баччабозлик ифодаси, адибнинг ундан нақадар жиркангани ҳақида алоҳида мақола ёзганимиз учун бу ўринда махсус тўхталмадик.

Инсоният тарихидаги травестизм ҳодисасини Ж. Фрэзер жамиятда аёллар ҳукмронлигидан (матриархатдан) эрлар ҳукмронлиги(патриархат)га ўтиш маҳсули деб изоҳлайди. Гуё эрлар аёлларсиз ҳам яшаш мумкинлигини исбот қилишмоқчи бўлган эмиш. Бизнингча, бу борада травестизм қадимий ўтиш-бағишлаш маросимининг таркибий қисми бўлган деган В.Я. Пропп(169.—С.109-110) ҳамда уни ибтидоий дин комплексининг таркибий қисми, ўсмирларнинг никоҳгача жинсий муносабатга киришуви ритуал-магик аҳамият касб этган, деган С.П. Толстов фикрлари ҳақиқатга яқинроқдир.

Бизнинг кунларимизгача етиб келган, травестизм ҳодисаси рудиментларининг бадиий ифодаси бўлган меҳмонхона кўшиқларининг кейинги мисраларида эротик маънолар очиқ ифодаланиши билан фарқланиб, асосий мақсад эротик майлни уйғотиш ва кучайтиришга қаратилган бўлади. Халқ лирикасининг яна бир жанрини ташкил этувчи бу кўшиқлар деярли унутилиб бўлганлиги учун биз уларни жанрий таснифимизга киритмадик. Аммо тадқиқотчи учун П.Г.Богатырев айтган-

нидек, улар ҳам пассив этнографик фактларни ўрганишда муҳимдир(31. –С.384).

Қисқа қилиб айтганда, инсон учун интим-эротик кечинмалар қанчалик қадимий бўлса, шунчалик табиий ва ҳаётийдир. Юқоридаги кузатишларимиз мазкур бўлим учун қуйидаги хулосаларни айтишга имкон беради:

1. Инсоният тарихида муҳим роль ўйнаган магик инончлар ўзбек халқи маиший турмуши, оғзаки ижоди, халқ лирикасига ҳам ўз таъсирини ўтказган ва тарихий асос ролини ўйнаган.

2. Халқ лирикасида сўз, кўз, из, лисбослар ва бошқа магия турларига инончлар қайта поэтик идрок қилиниб, турли бадиий-эстетик функциялар бажаради.

3. Қўшиқлардаги соч поэтик образининг генезиси соч магияси билан боғлиқ бўлиб, лирикада соч ва қош, киприк, мўйлов, соқол образлари дастлаб осмон, жон, ҳосилдорлик ғояларини ифодалаган. Кейинчалик улар халқ маиший турмуши ва қўшиқларида кишиларни ижтимоий, жинс, ёш жиҳатдан фарқлашга, лирик қаҳрамоннинг ҳолатлари, қалб кечинмаларини ифодалашга хизмат қилган.

4. Магияга инонч рудиментларининг бадиий ифодалари севги мавзуидаги қўшиқларда ғоят кўп. Магияда ҳаракатлар ва предметлар муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги учун инсоннинг тана аъзолари, либослари образлари кўпинча магик аҳамият касб этади ва одатда лирик қаҳрамоннинг руҳий дунёси, симпатия ва антипатиясини поэтик ифодалашга хизмат қилади.

5. Пассив этнографик факт бўлган травестизм ҳодисаси халқ лирикасида ҳам ўз ифодасини топган.

#### IV. БЎЛИМ. ЎЗБЕК ХАЛҚ ЛИРИКАСИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСИДА ҲОСИЛДОРЛИК КУЛЬТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Ҳосилдорлик культлари тушунчаси.** Халқ кўшиғи куй – ритмик оҳанг ва поэтик сўз воситасида инсон фикрлари ва туйғуларини асрлардан асрларга етказувчи бадий-эстетик ҳодисадир. Одамзот наслини давом эттириш, моддий фаровонлик ва маънавий бойлик онгли инсон фаолиятининг бош мақсади, туб моҳиятидир. Ана шу доимий ва мангу мақсад йўлида одамзот ейиш, кийиниш каби кўшиққа ҳам доимо маънавий эҳтиёж сезади. Бу маънавий эҳтиёж халқ лирикасининг яшовчанлиги, доимо бойиб боришини таъминлайди.

Кўшиқ тарихан маросимларнинг таркибий узви, ҳозирги пайтда, асосан, маънавий озуқа бўлганлиги учун халқ лирикасида севги, оила, фарзанд, бахтли турмуш орзулари, кечинмалари етакчи роль ўйнайди. Ана шу сабабли ҳосилдорлик культларининг реликтлари халқ лирикасининг генезисида бош томирни ташкил этади.

Рус фольклоршуноси В.П. Аникин номаросим халқ лирикасининг генезисини: а) лирик сюжетнинг шаклланиши; б) халқ кўшиқларида лирик «мен»нинг пайдо бўлиши; в) маиший турмушнинг поэтиклашуви (поэтик мушоҳада қилиниши) билан боғлайди(12).

Шу белгилар халқ лирикасининг поэтик асослари бўлиб, улар доимо мавжуд бўлади, рудимент ҳолига тушиб қолмайди. Бу поэтик асосларни эса тарихий илдизлар пайдо қилади. Халқ лирикасини яшнаб турган гулга ўхшатсак, поэтик асослар унинг бизга кўриниб турган қисми, тарихий илдизлар эса томирларини ташкил этади ва анъана уларнинг ҳар иккисини уйғунлаштириб туради.

Ҳозирда халқ кўшиқларини тинглаганимизда, одатда унинг ташқи маъносини, жуда нари борса, поэтик кўчимларга асосланган мазмунини англаймиз. Бироқ

халқ кўшиғининг барча ташқи ва ички мазмуний қирраларини изоҳлаш учун бунинг ўзи кифоя қилмайди. Фикримиз исботи учун бир машхур халқ кўшиғини кўриб чиқайлик:

*Сунбула-ю сунбула,  
Ўраб олай гул билан.  
Менинг кўнглим сен билан,  
Сен кетасан ким билан,  
Қадамингга гуллар сочилсин.*

Авалло шуни айтиш керакки, нафақат кекса авлод вакиллари, балки маълумоти ўрта, ҳатто олий ҳозирги замон кишилари, ёшлари онгида ўзлари сезмаган ҳолда жуда қадимий мифологик, диний, урфий, тушунчалар билан энг замонавий тасаввурлар уйғунлашиб кетган. Шу боис ўзлари энг замонавий метрода юрганлар ҳам «иссиқ-совуқ»нинг кучи, ёмон кўзнинг сеҳрли таъсири, ёмон тушнинг ҳаётда маъшум оқибати бўлиши, руҳлар дунёси мавжудлиги ва ҳ.з.ларга ишонса, асло ажабланмаслик керак.

Шу жиҳатдан кўшиқнинг ташқи — суръат маъноси-дан кўйидагилар англашилади: Сунбула бадиий образ — кўшиқ қаҳрамонининг поэтик жуфти, қаҳрамон уни гулларга буркамоқчи, аммо ёр кўнгли бегонада. Шундай бўлса-да, ошиқ фидойилик қилиб, ёр қадамига гуллар сочмоқчи ёки шундай бўлишини астойдил истайди.

Энди бу бандни тарихий асосларига кўра шарҳласак, шундай сийрат маънони илғаймиз: Сунбула халқимизда бир ойнинг анъанавий, соф туркий номи бўлиб, тахминан 24 августдан 23 сентябргача бўлган муддатни қамраб олади. Бу айни пишиқчилик даври, сувлар тиниган, мақолда айтилганидек, «Сунбуланинг суви — шароб» пайти бўлади. Демак, кўшиқдаги Сунбула балоғатга етган ёр рамзидир.

«Сунбула буржи суврати кўлига буғдой бошоғини ушлаб турган қиз шаклидадир», — дейди академик Алибек Рустамов шу ой ҳақидаги халқ тасаввурларини ифода-далаб.

Қадимий қарашлар, яъни мифологик тафаккурда

инсон гулга тенг, гул шаклига эврилиши, яъни айланиши мумкин. Бунга асосланган поэтик тафаккур инсонни гулга қиёслайди, ўхшатади. Мифо — поэтик тафаккурга кўра, қўшиқдаги гул билан ўраб олиш лирик қаҳрамоннинг ўз ёрини қучиш истагини ифодалайди. Ёр қадамига гуллар сочиш ҳам мифологик инонч, из магиясига кўра ёрнинг пойига бош қўйиш билан тенг. Лирик қаҳрамон ёр уни севмаса ҳам унинг йўлларига гуллар сочилишини, унга кўплаб қизлар мафтун бўлишини истайди.

Инсон қадами ва унинг ҳосиласи бўлган из ҳақида яна шунга айтиш мумкинки, қадимий инончларга кўра, инсоннинг изи ҳам унинг ўрнини босиши мумкин. Шу боис ҳозиргача «Босган изларингдан ўргилай!» ёки «Қадамингизга ҳасанот!» дейиш инсоннинг ўзидан ўргилиш ва инсоннинг ташрифини улуғлашга тенгдир. Бунинг аксича «Қадаминг курсин!», «Изинг ўчсин!» — дейиш инсонга ажал тилашдир. Қизиғи шундаки, адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, ўзи ёмон кўрган одамнинг изига мих қоқса, ўшанинг оёғи ҳақиқатдан мих киргандай оғриб қолишига ишонадиган халқлар ҳозир ҳам бор экан.

Халқ онгида Сумбула ҳақидаги тасаввурлар, ижодида мақоллар ва афсоналар мавжуд бўлган ва баъзилари бизгача етиб келган. Халқимиз ана шулардан келиб чиқиб, қайта поэтик мушоҳада қилиб, юқоридаги каби бандларни ижод қилган.

*Ўчоқ бошида қумғон,  
Атрофи баланд қўрғон.  
Севганимга етолмай,  
Юрак-бағрим бўлди қон,  
Қадамингда гуллар очилсин...*

*Мен бу ерда ўт ёқсам,  
Андижонда тутун-эй.  
Бу дунёда бормикан,  
Юрак-бағри бутун-эй.  
Бу дунёда бор бўлса,*

*Юрак-бағри бутун-эй,  
Қоғоздан қозон ясай,  
Гулдан қилай ўтин-эй,  
Қадамингга гуллар сочилсин.*

Ўчоқ – оловнинг аниқловчиси, тарихан олов култи билан, қумғон эса сув култи билан боғланади. Қўрғон – оила рамзи бўлиб, айрилиқни ҳам ифодалаб келмоқда. Анъанавий дунёқарашда қон ҳаёт рамзидир. Шу сабабли «сўйсанг қони чиқмайди» ибораси йўқлик (зиқналик), марҳумликни билдиради. Ёқилган ўт ва унинг тутуни севги кечинмаларини англатади. Мулоқот (контагиоз) магия қонуниятига кўра олов қаерда ёқилмасин тутун доимо у билан алоқада, яъни унинг аниқловчиси бўлади. Поэтик жиҳатдан эса олов ва тутун севишганларнинг руҳий ҳолатини ифода қилади. Бунда масофа, шаҳарлар номи муҳим эмас. Вариантларда Андижон ўрнига Самарқанд, Урганч, Марғилон – исталган шаҳар номи айтилиши мумкин. Шаҳарлар номи севишганларнинг бири-биридан узоқлигини, олов ва тутун улар қаерда бўлишмасин, руҳан бирлиги ва соғинишларини поэтик кўчим сифатида баён қилган. Шунингдек, дунёда юрак-бағри бутун одам топилмаслиги барчанинг севги ёшига, изтиробларига дучор бўлишини ифодалаб, қўшиқда ишқ изтироблари оҳанги устиворлик қилади. Аммо унинг мунгли мотиви азадор аёлларга ҳам, турмушда жуда қийналган кишиларга ҳам юпанч бўлиши мумкин.

Қоғоздан қозон, гулдан ҳеч нимага арзимайдиган ўтин ясаш мумкин. Бироқ бундан ҳеч қандай маъно чиқмайди. Лирик қаҳрамоннинг мақсади бу образлар орқали дунёда ишқ дардига учрамаган аёл ҳам, эр ҳам йўқ деган мазмунни ифодалаш бўлгани учун, қоғоздан қозон, гулдан ўтин яшашнинг ҳожати йўқ.

Мисолимизда ҳосилдорлик культларининг асосий объектлари бўлмиш олов, сув, гул (ўсимлик) поэтик образлари бор. Маълумки, жаҳондаги барча халқлар оғзаки поэзиясида гул одатда, хотин-қизлар рамзи бўлиб, гўзаллик, нозиклик, ифбат, муҳаббат, қалб кечинмалари, топталган номус ва ҳ.з. ўнлаб маънолар ташийди.



Эътироф этиш лозимки, *культ, ҳосилдорлик культлари* атамалари ўзбек фольклоршунослигида ҳозиргача деярли ишлатилмай келган. Биз махсус адабиётлардаги фикр-мулоҳазаларга асосланиб, *ҳосилдорлик культлари деганда инсоният, жумладан, ўзбек халқи тарихида ҳам ҳосилдорлик ва серфарзандлик ғоялари билан боғлиқ бўлган энг оддий ишлаб чиқаришдан, интим оилавий муносабатларгача қамраб оладиган сакрал (эътиқодий) тасаввурлар ва ҳаракатлар йиғиндисини* тушунамиз.

*Культ* атамасининг матнга кўра ардоқ, дин, сифиниш ...парастлик, ажратиш, ишлов бериш, маълумот, тараққиёт, яшаш тарзи, маданият каби маънолари бор (56. – С. 38,44; 187.–Б.110). Аммо уларнинг бирортаси алоҳида олинганда, айниқса, фольклор намуналарида уларнинг поэтиклашган ифодаларига нисбатан, *культ* атамасининг моҳиятини ифода эта олмайди. Шу сабабли ўзбек тилида ҳам *культ* сўзини илмий атама сифатида ўзбек фольклоршунослигида айнан қўлласак тўғри бўлади.

Рус тилида ҳосилдорлик *культ* *плодородия* дейилиб, ўсимликлар бўлиқлиги, дарахтларнинг сермева-лиги, жониворларнинг сертуёқлиги, аёлларнинг серфарзандликларига нисбатан қўлланилади. Қандай маъно англатиши эса матнга боғлиқ. Шу сабабли *плодь* атамаси *самара, мева, ҳомилани* ҳам англатади.

Ўзбек тилида ҳосилдорлик *культ*тини ҳосил ва фарзанд учун унинг объектлари, маросимлари, урф одатларига нисбатан бажариладиган эътиқодий ҳаракатлар ва қарашлар тизими, деб тушуниш маъқул.

Ҳосилдорлик *культ*ти синкретик (умумийлик) характерига эга бўлиб, деҳқончилик, чорвачилик, эротик *культ*лар, жинсий ёки севги магияси билан уйғунлашиб кетади. Ҳосилдорлик *культ*ларининг инсоният тарихидаги аҳамияти шундаки, қадимги барча инонч-эътиқодлар, динлар, маросимлар, урф-одатлар, албатта, қайсидир жиҳати билан шу *культ*лардан бирортасига боғланади. Бу *культ* туркий мифологияда ҳам ўз изларини қолдирган. Туркий мифология сюжетларини ўрганган С.Г.Кляшторный Ўрхун ёзувларида уч худо – Тангри,

Умай, Ер-Сув тилга олинганини айтади. Г.Дёрфер қадим-  
ги туркий динларни уч қатламга: тотемистик, шомон-  
лик, тангриларга бўлади(226.— С.124). Этнограф Л.П.  
Потапов ҳам туркий ёдномаларда уч худо мавжудлигини  
эйтироф этиб, Тангри —осмон, Умай — руҳлар, Ер-сув-  
замин ҳомийлари бўлган дейди.(183) Олимнинг куза-  
тишларича, Умай гўдаклар ҳомийси бўлиб, туркий шо-  
монлар уни жуда яхши билишган ва унга сиғинишган  
(226. — С. 266-286). Шу боис Умай она номи чақалоқлар-  
ни бешикка илк бор белашда айтиладиган қадимий ай-  
тимларда бизгача етиб келган:

*Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим,  
Менинг қўлим эмас,  
Биби Фотима, Биби Зухро қўли,  
Умай она, Қамбар она қўли.  
Тошдек қил,  
Темирдек қил,  
Сутига оға бўлсин ! ( 222. — С. 354).*

Тарихийлик нуқтаи назаридан қаралганда бу айтим-  
даги энг қадимий образ Умай она, ундан сўнг бошқала-  
ри туради. Хакаслар бола уч ёшга тўлгунча Умай паноҳи-  
да бўлади, деб ҳисоблаганлар. Боласиз хотинлар бошқа  
бола Умайини олиб бериш учун шомонга мурожаат қил-  
ганлар. Инсон танасидаги туғма холлар Умайнинг изи  
ҳисобланган.

Ўзбекларда ҳам хол билан боғлиқ жуда кўп иримлар  
сақланиб қолган. Масалан, чақалоқлар хол билан туғил-  
са, албатта, шунга мос исм қўйишган. Улар туғма хол-  
лар руҳлар дунёси билан боғлиқ деган тасавур натижа-  
сидир. Бизнингча, ҳазрат Навоийнинг «Холу хатинг хаё-  
лида...» деб бошланувчи ғазалида ҳам тасаввуфийлик-  
дан ташқари шундай маъно ҳам бор. Халқ лирикасидаги  
хол поэтик образи ҳам фақат гўзаллик рамзи бўлиб қол-  
май, тарихан ҳосилдорлик, серфарзандлик ғоялари би-  
лан боғланади:

*Қошингнинг қаросига,  
Хол бўлай орасига.  
Асло раҳминг келмайди,*

*Бировнинг боласига.*

*Холларингдан укажон, чиройлик!(154. – Б. 63).*

Икки қош орасига хол бўлиш, уларни қўшиш висол истагининг бадиий ифодасидир. Қош образининг қирралари ҳақида биз соч магияси муносабати билан тўхталган эдик. Халқ қўшиқлари намуналарида ҳосилдорлик культлари, умуман, қадим инончлар, магик-мифологик тассавурлар бади-ий ифодаларининг сақланиб қолишида анъананинг роли жуда каттадир. Анъана эса ҳаётий зарурият туфайли яшаб, бойиб келади. Агар анъана бўлмаганида, ҳаётда, масалан, тотемизм билан боғлиқ баъзи инонч, тассавурлар сақланиб қолмаганида биз ҳеч қачон бўри образи ижобий талқин қилинган фольклор намуналарини учратмас эдик. Бироқ шу ўринда анъанани қотиб қолган ҳодиса сифатида тушунмаслик, ҳар бир давр унга янгиликлари киритишини, агар у давр талабига жавоб бермаса, ҳаёт ва ижод саҳнасидан тушиб қолишини қайд этиш лозим. Халқ қўшиқларининг генезисда анъанавий дунёқараш қайта мушоҳада қилиш жараёнлари туфайли сув культининг поэтик ифодалари жуда кучли сақланиб қолган.

**Сув култи ва қўшиқ.** Ўзбек халқ маросимлари, маросим фольклори жанрларига диққат қилсак, деярли уларнинг барчасида сув етакчи ўринда турганлиги ва магик-ритуал аҳамият касб этганлигини кўрамиз. Сувсиз ҳаёт бўлмаганидек, сув ва унинг аниқловчилари поэтик қирраларисиз халқ лирикасини ҳам тассавур этиб бўлмайди.

Сув поэтик образи қўшиқлардаги энг фаол табиат ҳодисасидир. Унинг табиатда айланиб юриши архаик дунёқарашдаги жоннинг қўчиб юриш ғоясига ҳам жуда мос келади. Жаҳондаги турли динлар, культлар, маросим ва мифларда сувнинг аҳамияти шу даражада улканки, уларнинг барчасини бир жойга тўплашга уриниш аввалдан муваффақиятсизликка маҳкумдир.

Милоддан аввалги VII асрга оид Хитой трактатларидан биридаги таъриф сув ҳақидаги қадимий тассавурларни бир-мунча умумлаштиради: «Сув – ернинг қони

ва ҳаётӣ қуввати манбаи. У юмшоқ ва тоза, инсон кирларини ювади – бу сувнинг одамийлиги, Идиш тўлса, ортиқча сув сифмайди – бу адолат, қаноат. Сув доим ҳаракатда, фақат текисликда тўхтади – бу ҳалоллик. Одамлар кўтарилишга интилса, сув пастга шошади – бу камтарлик» (61.– С.25). Қуръони Каримда сув ерни тирилтирувчи илоҳий тўхта, барча жонзотнинг илк асоси ҳисобланади. Хусусан, «Анбиё» сураси 30-оятда Оллоҳ шундай дейди: «...барча жонли мавжудотни сувдан(пайдо) қилганимизни кўрмадингларми?!».

Қадимги одамлар ёмғир, қорларни кўриб, барча сув осмонда экан деб ўйлаган. Натижада «Овасто»даги Тиштрийани кашф этишган. Ҳосилдорлик култи учун муҳими шундаки, Тиштрия аёл жинсидан деб тассавур қилинган(165. – С. 42-45). Ўзбекларда қурғоқчилик йиллари «Суст хотин» маросимининг ўтказиб келиниши ҳам бу қадимий инончга мос келади. Яна бир қадимий ажодимиз булоқ, чашмаларни кўриб, сув ер тагидан чиқади, ер тагида сув худолари қароргоҳи бор деб ўйлагани сабабли жаҳондаги кўпгина чашмалар -булоқлар култ объектига айланиб кетган. Жаҳоннинг кўпгина халқлари мифларида Коинотда дастлаб фақат сув бўлган. Олов, ер, ўсимлик, ҳайвонлар сувдан тарқалган деб талқин қилинади.

Афсонавий Нуҳ пайғамбар тўфони сувнинг асл, илк ҳолатига қайтиши, оламнинг покланиши рамзидир. Шу сабаб Нуҳ пайғамбарни иккинчи Одам, деб ҳам ҳисоблайдилар. Жаҳон тўфони ҳақидаги мифлар, афсоналар Ж.Фреэзернинг «Тавротда фольклор» асарида жуда кенг шарҳлаб берилган учун биз бу ўринда унга кенг тўхталмаймиз. А.Навоий ижодида сув Оллоҳнинг кўзгуси дейилган(273.– Б.105).

Бу фактлар барчаси ажодларимиз сувни осмон ва руҳлар дунёси билан боғлиқ деб тассавур қилганликларини кўрсатади. Сув билан боғлиқ маросимлар, одатлар, иримлар ўзбек халқ маиший турмушида ҳам шунчалар кўп сақланиб қолганки, уларнинг барчасини санаб тугатиш қийин. Юртизда мавжуд кўплаб зиёратгоҳ-

лар қошидаги булоқларга ҳанузгача кишиларнинг шифо ва фарзанд тилаб келишлари сув культининг маълум даражада ҳозир ҳам мавжудлигини кўрсатади.

Туркий халқларда сув жуда қадимдан Оллоҳ неъмати, барча учун баравар ҳисобланган. Шу сабаб уч хонликлар даврида ҳам сув ердан фарқли равишда умумхалқники ҳисобланган(246. – С. 179).

Сув культининг излари ўзбек халқ ижодининг деярли барча жанр намуналарида ўз бадий ифодасини топган. Эртакларда қаҳрамон ташлаган ойнадан дарёлар ҳосил бўлиши сув култи ва парциал магияга инончининг бадий кўринишидир. Чунки анъанада ойна сув парчаси ҳисобланган.

Қадимги одамлар тассавурларида табиат онгли тушунилиб, ҳосилдорлик культларида **мен сенга, сен менга** ақидаси ҳукмрон бўлган. Бу ақидага кўра, инсонлар табиат ҳодисалари – ер, сув, олов, ўсимликлар ва ҳ.з. ҳомийларига қанчалик кўп ва энг азиз нарсаларини қурбонлик қилишса, улар ҳам бунинг эвазига одамлар сўраган нарсани беришган. Ж. Фрэзер маълумотларига кўра, Нил дарёси бўйида яшовчи халқлар ёш қизни ясангириб, Нилга ташлаганлар, Гуё қиз ва эр деб билинган дарёни никоҳлаганлар. Одамлар сувга энг гўзал қизимизни берсак, у бизга мўл ҳосил беради деб инонганлар. Кейинчалик бу маросим ўрнини сувга танга ташлаш одати эгаллаган(240.– С.411). Муқаддас билинган сувларга танга ташлаш одати ўзбекларда ҳам яқин-яқингача мавжуд бўлган.

Этнограф Г.П.Снесарев Хоразмда ҳозиргача сақлаиб қолган дарға ёки миробни сувга ташлаш одатини ана шундай қадим маросимларнинг асоратидир дейди.(196.–С.238). Қизиги шундаки, қурбонлик одатлари ўтган аср бошларида ҳам айрим ерларда мавжуд бўлган. Масалан, Пискент шаҳри яқинида Кампирўлди деган жой бор. Кексалардан эшитишимизча, ўтган асрнинг 20-йилларида сув тошқини бир неча кун тинмаган. Одамлар, эчки, қўй, сигир қурбонлик қилиб кўришгану, натижа бўлмаган. Шунда бир кекса кампир ўз ихтиёри билан ўзини сувга ташлаганда, сел тиниб қолган эмиш.

Сув кутуриб қурбонлик талаб қилаяпти, деб тушунилгани учун бундай одат илгари ҳам бўлган экан. Шунингдек, Ўзбекистоннинг барча туманларида кўкламги ариқ қазиш пайти ариққа биринчи сув келганда, одамлар, албатта бир-бирларини сувга пишиб оладилар. Сувга пишиш одати қурғоқчилик пайтидаги «Суст хотин» маросимида ҳам жуда кенг қўлланилади. Бизнингча, булар сувга, аниқроғи, унинг илоҳасига қурбонликлар беришнинг трансформацияга учраган кўриниши бўлиб, шу йил бутун эл сувдай сероб бўлсин, деган мақсадга қаратилган ва бунинг учун сувнинг магик кучига ишонилган.

Бу этнографик фактлар ва инончлар халқ эртақларида сув девлари ва аждарларига ҳар куни бир қизни қурбонликка бериш, сув қизлари, сув алвастилари ҳақидаги афсоналар тарзида ифодаланган.

Ҳосилдорлик культларига хос муҳим бир хусусият шундаки, уларда аёллар, аниқроғи аёл жинсидан деб тушунилган илоҳалар етакчи роль ўйнайди. Аёлларнинг табиий фарзанд кўриш қобилиятлари жаҳон халқлари эътиқодлари, тассавурларида ҳосилдорлик ва севги илоҳаларининг кўплаб яратилишига олиб келган. Туркий мифологиядаги Умай она, аёллар топинадиган Анбар она, Биби Фотималар ана шулар жумласидандир.

Ўзбек мақолларида сув ёруғлик, ҳосил манбаи, гавҳар деб талқин қилинса, топишмоқларда сув қиз бола кўчими воситасида ҳам кўп ифодалангани:

*Узун-узун из кетди,*

*Узун бўйли қиз кетди.*

*Тошга тегди тақ этди,*

*Сирғалари ярқ этди(сув).*

Ўзбек халқ лирикасида узун бўй, узун соч аёл гўзаллигининг мезонларидир. Демак, қиз бола сувдай сулув. «Авесто»даги Адрвисура—Анахита сув илоҳаси бўлиб, кейинча кенг маънода ҳосилдорлик маъбудаси ва ҳомиладор аёллар билан чақалоқлар ҳомийсига айланган(196.—С.242-248).

Г.П.Снесарев Анбар она образини Анахитанинг ислом дини кириб келганидан кейинги кўриниши деб талқин қилади. Ислом таъсири туфайли Анахитанинг сув илоҳалиги вазифаси унинг ўғли Хуббига кўчади. Ривоятга кўра, Анбар она каптар шаклидаги ўғлини танимай унга тош отганида ўғли жумхуриятимизда кўшиқ сифатида машхур мана бу сўзларни айтган экан:

*Кувманг мени тошлар билан,  
Кўзинг тўлар ёшлар билан(196. – С.255)*

Кўшиқнинг халқ ижодидаги тўла варианты куйидагича:

*Отма мени тошлар билан,  
Учиб кетай қушлар билан.  
Қушлар қайтса, мен қайтмайман,  
Кўзинг тўлсин ёшлар билан(154. – Б.69).*

Бу факт, афсона, ривоятлар ҳам халқ кўшиғига тарихий, мазмуний асос бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Аждодларимиз сувнинг яратувчанлик хусусиятини аёлларга кўчириб, аёлнинг фарзанд кўришини сувнинг хислатларига кўчириб борган. Бу мушоҳада халқ лирикасида сув ғоясини севги, оила, фарзанд, бахтли-тўкин турмуш истаклари билан уйғунлаштирган. Юқоридаги топишмоқда сувнинг қиз болага ўхшатилиши фақат бадий тасвир воситаси бўлмай, анъанавий дунёқарашнинг поэтик қайта мушоҳада қилишга учраган ифодаси ҳамдир.

В.Я.Пропп эртактлардаги Баба Яга образи муносабати билан бу образни одамлар ҳомилани эрлар иштирокисиз пайдо бўлади, деб тушунган даврлар маҳсули, деб изоҳлайди(169.– С.75). Анъанавий дунёқарашда аёллар муқаддас ҳисоблангани учун ҳам қизлар сувга қурбонлик қилинганлар. Бунда муҳими қурбонликнинг қиз бола, яъни турмушга чиқмаганлиги, фарзандсизлигидир.

Г.П.Снесарев тўғри таъкидлаганидек, Ўрта Осиёда муқаддас сув тушунчаси, ҳатто илк бор илоҳийлаштирилган ер ғоясини ҳам иккинчи даражага тушириб қўйган(196. – С.193).

Халқимизда тушда сув кўриш ёруғликка таъбир қилинади. «Сувдай сероб бўл» – дуоסי серфарзанд ва фаровон турмуш ниятини билдиради. Эрта кўкламда фарзандсиз аёллар ариқдан оққан биринчи сувдан ҳатлашади. Булар барчаси поэтик кўчимлар сифатида халқ лирикасида ҳам ўз ифодасини топган.

Н.Я. Бичурин ёзишича, қадимда Амударё бўйида яшаган халқлар апрель ойида дарё бўйида тўпланишиб, базм қилишган. Шундан сўнг йигитлар қиз томонга совчи юборишган. Бу пайтда совчига рад жавоби бериш мумкин бўлмаган(28. Т. I. – С.149). Олима В.П.Федорова қадимда никоҳнинг қизни ўз розилигига кўра олиб қочиш формасида қайлиқни сув ёнида сайлаш ва ўша жойда никоҳдан ўтиш шарт бўлганлигини айтади(165. – С.79-87).

Бу тарихий фактлар ўтмишда сув бўйи ҳам маълум пайтларда магик-ритуал функция бажарганлигини кўрсатади. Ўзбек халқ лирикасида сув бўйи жуда кўп куйланади:

– *Сой бўйида турган йигит,  
Қоши – кўзин сузган йигит,  
Билакузугим олган йигит,  
Энди беринг билакузугимни(7. – Б. 203).*

Рус олимаси Н.П. Колпакова сув ҳаракатчан бўлганлиги учун халқ лирикасидаги энг актив образдир, дейди(118. – С.194). Бизнингча, бунга сабаб сувнинг яратувчанлик хусусияти, қадимий маросимлар ва ҳосилдорлик культларидир. Сув культининг таъсири туфайли қўшиқларда сув бўйи тилга олиними бас, у албатта бирор жиҳати билан, севги, оила, фарзанд ғоялари билан боғланади:

*Сув бўйига келдингиз,  
Қандай ҳаёллар этдингиз?  
Кўзда ёш, қўлда рўмолча,  
Гаплашолмай кетдингиз(49. – Б.31).*

Мана бу мисолимиз эса бевосита оила ғояси билан боғлиқ:



*Ариқ бүйида жийда,  
Жийданинг гули майда.  
Ҳамманинг ёри уйда,  
Бизнинг дарбадар қайда?!*

Кўшиқ оилалик аёл тилидан айтилган. Халқимизда жийда дарахти икки хил тушунилади: Жийда бахтли яшаш, серфарзандликка магик таъсир қилади, жийдада турли ёвуз кучлар тўпланади. Шу сабабли келинчак кетаётган аравага жийда гулларини илишган ҳамда жийда дарахти ёнидан ёлғиз ўтиш хавфли ҳисобланган. Хаёли қочган, ақли ўзида бўлмаган одамларга нисбатан: «Нима бало, жийда-пийданинг тагидан ўтиб келдингми?»— дейиш ҳозиргача бор. Ана шу этнографик асосга кўра кўшиқда лирик қаҳрамоннинг мობодо ёр жийда ёнидан ўтган бўлса, жин-пин чалмадимикан, деган хавотири ифодаланган.

«Ариқ бўйи...», «Сой бўйи...», «Дарёларнинг бўйлариди...», «Эрта билан сувга чиқсам...» ва бошқа сув бўйини англатувчи анъанавий мисралар билан бошланган кўшиқлар ғоят кўп бўлиб, бундай мисралар халқ лирикасининг анъанавий поэтик формулаларига айланган. Бунда тарихан сув культининг ҳам катта ўрни бор.

Олимлар тадқиқотларида Сибирдаги ҳозирги Катун дарёси номи туркий тилдаги хатун сўзидан пайдо бўлган деган фикрга дуч келамизки(55. — С. 138-143), бу ҳам халқ лирикасидаги сув культининг излари хотин-қизлар образи билан уйғунлигига бир далилдир. Кўшиқларда сув бўйи висол, учрашувни ифодаласа, сувнинг нариги томони вақтинчалик ёки доимий айрилиқни англатиб, бунинг генезиси ҳам анъанавий тассавурлар билан боғлиқ:

*Сени унда, мени бунда яратди,  
Ўртамизда оқар дарё яратди.  
Оқар дарё экан, оқди-да, кетди,  
Бевафо ёр экан, ташлади-кетди(49. — Б.32).*

Архаик тассавурларга кўра сув доимо дунёлар ўртасида чегара бўлиб келган. Мисолимизда оқар дарё ўтган умр, лирик персонажларнинг дарёнинг икки томонида

яратилиши айрилиқ тақдирдан экан, деган маъноларни англатади.

Сув (дарё, денгиз, ариқ)дан ўтиш халқ ижодида никоҳ рамзи эканлигини А.А.Потебня айтган эди(63. — С.161). Туркийларнинг анъанавий дунёқарашида келин-куёв никоҳгача бир дунё, никоҳдан сўнг бошқа дунё вакиллари ҳисобланган. Тарихий асосига кўра, халқ қўшиқларида сувнинг икки қирғоғини боғловчи кўприк сувнинг аниқловчиси, висол, кўприқдан ўтиш никоҳ ва оналик дунёси сари бориш маъноларини ташийди:

*Тахта-тахта кўприкдай,*

*Тахтинг бўлсин, ёр-ёр.*

*Пайғамбарнинг қизидай,*

*Бахтинг бўлсин, ёр-ёр(153. — Б.70).*

Мисолимизда сув тилга олинмаса ҳам кўприк туфайли сийрат маънода мавжуддир. У келинчакнинг қизлик дунёсидан оналик дунёсига ўтишини англатиб, пайғамбар қизи ўхшатиши ҳам бежиз келтирилмаган: Ривоятга кўра, пайғамбар қизи Биби Фотимага фаришта ҳазрати Жаброил совчи бўлиб келган ва у Ҳазрат Алига турмушга чиққан. Биби Фотима эса ислом дини кириб келгач, Ўрта Осиёда ҳам аёллар ва гўдаклар ҳомийси ҳисобланади. Шу сабаб қўшиқда қизга нафақат бахтли висол, балки Ҳазрат Алидай куёв, серфазанд ва тўкин турмуш ният қилинган. Тарихан сув култи таъсири туфайли қўшиқларда ҳам сув келиши ёруғлик-бахтга параллел равишда куйланади:

*Ариқчада тиниқ сув,*

*Тўлиб келди, ёр-ёр.*

*Гуллар ушлаб келинчак,*

*Кулиб келди, ёр-ёр(153. — Б.19).*

Халқ лирикасида сув образининг сифатлашлари ҳам гурли маънолар ташишга хизмат қилади. Масалан, лойқа сув — омадсизлик, ахлоқсизлик, тиниқ сув — иффат, бахт кабиларни англатади.

Жаҳоннинг деярли барча халқларида гўдаклар ва келинчакларни ритуал чўмилтириш, марҳумни ювиш ода-ти борки, бу ҳам сув култи ва унинг магик кучига

инонч билан боғлиқ. Бу чўмилтириш ва ювишлар парциал магия қонуниятига кўра, сувдан ўтиш билан тенг бўлиб, гўдак, келинчак, марҳумнинг моҳияти ўзгарганлиги, бир дунёдан иккинчи оламга ўтаётганлигини англатади:

*Дарё сувга тўлаётир, алла,*

*Ўғлим менга кулаётир, алла.*

*Ўғлим менга қараб кулса, алла,*

*Кўнғлим нурга тўлаётир, алла(49. – Б.145).*

Сувга тўлаётган дарё чақалоқ чўмилтириладиган идиш рамзидир. Негаки, парциал магияга инончига кўра бутунга хос хусусият унинг қисмига ҳам кўчади ва сув тўла идиш дарёга тенглашади. Кўнғилнинг нурга тўлиши ҳам халқнинг сувни доимо ёруғликка таъбир қилиши билан боғлиқ:

*Ўзинг гавҳар донадай,*

*Туртиб эмган танадай.*

*Кўлда талпиниб ўйнайсан,*

*Кўлда сухсур, сўнадай(7. – Б.287).*

Боланинг гавҳарга ўхшатилиши ҳам бежиз эмас. Халқ тассавурларида, ҳақиқатда ҳам гавҳар одатда сув тубида бўлади ва халқ мақолида сувга ҳам қиёсланади. Кўшиқнинг сийрат маъносида она сувга, аниқроғи унинг аниқловчиси кўлга тенглашган. Танадай туртиб эмиш эса ҳаётий асосга эга.

Урф-одатларда чақалоқ чўмилтириладими, келин ҳаммомга олиб кириладими ёки марҳум ювиладами – буларнинг барчасида сув магик-ритуал функция бажаради. Ўзбекларда, кўпгина бошқа халқларда ҳам бўлғуси келинни ритуал ҳаммомга одатда янга олиб киради. Бу ритуал чўмилиш икки мақсадга қаратилган бўлади: Қиз ўниб – ўсган уйидан кетиш олдидан ҳаммомда аждолар руҳи билан учрашади ва сув уни магик поклайди:

*Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,*

*Озода қиз, ёр-ёр.*

*Келинчакни сўрасанг,*

*Бекзода қиз, ёр-ёр.*

Мисолимиздаги кейинги мисралар поэтик жиҳатдан

келинни идеаллаштириш бўлса, **озода** сўзида унинг ритуал ҳаммомга тушганлигига ишорани кўрамиз.

Анъанавий дунёқарашда узатилишдан аввал ҳамомдан чиққан қиз икки дунё оралигида турган ҳисобланади(152. – С. 273). Олима В.И.Еремина буни **лиминал жонзот** деб атайди(63.–С.153). Шу сабабли келинчакнинг қиз кечаси қизлик дунёси, унда қолаётган дугоналари билан доимий хайрлашувини билдиради. У тўйдан сўнг дугоналари билан такрор-такрор учрашуви мумкин. Аммо бунда у бошқа дунё вакиласи ҳисобланади.

Қадимги славянларда қиз ритуал ҳаммомга тушган сувдан куёвга ичиришар, шунда куёв хотинини яхши кўради, деб ишонишар экан(152.– С.239). Бу одатда сув култи ва магияга инонч уйғунлашиб кетганлигини кўрамиз. Ўзбекларда эса бу магик функцияни никоҳ суви бажаради. Бундан ташқари никоҳ суви келин-куёвнинг аҳил, фаровон ва серфарзанд яшашига ҳам магик таъсир қилади, деб ишонилган, бунда сув культининг ҳам аҳамияти катта бўлган.

Сув культининг иримлар, севги тушунчалари билан боғликлигини сувга қараб ёки унга бирор нарса ташлаб, фол очишларда ҳам кўрамиз. Халқда : «Тушингни сувга айт!» – ибораси бор. Бу ҳозир бекорга валдираб, алдайман деб, овора бўлма маъносини англатади. Тарихан туш анимистик тасаввурлар билан боғлиқ бўлганлиги учун тушни сувга айтиш хосиятли ҳисобланган. Сувга қараб ирим қилиш, унга бирор нарса ташлаб фол очиш жаҳонда кенг тарқалган инончлардандир. Масалан, хитой қизлари сувга ташлаган гуллари жуфт-жуфт бўлиб оқсалар, ўзлари ёқтирган йигитлар билан турмуш қуришларига астойдил ишонганлар(104.–С.34). Зардўштийлар ва европаликлар гуноҳкорликни сув ёрдамида аниқлаганлар: Шубҳа қилинган одам қўл-оёқлари боғланиб, маълум муддат сувга ташланган. Чўкса айбдор, чўкмаса гуноҳсиз ҳисобланган. Шунингдек, қонунсиз туғилган деб шубҳа қилинган гўдаклар ҳам сувга ташланган. Она эса сув боласининг ўлик ёки тиригини қирғоққа чиқариб ташлагунча куйиниб тураверган(34. –С. 56; 103. – С.314).

Жаҳонда, айниқса, Европа ва Янги Америкада «гуноҳлардан халос этиш эчкиси(козёл отпущение)» ибораси кенг тарқалаган. Бунинг сабаби қадимги яҳудийлар бир йилда бир марта денгиз бўйга тўпланиб, битта эчкини ўртага қўйиб, раввинлари ёрдамида барча гуноҳларини ана шу эчкига ўтказиб, уни чўктириб юборганлар. Гуё шу билан барча айбларидан халос бўлганлар. Ҳозирги пайтда бу ибора ўзи айбсиз, аммо бошқалар айби учун жазо-жафо чекканларга нисбатан ишлатилидиган тушунчага айланган. Демак, қадимда дунё халқлари сув онгли, ҳақ ва ноҳақни билади, адолат қилади, деб ишонганлар.

Сув культу шомонлик билан ҳам боғланиб, кўпгина ўзбек шомонлари ҳам сув ёки унинг ўрнини босувчи ойнага қараб фол очганлар. Сувга бирор нарсани қурбон қилиб, ташлаб фол очиш одатининг поэтик ифодалари халқ кўшиқ-ларида ҳам учрайди:

*Самарқанд сойида қолди узугим,  
Қачон келар менинг кўзи сузугим...*

Халқ лирикасида сувга нима тушмасин ёки ташланмасин, тарихий асосига кўра магик функцияга эга бўлади. Шу сабабли ёр келса, сувга тушган нарса садақа қилинади ёки суюнчига берилади:

*Агар келса менинг кўзи сузугим,  
Улардан айлансин тилла узугим(154.— Б. 90).*

Яъни, ёр келса, тилло узук кетганлиги ҳам майли. Негаки, сувга узук ташлашдан мақсад ҳам садақа (қурбонлик) туфайли ёрнинг тезроқ келишига магик таъсир кўрсатишдир.

Моҳиятига кўра сувга магик ирим билан ташланган тангалар ва кўшиқлардаги предметлар бир нарсадир. Фарқ шундаки, муқаддас деб билинган сувларга танга ташлаш магик мақсадга қаратилган этнографик факт бўлса, кўшиқдаги уларнинг ифодаси бадиий-эстетик ҳодисадир. Яъни, кўшиқдаги воқеалар лирик қаҳрамон тасавурида рўй беради ва унинг қалб кечинмаларини ифодалашга хизмат қилади. Бу эса халқ онгида этнографик фактнинг қайта мушоҳада қилиниши, ноэстетик ҳоди-

санинг эстетик ҳодисага эврилиши натижасидир. Маълумки, этнографик ҳодисалар бир мартагина рўй бериб қолмай, доимо халқ вакиллари томонидан такрорланиб туради ва фольклор каби анъанавийдир. Халқ, унинг маълум бир пайтда қўшиқни ижро этаётган қўшиқчиси ана шу такрорларни умумлаштиради, поэтик идрок қиладди.

Ҳаётда инсоннинг бирор нарсаси бехосдан сувга тушиб кетиши мумкин. Аммо бу қўшиқ учун аҳамиятсиздир. Лирикада сувга тушган ҳар қандай нарса сув култи таъсири туфайли, албатта, бирор маъно, бадиий-эстетик функцияга эга бўлади:

*Наманган сойига тушди пичоғим,*

*Қачон келар экан, бўз тўпичоғим.*

*Саломат етишса бўз тўпичоғим,*

*Суюнчига берай дандон пичоғим(49. – Б.34).*

Халқ лирикаси анъанасида, юқорида қайд этганимиздек, бўз ранги бўйдоқлик рамзидир. Пичоқ, умуман, металл буюмлар халқ инончларида магик қудратга эга буюмлар саналади. Шу сабаб чақалоқ ёстиги тагига пичоқ қўядилар. Ёлғиз киши пичоқ олиб юрса, балолардан йироқ бўлишига ишонадилар. Шу сабабли Э.Тайлор: «Шарқ жинлари металлдан қўрқадилар», – дейди.

Тарихчи К. Шониёзов маълумотларига кўра, бир пайглар қарлуқларда куёв бўлмиш ўз ўрнига пичоғини юборган ва мулла пичоқ билан келинни никоҳлаган экан(247. – С.141). Қизиги шундаки, Бахмал тумани Ўсмаат қишлоғилик Хидир Избосаров бизга ҳикоя қилишича, унинг ҳаётида ҳам айнан шундой воқеа бўлган экан. Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиси, сарой уруғига мансуб Хидир ака Тошкентда бўлганида уни қариндошларидан бирининг қизига унаштиришган, никоҳ пайти эса унинг ўрнига пичоғини қўйишган экан. Биз бу никоҳларда никоҳ сувини куёвга ичириш ўрнига ўша пичоққа қуйганларини тахмин қилишимиз мумкин.

«Магияда ишонч ва унга мос ҳаракат бор, – дейди М.О. Косвен,-бора-бора ишонч ақидага, ҳаракат культга айланган»(120. – С. 145).

Маиший турмушда пичоқ амалий аҳамиятга эга. Аммо у лирикада бадиий-эстетик функция касб этиб, лирик қаҳрамоннинг кучли севгиси ва соғинчини ифодалашга хизмат қилган поэтик деталга айланган.

Тарихий асосида сув култи ва халқнинг шу культ объектлари билан боғлиқ инончлари, иримлари турганлиги учун халқ лирикасида сув ва унинг аналоглари: шабнам, томчи, булоқ, қудуқ, ариқ, ҳовуз, сой, кўл, дарё, қор, ёмғир; аниқловчилари: сув бўйи, ариқ бўйи, дарё ёқаси, қамиш, сув бўйида ўсувчи дарахтла, ўсимликлар, сув жониворлари: балиқ, илон, қундуз, сув идишлари: кўза, коса, пиёла, челақ, чойнак, чой ва ҳ.з. — барчасининг поэтик образлари, албатта, бирор жиҳати билан севги, оила, интим кечинмалар, фарзанд ва фаровон турмуш ғоялари билан боғланади. Бу халқ кўшиқлари учун анъана туфайли пайдо бўлган ўзига хос бир қонуниятдир:

*Эшик олди жуфт терак,  
Жуфт терака сув керак.  
Сиздай барно йигитга  
Биздай сулув қиз керак.*

Кўшиқдаги оила истаги ғояси жуфт теракданоқ англашилади. Сув поэтик образи бу ғояни кучайтиради. Барно йигит ва сулув қиз эса жуфт теракнинг поэтик параллели, оила қурувчилардир.

*Ариқ бўйи гулхайри,  
Гул тергани келганмиз.  
Гулни баҳона қилиб,  
Ёр кўргали келганмиз.*

Юқоридаги мулоҳазалардан сўнг ариқ бўйи поэтик формуласининг ишқ кечинмалари билан боғлиқлиги бизга равшан. Сув култи рудиментлари туфайли никоҳ маросимлари кўшиқларида сув ва унинг аниқловчи — аналоглари жуда фаол қўлланилади:

*Ариқ суви оқади,  
Жимир-жимир, ёр-ёр.  
Уйда келин кўнглига  
Ёқар ёмғир, ёр-ёр(153. — Б. 20).*

Кўшиқдаги ёмғир образини қайғу ифодаси десак, катта хато бўлади. Халқ ижодида ёмғир ва шабнам хосиятли ҳодиса, оби ҳаёт даражасигача кўтарилган. Қолаверса, келинчакнинг ота-она уйдан йиғлаб кетиши айрилиқ изтиробигина эмас, то куёвнинг уйига боргунча йиғлаб бориши маросимий характерга эга бўлган. Шу сабабли йиғлаб кетган келинчакнинг куёв уйига етгач, йиғлаши тақиқланган. Чунки у янги — аёллик, оналик дунёсига кулиб кириши керак. Тўй маросими лирик кўшиқларидаги йиғи деталли маълум даражада лирикада ҳам магик-ритуал маъносини сақлаб қолади. Шу сабаб мисолимиздаги келин кўнглига ёққан ёмғир сийрат маъносига кўра бахтли турмуш, оила, фарзандлар истагини ҳам ифодалайди:

*Отлар қувиб борайлик,  
Хўл печакка, ёр-ёр.  
Худо бизни етказсин,  
Келинчакка, ёр-ёр.*

Хўл печак хосиятли эрта тонгдаги шабнам, сувнинг аналогларидан биридир. Республикамининг кўпгина жойларида эрта баҳор тонг чоғи шабнамда яланг оёқ юрганлар. Ҳатто ўзлари юра олмаган беморлар, қарияларни кўтариб чиқишиб, шабнамни бостирганлар. Сабаби шабнамнинг шифо-бахш, магик кучига ишонганлар. Биз бу ҳодисага 1987 йил Тошкент вилоят, Қибрай тумани, Байтқўрғон қишлоғида шахсан ўзимиз гувоҳ бўлганмиз.

Халқ лирикасида сув ва унинг аналогларининг бадий — эстетик функциялари, англаган маънолари ғоят кўп. Уларни тўла ўрганиш махсус тадқиқотларни талаб қилади. Аммо мавзумиз муносабати билан сув образига боғлиқ яна бир хусусиятни таъкидлаш лозим. Қизиғи шундаки, сув образи интим кайфиятларни ҳам бадий ифодалашга хизмат қилади:

*Эшик олди ариқча,  
Уйнашади балиқча.  
Номозшомдан жой солар,  
Бизнинг сулув қаллиқча.*



Ариқча, демак сув – севги, оила, фарзанд ғоялари билан боғлиқ. Ұйнашган балиқчалар эса лирик қахрамонларнинг интим муносабатларига ишора. Бу маъно кейинги мисраларда янада кучайтирилган. Бирор маънога ишора қилиб, уни босқичма-босқич кучайтириб, ойдинлаштириб бориш халқ лирикасининг специфик белгиларидан биридир. Кўпгина кўшиқларда сув ёки унинг аналоглари бевосита тилга олинмаса-да, бошқа образлар орқали унинг сийрат маънода мавжудлиги билиниб туради:

*Олма оқиб келади,  
Беҳи қалқиб келади.  
Суйиб олган ёримни,  
Олиб ётгим келади.*

Бу ерда сув яшириндир. Аммо олма ва беҳининг оқиб келиши, яъни сувдаги ҳаракатлари уларнинг сийрат маънода борлигини кўрсатади. Параллелизм қонуниятига кўра эса, лирик қахрамон ёрнинг ўз бағрида олмадай қалқиб, эриб ётишини истади.

Маълумки, ҳозирги пайтда чой ўзбек халқининг энг суюмли, кунда истеъмол қиладиган ичимлигидир. Чой билан боғлиқ маънолар ҳам, иримлар ҳам кўп. Масалан, унинг пиёладаги сузиб юрган шаммасига қараб, меҳмон келишини таъбир қиладилар, чой идишларининг синиши фалокатнинг олдини олади, деб биладилар. Бир пиёла чой зиёфат, меҳмон қилиш маъноларини англатади. Ана шундай этнографик ва тарихий асосларига кўра, халқ лирикасида севишганларнинг чой ичиши – висол, бирга ичолмаслик – ҳижрон, ичиш истаги – севги майли, чой идишлари – гўзаллик, иффат, уларнинг синиши – фалокат маъноларини ифодалаб келади:

*Ёридан айрилган йигитга ошино бўлсаммикан,  
Бир пиёла чой бериб кўнглини олсаммикан.*

Бу оддий чой эмас, кўнгилни овлатишга қаратилган магик усулдир. Республикамизнинг кўпгина жойларида меҳмон, қудалар, келин-куёвга ширин чой ичирадилар. Бу улар ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам, келин-куёв

турмуши ширин бўлсин деган маънони англатиб, тарихан ширин чойнинг магик кучига ишонч туфайлидир.

Қисқа қилиб айтганда, сув култи рудиментларининг бадий ифодалари ўзбек халқ лирикасида ҳам мавжуд ва у бошқа қадим инонч-ақидалар, магия, шомонлик, культлар билан уйғунлашиб кетган.

**Олов култи.** Олов култи ҳам жаҳонда кенг тарқалган қадимий ҳодисалардан биридир. Ҳинд мифида олов сувдан ҳосил бўлган дейилади. Упанишад таълимоти файласуфлари олов Коинотда сув каби айланиб юради, деб ҳисоблайдилар: Инсон оловдан яралган, чунки унинг вужуди иссиқ, ўлгач яна олов – қуёшга қайтади, қуёшдан яна ерга тушади(32. – С.49).

Этнограф Ю.В.Иванова «Маросим олови» мақола-сида қадимги одамлар учун қуёш – осмон, яшин – ер билан осмон ўртасидаги оловлар ҳисобланиб, улар доимо ўзаро алоқада бўлган. Айрим олимлар христиан динининг рамзи бўлган хочни ҳам олов пайдо қилиш учун ясалган қадимги мосламадан келиб чиққан деб ҳисоблайдилар, деб ёзади(103.– С.116-128). Оловни ардоқлаш, унга сифиниш – Зардўшт дини, қадимги туркий халқлар ҳаётида ҳам жуда ривожланган. Масалан, Наршахий маълумотларига кўра, Муқанна ўзини уч кун қизитилган тандирга ташлайди. Сабаби осмонга чиқиб, олов фаришталарини олиб келиб, ўз душманларини енгмоқчи бўлган(4. – Б.145).

Этнография фанида ўчоқ эгаси бўлмиш руҳ аёл жинсидан деб тассавур қилинганлиги аниқланган. Олов култи дарахтларга сифиниш ва энг муҳими ҳосилдорлик култи билан боғлиқ. Куръони Каримнинг «Ёсин» суррасида Оллоҳ ҳақида: «У сизлар учун ям-яшил дарахтдан олов пайдо қилган зотдир», – дейилган(272. – Б. 311). С.Ш.Чагдуров талқинича, хат – олов ва ун – суффиксидан ясалган хатун сўзи қадим туркийча – олов бекаси деганидир(244. – С. 162).

Аёлнинг олов бекаси эканлиги ўзбек эртақларида жуда равшан кўринади. Хусусан, кўпгина эртақлардаги сеҳрли шам-чироқлар детали ва оловни кўриб ўтирган кам-

пирнинг олдига келган қахрамоннинг (одатда қизларнинг) соч қаратиш баҳонаси билан қонини сўриши олов культининг изларидир. Бу кампир қадим тассавурлардаги олов илоҳаси бўлиб, унинг олдига келган қиз оловга қилинган қурбонлик рамзидир.

Қирғизлар оловни авлиё деб билганлар, беморларни олов билан даволашган. Келин ўтовга киришдан аввал оловга бир қошиқ ёғ ташлаб, таъзим қилган. Қурбонлик сифатида оловга ҳайвон ёғини ташлаш одати зардўштийларга ҳам маълум бўлган(34. – С.21).

Ўзбекларда ҳозир ҳам кўпгина маросимларда ошпазлар ёғ доғлаганда оловга, албатта, ёғ ташлашади. Бу халқ кўшиғида шундай ифодаланган:

*Олов ёнсин ёғ билан,  
Бағрим куйсин доғ билан.  
Ўйнамадим, кулмадим,  
Кўнглим суйган ёр билан(154. – Б.53).*

Кўшиқнинг дастлабки сатри бевосита халқ иримини ифодалаган. Кейинги мисраларда эса ана шунга уйғун равишда ишқ ўти, севги изтироблари куйланган.

Халқимизда олов кўпгина маросимлар, иримларнинг зарурий деталли бўлиб, у билан боғлиқ жуда кўп одатлар, инончлар ҳозиргача сақланиб қолган. Бу эса тарихан олов култи билан боғлиқ. Оловнинг ҳаёт манбаи ҳақидаги тасаввурлар ифодаси халқ лирикасида кучсиз бўлса-да, мавжуд:

*Коса-коса сув ичарман,  
Бу юрагим куйди, деб..  
Ҳар замон уйдан чиқарман,  
Ёри жоним, келди, деб(49. – Б.31).*

Куйиш – олов аналогли, кўшиқда – кучли севги соғинчининг бадий ифодаси. Севги эса инсонгагина хос фазилатдир. Шу сабаб халқ лирикасида кучли ҳис-туйғулар кўпинча олов ва унинг атрибутлари образлари ёрдамида ифодалангани.

Тахмин қилиш мумкинки, қадимги абстракт тушунчалар умуман ёт бўлган одамлар қарши жинсга бўлган

кучли ҳиссиётни касал бўлиб қолганларида, ҳарорат кўтарилишини ичимда олов ёнапти деб, тассавур қилганлар, балки ишонганлар. Муҳаббат, инсон ички ҳиссиётларининг ўт-оловга ўхшатилишида ана шундай ишончлар тарихий асос ролини ўйнаган.

Халқимизда ёвуз руҳларни ҳайдаш учун шамлар ёқиш, ис (тутун чиқариш), келин-куёвларни олов атрофидан айлантириш, кулни босишдан кўрқиш, уни ифлослаш тақиқи, кўклам яйловга ҳайдаш ва кузда яйловдан қайтишда отарни олов ўртасидан ўтказиш — барчаси олов культининг рудиментларидир. Бундан ташқари олов култидан деҳқончиликда ҳам кўп фойдаланадилар. Аёллар ёғ босган қозонларни оловда тозалайдилар. Бу қанчалик ҳаётий ёки магик асосга эга аниқ бир нарса дейиш қийин.

Инглиз олимаси М. Бойс тадқиқотида ўзбеклар ҳам жуда қадимдан нишонлаб келаётган Наврўз дастлаб олов байрами, сўнгра Зардўштнинг туғилган куни, ниҳоят табиатнинг қайта жонланиши байрамига айланган дейди(34. —С 45, 158, 216). Ж. Фрэзер замонавий Европадаги улуғ ёз байрами тарихан жинсий севги ва олов маросими бўлганлигини, унда севиш-ганлар магик-ритуал мақсадда қўл ушлашиб оловдан сакраганларини айтади(240. — С.152). Н.Я.Бичурин, Ю.И. Трифонов кузатишлари эса Ўрта Осиё халқларининг қадим аجدодлари ҳам зардўштийлар каби марҳумларни ёқишганликларини кўрсатади(28. Т. I. -С. 353; 227; 355).

Санаб ўтилган тарихий-этнографик фактлар жаҳон халқлари каби ўзбек халқи аجدодлари тарихида ҳам олов култи осмон, у дунё ва ҳосилдорлик ғоялари билан боғлиқлигини кўрсатади.

Ўзбек халқ лирикасида олов култи реликтларининг бадий ифодалари сув култи кўчимлари каби равшан сезилиб турмайди. Бироқ унга ишонч халқ кўшиқларидаги **олов** ва унинг атрибутлари **ўт, тараша, тутун, ўчоқ, шам, чироқ, кул, ёниш, куйиш** — поэтик образларининг бадий— эстетик функцияларида англашилиб туради:

*Том бошида тараша,  
Бўйинг менга яраша.  
Отанг менга бермаса,  
Кўрсатаман томоша.*

Олов культ бўлганлиги туфайли у доимо покиза ва янгилашиб туриши шарт бўлган. Сувга сийиш, ифлос нарсалар ташлаш тақиқлангани сабабли оловга нисбатан ҳам бундай ҳаракатлар қилиш гуноҳ ҳисобланган. Оловни янгилаб туриш учун тоза, қуруқ ёғочлардан фойдаланилган. Ана шу тарихий асосига кўра кўшиқдаги ҳозирги пайтда салбий тушуниладиган **тараша** ҳам покизалик рамзидир. Кўшиқларда олов гул каби гўзалликни ҳам ифодалаш мумкин:

*Қип-қизил чўғдай бўлиб,  
Чиқди ёр куйдиргали.  
Менда тоқат қолмади,  
Ўзимни ўтга ургали.*

Ўчоқ ва ундаги оловнинг оила ҳомийси эканлиги ақидаси бизнинг кунларимизгача етиб келган. Тарихчи олим К. Шониёзов 1961 йил Фарғона водийсида 70 ёшли мўйсафиддан нега доим ўчоқда олов ёниб туришини сўраганида, чол: «Оловсиз ўчоқ — эгасиз уй. Ўчоқда ўт ёниб турса, оилада доим фаровонлик, яхшилик бўлади», — деган экан(246. — С.35).

Халқ тилида ўчоқ оила рамзи бўлгани учун кўчма маънода фарзандни англатиши ҳам учраб туради. Айрим жойларда илгари совчилар қиз сўрашга борганда: «Сизда бир ўчоқ бор экан», — деб айтишар экан. Бу оиладаги ўчоқ кўпроқ аёлларга тегишли бўлган ҳаётий фактдан келиб чиққан. Оловнинг фарзанд маъносини англатиши кейинчалик унинг атрибути бўлган чироққа кўчирилган: “Ўғил ёққан чироқни, қиз ҳам ёқар”, — мақолининг маъноси қиз ҳам оила қуради, фарзанд кўради, номимизни ўчирмайди, демакдир.

Олов (чироқ)нинг — қиз, туёқнинг (от култи таъсири туфайли) ўғил фарзандни англатган кўчимларга айлангани мана бу кўшиқда равшан кўринади:

*Ўйма бахмал қирғоғим,  
Ўғилдан йўқ туёғим.  
Қизиллар бахмал қирғоғим,  
Қиздан ҳам йўқдир чироғим (148. — Б. 206).*

Аммо аллаларда чироқ кўчими, одатда ўғил ва қиз фарзандларга нисбатан тенг қўлланилаверади. Бир нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, халқ тили, кўшиқларда ҳам қизил сифатлаши хотин-қизлар каби оловнинг ҳам доимий аниқловчиларидан биридир. Халқ кўшиқларида ўт, куйиш, ёниш — мавҳум кўнгил ва унинг реал аналоглари — юрак, бағир, ич тушунчаларига хосдир:

*Атлас кўйлак енгига  
Тут қоқайлик, ёр-ёр.  
Келинчакнинг бағрига  
Ўт ёқайлик, ёр-ёр.*

Мисолимиздаги атлас, тут деталлари маросим кўшигида бўлгани учун магик аҳамиятга эга. Атлас кўйлак енгига тут қоқиш келинчакка бахтли ва серфарзанд турмуш тилаш, ўт ёқиш никоҳ маросимидаги ритуал олов билан боғлиқ бўлиб, келинчак кўнгида ширин ҳис-туйғулар, орзулар уйғотишини англатади. Шу ўринда тут дарахти қадимдан культ аҳамиятига эга бўлиб, серфарзандлик, серҳосиллик ғояси билан боғлиқлигини эслаб ўтиш зарур.

Демак, халқ лирикасида олов поэтик образи восита-сида қалб кечинмалари, севги оила, фарзанд истакларини ифодалаш маълум даражада тарихий асосига кўра олов култи билан боғлиқ.

А.Ф.Лосев мифологик тафаккур билан поэтик тафаккурни уйғунлаштирган деб таърифлаган Гомер ўхшатишлари, умуман, бутун ижодида ҳам олов образи қўлланилиш даражасига кўра иккинчи ўринда турар ва Гомер уни ҳаракатда тасвирлашни севган экан(130. —С. 146). Гомер эса ўз ижодида бир неча авлод халқ эпоси ижодкорлари ижодини юксак даражада ифода этган куйчи, ўзбек фольклори атамаси билан айтсак, халқ бахшисидир.

Кўшиқларда олов култи реликтларининг бадий

ифодалари сув култи каби ўсимликлар култи инончлари билан ҳам уйғунлашиб кетади. Олов култи таъсирининг бадиий ифодаларини фольклорнинг барча жанри намуналарида кўриш мумкинки, бу бошқа тадқиқотлар мавзусидир.

**Ўсимликлар култи ва кўшиқ.** Ўсимликлар култининг пайдо бўлиши ҳам ибтидоий маданият даври билан боғлиқ бўлиб, инсоният, динлар тарихи, маросимлари, урф-одатлари, дунёқарашда муҳим роль ўйнаган қадим инончларнинг кўринишларидан биридир. Архаик дунёқарашда бутун табиат каби ўсимликлар ҳам жонли ва онгли деб тушунилган ва кўпгина халқлар ўзларининг илк аجدодларини ўсимликлар тотеми билан боғлашган.

Ислом таълимотида инсонлар, жониворлар каби ўсимликлар ҳам жонли ҳисобланади(272. — Б.4). Бу жонлиларнинг яшаш ва кўпайиш воситаси жуфтлик қонуниятидир(272. — Б.343). Ўсимликлар ва жониворлар култига ишонч дастлаб уларнинг табиий хусусиятларидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Чунки инсониятнинг илк аجدодлари термачилик ва овчилик билан кун кўришган. Аждодларимиз ўсимлик ва дарахтларнинг ҳосили, даволаш хусусиятлари, айримларининг заҳарли — ўлдириш хислатларини кўриб, кўплаб ўсимликлар руҳларини кашф этганлар. Масалан, қадимги арабистонликлар Осирисни ғалла худоси деб билишган бўлса, юнонлар нон руҳларини она ва қиз сифатида тассавур қилганлар(240. — С. 424, 465). Она-болани дон ва нонга ўхшатиш ўзбек халқ кўшиқларида ҳам учрайди:

*Жоним болам они,*

*Оқ буғдойнинг нони.*

*Ҳамма ёмон кўрса ҳам*

*Онасининг жони(154. — Б. 202).*

Халқ лирикасида ҳосилдорлик култига доир ўсимликлар орасида гуллар ва унинг аниқловчиларининг поэтик образлари жуда фаол қўлланилади. Зотан, поэзияни гулсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Қадимий инончларнинг ҳаёт — ўлим — ҳаёт шаклидаги бош ғоясида баҳор табайитнинг янги ҳаёти жонла-

ниши фаслидир. Бу ҳаётдан биринчи бўлиб, майсалар, гуллар хабар беради. Ўзбекистон табиати ва халқ лирикасида кўкламнинг илк хабарчиси бойчечак гулидир:

*Бойчечакни тутдилар,*

*Тут ёғочга осдилар.*

*Қилич билан чопдилар,*

*Бахмал билан ёндилар(35. — Б.103).*

Бойчечак ҳақидаги кўшиқларнинг генезиси жуда қадимий даврлар билан боғлиқ. Тадқиқотлар анъанавий дунёқарашда бойчечакнинг осмон ғояси билан боғлиқлигини **бойчечак** — бадавлат, муқаддас, илоҳий гул деган маъноларга эга бўлганлигини кўрсатади. Кўшиқлардан бирида бойчечак тўнғич гўзал қизга ўхшатилади. Бизнингча, юқоридаги кўшиқ жуда қадим даврларда кўклагги маросимларда қизларни қурбонлик қилиш маросимининг бизгача етиб келган кўринишидир. **Тут ёғочга осиш, бахмал билан ёпиш** тасавурумизда тантанали маросим манзарасини чизади. Ҳаётдаги бойчечак билан боғлиқ одатлар, лирикадаги бойчечак образи тарихан бевосита ҳосилдорлик култи билан боғлиқдир:

*Бойчечагим бойланди,*

*Қозон тўла айронди.*

*Айронингдан бермасанг,*

*Қозонларинг вайронди(35. — Б. 48).*

Қозон тўла айрон бўлиши учун сигирлар серсут, сут учун яйловлар серўт бўлиши керак. Сигирларнинг серсут, яйловларнинг серўт бўлганлигини кўшиқда “Қозон тўла айрон” кўчими билан ифодаланган. Айрон пишириш ўзбеклар, Ўрта Осиё халқлари турмушида кундалик, доимий ҳодиса. Хусусан, ўзбек миллатининг қарлуқ қатлами XX аср бошларида ҳам чойдан кўра, айрон(чалоп)ни афзал кўришган. Аммо ана шу маиший ҳаёт деталли кўшиққа кўчирилиб, поэтик аҳамият касб этган, яъни ҳосилдорлик ғоясини бадиий ифодалаган. Бойчечак образи бевосита ҳосилдорлик култининг серфарзандлик ғояси билан ҳам боғлиқ:

*Бойчечагим боласи,*

*Қулоғида донаси.*



*Донасини олай десам,  
Чиқиб қолди онаси (35. — Б. 48).*

Маълум бўлмоқдаки, бойчечакнинг боласи ҳам, онаси ҳам бор. Демак, у уч авлод ифодачиси, яъни умрнинг ўткинчилиги, аммо ҳаётнинг давомийлиги, мангулиги, серфарзандлик рамзи ҳамдир. Учликнинг магик аҳамиятини эса биз юқорида айтиб ўтган эдик. Халқимизда чаккага бойчечак, лола каби гулларни қистириб юриш илгари жуда кенг тарқалган одат бўлган. Бу шунчаки эрмак бўлмай, турмушнинг фаровонлиги, оилалар серфарзандлигига ҳам магик таъсир қилади деб, тушунилган.

Тарихий асосига кўра, Наврўз табиат билан баҳор — ўсимликларнинг никоҳ тўйи кунидир ва кейинги йилларда бу айём тарихи, кўшиқлари ҳақидаги янги махсус тадқиқотлар ва кўшиқ, шеър тўпламларининг пайдо бўлиши шубҳасиз қувонарли ҳолдир. Ўсимликлар каби дарахтлар ҳам қадимда барча халқларда жонли мавжудот деб тушунилган(165. — С.157). Жонли деб тушунилган ўсимликлар ва дарахтлар архаик тассавурларда жинсларга ҳам бўлинган. Шу сабаб қадимгилар ўсимликларнинг ҳосилдорлиги инсонларга, инсонларнинг серфарзандлиги ўсимлик ва дарахтларнинг серҳосиллигига магик ижобий таъсир кўрсатишига ишонганлар. Аёлнинг бефарзандлиги фақат унинг ёки оиласининг бахтсизлиги эмас, бутун жамият ва табиат учун фалокат ҳисобланган. Шу сабаб жуда кўп маросимларга, масалан, Наврўздаги сумалак пиширишга фарзандсиз аёллар иштироки тақиқланган.

Жаҳондаги кўпгина халқлар ўсимликлар руҳини гулларга бурканган йигит ва қиз сифатида тассавур қилишган(240. — Б.149, 158-163):

*Тоғда арча гуллайди олмурутман,*

*Пастда терак гуллайди эркак тутман(154. — Б. 174).*

Модомики тутнинг эркаги бор экан, демак унинг аёли ҳам бўлиши табиий. Туркий халқлар тассавурларида ота дарахт, она дарахт, уруғ дарахти, ҳар бир кишининг ўз умр дарахти бўлади, деб ишонганлар. Инсон ҳаёти моҳиятига кўра ўз эгизак дарахти ҳаёти билан боғлиқ бўлган(220. — С.44 -53).

Рашид-ид-дин, С.П.Толстов асарларидан дарахт қипчоқ этник қатламининг тотеми ёки тотеми рудименти бўлганлигини билиб оламиз(179.— С.34; 215.— С.296). Бу факт ўсимликлар, умуман, ҳосилдорлик культларининг генетик жиҳатдан тотемизм билан ҳам боғлиқ бўлганлигини кўрсатади.

«Дарахтлар ва ўсимликларни жонли мавжудотлар деб тассавур қилишдан табиий равишда уларни аёл ва эр жинсига бўлиш келиб чиқадики,— дейди Ж. Фрэзер,— улар сўзнинг содда ёки кўчма маъносига асосан эмас, балки реал тарзда никоҳга киришувлари мумкин бўлади»(240.— С. 115).

Ўсимликларни жонли деб тассавур қилиш натижасида халқ лирикасида хотин-қизларни гулга ўхшатиш, тенглаштириш пайдо бўлган. Мифологик тафаккурга кўра умуман ўлим йўқ. Фақат моҳиятнинг, жон(руҳ)нинг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтишигина бор. Кўпгина халқ кўшиқлари эса ҳаётгий заминлари билан бирга мифологик асосларини ҳам сақлаб қолган ва мифо-поэтик тафаккур меваси ҳисобланади:

*Қозиқ усти кокилча,*

*Қиз бола гули гунча.*

*Йигит хазон этади,*

*Гул бўлиб очилгунча(154.— Б.83).*

Кўшиқда қиз боланинг гул кўчимига тенглашуви тарихий асосига кўра гулларнинг ҳам жонли, жинслардан иборат деб тушунилгани билан боғлиқ. Ўзбек халқ «Тоҳир ва Зухро» эртагида қаҳрамонлар қабридан униб чиққан оқ ва қизил гуллар, улар жонининг мангулиги, гулларга эврилганига ишонч билан боғлиқ.

*Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,*

*Кимнинг тўи, ёр-ёр.*

*Оқ гул билан қизил гул,*

*Гулнинг тўйи, ёр-ёр(143.— Б.61).*

Кўшиқда келин-куёв тилга олингани йўқ, оқ ва қизил гул кўчимлари бор холос. Биз улар орқали жинс фарқини, тўй, ёр-ёр нақорати туфайли келин-куёвни, лирик замонда никоҳ тўйи бўлаётганини англаймиз.

Халқ лирикаси, хусусан, тўй кўшиқларида қизил ранги, одатда, қиз, оқ йигит рамзи бўлиб келади. Кўшиқларда гул образи қўлланилиш даражасига кўра сувдан кейинги иккинчи ўринда туради. У жуда кўп бадий-эстетик вазифаларни бажариб, қалб кечинмалари, инсон ҳолати, муносабатларини поэтик ифодалашга хизмат қиладди. Халқ лирикасида гулнинг аниқловчилари асосан: гунча, новда, япроқ, гул ҳиди, гул таги, гул сояси ва ҳ.з.лардир.

Тарихий илдизларига кўра, анимистик тассавурлар, ўсимликлар култи билан боғланган гул поэтик образи хотин-қизлар, балоғат, севги, фарзанд, бахт ё бахтсизлик, истак, армон, қайғу, қувонч маъноларини ифодалашга хизмат қиладди:

*Тол ичидан танлаб олган,*

*Тол чавканим болам, алла.*

*Гул ичидан искаб олган,*

*Гулу райҳоним болам, алла(154. — Б. 201).*

Мисолимизда она ва бола тол ҳамда гулнинг параллелари, она ўсимлик, фарзанд эса унинг ҳосиласи сифатида талқин қилинмоқда. Лирикадаги гуллар образида магик тафаккур излари ҳам бор:

*Ёрим тўни беқасам,*

*Ёқасига гул солсам.*

*Ёқасига гул солиб,*

*Тиззасида ўйнасам(49. — Б. 77).*

Тўн, унинг ёқасига тикилган гул тасвири қизнинг магик таъсирга ишончини, ёр билан бирга бўлиш истagini ифодалаган. Халқимизда: «Қиз бола — ёқадаги қундуз» мақоли ҳам маълум даражада ана шу маъно билан боғланади. Ўсимликлар култида бошоқли экинлар, улар билан боғлиқ маросимлар, иримлар тарихан етакчи аҳамият касб этган.

Ўзбекистон тупроғида илк бор қачон деҳқончилик қилишганлари номаълум. Мутахассислар бу ерда эрадан аввалги асрларда ҳам деҳқончилик мавжуд бўлганлигини айтадилар. Олимлар Қувасой яқинидаги археологик қазилмалар пайти эрамиздан аввалги VII— VI асрлар-

даги юз йилликларга оид буғдой, арпа, шоли, тариқ, нўхот, кўкнор, беда уруғларини топганлар. Чуст яқинидаги қадимий мазорларда марҳумлар бошига арпа, буғдой пояларидан ўзига хос ёстиқлар кўйилганини аниқлаганлар(148. – Б.21).

Шу фактларнинг ўзиёқ аجدодларимиз дунёқараши анимистик тассавурлар билан боғлиқлигини кўрсатади. Меҳнат кўшиқлари дастлаб маросимий, ритуал, амалий аҳамиятга эга бўлган. Аммо бизгача етиб келган меҳнат кўшиқларининг барчасида лиризм етакчилик қилади ва улар лирик тур намуналари ҳисобланади. Чунки улардан меҳнат жараёни билан боғлиқ нақоратлар, такрорлар олиб ташланса, биз соф ишқий-маиший кўшиқларга эга бўламиз. Аксинча, ишқий кўшиқларга шу такрорлар кўшилса, меҳнат кўшиқлари пайдо бўлади. Бунда тарихий асосига кўра, албатта, меҳнат кўшиқлари бирламчидир.

Фольклоршунос Т. Мирзаев меҳнат кўшиқлари тарихан маросим характерига эга бўлиб, ижтимоий, лирик мотивлар уларга кейинча ўзлашиб борган деган хулосага келадик(140. – С.10), биз бу мулоҳазага тўлиқ кўшиламиз.

Ғаллачилик билан боғлиқ меҳнат кўшиқларида энг етакчи бўлган **майда** поэтик образига диққат қилсак, унинг фақат такрор эмас, балки кўпинча қиз бола сифатида тассавур қилинганини кўрамиз:

*Майдам ўзи яхши қиз,*

*Ошга қатиқ, нонга туз.*

*Пиёвага ниёз қиз,*

*Хўжасига ниёз қиз(154. – Б.191).*

Ғаллачилик ҳақидаги меҳнат кўшиқларида Бобо Деҳқон образи афсонавий ҳомий сифатида тилга олинади. Ҳозирда **бобо деҳқон** атамаси турдош от сифатида қишлоқ меҳнаткашларига нисбатан жуда фаол кўлланилади. Ўтмишда эса деҳқонларимиз ғаллачилик ҳомийси деб тассавур қилишган шахсни Бобо Деҳқон деб атаганлар. Ривоятларга кўра, жаҳонда биринчи деҳқон Одам Отанинг ўзи бўлган.

Этнограф Г.П.Снесарев Ўрта Осиё халқлари эътиқодларида Бобо Деҳқонни аждодлар культининг контаминацияси(бошқа қарашлар билан аралашиб, қўшилиб кетиши) натижасида пайдо бўлган дейди. Олимнинг ёзишича, деҳқонлар шудгор, экин, ўрим, янчиш даврида, янги ҳосилнинг биринчи нонини— таомини еганларида Бобо Деҳқонни тилга олганлар. Илк пиширилган бўғирсоқ ҳам Бобо Деҳқоннинг ҳаққи ҳисобланган. Кузги йиғим даврида хирмондан унинг учун рамзий ризқ ажратганлар(196. — Б. 219).

Бизнингча, юқоридаги қўшиқда «хўжасига ниёз қиз» дейилганда, ана шу улуш назарда тутилган ва майда аждодларимиз тассавурида дастлабки нон руҳи бўлиб, аёл жинсидан деб тушунилган. Буюк меҳнат тақсимотига кўра, дастлаб термачилик ва овчилик бўлгани, термачиликдан деҳқончилик, овчиликдан чорвачилик келиб чиққани ва уларга аёллар асос солгани фанда исбот қилинган. Иккинчи жиҳатдан, архаик дин шакли бўлган тотемистик қарашларда ҳомила эр билан қўшилувдан эмас, балки аёл танасига тотем руҳи киришдан пайдо бўлади, ҳомила ҳам ўзига хос ҳосил деб тушунилган. Шу боис Бобо Деҳқон аждодлар култи эмас, ҳосилдорлик культлари натижаси, матриархат давридаги илк аёл ҳомийнинг патриархат давридаги ҳосиласидир. Бу тахминимизни дунё халқлари қарашлари ҳам тасдиқлайди.

Маълумки, тараққиётнинг кейинги даврларида деҳқончилик билан шуғулланган барча халқларда нон руҳини эъзозлаш, унга сиғиниш, қурбонликлар бериш одати, маросимлари бўлган. Юқорида айтганимиздек, модомики, анъанавий дунёқарашда ўсимликлар жинслардан иборат ва Она нон руҳи борлиги ақидаси бўлган экан, демак Ота нон руҳи бўлиши ҳам табиийдир. Фақат ҳосилдорлик культларида аёл жинси етакчи роль ўйнагани учун маълум давргача у иккинчи даражали бўлган. Ж. Фрэзер эр жинсли деб тасаввур қилинган Аттисни Европа халқлари дастлаб дарахтлар руҳи, сўнгра ўсимликлар шоҳи, ниҳоят инсоний қиёфа касб этган илоҳ даражасига кўтарилганини айтади. Олимнинг ёзишича,

қадимий суратда Аттис қўлида бугдой бошоқлари ва мевалар, бошида қарағай уруғлари, анор ва бошқа мевалар билан бош кийимидан бугдой бошоқлари чиқиб турган тарзда тасвирланган(240. – С.331-334).

Гарчи ўзбекларнинг анъанавий дунёқарашларида анор ҳосилдорлик рамзи, Анбар онанинг сифатлашларидан бири, бошқа кўпгина мевалар ҳам култ аҳамиятига эга бўлса-да, ҳозирча бизнинг ушбу мавзумиз учун олим маълумотидаги бугдой бошоқлари детали ғоят муҳимдир.

Она нон руҳига инонч ўзбек халқи ақидасида жуда қадим замонлардан бўлган. «Нон – авлиё, Ош – машой-лах», «Нон ҳам нон, ушшоғи ҳам нон» мақоллари ана шу эътиқод натижасидир. Нон руҳига инонч туфайли халқимиз нон уволидан кўрққан ва унинг барча маросим, иримларида нон магик-ритуал вазифаларни бажарган. Мисол сифатида тўйларда жуфт, азада тоқ нонлар кўйиш, никоҳ маросимларида нон синдириш, чақалоқлар бошига нон бурдасини кўйиш ёки нон билан ёлғиз ташлаб кетиш, узоқ сафарга кетаётганларга нон тишла-тиб, қолганини сақлаб кўйиш, сочилиб ётган нон ва ушоқларни бир четга олиб кўйиш одатларини кўрсатиш мумкин.

Жаҳондаги кўпгина халқлар нон руҳини хўроз сифатида ҳам тассавур қилганлар(240. – С. 499 – 501). Академик Б.А. Рыбаков эса қадимги славян уйлари томларидаги хўроз тасвирини тонг ва олов рамзи бўлган, дейди(188. – С.503). Шу жиҳатдан, биз Булунғур туманидаги «Човқи» фольклор-этнографик ансамбли репертуаридан ёзиб олган қуйидаги кўшиқ жуда характерлидир:

*Қичқир хўроз, қичқир хўроз,*

*Ёрим уйғонсин.*

*Лабларидан чўқиб-чўқиб ол,*

*Чўчиб уйғонсин.*

*Чўчиб уйғонсин қичқир,*

*Сакраб уйғонсин қичқир,*

*Кулиб уйғонсин қичқир,*

*Кувониб уйғонсин қичқир!*

Тингловчида ўзи ёрни уйғотишга ботина олмаган лирик қаҳрамон нега хўрозга мурожаат қилапти, деган савол туғилиши мумкин. Ривоятга кўра қиёматнинг белгиларидан бири дунёда тонг чоғи бирорта ҳам хўроз қичқирмай қўяр эмиш. Бу араб ривояти Б.А. Рыбаков фактига уйғун келиб, хўроз овози ҳаёт ва унинг давомийлиги рамзи бўлишини кўрсатади. Яна бир араб ривоятига кўра, Оллоҳга уч нарса: тонгдаги хўроз қичқирғи, Қуръон тиловат ва тавба қилаётган одам овозлари ёқаркан. Қадимги хитойликлар хўроз биринчи қичқирғи билан қотиб турган борлиқни ҳаракатга келтирганига ишонганлар. Анимистик эътиқодга кўра, дунёдаги барча халқлар, барча динларда уйқудаги одамни уйғотиш тақиқланади. Чунки уйқудаги одам жони танасида бўлмай, уни уйғотаман деб, бутунлай ўлдириб қўйиш мумкин. «Уйқу ўлимдир» ҳикмати қадимги одамлар учун кўчим бўлмай, энг тўғри маънода бўлган.

Хўрозлар бўлса, айна тонг чоғи, уйқунинг энг ширин пайти қичқирадилар. Анъанавий дунёқарашда тонг хосиятли вақт ҳисобланади. Шу сабаб қарияларимиз тонгсахарда турганларнинг ризқи бутун, куни омадли бўлади деб, хўроз қичқиргандан кейин ухлаб ётганларни ўликка қиёслаганлар. Хўрознинг тонгдан бошқа пайти қичқирishi фалокат белгиси деб тушунилгани учун халқимиз: «Бемаҳал қичқирган хўрозни сўй», — мақолини яратган ва шу йўл билан фалокатнинг олди олинишига ишонган. Тонгдаги хўроз қичқирғи ҳаёт рамзи бўлганлиги учун мисолимиздаги лирик қаҳрамон ёрни ўзи уйғотишга ботинмай, хўрозга мурожаат қилган. Қолаверса, бу қўшиқда хўрознинг эротик фаоллигига ҳам ишора бор

Нон руҳини хўрозга ўхшатган халқларда ўрим пайти энг сўнгги бошоқда нон руҳи бўлади, деб ишонганлар. Уларни ўришдан аввал далага хўрозни қўйиб юборганлар. Уни тутган кишига тантанали равишда Хўроз (Ўрим товуғи) лақабини беришган. Ўрим тугагач, хўроз бошини ўроқ билан кесишиб, бўйнига қадар ерга кўмган-

лар. Бу хўроз рамзидаги нон руҳи кузда ўлиб, баҳорда яна қайта жонланишини англатган(240. – С. 499-500).

Нон руҳи ҳақидаги турлича тассавурлар ўзбеклар тарихида ҳам бўлган. Масалан, К. Шониезов қарлуқлар нон руҳини куён сифатида тассавур қилишганларини айтди(247). Ўрим пайтидаги сўнги боғ бошоқлари ҳақида Б. Саримсоқов шундай ёзади: «Ҳашарчилар буғдой ўримининг сўнгида бар парча ер қолгач, ҳар томондан ўраб, ўша ерга келаверадилар. Ҳар бир ўроқчи охириги тутам буғдойни ўриб олишга ҳаракат қилади. Ана шу охириги буғдой она буғдой деб юритилади... ...қадимги ажодлар назарида она буғдой магик қудратга эга бўлиб, уни уруғликка аралаштириш ҳосилдорликка кўмак беради»(191. –Б.55 – 56).

Юқорида айтилган фактлар, Бобо Деҳқон образи дастлаб нон руҳи аёл жинси, кейинча, эр деб тушунилишидан келиб чиққан деб тахмин қилишга, сўнгра ислом дини таъсирида майда образи иккинчи даражага тушиб, Хўжаи Хизир образи биринчи ўринга чиққан, деб хулоса қилишга имкон беради.

Л.В. Покровская жаҳондаги ғалла билан боғлиқ барча маросимларни ҳосилдорлик культига ишончининг воқе бўлиши формалари деб талқин қилади(103. – С.86).

Халқ лирикасида майда, Бобо Деҳқон, хўроз образлари, тарихий тараққиёт, поэтик умумлаштириш ва мушоҳада қилиш туфайли севги, оила, фарзанд, фаровон турмуш гоёларини ифодаошга хизмат қилувчи бадий-эстетик ҳодисаларга айланган. Ўсимликлар руҳига инонч, уларнинг жинсларга бўлиниши ҳақидаги тассавурлар ҳозиргача маълум даражада сақланиб қолган. Шу сабаб деҳқонларимиз **эркак** сабзи, пиёз, шолғом, ғўза каби сўзларни ҳозиргача қўллашади.

Айтилгандек, ажодларимиз дарахтларни ҳам жонли ва жинслардан иборат деб тушунишган. Шу сабабли яқин йилларда ҳам қўлларига болта олишиб, мева қилмаган дарахтга: «Агар бу йил ҳам мева қилмасанг, чопиб ташлай-ман», – деб иримли дўқ қилишган. Тарихда мева-



ли, мевасиз дарахтлар ҳам ҳосилдорлик культлари объек-  
тлари бўлган.

Ўзбек халқи лирикасида арча, қайрағоч, тол, терак,  
чинор каби мевасиз дарахтлар ҳам кўп тилга олинади ва  
улар севги, оила, фарзанд ғояларини ифодалашлари  
билан тарихан ҳосилдорлик культлари билан боғланади:

*Тоғдан арча тушади,*

*Иморатга, ёр-ёр.*

*Биз ҳам Ўшга борамиз,*

*Зиёратга, ёр-ёр(49. — Б.151).*

Кўшиқдаги тоғ ва арча генезисига кўра, тоғ, ҳомий  
руҳлар, аجدодлар култи билан боғлиқ. Шу сабаб арча-  
дан қурилган иморатда бахтли ва тўқин ҳаёт кечириш  
мумкин. Ўшга зиёратга бориш ҳам ана шу мақсадга қара-  
тилган.

*Қайрағочга ип солиб,*

*Учган синглим, ёр-ёр.*

*Маҳаллага хол бўлиб,*

*Тушган синглим, ёр-ёр(49. — Б.150).*

Қайрағоч(сада) — мустаҳкам ва халқ ақидаларида  
ардоқли дарахт. Магик тафаккурга кўра, қайрағочда ҳал-  
ганчак учган ўшандай соғлом, узоқ умр кўриб, серсоя,  
яъни серфарзанд бўлади. Хол бўлса, гўзаллик, чақалоқ-  
лар ҳомийси Умай она рамзи, сингилнинг маҳаллага  
фарзанд бўлгани поэтик ифодасидир.

Маросим кўшиқларида тилга олинган дарахтлар, одат-  
да, ҳам магик, ҳам бадиий-эстетик аҳамиятга эга бўли-  
шади. Аммо даврлар ўтиб, магик-мифологик қарашлар  
сусайиши билан бадиий-эстетик маъно кучайиб, илк  
тарихий асос унутилади. Шу туфайли бугунги тингловчи  
кўшиқларга асос бўлган сийрат маъноларни кўпинча  
англаб етмайди. Ишқий-маиший мавзулардаги кўшиқ-  
ларда дарахтлар образи севги кечинмалари, оилавий тур-  
мушни поэтик қайта ифодалашга хизмат қилади:

*Боғинг бўлса тераклик,*

*Иморатга кераклик.*

*Ёринг бўлса чиройлик,*

*Юр, базмга кирайлик(49. — Б.7).*

Мисолимиздаги терак, иморат бўлажак оила ғоясининг ифодаларидир. Кўшиқларда терак ва тол образлари, арча, чинор, қайрағочлардан фарқли равишда сув культу таъсири туфайли кўпинча сув образи билан бирга келади, ҳаётда ҳам кўпинча тол, тераклар ариқлар ёқасига экилган:

*Эшик олди жуфт терак,*

*Жуфт теракка сув керак.*

*Сиздай барно йигитга*

*Биздай сулув қиз керак.*

Туркий халқларда теракнинг ҳам культ объекти бўлганлигини кўпгина адабиётлар тасдиқлайди. Масалан, Л.И. Климович Туркистоннинг Ил водийсида Бўғозте-рак номли зиёратгоҳ бўлганлигини айтади. Фарзандсиз аёллар бу теракка уч марта таъзим қилишиб, уч марта кучоқлашар ва яна уч бор таъзим қилиб кетишар эканлар(115.—С. 281). Ж. Фрэзер маълумотларига кўра, қадимда айрим халқлар мажнунтолга ҳам фарзанд ато қилиш қудратига эга деб, эътиқод қилишган экан(240. — С.232).

Ўзбек халқ лирикасида тол поэтик образи жуда серқирра бўлиб, поэтик рамз даражасига кўтарилган. Лирик кўшиқларда толнинг рамз сифатидаги аҳамияти ва бадиий-эстетик функцияларини кўрсатиб берган Ш. Турдимов уни табиий қиёс асосида рамзлашган, дейди(223. — С.149-159).

Бизнингча, тол поэтик образи қадимий инончлар, дарахтлар культу таъсирида рамзга айланган. Шу сабаб тол кўшиқларда сув билан боғлиқ ёки унинг аниқловчиси бўлади ва тол ҳақида сўз кетганда, одатда, мажнунтол назарда тугилади. Тўғри, мажнунтол новдаларининг сочга қиёсланиши оддий ўхшатиш натижаси бўлиши мумкин. Аммо бунда ҳам соч образининг магия ва ҳосилдорлик билан боғликлигини унутмаслик керак. Қадимги одамларнинг соч магияси ҳақидаги қарашлари, ҳаётда тол дарахтининг сув бўйида ўсишлари контагиоз (мулоқот) магиясига кўра, толга ҳам магик функциялар юклаган.

Кўшиқларда ота-она, фарзанд, ёр сочи, севишган-

ларнинг кечинмалари ҳам тол образи воситасида ифодаланиши мумкин:

*Менинг дардимни сен тортган,  
Сенинг дардингни мен тортган.  
Кечалар тол чивиқдек,  
Иккимиз чирмашиб ётган.*

Лирикада бирор сўз, поэтик образ рамз даражасига етишганда ҳам унинг маълум бир матндаги маъноси чекланган бўлади. Аммо халқ онгида ўша сўз билан боғлиқ кўплаб тассавурлар ва тушунчалар мавжуд бўладики, улар маълум бир матнни тинглаганда ҳам ўз таъсирини кўрсатиб туради.

Айтайлик, эртақ ва дostonлар таркибида сюжет яхлитлигидаги мақолдаги аниқ бир маъно тингловчи хаёлотини маълум бир даражада чеклайди. Кўшиқда эса у кўзгатган ҳиссиётларимиз туфайли фантазия қилишга жуда кенг имкониятлар пайдо қилади. Бу мулоҳазадан мақсад халқ кўшиғида қадимий инонч-эътикодлар рудиментлари ўз реал маъносини ҳам сақлаб қолиши ва айни пайтда серқирра бадий-эстетик функциялар ҳам касб этиши мумкин демоқчимиз. Бунда анъанавий дунёқараш ва поэтик мушоҳада уйғунлашиб кетади.

Халқда тол билан боғлиқ ирим, одатлар ҳам кўп: Толда ҳалганчак учадилар, қизлар сочига тол хивичларини боғлайдилар, сув каби тушда тол кўришса, ҳам яхшиликка таъбир қиладидар ва ҳ.з. Бу фактлар тол рамзининг генезисида ҳам ҳосилдорлик культларига инонч ётади, дейишимизга асос бўлади.

Халқ лирикасида мевали дарахтлар ва меваларнинг поэтик образлари жуда кўп жиҳатдан ҳосилдорлик культлари билан боғланадилар. Бундай фаол образлардан бири олмадир. «Зар кокилли йигит» номли халқ эртагида бир ялмоғиз кампир фарзандсиз боғбонга бир олма бериб: «Шу олмани хотинингга егиз, сенга ўғил туғиб беради, фақат шартим бор, ўғлинг етти ёшга кирганда менга берасан, унга ақл ўргатаман»,— дейди. Эртақ воқеалари ялмоғиз айтгандай давом этади(267. — Б. 187-192). Тарихий асосига кўра ялмоғиз ҳосилдорлик илоҳасидир. Кей-

инча бу образ ўрнини эр жинсидаги культ шахслари эгаллай бошлаган. Жумладан, Афғонистонда чилтонларнинг келиб чиқишини авлиё дарвешнинг фарзандсиз шоҳга берган олмаси билан боғлашар экан(11. — С.344).

Сеҳрли эртакларнинг тарихий илдизларини тадқиқ қилган В.Я.Пропп «маросимнинг эртақда қайта мушоҳада қилиниши» («переосмысление обряда сказкой») деган тушунчани қўллайди Мисол учун қадимда маҳумларни терига ўраб дафн қилиш одатларини эртақда тирик одамни терига ўраш шаклида ифодаланганини айтиди(169. — С.24). Бундай одат Эргаш Жуманбулбул ўғли репертуаридаги «Кунтуғмиш» достонида ҳам учрайди. Унда бузуқликда айбланган Холбека ва Кунтуғмишни бия терисига ўрашиб, от думига боғлашиб, отни чўлга ҳайдаб юборадилар(40. — Б.223-224). Қизиғи шундаки, қадимда марҳумни унинг тотеми бўлган ҳайвон терисига ўраб дафн қилиш одати бўлган(169. — С.204).

Демак, халқ ижодида тотемизм, қадимий маросимлар қайта мушоҳада қилинган, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатда тассавур этилган, поэтик идрок қилинган ҳолда ўз бадиий ифодасини топади. Халқ лирикасида қадимий тассавурлар, маросимлар, иримлар, маиший турмуш лавҳалари, инсон кечинмалари қайта идрок қилиниб, умумлаштириб баён этилади.

Айтайлик, «Зар кокилли йигит» эртаги мушоҳада қилиниб, қўшиқ шаклига туширилса эди, боғ — оила, боғбон — оила бошлиғи, ялмоғиз — ҳосилдорлик илоҳасининг кўчимлари бўлар эди.

Халқ оғзаки ижоди яхлит поэтик тизимдир. Биз унинг намуналарини шатли равишда турларга, жанрларга ажратсак ҳам, тарихий-фольклорий жараён, халқ турмуши, ижрода улар ўртасида доимо мустаҳкам алоқа мавжуд бўлади. Чунки улар барчаси халқ дунёқараши, ижод салоҳиятининг меваларидир.

Масалан, «Зар кокилли йигит» эртагида олма детали фарзанд гоёси билан, зар сифатлаши руҳлар дунёси билан боғлиқ. Чунки генезисига кўра бола назр қилинган фарзанддир. Шунингдек «Олма оғочидан йироқ тушмас»

мақолида олма фарзанд кўчимидир. Энди мана бу кўшиққа диққат қилайлик:

*Лолахон дейму сизни,*

*Садарайхон дейму сизни.*

*Боғда битган олмадек,*

*Ўтириб ейму сизни(154. – Б.30).*

Кўшиқдаги олма образи билан эртақ ва мақолдаги олма деталлари ўртасида генетик алоқадорлик бор. Фақат эртақдаги олма реал тассавур қилинган бўлса, кўшиқда у хаёлот, поэтик идрок мевасидир. Яъни бу ерда ҳам боғ-оила, олма эса қизнинг кўчимидир. Уни ейиш истаги эса қизнинг ширинлигига ишорадир.

Генезиси ҳосилдорлик культлари билан боғланган кўшиқларда олма, анор, узум, тут, бодом – хуллас қайси бир мева ёки мевали дарахт тилга олинса, у албатта, бирор маъно қирраси орқали оила, фарзанд ғоялари билан боғланади. Чунки анъанавий дунёқарашда мева дарахт фарзанди бўлгани каби, фарзанд инсон меваси ҳисобланади. Мифологик дунёқарашда бу поэтик кўчим эмас, балки бир-бирига ўтиши, эврилиши мумкин бўлган ҳодисалар ҳисобланган:

*Боққа киринг, олма узум есангиз,*

*Ўйга киринг чиндан мани десангиз.*

Ёки:

*Беш олма кўйибман, бешиси бирдек,*

*Менинг бир ёрим бор очилган гулдек.*

Фольклоршунос Ш. Турдимов лирик кўшиқларда олма поэтик образини, асосан, севги рамзи, аммо маъноси кенгайиб, фарзандни ҳам англатиши мумкин, деб тўғри айтган(223. – С.105-114).

Ишқий мавзлардаги кўшиқларда оила, оиладаги интим муносабатлар, фарзанд ҳақидаги ифодалар очиқ баён қилинмайди. Бунга сабаб хотин-қизларнинг табиий уятчанлиги, ўзбек миллий этикасининг қонун-қоидаларидир. Аслида жаҳондаги барча халқлар қатори ўзбек оиласида ҳам қиз болага гўдакликдан бўлғуси она ва оила бекаси сифатида қаралган. Этнографик маълумотлар қизчаларнинг овунчоқлари, кўғирчоқлари каби кўплаб

ўйинлари жуда қадим замонлардан магик аҳамиятга эгаллиги ва ҳосилдорлик ғоялари билан боғланишини кўрсатади.

Хотин-қизлар иффати, табиий уятчанлиги туфайли оила, фарзанд ҳақидаги орзулари, интим майлларини ҳам пардалаб, турли поэтик кўчимлар орқали кўшиқларга сингдириб юборади. Ўзбек фольклорида ноэстетик ҳодисаларнинг эстетик ҳодисаларга айланиши, поэтик мушоҳада ривожида ана шу факт ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга.

Тарихан ҳосилдорлик культларига инонч ва унинг сув, олов, ўсимликлар каби объектлари хотин-қизлар қалб дунёсини ифодалашга жуда қўл келган. Халқ лирикасида Ўзбекистон территориясида мавжуд мевали дарахтларнинг деярли барчаси тилга олинади, аммо олма, тут, жийда, ўрик, анор, бодом, олча каби сермева ва серуруғ дарахтлар жуда фаол қўлланиладики, генезисига кўра бу хусусият ҳам ҳосилдорлик ва серфарзандлик ғояси билан боғлиқ:

*Ўрик ёғоч бешигинг,*

*Ўргулиб кетсин онанг, алла.*

*Тут ёғочдан бешигинг,*

*Термулиб ўтсин онанг, алла(49. — Б.139).*

Кўшиқда семантик —поэтик товуш такрорлари(ў, т) мавжудлигидан ташқари яна шуни айтиш лозимки, ўзбек усталари ўрик, тут, сада дарахтларининг магик таъсирига инонч туфайли болалар бешикларини, одатда, ана шуларнинг ёғочидан ясадилар. Бу фикрни халқ бахшиларининг дўмбираларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Анъанавий инончга кўра, бундай бешикларда улғайган болалар серфарзанд, бахтли, эл баҳраманд бўладиган кишилар бўлиб етишадилар. Мисолимиздаги ўргилиш ва термулиш ҳам магик инонч билан боғлиқ бўлиб, поэтик жиҳатдан онанинг меҳри, фидойилигини ифодалашга хизмат қилган. Халқимизда тут дарахти жуда қадим даврлардан эъзозланиб келинган. Уларнинг эрта баҳордан кеч кузгача меваси тахир, тўлиқ, тўқ қизил бўлиб, пишадиган тури шо(х) тут дейилиши ҳам бежиз эмас.

Жаҳон халқларининг кўпчилиги фольклорида бир типологик афсона бор: Саёҳат қилиб юришган уста(-дурадгор), тикувчи ва дарвеш ўрмонда тунаб қоладилар. Хотиржам бўлиш учун навбат билан бошқаларига қоровуллик қилишади. Дастлаб қоровуллик қилган уста зерикканидан бир дарахтдан қиз шаклини ясайди, кейин тикувчи унга ажойиб кийимлар тикади, дарвеш эса Оллоҳдан қиз учун жон талаб олади. Қиз шундай гўзал бўладики, уч саёҳатчи уни талашиб кетади. Бу афсонанинг ўзбекча версиясига кўра, дарвешнинг илтижоси сабабли мўъжиза билан жонли бўлиб қолган кўғирчоқ қиз тут дарахтидан ясалган ва ўз гўзаллиги билан фаришталарнинг ҳам кўнглига гулгула олгани учун яна тутга айланиб қолган(196. – С.204).

Халқ лирикаси, айниқса, аллалар ва ёр-ёр қўшиқларида тут энг кўп қўлланиладиган поэтик образлардандир:

*Тут ёғочга ип солиб,  
Учган синглим, ёр-ёр.  
Ҳовлингизга гул бўлиб,  
Тушган синглим, ёр-ёр.*

Тут ёғочга солинган ип арғимчоқдир. Арғимчоқнинг жаҳон халқлари маросимларида магик-ритуал аҳамияти ҳақи-да биз аввал айтган эдик. Қўшиқда сингилнинг тут дарахтида учганлиги унинг яхши, серфарзанд оилада ўсанлиги, келажакда ҳам бахтли, кўп фарзандли бўлишига ишонччи, гул эса унинг гўзаллигини ифодалаб келган. Халқ лирикасида анор ҳам фаол поэтик образ бўлиб, Хоразм воҳаси фольклоридаги аёллар ва чақалоқлар ҳомийси Анбар онанинг аниқловчиси бўлиб келади(196. – С.197).

Қўшиқларда анор, олма, бодом – мевалар образи – балоғат, севги, фарзанд ғояларидан йироқ бўлмайди, шу сабабли улар турли вариантларда бир-бирининг ўрнида келаверади:

*Ёрим берган уч олма,  
Учаласи қўйнимда.*

*Ухлаб, чўчиб ўйғонсам,  
Ёрнинг қўли бўйнимда (154. — Б.26).*

Агар халқ қўшиқчиси мисолимиздаги олма ўрнига, анор, бодом сўзларини қўлласа ҳам, унинг моҳияти ўзгармайди. Чунки уч олма ҳам, уч анор, бодомлар ҳам фарзандларнинг поэтик қўчимларидир. Демак, халқ лирикасидаги олма, анор, бодом поэтик образлари бадиий-эстетик вазифаларига кўра жуда уйғун бўлиб, қўпинча бир маънони ифодалашга хизмат қилади, ҳар учаласи ҳам тарихан ҳосилдорлик культлари объектлари бўлган.

Ишқий мавзулардаги қўшиқларда олма-анор пишиши бошқа мевали дарахтлар каби кенг маънода балоғатни англатса, баъзан ёр сийнаси ҳам олма-анорга қиёсланади. Тарихий асосига кўра, бу қиёс сурат ва сийратдаги уйғунликка таянади. Чунки улар шакллан ўхшабгина қолмай, мевалар одамларни тўйдирса, аёл сийнаси гўдакни улғайтиради:

*Гулмиди, ғунчамиди,*

*Ёр сенинг бошингдаги?*

*Олмамиди, анормиди,*

*Ёр сенинг кўксингдаги? (154. — Б.29).*

Бошдаги гул — рўмол нақшлари ёки ёрнинг ўзи қистириб олган гулнинг ифодаси бўлиши мумкин. Бу тингловчининг қўшиқни идрок этиши қобилиятига боғлиқ. Ажодларимиз эса рўмолдаги гул тасвири ҳам, чакка, сочларга қистирилган гуллар ҳам инсон фаровонлиги ва серфарзандлигига магик таъсир кўрсатишга ишонганлари учун:

*Чаманда гул очилди,*

*Чакканга тақ, чакканга.*

*Икки кўзинг қуралай,*

*Аканга боқ, аканга, —*

каби намуналарини яратишган. Юқоридаги қўшиқда лирик қаҳрамон билиб-билмаслик усули билан ёр кўксини, олма-анорга тенглаштирмоқда. Афғонистон ўзбеклари қўшиқларидан бирида аёл кўкси тойга ҳам қиёс қилинган:



*Олиб устидан кийди,  
Бисотидан борича.  
Кўл тексам диркиллайди,  
Табладаги маст тойча(242. — Б.30).*

Маълумки, той от култи туфайли кўпинча ўғил болачаларнинг поэтик образи бўлиб келади. Шунинг учун ҳам ўғил болага куда томон той безатиб келади. Иккинчидан, аёл кўксини бундай мевалар, тойга ўхшатишда фақат интим маънолар бордек туюлади. Аммо бу поэтик мушоҳаданинг ўзига хос кўриниши бўлиб, халқ лирикасига хос бир қонуниятни — поэтик кўчимлар асосида қадимий дунёқарашлар ва қайта мушоҳада қилиш ётганлигини кўрсатади.

Биз юқорида олма поэтик образи генезисининг ҳосилдорлик культлари билан боғлиқлигини, халқ лирикасида севги майли, фарзанд, аёл сийнасини ифодлашини кўрдик. Бу бир поэтик детал маъно кенгайишларига ёрқин мисолдир. Иккинчи томондан эса, олма, анор, той — барчаси бир нарсани ифодалашга, яъни халқнинг ижодда умумлаштириш қобилияти, лириканинг серқатламлилигига мисол бўлиб келмоқда. Бундай хусусиятларнинг асосида кўп жиҳатдан ҳосилдорлик культларига инонч ётади.

Кузатишлар аёл сийнаси тарихан турли тассавурлар, иримлар ва энг муҳими ҳосилдорлик ва серфарзандлик ғояси билан боғлиқлигини кўрсатади. Бир вақтлар Ҳиндистонда маглар аёл кўксига қараб фол очишар экан: Кўкраги юмшоқ мева шаклидаги аёл ахлоқли ва олийжаноб, чап кўкси каттароқ бўлса ўғилли, аксинча бўлса қизли бўларкан(32.-С.311). Н.Я. Бичурин қадимда Ўрта Осиёда яшаган, хитойлар уги деб юритган халқдаги қизиқ бир одатни айтади: Бу одатга кўра, куёв никоҳнинг биринчи кечаси келинникига келиб, унинг кўкрагини ушлаб кўрар, шундан кейингина уйланишга рози бўларкан(28. Т.2. — С.70).

Аёл кўксининг тарихан ҳосилдорлик рамзи бўлганлиги кўпгина жаҳон халқлари учун типологик ҳодисадир. Жумладан, С.А. Токарев Франциядан то Шарқий

Сибиргача бўлган ҳудудлардан топилган кўкси очик аёл тасвирлари ҳосилдорлик култи илоҳаси ва Она-олов рамзи деб талқин қилинишини айтади(212.—С.552). Ўхшашлиги шундаки, ўзбек топишмоқларида олов — олма, анор кўчимлари билан ҳам берилади: «Бир сават анор ёки Бир товоқ қизил олма»(олов). Мутаносиблик аёл кўкси гўзаллик рамзи ҳам бўлса, номутаносиблик хунуклик тимсолидир. Жумладан, ўзбекларда аёллар қарғишида сақланиб қолган мифологик Мортув образи бир сийнаси олдинда, иккинчиси орқасида жойлашган хунук аёл сифатида тассавур қилинган.

Демак, кўшиқларда аёл кўксининг олма, анор, тойга ўхшатилиши оддий ҳодиса эмас, балки узоқ жараёнлар, қайта мушоҳадалар қилиш ва ҳосилдорлик културлари билан боғлиқ. Шу сабаб у бора-бора балоғат, севги, фарзанд, интим кайфиятлар ифодаси бўлган:

*Эшигиндан ўтаман,  
Тўғрисидан йўл солиб.  
Мен ёнингда ётаман,  
Анорингга қўл солиб.*

Халқ лирикасида олма образи анорга нисбатан ҳам фаолдир. Умуман, олма образи кўпгина халқлар лирикасида мевлар ичида биринчи ўринда туради. Бунга сабаб олманинг анорга нисбатан кенгроқ ҳудудларда тарқалгани, анорнинг эса табиатан инжиқлигида ҳам бўлса керак.

Халқ лирикасида шаклан ва мазмунан ёр кўксига ўхшатиладиган, деҳқончилик, аниқроғи полизчилик билан боғлиқ бўлган поэтик образлардан бири ҳандалқдир:

*Дарёларнинг нарёғида экдим палак,  
Бўлар-бўлмас ёр учун бўлдим ҳалак.  
Баракалла қизларнинг деҳқонига,  
Экмай-тикмай чиқарарлар қўш ҳандалак(64.-Б.88).*

Халқ лирикасида ҳандалак поэтик образи балоғат ва гўзалликни ифодалаб келади. Кўшиқларда бевосита

ҳосилдорлик билан боғланувчи образлардан бири боғдир. Боғ образи умумлашма ва серқирра характерга эга. Халқимизда худди уйлар, оилалар каби боғларни ҳимоя қилишга қаратилган иримлар, одатлар жуда кўп: Боғларни ёмон кўзлардан ҳимоя қилиш учун унинг бир чегига, албатта, қалампир, супурги экишган. Боғ дарвозасига от тақасини илиб қўйишган, боғларга ҳам исирик тугатишган ва ҳ.з. Кузатишларимиз халқ лирикасида боғ поэтик образининг уч жиҳати жуда кенг тарқалганини кўрсатади:

1. Боғ уйғонган табиат, ҳаётнинг моделидир. Севишганлар, лирик қаҳрамонларнинг боғ сайллари кўпроқ табиат бағрида ҳаётдан яйрашни эмас, балки уларнинг балоғатини, қувонч ва изтиробларини ифодалайди.

2. Боғ лирик қаҳрамонлар хонадонлари рамзи бўлиб, оила ғояси билан уйғунлашади:

*Қошинг қора хол битар,*

*Чорвоқчангга гул битар.*

*Чорвоғингининг гулини*

*Сўраб борсам, ким сотар(154. — Б.63).*

Қошга битган хол — бўлажак фарзанд, тарихан Умай она аниқловчиси, битган гул — ёрнинг балоғати, чорвоғ — оила, сотиш эса қалин одатининг бадий ифодасидир. Сийрат маънода сотувчи боғбон, яъни оила бошлиғи отадир.

3. Боғ — ёр ва унинг балоғати, унда пишган мевалар эса балоғат белгиларини англатади:

*Зебихоннинг боғи бор, боғбони йўқ,*

*Зебихоннинг дарди бор, дармони йўқ.*

*Зебихон, боғингга боғбониг бўлай,*

*Зебихон дардингга дармонинг бўлай.*

Боғ қиз оғуши ва балоғати рамзи, дард интим майл ифодаси, боғбон бўлиш эса ёрга етиш истагидир. Халқ лирикасининг генезисида ҳосилдорлик культининг бадий ифодалари магик, ишонч, бошқа культлар рудиментлари билан уйғунлашиб кетади. Бундай культлардан бири от ардоғидир.

**От култи.** Халқ лирикасида болачаларнинг тойга, йигитларнинг отга қиёсланиши, поэтик тенглаштирилиши от култи туфайлидир:

*Той-той болам, той болам,*

*Ширин эркатою болам...(35. — Б.56).*

От култи жаҳон халқлари тарихида кенг тарқалган илк диний инонч кўринишларидан бири бўлиб, қадимда кўплаб маросимлар, байрамлар ана шу кулътга ишонч билан боғлиқ кечган. Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи тарихида ҳам от култи жуда муҳим ўрин тутган ва унинг рудиментлари, маиший турмушимиз, фольклоримизда бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган.

С.П.Толстов тадқиқотича, қадимда Хоразм массагетларининг асосий тотемларидан бири от бўлган ва чавандоз-худо образи минг йиллар давомида давлат рамзи бўлиб келган(215. —С.202, 223). От култи шомонлик билан ҳам боғлиқ бўлиб, туркий шомонлар ҳассаси от рамзини ифодалаган, шомонлар у билан руҳлар дунёсига учиб борганлар(135. — С.58). Тарихий жиҳатдан шомонларнинг авлоди бўлган шоир-бахшилар дўмираларини бедовга қиёслаганлар. Илгари аёллар паранжиси олд қисми от ёлидан тўқилган. Чақалоқлар бўйнига от толасини боғлаганлар. Ҳомиладор аёлларни асраш учун эшик тепасига айғир юганини илиб қўйганлар(79.-С. 363). Бу этнографик деталар барчаси магик ҳимоя мақсадига қаратилган.

От кулътлари изларини туғилишдан то азагача бўлган маросимлар таркибида кўп учратиш мумкин. Республикамининг айрим жойларида момолар ўғил чақалоқларга илк бор кўйлак кийгишидан аввал уни от қозигига кийгизиб олганлар. Зоир Оролов маълумотича, Хатирчида ўғил болачага атаб олиб келинган тойни ҳовлидаги қозикқа боғлаганлар ва у якка миҳ деб юритилган. Қадимда ҳар бир ўғил учун алоҳида қозиклар қоқилган ва улар турли нақшлар билан безатилган:

*Келин келган эшикни,*

*Ўрдо денглар, ёр-ёр.*

*От боғланган қозикни*

*Тилло денглар, ёр-ёр(153. — Б.22).*

Тарихий асосига кўра, чақалоққа кийгизиладиган кўйлак ва кўшиқдаги тилло қозик ўртасида мустақкам генетик алоқадорлик мавжудки, бу мавзумиз давомида ойдинлашиб боради. Поэтик жиҳатдан эса мисолимиздаги от боғланган қозик йигит ва қиз тузган оилани англатади.

*Ёш болалар ўйнайдир,  
Тол ёғочни от қилиб.  
Ошиқ йигит йиғлайдир,  
Севганини ёд қилиб.*

Кўшиқдаги тол ҳосилдорлик култида фарзанд ғояси билан боғланади. Ҳалгинчак қизлар учун қандай магик аҳамиятга эга бўлса, от ёки той қилиб минилган тол чивиклари ҳам болачалар учун шундай аҳамиятлидир. Болакайларни тойга қиёслаш турмушдаги каби ўзбек халқ лирикаси учун ҳам қонуний ҳолдир:

*Мен тойимни қўшмайман,  
Ёмон отга, ёр-ёр.  
Қандай жавоб бераман,  
Қиёматда, ёр-ёр(153. — Б.43).*

Мисолимиздаги от ёмон ота ёки бирор ёмон одам сифатида тушунилиши мумкин. Уни қандай англаш тингловчининг қабул қилиш идрокига боғлиқ. Аммо тойнинг фарзанд тушунчаси билан тенглиги изоҳсиз ҳам англашилиб турибди.

Инсоният тарихи жуда қадим замонлардан буён отлар билан боғлиқ бўлиб келган. Манбаларда қайд қилинишича, Евро—Осиё даштлари ва Осиёнинг ён бағирлари илк бор маданийлашган отлар ватани бўлган. Мутахассислар отларнинг ерда пайдо бўлишларини эрадан аввалги миллион йил илгариги даврлар билан боғлайдилар(116.— С.7). Марказий Осиёдаги археологик қазилмалар милоддан аввалги IV мингинчи йилларга оид ёдгорликларда от тасвирлари учрашини кўрсатади. Этнограф Ю.И.Трифонов инсонни оти билан кўмиш одати скифлар давридан(милодгача бўлган VII—III асрлар) эранинг VII асригача давом этганлиги, бу маросим мелодий VI асрда Турк ҳоқонлигида

кенг тарқалганлиги ҳақида маълумотлар беради(226. — С.374).

Туркий халқлар аждодлари дунёқарашида от култи муҳим ўрин тутганлигини Н.Я.Бичурин тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди. Олимнинг ёзишича, туркийларнинг бобокалонлари марҳумнинг оти ва от жиҳозларини ёқиб, кулини марҳум ортидан бирга олиб борганлар(28. Т.2.— С.144, 230). Р.С.Липец эса марҳумни оти билан кўмиш одати қадимги дунёда йилқичилик билан шуғулланган барча халқлар учун муштарак удум бўлганлигини қатор этнографик фактлар билан исботлаб берган(152.—С.212-236). Қадимги туркий элатларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва маиший ҳаётида отлар жуда муҳим роль ўйнаган ва улар адашиб кетган отларни ўзлаштириб олганларни сўзсиз ўлимга маҳкум этишган(226. — С. 351-374). XIV аср араб сайёҳи ибн Батута ҳам Дашти Қипчоқдаги туркийларда турли зотли отлар жуда кўплигини ва эъзозланишини ёзиб қолдирган(246. — С.84). XIX асрда Сибир туркийларининг ҳаётини ўрганган В.В. Радлов отларда эрлар ҳам, аёллар ҳам жуда эпчил чопишларини кузатган(174.—С.154). Афросиёб харобаларидан топилган сополларда турли хил рангдаги отларга миниб келаётган эрлар ва аёллар тасвири учрайди(91. — С.136).

Умуман, қадимда отлар ранги ҳам ритуал аҳамиятга эга бўлиб, отларни қурбонлик қилишда рангларга ҳам алоҳида эътибор берганлар. Ғолиб шоҳлар, саркардалар мағлуб бўлган мамлакатлар пойтахтига доимо оқ от миниб, тантанали равишда кириб борганлар. Оқ рангли отнинг магик-ритуал аҳамиятини буюк бобомиз Алишер Навоий ўз «Хамса»сини ёзиб тугатганда, Ҳусайн Бойқоро унга кўрсатган иззат— эҳтиромдан ҳам билса бўлади. Адабиётшунос олим Иззат Султон тарихчи Хондамир маълумотларига асосланиб, Навоий «Хамса»ни ёзиб тугатгани шарафига Бойқоро уни ўзининг оқ отига миндириб, жиловбардор бўлганини айтади. Қадимий инончларга кўра — бу буюк бир ғалабага эришган одамга буюк эҳтиром ифодаси эди.

Ранглар символикаси ҳақида фанда анча қарашлар

мавжуд. Жумладан, ўзбек фольклорида оқ ранг рамзи ҳақида Х.Эгамов эртақлар муносабати билан қизиқарли фикрларни айтган(250.— Б. 228 -240). Ёш олима С.Ўтанова Навоий ғазалиётида ранглар символикасини маҳсус ўрганган<sup>10</sup> ва ҳ.з.

«От культ ролини ўйнаган ҳамма жойда, -дейди В.Я.-Пропп,— у доимо оқдир»(169.— 175). Шунингдек, олим сеҳрли эртақларда от қахрамоннинг, шомонлик дунёқарашида шомоннинг ёрдамчиси бўлганлигин ҳам қайд этади (169. — С.179).

Ўзбек бахшилари дoston ижросидан аввал дўмбира чертиш, термалар айтишни «Бедовни қамчилаб кўриш» дейдиларки, бу фақат образли ифода бўлмай, улар фаолияти тарихан шомонлик билан боғлиқлигига бир далилдир. Санаб ўтилган тарихий-этнографик фактлар аждодларимиз тарихида от култи муҳим аҳамият касб этганига шубҳа қолдирмайди. Отни эъзозлаш, осмон, илоҳиёт билан боғлашнинг бадиий кўринишлари ўзбек фольклорининг барча тур ва жанрлари намуналарида ҳозиргача маълум даражада сақланиб қолган.

Халқимизда ҳозиргача от бошига уриш гуноҳ саналади. Хонадонларни тассавур қилинган бало-қазолардан асраш учун дарвозаларга ишлатилган от тақасини илиб кўядилар. Барча турдаги гиламларда от рамзини билдирадиган нақшлар тўқилади. Хатна тўйларида, байрамларда кўпқари мусобақалари уюштирилади. Мучал йилларидан бўлган от йилини қутли, баракали келади, деб ҳисоблайдилар. Болачаларга той совға қилдиларки, уни безаш ва болани кийинтириб, отга миндириш одати магик-ритуал аҳамият касб этади.

От ўйинларининг тарихи жуда қадимий бўлиб, турли маросимлар билан боғлиқдир. Мўғулларнинг биздаги Наврўзга ўхшаган энг қадимий баҳорий маросими Надомнинг энг қизиқарли узвларидан бири от пойгаси ҳисобланиб, унда аёл ва эркақлар тенг ҳуқуқ билан қатнашганлар. 15 км.дан 20 км.гача бўлган пойга масофасидаги баҳсларда юзлаб отлар иштирок этган. Фолиб чиққан отга бағишлаб тўқилган халқ кўшиқлари мўғул фоль-

клорининг мустақил ривожланган жанрини ташкил қилади(104. – С. 154-155).

Ж.Фрэзер маълумотларига қараганда, қадимда қирғизлар, немислар, инглизлар, норвегларда бирор қизга уйланиш учун от пойгасида голиб чиқиш шарт бўлган ва никоҳ тушунчаси пойгада келинни қувиш маъносини англатган. Рим шоҳлари ҳам ўз қизларига муносиб куёв танлашда шундай одатдан фойдаланганлар(240.– С.154-155). Бу маълумотлар «Алпомиш» ва бошқа кўпгина ўзбек халқ достонларидаги пойга эпизодларининг тарихий илдишларини ҳам бир мунча ойдинлаштиради.

Достондаги эпик от – Бойчибор Алпомишнинг йўлдоши, аниқловчиси, эгизаги(улар сут эмишган)гина эмас, балки бутун ўзбек халқининг рамзи даражасига кўтарилган:

*Ўн икки ой сен отингни боқтирсанг,  
Йўл-йўлакай йўлга гулмих тўқтирсанг  
Авайлаб ўзоди ўзбекнинг оти...*

«Ўзбек фольклорида, - дейди Ҳ.Т.Зарифов, – шу жумладан достонларда ҳам от ҳам сув, ҳам юлдуз билан боғланади»(172.– Б.96). В.Я. Пропп эса сеҳрли эртактларда қуш вазифаси от образига кўчганлиги туфайли халқ тасавурида учар отлар пайдо бўлганлигини, отнинг юлдуз ва сув ҳодисалари билан боғлиқлигини айтади(169.–С. 170-180). Н.Я. Бичурин маълумотларига кўра, қадимги Фарғона (Довон)ликлар учар отлар бўлишига ишонганлар(28. Т.2. –С.187).

Жаҳон халқлари фольклорида от образининг осмон ва сув ғояси билан боғлиқлиги ҳосилдорлик кульгининг таъсиридандир. От култи реликтларининг бадиий ифодалари ўзбек халқ лирикасида ҳам мавжуд ва от поэтик образ сифатида турли семантик, турли бадиий-эстетик вазифаларни бажариб келади. Олима М. Алавия халқимизда келинникига тўй олиб борганда от бошига ун суртиш одатини, агар тушда от кўрса, мурод ҳосил бўлади, деб таъбир қилишларини қайд этади(8. –Б.31).

*Сарҳовуз бўйида сариқ от кўрдим,  
Соллониб чиққанам бир мурод кўрдим.*



*Бедов отни суғормоққа чиққанда,  
Ёргинамни машғал чироқдай кўрдим(154. – Б.121).*

Кўшиқдаги сарҳовуз, машғал, чироқ деталлари сув ва олов култи туфайли ҳосилдорлик ва фарзанд ғоялари билан боғланиб, сарҳовуз бўйида отни кўришнинг ўзиёқ яхшилик аломати бўлиб, севги кечинмалари билан уйғунлашган.

Дунё халқлари этнографияси ва фольклорида от култининг ҳосилдорлик инончлари билан мутаносиблигини тасдиқловчи далиллар жуда кўп учрайди. Масалан, америкаликлар от ўйини уюрларнинг кўпайишига ижобий таъсир қилади, деб ишонганлар(199. – С.120).

От ўйинининг магик таъсирига инонч ўзбекларда ҳам сақланиб қолган. Халқимизда: «Деҳқон деҳқондан қолса бир йилда етар, чўпон чорвадан қолса қирқ йилда етар», – деган мақол бор. «От ўйини – қирқ йилда» мақоли ҳам қирқ магик рақами туфайли тарихан ана шу ҳикмат билан боғланади. Негаки, анъанавий дунёқарашда магик ҳисобланган қирқ рақами аниқ миқдорни эмас, кўп деган маънони англатади(78).

От ўйинининг магик аҳамиятга эгаллиги ҳақидаги тасавур намуналари, халқ дostonлари, хусусан Эргаш шоир репертуаридаги «Далли» дostonида ҳам учрайди. Дostonда баён этилишича, Фирот қиздай бўлиб, турли ҳайвонларга тақлид қилиб, шундай ўйнайдик, ҳамма хушидан айрилади. Бундан фойдаланган Ҳасанхон Даллини олиб қочади(75. –Б.70-76). Гўрўғли туркум дostonлари силсиласи воқеаларидан маълумки, Ҳасанхон кейинчалик хон Даллига уйланиб, улар Равшан исмли ўғил кўрадилар ва у улғайиб, чет тиллари, жумладан, немис тилига ҳам таржима қилинган яна бир ажойиб дostonнинг бош қаҳрамони бўлади.

От поэтик образи кўшиқларда ҳам оила ғоясини ифодалайди:

*Оқ паранжи оғир деб,  
Отга солди, ёр-ёр.  
Отам мени ёмон деб,  
Ётга солди, ёр-ёр.*

Паранжи ритуал ахамиятга эга бўлиб, келинликнинг рамзий либосидир. Оқ ранг – келинчакнинг куёвга тегишлилик белгиси. От куёв рамзи, яъни поэтик параллелидир. Ҳаёт қонунига кўра паранжи ва унинг соҳибаси бўладиган қизнинг ота уйида қолиб кетиши оғирдир. Кўчма маънода қизнинг ўзига тенг бўлган паранжини эса от, яъни куёв кўтаради. Қолаверса, бу ерда келиннинг отда олиб кетилиши маъноси яширин. Отанинг ёмонлиги, куёвнинг ётлиги эса вақтинчалик ритуал маънолардир. От поэтик образи қўшиқларда оила ғояси билан боғлиқ бўлгани учун тўй маросимлари қўшиқлари ёр, лапар, ўлан, келин ва куёв саломларда жуда фаол қўлланилади:

*Отлар қувиб борайлик,  
Ҳўл печакка, ёр-ёр.  
Ҳудо бизни етказсин,  
Келинчакка, ёр-ёр(153. – Б.69).*

Қадимда туркий халқларда аёллар ва эркакларнинг баравар от минганликлари кўшиқда қуйидагича из қолдирган:

*Оқ отингга кўк отим,  
Мингашиб келинг ёрим.  
Ўнай десам, бўйим наст  
Энгашиб келинг ёрим.*

Ишқий мавзудаги қўшиқларда оқ ранг одатда йигит рамзи, йигитга тегишлиликни билдиради. Бу от поэтик образининг сифатлашига ҳам тааллуқлидир. От култининг қадимдан сув билан алоқадор эътиқодларга боғлиқлиги халқ лирикасида ҳам сезиларли из қолдирган:

*Оқ бўз отим сой келди,  
Сой ёқалаб ёр келди.  
Қизил олма чечаги,  
Мағзи тўла ёр келди.*

Мисолимиздаги от сифатлашининг иккиталигига сабаб шундаки, оқ ранги йигитни, бўз – унинг бўйдоқлигини билдиради. Олманинг қизиллиги эса қизнинг гўзаллиги ифодасидир.

Ўзбеклар бўз ер, бўз йигит бирикмаларини кўп қўллай-

дилар. Бўз – бирор экин экилмаган, ўзлаштирилмаган ердир. Бўз йигит— уйланмаган, ҳали оила қурмаган, фарзанд кўрмаган йигитдир, қизил ранги эса хотин-қизларни англатиши халқ лирикасида ҳам ўз ифодасини топган. Фақат айрим ҳоллардагина қора ранги ҳам қиз томонни ифодалашини учратамиз:

*Оқ милтиқ, қора милтиқ,*

*Отишайлик, ёр-ёр.*

*Ёр-ёр айтсанг бери кел,*

*Айтишайлик, ёр-ёр(153. – Б.17).*

Дунёдаги айрим халқлар, масалан кавказликлар чақалоқ туғилганда, никоҳ тўйи маросимлари пайти ёвуз руҳларни қўрқитиш, ҳайдаш учун магик мақсадда милтиқ отганлар. Юқоридаги мисолимиз қадимда туркий халқларда ҳам шундай одат бўлган деб аналогик хулоса қилишимизга имкон беради. Қизиғи шундаки, қора ранг ҳиндларда севги тимсоли ҳисобланар экан(32. – С.117). Шунингдек, бу ранг туркий аждоқларимизнинг ҳам севимли ранги бўлиб, уларнинг илк ватани – Шимолни англаган(246. – С.30).

Биз юқорида от ранги, умуман ранг қадимги маросимларда муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтган эдик. Бу қўхна эътиқод халқ лирикасида ранг образининг турли рамзлар, бадий-эстетик маъноларни ташиши учун тарихий асос бўлган. Кўшиқларда от култи рудиментларининг сув култи, севги тушунчалари билан уйғунлашиб кетиши халқ лирикаси учун қонуний бир ҳолдир:

*Ака отинг уч яшар,*

*Дарёлар тўлиб-тошар.*

*Ёрим келмай қолганда,*

*Кўзларимдан қон жўшар.*

*Диға – диға,диғажон,*

*Ёринг бўлай оғажон(243. – Б.61).*

От култининг тарихан сув култи ва оила, фарзанд гоёлари билан боғланиши топишмоқларда жуда равшан кўринадики, Ҳ.Т. Зарифов буни жуда яхши асослаб берган (172. -Б 77-80):

*Тоғдан келар тошлар каби,  
Эгарланган отлар каби(сув).*

*Узун —узун уз кетди,  
Узун бўйли қиз кетди(сув).*

Шуниси характерлики, қўшиқларда тойнинг от бўлиши, боланинг балоғати, қизнинг келин бўлишига мос келади:

*Тоғда тойчоқ кишнайди,  
От бўлдим деб, ёр-ёр.  
Уйда келин йиғлайди,  
Ёт бўлдим деб, ёр-ёр.*

Тоғда тойчоқнинг кишнаши от каби балоғат рамзи, куёвнинг жисмоний етилганлиги, уйланиш истаги ифодаси бўлиб, уйда келин бўлган қизнинг йиғиси билан тенг маънони англатади, яъни бу йиғи ҳам балоғат рамзи бўлиб, ритуал аҳамиятлидир.

Шу ўринда бир хулосамизни айтиб ўтсак: Албатта, ҳаёт, инсон умри қувонч ва қайғу, ташвишлардан иборат. Аммо ўтган асрда шўролар давригача яратилган халқ қўшиқлари ҳақида сўз юритган деярилик барча олимларимиз уларда ғам-алам, бахтсизлик ифодалари етакчидир, деган фикрни айтганларки, бу унчалик тўғри эмас. Масалан, қадимги тасаввурларга кўра, келин бўлаётган қиз (ота-она уйида) бир сифатда ўлиб, (куёв хонадонидан) иккинчи сифатда қайта туғилган ҳисобланган. Шу боис қизнинг уйида, у қанчалик хурсанд бўлса ҳам ғамгин, куёв оиласига борганида қувноқ ёр-ёр ва бошқа қўшиқларни айтиш маросимий характерга эга бўлган. Қолаверса, қизнинг ота уйдан кулиб кетиши одобдан ҳам эмас. Шу боис маросимий қўшиқлардаги йиғи, қайғу-ларнинг асосини реал ғамлар эмас, ритуал тартиблар ташкил қилади. Тоғда тойчоқ кишнаганда, ота-она уйида келининг йиғлаши ҳам ана шунинг бадий ифодасидир.

Халқ лирикасидаги от поэтик образи йигитнинг рамзи, доимий ҳамроҳи бўлгани учун от ва унинг соҳибинималаргадир баравар эга бўлиши керак:

*Ака, отинг уч яшар,  
Ўрама жўллар ярашар.  
Сиздек барно йигитга,  
Биздек қаллиқ ярашар.*

Жўл – жундан тўқилган нақшли от ёпиғи. Отга ўрама жўл, йигитга қаллиқ ярашуви поэтик жуфтлик қонуниятидир. Лирик қаҳрамон ва унинг оти рамзий маънода бир-бирига тенг бўлганлиги учун йигит нима биландир тақдирланганда, унинг оти ҳам қуруқ қолиши мумкин эмас:

*Оқ отингга ёл бўлайин,  
Ўнг бетингга хол бўлайин.  
Ёринг йўқдир, ёр бўлайин,  
Энди бергин билакузугим(7. – Б.263).*

Кўшиқларда от ёли соч магиясига кўра, йигитни ўзига мафтун қилиш воситаси, хол эса фарзанд ғояси билан боғлиқ образлардир.

Лирикадаги от образи халқ эпоси, эртақларидаги эпик отлардан инсоннинг қалб кечинмалари, ҳолатларни ифодалаши, лиризмга бойлиги билан фарқланиб туради. Аммо уларнинг ҳар иккаласининг тарихий асосида от култи ётади. Бу култ таъсиридан эпос ўзича, лирика ўзича қонуниятлардан фойдаланган. Лирикада отнинг ҳолатига қараб, унинг эгаси ҳақида ҳам фикр юритиш мумкин:

*Ака отинг кўкмиди,  
Кўк бедаси йўқмиди?*

Беда, айниқса, у кўк, барра бўлса – отнинг суюмли емиши. Беда, бедапоя, бедана тушунчалари халқ лирикасида, албатта, бирор-бир жиҳати билан сийрат маънода севги кечинмалари, интим майллар билан боғланади. Отнинг бедаси бўлмаса, от эгасининг ҳам суюкли нимасидир, аниқроғи ёри бўлмаслиги кўшиқ анъанаси учун қонуниятдир. Бу эса кейинги мисраларда аён бўлади:

*Бунча менга қарайсан,  
Қора кўзинг йўқмиди?*

От култи рудиментлари талабига кўра, кўшиқларда поэтик от образи бирор ишни эплей олмаса, унинг эгаси ҳам муваффақиятсизликка учрайди:

*Эшик олди гулҳовуз,  
Отингиз ўтмайди йигит.  
Бизни олиб кетишга,  
Кучингиз етмайди йигит.*

Гулҳовуз сув култи билан боғликлигини қайд этсак, агар от ундан ўтганида эди, йигит ҳам албатта қизни олиб кетган, яъни сийрат маънода унга уйланган бўларди:

*Эшик олди гулҳовуз,  
Отингиз ўтади почча.  
Қизни олиб кетишга,  
Кучингиз етади почча.*

Халқ маиший турмушида лирик кўшиқлар баъзан ҳам ритуал, ҳам бадий-эстетик функцияларни айнан бир пайтда бажарадилар. Масалан, от култига инонч излари йиғи-йўқлов маросимларида ҳам ўз бадий ифодасини топган.

Олима М. Алавиянинг қайд қилишича, бойвачча ўлганда онаси, хотини, синглиси, янгаси унинг отини тузаб, кийимларини отга ташлаб, атрофида айланишиб, йиғлайдилар, шунда от кўзига ҳам ёш келади:

*Минган отинг кўкмиди,  
Кўк бедаси йўқмиди?  
Болаларинг мунғайиб,  
Ҳеч армонинг йўқмиди?*

Бу одат **отга давр солиш** деб аталган.

Ривоятларга қараганда, Оллоҳ йиғлаш фазилатини от, ит, одамга, кулиш қобилиятини эса фақат инсонга ато этган экан. Халқ афсона, ривоятлари, дostonларида отларнинг ҳам йиғлагани баёни кўп учрайди. Бундай ҳолат ўзбек фольклорини яхши билган Тоғаймуроднинг «От кишнаган оқшомда» қиссасида ҳам ўз ифодасини топган.

Ривоят, афсоналардан ташқари укаси Абдухалил вафот этганида, Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳам аёллар

«отга давр солиш» маросимини ўтказганлиғни дарду алам билан куйлаган(Қ.И., инв№ 9353. — Б.57).

Сибирдаги ва Марказий Осиёдаги туркийлар ҳаёти, этнографиясини ўрганган В.В. Радлов қозоқларда ҳам шундай одат мавжудлиғини айтиб ўтган(174.— С. 282).

Биз суҳбатдош бўлган кўпгина кексалар ўтган асрнинг 50-йилларида ҳам республикамизнинг йилқичилик ривожланган туманларида **отга давр солиш** одати — маросими ўтказилгани ва уларда махсус йиғилар айтилганини эслайдилар. Бу маросимларнинг барчасида маросимдан сўнг марҳум отининг думи кесилиб, ўз ихтиёрига қўйиб юборилган ва унга ҳеч ким тегмаган. Кесилган дум от эгаси марҳумлиғини англаган. Бизнингча, от билан боғлиқ бу одатлар қадимда марҳумларни оти билан бирга кўмиш маросимининг кейинги даврлардаги трансформацияга учраган кўринишидир.

Э. Тайлор қадимда кўпгина халқларда жангчиларни оти, хотини, буюмлари, озиқ-овқатлари билан бирга дафн этиш одатлари бўлганлиғини аниқлаган(208.— С.359). Қизиги шундаки, Р. Тагор ҳикояларида ҳиндларнинг эр киши ўлса, уни хотини билан ёқиш одати ўтган асрнинг бошларида ҳам мавжудлиғини ҳикояларида жуда ёрқин тасвирлаб берган. Бизнингча, марҳумларни оти, хотини ва ҳ.з.лар билан кўмиш анаъанаси анимистик тасаввурлар, руҳларнинг у дунёда ҳам яшашларига инонч билан боғлиқдир.

От култига ишонч турли иримлар билан боғланиб кетади. Масалан, Европа халқларида тушда от кўриш эротик фаоллик сифатида талқин қилинар экан. Ўзбек халқ кўшиқларида ҳам шу маънони ифодалашда от образи қўлланганини кўриш мумкин:

*Газмолдан бор белбоғим бувадиган,*

*Бир отим бор бияни қувадиган.*

*Беш туя, олти арава ўланам бор,*

*Тенг ярмиси баҳорда тувадиган(153. — Б.93).*

Шу ўринда от поэтик образи муносабати билан «Алпомиш» достонига яна бир мурожаат қилсак: Бойчибор

пойгада голиб келгач, «...қизлар отни елдириб, соғутиб турибди, оп кеп **якка михга** бойлади, тери қотди». Бу кўчирмада биз учун муҳими **якка мих**, яъни от қозиги деталидир. «Алпомиш» яратилган вақт билан юқорида Зоир шоир Орол ўғли айтган **якка мих** қоқиш ўртасида қанчалик йиллар ўтмасин уларнинг ҳар иккиси бир тарихий асосга боғланади. Яъни **якка мих** оила, юрт рамзидир. Бу «От айланиб қозигини топар» мақолида ҳам ўзифодасини топган. Достонда **якка мих** детали орқали от культининг эротик фаоллик билан боғланиши ҳам жуда образли тасвирланган: Кайқубод Товка ойимнинг елкасига кетаётганда у шундай дейди:

*«Кайқубод не чоғли бордир илиминг,  
Орқамга ботади ғундор туюнинг,  
Киссангда бормиди суяк чилиминг,  
Гапирма, Кайқубод келди ғижиним...»*

Бу сўзни эшитиб шоҳнинг қизига қараб, Кайқубод бу сўзни айтиб турган экан:

*Бу юришим, дилбар, сенга ўтади,  
Худо берган **якка михим** ботади.  
Жуда сени безовта ҳам этади,  
Ҳар замон хаёлим олиб кетади...».* 12

Ўқувчига бахши якка мих деганда, нимани назарда тутгани изоҳсиз ҳам аён бўлиб турибди.

Айтилган фикр-мулоҳазалардан сўнг мавзумиз аввалида чақалоққа илк бор кўйлак кийгизаётган момолар уни нима учун от қозигига кийгазиб олганларининг рамзий маъноси тўла равшанлашади. Гап шундаки, мулоқот(контагиоз) магия қондасига кўра, от қозиги билан ўзи ўртасида доимо магик алоқа сақланади. Шу сабаб қозиққа кийгазилган кўйлак анъанавий тасаввурларда, тўкинлик, соғлиқ, эротик фаоллик, серфарзандлик, оила, меҳроқибат ғоялари билан боғланади.

Маълум бўлмоқдаки, ҳосилдорлик культлари рудиментлари халқимиз маиший турмуши, этнографияси ва кўшиқ ижодкорлигида бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган. Халқ лирикаси намуналарини тарихий асосларига кўра, ҳосилдорлик культлари инончлари билан



қийёсий ўрганишимиз натижасида қуйидаги умумий хулосаларни айтиш мумкин:

1. Ўзбек халқ лирикасининг генезисида тотемизм, шомонлик, магиялаларга нисбатан ҳосилдорлик культлари инончи етакчи аҳамият касб этган. Аждодларимиз анъанавий дунёқарашида ўсимликлар, дарахтлар серҳосиллиги, жониворлар серпуштлиги, аёлларнинг серфарзандлиги бир-бирига магик ижобий таъсир кўрсатган. Ҳосилдорлик культларига эътиқод ва инсонларнинг бош мақсади тўкин ва серфарзанд яшашга эришувдан иборат бўлган.

2. Ўзбек халқ лирикасида ҳосилдорлик культлари рудиментларининг поэтик қайта идрок этилишида сув поэтик образи биринчи ўринда туради ва халқ маросим, урф-одат, иримларида ҳам сув ҳозиргача фаол қўлланилади. Қўшиқларда сув ва унинг аналогларининг поэтик образлари генетик жиҳатдан сув култи билан боғлиқ бўлганлиги учун сув образи воситасида севги, интим майллар, оила ва фарзанд ғоялари ифодаланади. Инсоннинг бой қалб кечинмалари куйланади.

3. Халқ лирикасида сув култи каби фаол бўлмасида, олов култининг рудиментлари ҳам маълум даражада ўз бадий ифодасини топган. Олов поэтик образи лирик қахрамоннинг қалб кечинмалари, одатда, изтиробларини ва пировард мақсадда севги, оила, фарзанд ғояларини куйлашга хизмат қилади. Бу хусусият халқ қўшиқларидаги оловнинг аниқловчилари – тараша, чўғ, тутун, кул, шам, чироқ, ёниш-куйиш образлари учун ҳам хосдир.

4. Анъанавий халқ лирикасининг яратилиши ва намуналарида хотин-қизлар образи етакчидир. Улар қўшиқларда гул, турли ўсимликлар, мевали дарахтларга қийёсланади, тенглаштирилади. Бунинг асосида ҳам тарихан мифологик дунёқараш ва ҳосилдорлик культларининг объектлари ётади.

5. Кузатишларимиз лирик характердаги меҳнат қўшиқларидаги майда ва Бобо Деҳқон образларининг тарихий асосларида ҳам халқнинг ўсимликлар руҳи, уларни аёл

ва эр жинсидан иборат деб тушунган инончлари туришини кўрсатади. Ҳозиргача ғаллачилик, нон билан боғлиқ бўлган маросимлар, иримлар, урф-одатлар ҳосилдорлик культларига инончнинг воқе бўлишидир. Анъанавий дунёқарашга кўра мевали дарахтлар ва мевалар аёлларнинг бахтли, серфарзанд бўлишига магик таъсир кўрсатади деб тушунилган ва бу инонч қўшиқларда ҳам ўз бадий ифодасини топган.

6. Халқ лирикасидаги боғ, мевали дарахтлар ва мевалар, жумладан, олма, анор поэтик образлари севги кечинмалари, интим майллар, оила, фарзанд ғояларни ифодалашга хизмат қилиб, кўплаб бадий-эстетик маънолар ташийди.

7. Ўзбек халқи турмушида рудиментлари яқин-яқингача сақланиб қолган от культининг бадий ифодалари лирикадаги поэтик от образиди жуда равшан кўринади. От поэтик образи тарихан магия, шомонлик, ҳосилдорлик культлари билан боғлангани учун қўшиқларда ҳам бахтли ва фаровон турмуш истакларини ифодалайди.

## V. БЎЛИМ. МИФ. МАРОСИМ. КЎШИҚ.

**Миф ва кўшиқ.** Биз монографиямизнинг аввалги бўлимларида миф, маросим, урф-одатлар муносабатига турли массалалар муносабати билан у ёки бу даражада тарқоқ ҳолда тўхталиб ўтдик. Ушбу бўлимда яқун сифатида бу муаммога яна бир қайтишни лозим топдик. Шу боис мулоҳазаларимизда баъзи такрорлар бўлиши табиий.

«Қадимий дунё мифини тўла тушуниш учун, — дейди Э.Б. Тайлор, — фақат аргументлар, фактлар кифоя қилмайди, бунинг учун теран поэтик ҳиссиёт ҳам зарур» (208. — С.142). Ҳиссиёт, жумладан, поэтик ҳиссиёт инсонларга энг қадимий даврлардан ҳозиргача ҳамроҳ, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Мифларнинг жаҳон динлари, саънати, оғзаки ижодидаги улкан аҳамияти бугунги кунда исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. Мутахассислар барча халқлар ижодида мифлар мавжудлигини ёки тарихида албатта бўлганлигини эътироф этадилар. Фольклоршуносликдаги мифологик мактаб тарафдорлари барча халқлар оғзаки ижоди генезисида мифлар туради, деган ғоя тарафдорлари бўлганлар. Мифлар ва уларнинг мажмуи — мифология ҳақида ҳам фанда турли туман қарашлар кўп(143). Кўпчилик олимлар мифлар асосида табиатни жонлантириш, маросимлар, эротик қарашлар ва ҳ.з.лар ётади, деб турлича талқин қиладилар. Масалан, Э. Тайлор: «Биз учун метафора бўлган нарса маданиятнинг қуйи даражасида турганлар учун маросим бўлган», — дейди ва маросимларни мифлар билан боғлайди (208. —С. 494). С. А.Токарев эса қадимги илк мифлар диний бўлмаганини айтади. Мифлар ҳақидаги қарашлар баъзан бир-бирларини тўлдирса, баъзан бир-бирларини бутунлай инкор этади.

Туркий халқлар мифлари деярлик ўрганилмаган соҳа. У ҳақда сўз юритган олимлар кўпинча «Авесто»даги миф-

лар билан чекланадилар. Сўнги йиллардагина С.Г.Кляшторный VIII – X асрларга оид туркий ёдгорликлар матнларини тадбиқ қилиб, уларда қадимги туркийларнинг уч мифологик туркуми парчалари мавжуд деган хулосага келади(227. – С. 117-136).

Туркий халқлар мифологияси хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки кўринишда бўлсин, бизнинг давримизгача соф ҳолда етиб келмаган. Бироқ халқ эртаклари, дostonларида мифологик тасаввур рудиментлари кўп учрайди. Мисол учун ўзбек халқ эртакларида энг кўп қўлланиладиган анъанавий зачини олиб кўрайлик: «Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан, тошбақа тарозибон экан, қурбақа ундан қарздор экан».

Маълумки, мифологик тасаввурларга кўра, инсон билан ҳайвонот, ўсимликлар, жонли-жонсиз предметлар ўртасида қатъий чегара йўқ. «Айрим қабилалар мифлари зачинида, — дейди Е.М.Мелетинский, — баъзан «бу ҳайвонлар ҳали одам пайти бўлган экан», — деган шаклни кўп учратиш мумкин».

«Бор экан-да, йўқ экан...» — бизга маълум бўлган мифлар зачинида бу нарса учрамайди. У тараққиётнинг кейинги, мифнинг ҳаққонийлигига шубҳа туғилган, эртақ шакллана бошлаган даврлар учун хос бўлиши керак. «...оч эканда, тўқ экан...» — бирда оч, бирда тўқ бўлиш инсонлар ва ҳайвонларда доимий бўлиб турадиган физиологик ҳолатдир. «...бўри баковул экан, тулки ясовул экан...»

— тотемизм, шаманизм ва мифлардаги эврилишлар қонуниятига кўра, бўрининг баковул, тулкининг ясовул бўлиши табиий ҳисобланади. «...қарға қақимчи экан экан, чумчуқ чақимчи экан...» — М.Б.Кенин —Лопсон: «Туваликлар мифологиясига кўра, қарға баъзан шомонлар билан ёрдамчи руҳ ўртасида алоқачи бўлган», — дейди. Ўзбеклар ҳам қарғанинг қағиллашини бирор ёмонлик бўлишига таъбир қиладилар. Демак, эртақдаги қарғанинг қақимчилиги ҳам мифологик тасаввурлар билан боғлиқ.

Айтилган мулоҳазаларга кўра, қарга қақимчи, яъни қуш-ноч бўлиши мумкин. Ибтидоий тушунчаларга кўра, биз қушларнинг ер билан осмон ўртасида воситачилар бўлиши мумкинлигини илгари ҳам айтган эдик. Шу сабаб икки дунёга хабар етказувчи чумчуқ чақимчи бўлиши табиий. «... тошбақа тарозибон экан...» — баъзи халқлар мифларига кўра, дунёни сувдаги тошбақа кўтариб юради(61. — С.68). «...қурбақа ундан қарздор экан» — қурбақа ҳам айрим халқлар мифларида сувда дунёни тутиб турувчи деб тушунилади(61. — С.66). У тошбақага яқин образ, ҳатто вазифаси жиҳатидан тенг. Мифлар қайта мулоҳаза қилинган эртақларда қурбақанинг тошбақадан қарздор бўлиши ҳам эртақ қонуниятига мос келади. Кўри-ниб турибдики, миф ва эртақ бир-бирига жуда яқин турадиган ижод ҳодисаларидир. Шунингдек, афсоналарнинг мавзу жиҳатдан бир турида мифологик талқинлар кучли бўлгани учун улар фанда «мифологик афсоналар»<sup>13</sup> деб юритилади ва улар ўзбек фольклорида ҳам мавжуд. Мутахассислар мифларни ибтидоий динларга муносабатларига кўра анимистик, тотемистик, шомонистик, магик-шаманистик турларга тасниф қиладилар.

Кейинги йилларда ўзбек фольклоршунослигида дев, ялмоғиз, пари образлари, олқиш, қарғиш жанрлари, мотам маросими фольклори, миф, фольклор, адабиёт муаммоларига бағишланган қатор номзодлик диссертациялари, рисоалар юзага келдики, бу ўринда уларнинг барчасига батафсил тўхталиш иложи йўқ. Аммо бир нарсани қайд этиш лозимки, бу ишларда мифологик қарашлар рудиментларининг ҳозир ҳам кўпгина фольклор жанрларида маълум даражада сақланиб, бадиий ифодалари мавжудлиги ёритиб берилган.<sup>14</sup> Биз эса бутун монография давомида халқ лирикаси мисолида магик-мифологик тафаккур рудиментларининг бадиий ифодалари мавжудлигини кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Мифлар халқ лирикасининг шаклланишида ҳам муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилгани учун В.Вунд : «Поэзия билан миф ўртасида мустаҳкам алоқа мавжудлигига шубҳа қилиб бўлмайди», — дейди. Кузатиш-

ларимиз бу фикр узоқ асрлар давомида халқ лирикаси учунгина эмас, яқин-яқинларгача ижод ва ижро этилган халқ кўшиқларига ҳам хослигини кўрсатади. Миф ва халқ лирикаси ҳақида фикр юритар эканмиз, Я.М. Голосовкернинг қуйидаги фикрини яна бир бор такрорлашни истар эдик: «Мифологик тафаккур, - дейди олим, - тассавур ҳукмронлигида пайдо бўлган тафаккурдир. Тассавур примитив фаолият тафаккури эмас, балки олий тафаккур шакли, бир пайтнинг ўзида ҳам ижод, ҳам билиш хусусиятига эга бўлган шаклдир» (48 – С. 11-12).

Қадимги эллинлар дунёни тасаввурлари ёрдамида билганлар. Я. Голосовкер хулосасига кўра, миф мантиғи истак қонуниятига асосланади. Бу қонуниятга асосан: истак учун чегара йўқ; истак учун мумкин бўлмаган иш ҳам йўқ (48. – С.23). Олим тўғри таъкидлаганидек, мифологик тафаккур қобилияти бутунлай сўниб кетмаган, балки ҳозир ҳам мавжуд. Биз бу фикрни ҳозирги замон кишиси тасавури ва истаклари даражаси архаик даврлардаги одамларникидан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас деб тушунамиз. Шу боис ўзбек халқ кўшиқ-ларининг кўпгина намуналари тасаввур ва истак қонуниятига асосида яратилганини кўрамиз:

*Дарёнинг ўртасидан йул соламиз.*

*Қизил гул новдасидан уй соламиз...*

*Қалдирғоч қанотига қил боғлади,*

*Бизнинг ёр келмасликка бел боғлади...*

*Сой ичида сандиқча,*

*Сув уларнинг тахтидир.*

*Боши тўла заркокил,*

*Суйганининг бахтидир.*

Илмий мантиқ жиҳатидан айтилганлар бўлиши мумкин эмас. Поэтика нуқтаи назаридан эса дарёнинг ўртасидан йул солишни – кўприк қуриш, яъни висолга етишиш, гул новдасидан уй қуришни – оила қуриш, муболаға, қалдирғоч қанотига қил боғлаганини – кўчимнинг бир кўриниши, сув тахт бўлганини – фантазия

маҳсули деб қарашимиз мумкин. Онгимиз турлича тафаккурлар қатламларидан иборат бўлгани учун бундай қўшиқларни тинглаганимизда беъмани гап эшитгандай таажжубга тушмай, табиий қабул қилиб кетаверамиз. Мифологик тафаккур, айниқса, болаларда равшан кўринадиди. Ҳайвонларнинг сўзлашуви, гулларнинг кулиши кабиларни биз жонлантириш поэтик саънати деб билсак, болалар бунга ишонадилар.

Мифологик тафаккур нуқтаи назаридан юқоридаги қўшиқлардаги барча воқеалар бўлган ҳодисалардир. «Поэзияда тасаввурнинг оддий ўйинларигина деб билинган нарсаларни, — дейди В. Вунд, — миф ҳақиқат деб қабул қилади». Мифлар учун бўлмайдиган нарсанинг ўзи йўқ, шунинг учун миф қаҳрамонлари лаҳзаларда балоғат етадилар, дунёлар орасидаги масофаларни лаҳзаларда босиб ўтадилар. Мифларнинг бу хусусиятлари халқ лирикасида из қолдирган ибтидоий динлар ва муболағали ифодаларда ҳам жуда равшан кўринадиди.

Фарғона, Хоразм водийларида «Бирингда кўрдим бир бекач» ёки «Бирингда кўрдим бир пари» мисраси билан бошланувчи халқ қўшиғи ўнлаб вариантлари билан жуда кенг тарқалган:

*Бирингда кўрдим бир пари,  
Кокилларинг дур ҳайдари,  
Ўзинг жувоннинг сарвари,  
Ёр мунча зор этдинг мени,  
Кимларга хор этдинг мени.*

*Икки ёшда етилибсан,  
Оқ буғдойдай ситилибсан,  
Кимга тақдир битилибсан,  
Ёр мунча зор этдинг мени,  
Кимларга хор этдинг мени.*

Қўшиқ вариантларида ёрнинг етти, ўн, ўн беш ёшгача бўлган таърифи баён этилади. Унинг ўттиздан кейин ҳар ўнлик ёш — қирқ, эллик, олтмиш, етмишгача таъриф қиладиган юмористик вариантлари ҳам бор.

Қўшиқдаги бир, икки ва ҳ.з. кунларни тўғри тушун-  
сак, хато бўлади. Чунки қиз бола ҳеч қачон бир ёшида  
балоғатга етмайди. Одамнинг кун сайин, соат сайин  
ўсиши мифологик тафаккурга хос бўлгани учун биз унда  
унинг элементларини кўрамиз.

Мифлар мантиғи мўъжиза мантиғи бўлгани сабабли  
улар учун тириклар ва марҳумлар дунёси ўртасида ҳам  
чегара бўлмайди. Бундай ҳолатни мотам ёр-ёрлари ми-  
солида кўриш мумкин. Фольклоршунос Б. Саримсоқов  
шундай деб ёзади: «Масалан, турмушга чиқиб, ўзидан  
жамиятда бирор из қолдирмаган балоғат ёшидаги қиз  
бевақт оламдан ўтди, дейлик. Бундай мотам маросимида  
ўзбекларда (кўпроқ Фарғона водийсида) ёр-ёр айтила-  
ди».

*Салом эй барно қизим,  
Хуш келибсиз, ёр-ёр.  
Меҳмон бўлиб, бу дунёга,  
Хуш келибсиз, ёр-ёр.  
Ойим қизи сочлари  
Қаро толга ҳалинчак.  
Ойим қизи кетади,  
Қаро ерга келинчак.*

Қўшиқда у дунёдагилар ролини бажарувчилар номи-  
дан марҳумага, хуш келибсиз дейилмоқда. Бизга кито-  
бимиз давомида айтилган мулоҳазалардан маълумки,  
ҳалинчак, тол, келинчак атамалари қўшиқларда севги,  
оила, фарзанд тушунчалари билан боғлиқ бўлади. Аммо  
бу қўшиқдаги толнинг **қаро** сифати тобутни билдиради.

Ўтган асрнинг 50 –йилларида биз болалигимизда  
Ғаллаорол тумани Болғали қишлоғида яшовчи уста Аб-  
диқодир деган кишининг юқори синфда ўқийдиган  
Ортиқ исмли қизи вафот этганида, мактабимиз унинг  
уйига яқин бўлгани учун ўқитувчилар таъзияга олиб бо-  
ришган, шунда буй қизлар ясанишиб, қандайдир қўшиқ  
айтишганини эслайман. Энди ўша қўшиқлар мотам ёр-  
ёрлари бўлса керак, деб ўйлайман.

Этнограф В.К.Соколова марҳум қизни қабристонга  
келин сифатида узатиш маросимининг қадимги славян-



ларда ҳам мавжудлигини айтиб, қуйидагиларни ёзади: «Марҳум қизни келинчаклардай кийинтирганлар. Дугоналари унинг жасадини гулчамбар ёнига кузатиб борганлар, йиғиларда доимо уни келинчак, оққуш деб атайдилар».

Бир пайтлар мордвинларда қиз бола турмушга чиқмай вафот этса, унинг бирор дугонаси қиз ўрнига келинчак, бирор йигит эса куёв бўларкан. Уларнинг ҳар иккиси тўй либосларини кийиб, марҳум билан бирга қабристонга борганлар. Марҳум кўмилиб, қиз отаси энг охирида қабристондан чиққач, одамлар тўй қўшиқларини куйлашиб, ўша «келин ва куёв билан» қишлоққа қайтишган. Дуч келган одамлар уларни табриклашган. Аммо марҳумнинг уйига келишлари билан ўйин-кулгу тўхтаб, аза бошланган.

Аҳмад Яссавийнинг шогирди ҳисобланмиш турк адабиётининг йирик намоёдаси Юнус Имро(1240-1320) шеърларидан бирида барча марҳумларнинг келинчакка ўхшатилиши бежиз эмас:

*Юнус айтар: арзи дилим,  
Тангридир сўзлатган тилим,  
Ўлимга бу бари келин,  
Сутдек оқ чехралар ётар.*

Марҳумларни тирик деб имитация қилиш маросими ҳақида С.А.Токарев шундай дейди: «Чувашлар, мари-лар, удмуртлар, мордвинларда хотирлаш йиғинига марҳумни ҳам таклиф қиладилар, унинг келиши саҳналаштирилади: марҳум қариндошларидан бири унинг кийимини кийиб марҳум ролида бўлади(212.— С.182).

Марҳумларнинг бу дунёга келишига ишонч излари ўзбек халқ қўшиқларида ҳам истак сифатида сақланиб қолган:

*Оқ туя, ола туя,  
Бўтанг қани, ёр-ёр?  
Қалам қошли келинчак,  
Отанг қани, ёр-ёр?  
Остонангнинг остида,  
Отанг ётар, ёр-ёр.*

*Оқ, бўз отни юборсанг,  
Келмай ётар, ёр-ёр.  
Бориб айтинг Жаброил  
Бекларига, ёр-ёр.  
Отасини юборсин,  
Тўйларига, ёр-ёр.*

Қадимгилар дунёқарашида остона дунёлар ўртасида чегара деб тушунилган ва қўшиқдаги Жаброил бекларига, отасини юборсин, деб мурожаат қилиниши, ислом таълимотга кўра, Жаброилнинг Муҳаммад пайғамбар (в. а. с.) билан Оллоҳ ўртасидаги воситачи фаришта эканлигига ишончдан келиб чиққан.

Шу ўринда, чақалоқни илк чўмилтириш, келинчакни ритуал ҳаммомга олиб кириш, мархумларни ювиш маросимлари, уларда айтиладиган қўшиқлар мифологик тафаккур билан боғлиқ бўлиб, ҳар учаласи инсоннинг бир сифатда ўлиб, бошқа сифатда қайта туғилишини билдиради. Кўриниб турибдики миф ва маросим тарихан ўзаро мустақкам боғлиқ ва бу қўшиқларда ҳам ўз ифодасини топган.

**Маросим, урф** — одатлар ва қўшиқ. Биз бутун монографиямиз аввалидан халқ лирикасининг тарихий асослари муносабати билан маросимлар, урф-одатларга имкон қадар тўхталдик. Ибтидоий динлар, қадимги тушунча ва эътиқодлар нафақат халқ лирикаси, балки умумжаҳон фольклорининг ҳам тарихий асослари бўлган, деган хулосага келдик. Агар миф, ибтидоий —архаик динлар билан боғлиқ тушунча ва тасаввурларни, жумладан, халқ лирикасининг тарихий асосларини содда ҳолда, гуллар, дарахтларнинг илдизларига ўхшатсак, уларни ифодалаган маросимларни новдалар, баргларга, гунчаларга қиёслашимиз мумкин.

А.Н. Веселовский халқ лирикасининг поэтик қурилишини «услужий Домострой» деб изоҳлаган эди. Бу атама ҳозирги рус тили учун ҳам анча бегоналашган бўлиб, қадимги рус ёзма ёдгорликлари, тирикчилик қоидалари, хулқ-атвор тўғрисида битилган насиҳат тўпламларини англатади. Ибтидоий динлар шаклланиб, халқ оғза-

ки ижоди учун ҳам, «Домострой», пойдевор, дастлабки тарихий асос, содда қилиб айтганда, хомашё вазифасини ўтаган.

Биз умумфольклор деганда, халқ оғзаки сўз санъатинигина тушунмаймиз, балки мусиқа фольклори, рақс фольклори, халқ драмаси, халқ амалий санъати соҳалари ҳам шу тушунча доирасига киради. Қадимда бу соҳаларнинг барчаси маросимларнинг ҳаракат, буюмлар ва сўз таркиблари бирлигида мужассам бўлган. Шу боис ҳозирда фольклорни маиший йўналишига кўра, маросим ва номаросим турларига тасниф қиламиз. Маросим фольклорининг номаросим фольклоридан фарқи шундаки, маросим фольклорида амалий мақсад, номаросим фольклорида эстетик мақсад устивордир. Бошқача қилиб айтганда, тарихан номаросим фольклори маросим фольклоридан ўсиб чиққан.

Ўзбек фольклоршунослигида номаросим фольклори ўтган асрнинг 90-йилларигача махсус тадқиқ этилмади. Шундан сўнг ва ҳозиргача маросим фольклори тадқиқи шу даражада тез ривожландики, натижада этнофольклористик йўналиш тадқиқотларнинг муҳим методларидан бири бўлиб қолди. Маросим ва миф ҳақида фанда, асосан, икки хил қараш мавжуд. Айрим олимлар аввал миф, бошқа бир гуруҳ вакиллари эса, дастлаб маросимлар пайдо бўлган дейди-лар(212.— С. 507 -588). С.А. Токарев аввал маросимлар пайдо бўлган, деган қарашларни ёқлаб, эътиқод тушунчадан келиб чиқади, маросим шу эътиқодни амалда ифодалайди, миф эса изоҳлайди, дейди(212. — С.531).

Ҳозир фандаги беҳисоб тортишувларга қараб, маросим аввал пайдо бўлганми ёки мифми, бу ҳақда бир нима дейиш қийин. Аммо маросим ва мифлар оғзаки сўз санъанти ривожда тарихий асос вазифасини ўтагани ҳақиқатдир. Негаки, ибтидоий динлар ҳақидаги тушунча ва тасаввурлар илк бор мифлар ва маросимларда ўз ифодасини топган, яъни ўзига хос «моддийлашган». Бизнингча, тезис сифатида барча санъатлар, жумладан, сўз санъатининг пайдо бўлиши босқичларини шундай

ифодалаш мумкин: тушунча - тасаввур - маросим - миф - дин (анимизм, тотемизм, шаманизм, культлар, патронимия, дунёвий динлар) саънат(жумладан, фольклор саънати). Албатта, бу тезисимиз сўз саънатиининг пайдо бўлишида ибтидоий маданият давридан бошлаб, ҳозиргача реал ҳаёт тажрибаларининг таъсирини заррача инкор этмайди.

Маросим ва лирика муносабатлари жуда кенг ва мураккаб муаммо. Айтиш мумкинки, халқ лирикаси сўз саънати сифатида шаклланиб бўлгандан кейин ҳам, маросим таркибидаги лирик қўшиқларнинг маросимдан ташқарида ҳам қўйланиши ёки аксинча, лирик қўшиқларнинг маросимлар таркибига сўз қисми сифатида киритилиши жарёни жуда ривожланган. Бугунга келиб эса, кўпгина маросимлар унутилган бўлса-да, улар таркибидаги лирик қўшиқлар у ёки, бу шаклда мустақил яшамоқда.

Маълумки, маросим, аввало, амалий аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам маросимлар таркибидаги фақат амалий мақсадларга қаратилган айтимлар, қўшиқлар маросимлар йўқолиши билан табиий равишда унутилади. Кинна, бадик, сушт хотин каби маросимлар ва уларнинг вербал – сўз компонентлари бунинг ёрқин мисолидир. Бироқ маросим таркибидаги айтимлар, қўшиқлардаёқ халқ лирикасининг илк шаклий ва мазмуний асослари – ритм, мусиқа, вазн, поэтик такрорлар, жонлантириш, сифатлаш, синекдоҳа, ритмик – синтактик параллелизмлар ва бошқалар мавжуд бўлади. Биз ушбу ўринда халқ лирикасининг тарихий асосларига кўра, маросимлар, урф-одатлар билан боғлиқлигини кўрсатиш учун айрим мисоллар билан чекланамиз:

Фольклоршунос Ю.И.Юдин рус халқ лирик қўшиқларидаги ота-она уйини соғинган ёш жувон образининг тарихий асосларни ўрганиб, унда жуда қадимий бир одат ўз бадий ифодасини топганлигини кўрсатиб берган. Бу қадимий одатга кўра, ёш жувон бир ёки икки йил турмуш қургач, узоқ муддатга ота-она уйига қайтган. Бу муддатда у эри билан деярли кўришмаган. М.О. Косвен ушбу одатнинг қадимда Кавказ, туркман, удмурт, бош-

қирд, бурят ва бошқа халқларда ҳам кенг тарқалганлигини аниқлаб, жувоннинг анча муддатга ота-она уйига қайтишини матриархатдан патриархатга, жуфт никоҳдан моногам никоҳга ўтиш, матрилокал жойлашувдан, патрилокал жойлашувга ўтиш даври билан боғлиқ, деган хулосага келган(120. – С.26-27). Изоҳ бериб ўтиш керакки, матрилокал жойлашув никоҳда куёнинг қиз уйига, патрилокал жойлашув қизнинг йигит уйига бориши демакдир. Яна бир муҳим факт: Т.В.Зуева маълумотларига қараганда, феодал жамиятгача бўлган даврларда никоҳ одатларида аёллар ташаббускор бўлган. Қизларнинг ўзларига қайлиқ танлашлари, совчилик қилишлари, ҳатто куёвларни қалин каби шартларни тўлаб, сотиб олишлари ҳам нормал ҳолат ҳисобланган(165. -С.52). Мазкур одатнинг ўзбек халқи тарихида ҳам бўлганлигини халқ эртаклари, лостонлари жуда яхши кўрсатиб берган. Масалан, кўпгина дoston, эртакларимизда маликлар ўзлари шарт кўйиб, ўзлари эр танлайдилар.

Ўзбек халқ лирикасида ҳам аёлларнинг ота-она уйини соғиниш мотиви жуда ривожланган. Бизнингча, бунга юқорида М.О. Косвен айтган мулоҳазалар тарихий сабаб бўлган. Негаки, ўзбекларда тарихан уруғ доирасидаги никоҳлар етакчилик қилган.Уруғ доирасидаги никоҳларда қиз бола узатиилганда ҳам ўз ота-онасидан унча йироққа тушмаган, аксинча яқин қариндошларига келин бўлган. Қўшиқларда эса бунинг аксини кўраимиз:

*Дарёга тош отманглар,*

*Ботар-кетар, ёр-ёр.*

*Узоққа қиз берманглар,*

*Олар— кетар, ёр-ёр.*

*Узоққа берган қизнинг*

*Ранги сариқ, ёр-ёр.*

*Кўзидан оққан ёши*

*Мисли ариқ, ёр-ёр.*

*Мисли ариқ мис бўлсин,*

*Сомон бўлсин, ёр-ёр.*

*Узоққа тушган синглим*

*Омон бўлсин, ёр-ёр.*

Қизиғи шундаки, биз келин бўлмиш нафақат қўшни қишлоққа, балки ўз қишлоғида бошқа бир хонадонга тушганида ҳам ушбу ёр-ёр қўйланганлигининг гувоҳи бўлганмиз. Демак, қўшиқдаги узоқ сўзининг поэтик маъноси лугавий маъносидан фарқ қилиб, бу қадимий одат билан боғлиқ.

Аввало шуни айтиш керакки, мисолимиздаги дарё ва ариқ ҳосилдорлик культи таъсирига кўра, оила, фарзанд тушунчалари билан уйғунлашади. Кекса моларимизнинг айтишларича, илгари қизлар сувга тош ташлаб, унинг чўкиш тезлиги, тош чўккан жойдаги доира тўлқинчалар миқдори, тарқалиш кенглигига қараб ҳам фол очишар экан. Агар сувга тош тез чўкса, қиз келин бўлган жойида тез сингишиб кетади, нечта тўлқин халқача пайдо бўлса, шунча фарзанд кўради, қанча кенг тарқалса, шунча кўп яшайди деб талқин қилишар экан Бундан ташқари халқимизда узатилаётган қиз изидан борган жойида тошдай ўрнашиб, ўз-ўзидан серфарзанд бўлиб, тинчиб кетсин деган мақсадда тош отиб қолиш одати ҳам бўлган. Шунинг учун «олма деб отган отам» деб бошланадиган қўшиқда ҳам отанинг золимлиги эмас, балки қиз тушган жойда олмадай мевали, яъни серфарзанд бўлсин деган мақсад ифодаси бор. Ана шу сабабаларга кўра, юқоридаги қўшиқда **узоққа** сўзи ҳам тарихан матрилокал жойлашишдан патрилокал жойлашувга ўтиш даврининг изи дея оламиз. Қиз уйига куёв келгандан кўра, қизнинг куёв уйига доимий яшаш учун борганда узоқлик нафақат масофани, балки ижтимоий маънони ҳам англатиши табиий.

Монографиямиз аввалларида тилга олинган қалин одатининг тарихий асослари ҳам ана шундай никоҳлар билан боғлиқ. Чунки қиз боланинг бошқа уруғга берилиши мулкнинг бир қисми бошқа уруғга ўтишига сабаб бўлган. Қалин олиш билан боғлиқ никоҳ кенг тарқалгани учун қалин миқдорини аниқлашда, аввало, никоҳланувчиларнинг уруғ бўйича яқинлиги аниқланган(246.-С. 309-336). Икки ака ёки опа-сингил, ака-сингил, ака-

опа, опа-ука болалари ўртасидаги никоҳ энг кўп тарқалган ва бу кўнгилдагидек иш бўлган.

Ўзбекларда қариндошлар ўртасидаги никоҳ афзаллиги халқ лирикасида ҳам ўз бадиий ифодасини топган:

*Оқ узум, қора узумни уздилар,*

*Ширасини тоғорага суздилар.*

*Кимнинг ўғли, кимнинг қизи дедилар,*

*Иккаласи холавачча дедилар.*

Туркий халқларда тарихан қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг кенг тарқалганлиги, қариндошлар ўғил-қизлари ёшлигидан унаштириб қўйилганлиги «Алпомиш» достонида Шоймардон бош қаҳрамонларга исм қўйилганидаёқ аниқ бўлса, кўшиқларда бошқачароқ ўз ифодасини топган:

*Оёғимда кавушим бор қадоғли,*

*Тегма бола, мен бировга адоғли.*

*Юрагимда сени яхши қурсам ҳам,*

*Қайга борсам, менинг изим сўроғли.*

Кўшиқдаги адоғли, из сўроғлиги(из магияси) бешикетти ёки ёшлиқдан бошига рўмол ўраб, қизни яқин қариндошига атаб қўйиш одатини англатади. Ҳозирда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг зарари тиббиёт фани томонидан исбот ва тарғиб қилиб келинмоқда. Бироқ қалин одати ўтган асрда ҳам, бугунги кунларда ҳам республикамизнинг турли ҳудудларида турлича шаклларда яшаб келмоқда. Масалан, Сурхон воҳаси кўнғирот уруғларида яқин-яқинларгача ҳам 40 минг сўм (1961 йилгача бўлган пул ҳисобида) қалин пули сўралган. Бу йўлдан ўн мингги пайғамбарлар йўлига кечилган, яна ўн мингги Биби Фотимга бағишланган. Қолган 20 минггига бир тўққиздан рўмол, белбоғ, дўппи, кўйлак ва бошқа нарсалар олиниб, барчаси тўй куни одамларга тарқатилган. Самарқанд ва Жиззах вилоятининг кўпгина туманларида қиз фотиҳа қилинган куни тўйида қалин пулидан тўйга келган ёшу қаригача тарқатиб чиқиш одати бизнинг кунларимизгача сақланиб қолганки, ўзимиз ўсиб —улғайган Фаллаорол тумани тўй маросимлари мисолида бу одатнинг жуда кўп марта гувоҳи бўлганмиз. Шу-

нингдек, бу туманда, кексалар вафот этишганда, жаноза кунни келганларга пул тарқатиш одати ҳозиргача мавжуд бўлиб, бу одат бизнинг никоҳ ва жаноза маросими моҳияти бир нарса, яъни инсоннинг бир сифатдан, иккинчи сифатга ўтишини қайд этиш бўлган деган хулосамизни яна бир бор тасдиқлайди.

Биз қалин одатини маъқуллаш, тарғиб ёки инкор қилмаймиз. Чунки у бизнинг фикримиздан ташқари мавжуддир. Унинг бадиий ифодалари эса халқ лирикасида ҳам ўз ифодасини топганини яна бир бор қайд этамиз.

Маросим, урф-одат, иримлар турлича аммо бир-бири билан боғлиқ тушунчалардир. Улар ҳақида адабиётларда етарлича фикрлар баён қилинган. Халқ лирикаси муносабати билан шуни айтишимиз лозимки, урф-одат, иримлар маросим таркибида ҳам, ундан ташқарида ҳам мустақил мавжуд бўлиши мумкин. Қизиғи шундаки, тарихан маросимлар таркибида бўлган баъзи кўшиқлар кейинчалик мустақил, маросимсиз ҳам куйланаверади:

*Бола: Жоним акажоним сиз бўласиз,*

*Менга тойчоқ олиб берасиз.*

*Хор: Ол кўзим анвар, гул шайдо,*

*Балогинанг урсин, олиб берамиз.*

*Бола: Жоним акажоним сиз бўласиз,*

*Тойчоққа жуган олиб берасиз.*

*Хор: Ол кўзим анвар, гул шайдо,*

*Тойчоққа жуган олиб берамиз...*

*Бола: Жоним бобожонлар сиз бўласиз,*

*Менгаям жонон олиб берасиз.*

*Хор: Ол кўзим анвар, гул шайдо,*

*Сизгаям жонон олиб берамиз.*

Биз от култи муносабати билан лирикадаги от образи ҳақида қатор мулоҳазаларимизни баён қилган эдик. Юқоридаги кўшиқ «Човқи» фольклор-этнографик ансамбли репертуаридан ёзиб олинган. Унда ҳозир унутилиб бораётган той совға қилиш маросими ўз ифодасини топган. Кўшиқдаги бола — маросим сабабчиси, хор —



маросим иштирокчилари, боланинг яқин қариндошларидир. Қўшиқ маъносидан болага безатилган той совға қилингани, боланинг ўзи ҳам шу муносабат билан байрамона кийинтирилгани ўз ифодасини топган. Қўшиқ болани уйлантиришга ваъда билан яқунланган. Унинг мазмунидан от култининг излари, оила, фарзанд ғояси билан боғлиқлиги равшан англашилиб туради.

**Қўшиқларнинг тарихий тақдир.** Лирика умумжаҳон маданияти, сўз саънатига хос тарихий-типологик, бадиий —эстетик ҳодисадир. Айна пайтда ўта миллий ҳар бир халқ лирикасининг моҳиятида шунчалар кўп типологик элементлар мавжудки, уларнинг барчасини санаб тугатиш қийин. Халқ қўшиқлари шаклан нозиклиги, мазмунан жозибаси, қўламдорлиги, тасаввуримиз, ҳиссётимизга бевосита таъсир қилиш фазилатлари билан ардоқланишга арзийди. Муҳими шундаки, уларда инсониятнинг азалий эътиқоди — жоннинг мангулик ғояси, орзу — армони — севги, оила, фарзанд, фаровон турмуш истаклари ўз бадиий ифодасини топган.

Биз билган халқ лирикаси оғзаки ижоднинг эпик, дарматик турларига нисбатан кейинроқ шаклланган. Унинг тараққиёти эса халқнинг ўз «Мени», яъни ўзини бир этник бирлик сифатида ҳис қилиш, такрор айтаманки, ҳис қилиши билан боғлиқ.

Ушбу монграфиямизда имкон қадар кўриб чиққан қадимий тушунча, эътиқодлар, улар билан боғлиқ маросимлар, урф-одат, иримлар халқ лирикасининг пайдо бўлишида тарихий асос, илмий таъриф билан айтсак, генезис вазифасини ўтаган. Унинг тўлиқ шаклланиши эса поэтик кўчимлар, мифлар, маиший турмушнинг идеаллаштирилуви, ўзига хос рамзлар тизими, лирик сюжетлар пайдо бўлиши каби омиллар билан боғлиқ. Шу нарсани қайд этиш лозимки, инсоният тарихида ижтимоий тенгсизлик устивор бўлиб келган бўлса ҳам, халқ лирикаси учун даҳрийлик, синфийлик, сиёсий кураш ғоялари умуман ётдир. Чунки руҳнинг мангулигига ишонч, эзгуликнинг, севги, оила, фарзанд, фаровон турмушнинг шу мангуликка етишнинг йўлла-

ри деб тушунилгани учун ундай қарашлар арзимас бир нарсаларки, бутун инсоният тарихи буни исбот қилиб келаётир.

Халқ лирикасида умуминсоний қадриятлар — меҳроқибат, севги, оила фарзанд, фаровонлик, марҳумларни хотирлаш ва буларга эришиш йўли — эътиқодлар, маросим, урф-одатлар, иримларнинг бадиий ифодалари етакчи ўринда туради.

«Бизнинг адабиётимизда, (яъни ХХ аср умумсовет фольклоршунослигида — изоҳ бизники) 30-80 йилларда, — дейди Б.Н. Путилов, — дostonчилик(оригиналда— сазителъства) тавсифида гоъвий фон шунчалар бир ёқлама ва бичиб— тўқилиш билан бўялган эдики, эндиликда кўпроқ уларни эътиборга олмаслик ва галвирдан ўтказиш йўли билан реал фактларга боришга тўғри келмоқда».<sup>15</sup> Йирик фольклоршунос олимнинг бу фикрини ўша давр ўзбек фольклоршунослигига ҳам тўлиқ тадбиқ этиш мумкин.

Мустақиллик туфайли ўзбек фольклоршунослигида ҳам «галвирдан ўтказиш йўли билан реал фактларга бориш» йўлга кўйилмоқда. Масалан, профессор Т.Мирзаевнинг «Халқ бахшиларининг эпик репертуари» ва «Эпос и сазителъ» монографияларидаги кўпгина мулоҳазаларни қиёслаган киши бунга ўзи гувоҳ бўлади.<sup>16</sup>

Аслида ўтмишга тош отиш яхши иш эмас. Аммо хатоларни била туриб тузатмаслик ёки эътироф этмаслик гуноҳдир. Шу жиҳатдан қаралганда, совет даврида яратилган кўшиқларнинг катта қисми анъанавий кўшиқларнинг гоъвий фонда бузиб-чатиб тўқилганини қайд этиш лозим:

*Кўкрагимда КИМ ёзилган нишон бор,  
Коминтерн байроғидир бизга ёр.*

Фақат ўзбеклар эмас, мақсади — оддий инсондай яшаб, бола-чақанинг орзу-ҳавасини кўриш бўлган ҳар бир халқнинг КИМу, Коминтерен билан қанчалик иши бор. Ёки :

*Юзимдаги чимматни  
Ташлаганим ташлаган.  
Шўроларнинг даврида  
Яшнаганим яшнаган.*

Вақтнинг ўзи шуни кўрсатдики, чиммат ташлаш учун махсус кампаниялар уюштириш шарт эмас экан. Шўролар сиёсати етиб бормаган жойларда ҳам чимматни замонинг ўзи олиб ташлаганини бутун дуне кўриб турибди. Гарчи анъанавий шаклларда яратилган бўлса ҳам, собиқ даврга нисбат берилган халқ қўшиқларининг кўпи сунъий бўлгани учун бадий жиҳатдан жуда ғариб:

*Колхоз-совхоз тузамиз,  
Социализм қураамиз.  
Ҳар бир бир чиққан душманга  
Сўнги зарба берамиз.*

Умумфолклор, жумладан, халқ лирикасини сохта-лаштиришнинг яна бир кўриниши анъанавий халқ қўшиқларига қўпол ўзгартиришлар киритиш ёки анъанавий формулаларга янгича мазмунни сунъий тиқиштиришда кўринади:

*— Сизни бригадир дейдилар,  
Бригадир акам, ёр-ёр.  
Сводкангизни бир кўрайин,  
Бригадир акам, ёр-ёр.*

*— Сводкамни кўриб нима қиласиз,  
Сиз, опажоним, ёр-ёр.  
Ҳамма илгари, мен тошбақа,  
Билмабмидингиз, ёр-ёр.*

Бу мисралар қанчалик сохталиги, бичиб-тўқилаганини исботлашнинг ҳожати йўқ, аммо унинг асл анъанавий намунаси дан парча келтириш лозим деб ҳисоблаймиз:

*— Сочингни узун дейдилар,  
Доно укам, ёр-ёр.  
Кўрсат сочингни мен кўрайин,  
Беҳол укам, ёр-ёр.*

*-Сочимни кўриб нима қиласиз,  
Сиз акажоним ёр-ёр.  
Бозордаги сочпопукни  
Кўрмабмидингиз, ёр-ёр.*

Советлар даврида яратилган намуналарда ўтган аср бошларидаги миллий озодлик ҳаракати босмачилик деб тарғиб қилинганининг ҳам ифодаларини кўп учратамиз:

*Шермат деган кўр экан,  
Аёғи ости кўр экан.  
Босмачини қийратган  
Отрядлар зўр экан.*

Бизнинг кузатишларимиз сиёсий тақиқларга қарамай, халқнинг миллий озодлик ҳаракати йўлбошчилари ҳақида ҳам ажойиб кўшиқлар яратганлигини кўрсатади:

*Шермат акам ўзи зўр,  
Ёнида ката маҳзур (маузер)  
Муродига етолмай,  
Айтиб кетди кўп узр.*

Бу фарғоналик кўрбоши ҳақидаги кўшиқ. Энди тожикистонлик лақай ўзбекларидан чиққан Иброҳимбек ҳақидаги мана бу кўшиққа эътибор беринг:

*Иброҳимбек насихат дер, сўзим боро,  
Дурбин гузашт шаҳараро.  
Кофир гўрда қўпоро,  
Соҳибқирон Иброҳимбек.*

Мисолимизда Иброҳим кўрбошининг ижобий талқин қилинишидан ташқари маҳаллий шароитга кўра, тожик тилига оид сўзларнинг учрашини қайд этиб ўтиш лозим. Устоз Т. Мирзаевнинг айтишларича, халқ бахшиси Нурмон Абдивой ўғли «босмачилар» ҳақида ижобий мазмундаги дoston куйлаган экан. Фарғона водийсида бўлганимизда, Иброҳимбек ҳақида ростми – тўқимами анча гаплар эшитганмиз. Масалан, у бир бева аёлнинг товуғини олиб чиққан энг яқин йигитини шартта отиб ташлаган экан.

Мустақиллик йилларида тарих фанимизда «босмачилик»нинг миллий озодлик ҳаракати эканлигини исбот-

ловчи тадқиқотлар жуда кўп яратилди. Бизнинг Ўрта Осиё Давлат университети, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети Шарқшунослик факультети илмий тўғарагининг 1928-йилда чоп этилган тўпламидан олинган юқоридаги мисолларимиз халқ бу ҳаракат моҳиятини аллақачон англаб етганлигини, мустақиллик ўз-ўзидан келмаганлигини билдиради. Шу ўрин-да яна бир нарсани қайд этиб ўтиш лозим: Ҳ.Ҳ. Ниёзий ижоди сохталаштиришларсиз ҳам ноёб бир ҳодиса. Бироқ унга нисбат берилиб, икки — уч авлодни чалғитиб келган «Ҳой-ҳой отамиз» кўшиғини эслаб ўтиш жоиз. Марҳум устозимиз, С.С. Қосимовдан эштишимизча, аслида бу кўшиқ Бухоро амирлари навкарларининг саф кўшиғи бўлган экан:

*Ҳой-ҳой отамиз,  
Амир бизнинг отамиз.  
Бизга ким қарши турса,  
Аямай қийратамиз...*

Биз бу кўшиқнинг юқорида тилга олинган Миллий университетимиз тўғараги тўпламида қуйидаги варианты учратдик:

*Амир бово отамиз,  
Соясига ётамиз.  
Большевиклар келганда  
Милтиқ билан отамиз.*

Ҳар қандай амиру, шоҳ, императорларни идеаллаштиришдан холи бўлиб, айтганда ҳам бу қиёслар халқ кўшиғи тақдирида нималар кечганлигини билишда муҳимлигини айтиш лозим.

Озми-кўпми фольклорий жараён доимо мавжуд бўлади. Фақат замонавий тараққиёт сабабли унинг намуналари анъанавий фольклор намуналари даражасига етмай қолади. Мисол учун шуни айтиш мумкинки, ўтган асрнинг 70—80 йилларида мактаб болаларини ойлаб Мирзачўл туманларига пахтага олиб келиш қонун даражасига етганда, областнинг партия котиби Тойиров деган бир киши бўлганда, Жиззах вилояти Ғаллаорол, Бахмал, Фориш тумани мактаб болалари ўз шеваларида шундай кўшиқ тўқиганлар:

*Обкомимиз Тойириб,  
Ота-энадан айириб.  
Обкетади пахтага,  
Ётқизади тахтага.  
Тахталари чирисин,  
Обкомлари қурисин.*

Я.Голосовкер: «Фақат маданиятдагина соф барқарорлик бор. Инсон учун барқарорликнинг мангу рамзи руҳдир. Мангулик ғояси йўқолса, ҳар қандай саънат ўлади, руҳнинг мангулиги ўлмаслик рамзидир»(48 -С.125), – деб, барча саънатлар жумладан ўзбек халқ анъанавий лирикасининг ҳам пайдо бўлиши, ривожини, келажагини тақдирини ифодалаб берган.

## VI. БЎЛИМ. МАҚОЛАЛАР

### ФОЛЬКЛОР ПОЭТИКАСИДА МУНДАРИЖА ВА МАЗМУН МАСАЛАСИ

Халқ оғзаки ижодида мундарижа ва мазмун ҳақидаги дастлабки мулоҳазаларимиз, бизнингча, фольклор, умуман, сўз саънатининг қадимий илдизлари мифологик қарашлардан бошлаб, ҳозирги асослари, ижро жараёнида воқе бўлиши масалаларини ойдинлаштириш, адабиётда ноэстетик ҳодисаларнинг бадиий-эстетик ҳодисага айланиши тарихини мукамал ёритишда муҳим асос бўлиши мумкин. Бизнингча, фольклор асарларидаги жиддий ўзгаришлар, ривожланиш ва сўниш дастлаб мундарижада бўлади, сўнгра мазмунда ўз конкрет ифодасини топади

Авалло шуни айтиш керакки, оғзаки ижоддаги барча жанрлар намуналарининг мундарижаси, уларнинг барча кўчма ва кўчимсиз маъноларидан иборат бўлиб, мазмуни эса маълум бир вазиятда ифодалаган ё кўчма, ёки кўчимсиз биргина маъносидан иборат бўлади. Фалсафа атамалари билан айтганда, мундарижа умумийлик, мазмун хусусийликни ифодалайди. Масалан, дostonларнинг эпик билим даражасида мавжудлиги уларнинг мундарижасини белгиласа, аниқ бир акт жараёнида мазмуни намоён бўлади.

Ана шундан келиб чиқиб, бизнинг дастлабки тезисимиз мазмуни шундан иборатки, тарихий — фольклорий жараёнда халқ хотирасидаги эпик билимлар доирасидаги дoston, эртақ, қўшиқ, мақол ва ҳ.з. жанрлар, улар сюжетини шакллантирадиган мотив ёки мотивлар тизими, сифатлаш, ўхшатиш, муболага каби бадиий тасвир воситаларининг эпик билим, эпик хотира даражасидаги мундарижаси ҳамиша конкрет вазиятда, матнда ифодаланган мазмундан кенг бўлади. Мундарижа қайд этилган ва этилмаган барча вариантларни қамраб олади.

Айтайлик, халқ бахшиси маълум бир вақтда, маълум бир ижро жараёнида, маълум бир дostonнинг айрим ўринларни тушириб қолдириши, дoston мазмунини ижро этиши мумкин. Аммо тингловчилар ўз эпик билимлари доирасида дoston мундарижасини, ўзлари билганича тиклаб кетаверадилар.

Биз ўз тезисимизни фольклорнинг ихчам шакл, аммо теран мазмунга эга жанри — тил, фалсафа ва бадиий ижоднинг ўзига хос ифодаси сифатида юзага келган халқ мақоллари мисолида тасдиқлашни дастлабки тўғри йўл деб ҳисоблаймиз. Негаки, ҳар бири тилимиз кўркини, нутқимиз нафосатини, ақл-фаросат ва тафаккуримиз мантигини ҳайратомуз бир қудрат билан намоёйиш этган ва эта олган мақоллар халқимизнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари ва маиший турмуш тарзининг бамисоли бир ойнасидир. Бу бадиий ойнада унинг ҳаётга, табиатга, инсон, оила ва жамиятга муносабати, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик ва фалсафий — диний, тарбиявий қарашлари, қисқаси, ўзи ва ўзлиги тўла намоён бўлган.

Мақолларнинг яратилиш асосида кишиларнинг инонч — эътиқодлари, дунёқараши, моддий неъматларни яратиш ёки уларга эришиш йўлидаги ҳаёт тажрибалари, ахлоқ — одоб қоидалари, оилавий ва ижтимоий муносабатлардан чиқарган хулосалари, аниқроғи барқарор ҳукмлари ётади. Шунинг учун кишилар мақолларни одатда ҳаётда ва ижодда ўз мулоҳазаларини тасдиқлаш, ўзгаларни унга ишонтириш учун қўллайдилар. Бу ҳукм тўғри шаклда ифодаланадими, маъжозий шаклда бўладими бирор — бир мақол мундарижада биргина маънога ҳам эга бўлмай қолса, ўзи ҳам йўқолади.

Мисол учун, «Султон суягини хўрламас» деган мақолнинг мундарижа ва мазмунини кўриб чиқайлик. Агар биз ҳозирги пайтда бу мақолни аниқ бир вазиятда амалдаги киши ўз қариндош — уруғларини ҳар қандай вазиятда қўллаб юради, деган маънода қўлласак, унинг биргина маъносини ифодалаган бўламиз. Бироқ халқнинг эпик хотираси, фольклор тарихида бу мақолнинг



мундарижаси биз қўллаган вазиятдаги маънодан анча кенгдир. Бу мундарижа аввало ундаги султон ва суяк сўзлари билан боғлиқ.

XX асрнинг 60–70 -йилларида ҳам қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, ўзбек, қорақалпоқ болалари ўйин фольклорида ойдин кечаларда ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган «Оқ суяк», кундузлари ошиқ билан қуръа ташлаб, «Подшо-вазир» ўйинларини ўйнаш жуда кенг тарқалган эди. Катталар бир неча ошиқ билан қимор ўйнашарди. Илмий адабиётлардаги фактларга мурожаат қилсак, нуроталиклар аввалги замонларда ҳам ҳосилни ёмон кўздан асраш учун дала ўртасига отнинг калла суягини қўйишган экан.<sup>17</sup>

Кўплаб таниқли элшунос олимлар, жумладан, жаҳон эътироф этган олим Э.Б. Тайлор «Ибтидоий маданият» номли фундаментал асарида қадимги жуда кўп инончлар, маросимлар, мифологик тафаккур излари жаҳон болалари ўйинлари ва қўшиқларида сақланиб қолганлигини айтади.<sup>18</sup>

«Оқ суяк» ўйинида болалар ойдинда бирорта суякни бедазор ёки майсазорга отиб юбориб:

*Катта бовом, катта момом,  
Бовом қани, момом қани? —*

деб ахтариб кетади. Суякни ким топса, ўйинларига она-бошилик қилади. «Подшо-вазир» ўйинида ошиқ билан қуръа ташланади. Ошиғи олчи тушган бола — подшо, унинг қарши томони — това ташлаган вазир, кавак томонини топган — ўғри, ботиқ томонини ташлаган — жаллод бўлади. Ўғри бир жазолангач, қуръа ташлаш такрорланарди. Аҳёнда ошиқ тик туриб қолса, уни топган бола яна бир бола ошиқни шундай ташламагунча шоҳ бўлиб, бошқалар ошиқни қайта ташлаб, мавқеи ўзгариб турарди.

Катталарга келсак, улар «ё, Жамшид!» — деб ошиқ ташлашган. Халқ ўртасида илгари замонларда катта-катта бойликлар, ер-мулкларни ютиб олган ёки хотинини ҳам қўшиб ютқазиб қўйган машҳур ошиқчилар ҳақида ҳикоялар жуда кўп. Баъзи манбаларда Наврўз байрамига асос

солган, афсонавий шоҳ Жамшиднинг қимор ҳам ўйнагани ҳақидаги ривоятлар, «Қиморбоз бой берганда Жамшидни ёдлар, Бой бўлганда — қочишни» — деган халқ мақоли қиморбозларнинг ҳам ўз ҳомий пирлари ва суяк улар ўртасидаги рамзий восита бўлганлигини кўрсатади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, суяк билан боғлиқ ўйинларни ўғил болалар ва эркаклар ўйнашган.

Эҳтимол жуда қадимда одамлар бўлажак уруғ бошлиқ-лари, шоҳларни аввал яшаб ётган бирор уруғ бошлиғи ёки шоҳнинг ошиқ суягини ташлаб аниқлашгандир? Аждодларимиз бобо, момоларининг суякларини асраб юришгандир? Нима учун эртақ қаҳрамонлари қаъла деворларига бош суяклари санчиб қўйилган мамлакатга бориб қолади?

Бундай саволларга маълум даражада жавоб топиш учун яна этнографик фактлар ва адабиётларга мурожаат қилсак қуйидаги маълумотларга эга бўламиз:

Афсонавий Сулаймон пайғамбарга худо берган нарсалардан бири фил суягидан ясалган тахт эди. Шахмат доналари ҳам дастлаб фил суякларидан ясалган бўлиб, ҳукмдорлар ўртасидаги жангларнинг рамзий ифодаси бўлган. Ўзбек эртақларида ҳам шатранж ўйинида голиб чиққан қаҳрамон мурод-мақсадига эришади.

Абхаз ривоятида овчилар ва ов ҳомийси — Ажвейпшаа овчиларни кийик, тоғ эчкиси, тўнғиз гўштлири билан меҳмон қилиб, зиёфатдан сўнг барча суякларни йиғиб, сеҳрли таёқчасини теккизганда, ҳозиргина гўшти ейилган жониворлар, асл ҳолига келиб, ўз тўдасига чопиб кетадилар.

1920 йил туғилган Бибишой Қарши қизидан ёзиб олинган.: «Кўккина қуш» номли ўзбек халқ эртагида ўғай она болани отасига сўйдириб гўштини ейди. Опаси укасининг васиятига кўра унинг суякларини йиғиб, кўк латтага ўраб, кўк дарахтга осиб қўяди. У кўккина қушга айланади. Эртақ охирида бу қуш отаси ва ўғай онасини игна билан ўлдириб, аслига қайтади.

Яна бир мисол: Ўзбекистоннинг айрим жойларида оилада фарзанд туравермаса, чақалоқ туғилгач, бирор

жониворни сўйиб, маросим ўтказадилар. Ўша жонивор гўшти ейилиб, суяклари йиғилиб, бирор, одатда мевали дарахт тагига кўмилади. Гуё шундай қилинса, чақалоқ умри узун бўлишига ишонадилар. Асослари жуда қадимий бу одат «ақиқа» деб юритилади.

Худди абхазлар каби ҳар қандай суякни босиш қадимги туркийларда ҳам, замонавий туркий халқларда ҳам ҳозиргача гуноҳ саналади. Жанубий сибирлик қадимги турклар анъанавий дунёқарашида инсон суягида ўтмиш ва келажак ажод-авлодларнинг ҳаёт хусусиятлари мужассам бўлган. Ҳар бир уруф аъзоларининг суяклари ўзига хосдир. Дарахтлар инсон суякларидан ўсади. Дарахт тагига кўмиш қадимий турк-мўғул анъанасидир. Суяк ўйинида голиб чиқиш голибнинг бахти ва чорвасининг кўпайиши кафолати бўлган ва шомон амалиётида суяк тошлар каби фол очиш предмети бўлган. Аждодларимиз, айниқса, танадаги энг ҳаракатчан ошиқ суякларда ўтган аждодлар ва келажак авлодлар руҳлари бирлашувига ишонганлар.<sup>21</sup> Демак, подшоҳу, графлар, эшону руҳонийларнинг, аслзодалиги, «оқ суякли»ги ҳам ҳали жаҳон динлари шаклланмаган ўша мифологик дунёқараш даври билан боғлиқ.

Академик Б. Рыбаков рус халқ ижодидаги ўлмас Кошей образи тарихини туркийлардаги қўшчи билан боғлайди ва асослаб беради.<sup>22</sup> Бу ерда мавзумиз учун муҳими Кошейнинг склет — суяклар йиғиндиси сифатида тасаввур қилинишидир. Жаҳон халқлари фольклорида сўзлайдиган бош суяклари кўп учрайди. Ҳатто ҳозир Европа халқларида бош суяк рамзини магик ҳимоя воситаси сифатида бўйинга тақиб юриш одати кенг тарқалган.

Скифлар ўзи енгган душманининг бош чаноғидан қадаҳ ясашиб, шароб ичишган. Буддистларда бош суягидан ясалган қадаҳлар муқаддас ҳисобланган.<sup>23</sup> С. П. Толстов чилтонлар ҳақидага қарашларни таҳлил қилиб, қадимги хоразмликлар сеҳргарлар мархумларнинг суягини йиғиб,<sup>24</sup> уларни жонлантиришига ишонишганларини айтади.

Монументал эпосимизда чоҳда ётган Алпомиш жониворлар суякларидан чанговуз ясайди. Малика Товкани сеҳрлаб қўйган чанговуз тарихи ҳам жуда қадимий бўлиб, Евро-Осиё даштларида кўчманчилик қилиб яшаган бобо —момоларимизнинг мифологик қарашлари билан боғлиқ. Гап шундаки, улар инсон суягидан ясалган чанговуз оҳанглари ҳомий ва аждодлар руҳига ёқишига ишонганлар.

Тарихчи олим К.Шониёзов ўтмишда ўзбек қарлуқлари, шунингдек, туркманларда болалар «оқ сўнак» ўйини, катталарнинг ошиқ билан қимор ўйнашганини ёзади.<sup>25</sup> Қозоқ халқининг улуғ фарзандларидан бири Ч.Валихонов Кошғарда суяк ўйини жуда кенг тарқалгани, туркий халқларда суякни босиш тақиқлангани, суякка қараб фол очганларини, уларнинг ғайри-табиий кучи туфайли, тирсак суяги — чорвани ҳимоя қилиши, бўрининг кўз косаси — ёмон кўзлардан асраши, укки боши — ёвуз руҳлардан сақлашга инончлар бўлгани ҳақида маълумот беради.<sup>26</sup>

Жаҳондаги қадим инончлар, жумладан, кўринишлари ҳозиргача давом этиб келаётган туркий шомонликдаги суякнинг жонланиши ҳақидаги тасаввурлар ислом динида ҳам мавжуд. Жумладан, Куръони каримнинг Бақара сураси, 259 — оятида Оллоҳ ўз қудратини кўрсатиш учун Узайр пайғамбарни юз йилга ўлдириб, сўнг қайта тирилтиргани, эшагини суякларидан қайта жонлантириб кўрсатгани айтилади.<sup>27</sup> Жалолиддин Румийнинг машҳур «Маснавий» асарида Исо пайғамбар ва унинг ҳамроҳи ҳақида ҳикоя қилинади. Пайғамбарни ҳолжонига қўймаган йигит, қора арслонни суякларидан тирилтириб, унинг қўлида ҳалок бўлади.

Тарихийлик жиҳатидан қарасак, суяк ўйинларини фақат ўғил болалар ўйнашида ҳам ўзига хос асос бор экан. Таниқли этнограф Ж.Ж. Фрезер «Тавротда фольклор» асарида ёзишича, қадимги кўпгина халқлар тасаввурларида «Таврот»га боғлиқ бўлмаган ҳолда биринчи аёл биринчи эркакнинг қовурға суягидан ясалгани ҳақида инончлар бўлганлигини айтади.<sup>28</sup> Бундай қараш Жану-

бий Сибир туркийлари инончлари, ислом таълимотига ҳам уйғун келади. Ҳозир кўпгина олимлар қадимги Шумер – Аккад тарихи билан туркийлар ўртасида жуда кўп ўхшашликларни кашф этмоқдалар. Қизиғи шундаки, Шумер мифологиясида сув худоси Энки қовурғасидан ясалган биринчи аёлнинг номи «қовурға хоним» демакдир.

Суяк билан боғлиқ этнографик материаллар жуда кўп. Гарчи улар жаҳондаги турли халқларга тегишли бўлсада, барчаси бир нуқтада – мифологик тафаккурда, халқ оғзаки ижоди намуналарида уйғунлашади ва барчаси бир-бири билан у ёки бу даражада боғланиб, инсониятнинг азал-абад табиати, тафаккур тарихи бир хиллигини исботлайди.

Суяклар, ошиқларнинг кейинги тақдири масаласига келсак, қуйидагиларни кўрамиз: Ўзбекларда ҳозиргача жуда кўп жойларда чимилдиққа, бир жуфт қошиқ, битта ошиқ, кўзмунчоқлар, қалампир кабилар илиб қўйилади. Қошиқлар келин-куёв учун ризқ рамзи бўлса, қалампир ва кўзмунчоқлар – ёмон кўзлардан асраш, ошиқ ҳомий аждодлар руҳи тимсолидир:

*Чимилдиғинг боғида*

*Олтин ошиқ, ёр-ёр.*

*Келин-куёв сўрасанг,*

*Хўп ярашиқ, ёр-ёр.*

Шунингдек, бўлажак келин-куёв иниб ётадиган кўрпасининг бир бурчагига ошиқ қўйиб ҳам тикадилар. Момолар буни ўтганлар руҳи қўллаб-қувватлайди, серфарзанд бўлишади, деб изоҳлашади. Ўзбеклар тушда ошиқ кўришни ўғил фарзандга таъбир қилишади.

Бундан ташқари «суяк сурди» ибораси ҳам борки, бу аждодлар билан ҳам, генлар билан ҳам боғлиқ. Омадли кишиларга нисбатан «ошиғи олчи» ибораси ҳам анъанавий қарашнинг замонавий ифодасидир.

Анъанавий инончларда инсон, ҳайвонлар, паррандалар суяклари сеҳрли хусусиятга, аждодлар руҳи, авлодлар келажаги яшайдиган хислатга эга деб тушунилган. Улар авлодларини ҳимоя ва бахтли қила оладилар.

Шу сабабли «Султон суягини хўрламас» мақолини мундарижасига кўра, бу дунё султони бўлган инсон аждодлари руҳини, авлодлари келажагини хор қилмайди, ҳамisha эъзозлайди, деб талқин қилсак, тарихий эътиқодларга ҳам, ҳаётий ҳақиқатга ҳам тўғри бўлади. Яъни «Султон суягини хўрламас» мақолини кишиларнинг ҳозирда ўз қариндош-уруғларини қўллаб қувватлаш маъносида тушуниши унинг мазмуни, биз юқорида айтган мулоҳазалар эса анъанавий мундарижаси бўлиб, фольклор поэтикаси уларнинг ҳар иккисини яхлитликда кўради.

Хулоса қилиб айтганда, фольклордаги мундарижа ва мазмун унинг тарихи ва табиатини ойдинлаштирадиган муҳим назарий муаммолардан бўлиб, янги-янги илмий изланишларни талаб қилади.

## ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ: ТАРИХИ, ИСТИҚБОЛИ

Ўзбек халқ оғзаки ижоди асрлар бўйи яратилган улкан маънавий хазина, намуналари жаҳонга машхур бўлган ижод, умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисми бўлган миллий ҳодисадир. Шу боис унинг тарихи ва тақдири, бир мутахассис сифатида, ушбу мақола муаллифини ҳам доимо ўйлантиради. Аммо бу ерда гап мутахассис бўлиш ёки бўлмаликда ҳам эмас. Муҳими асрлар бўйи халқ тарихи, маънавий-маиший турмуши, маданиятининг таркибий қисми бўлган халқ оғзаки ижоди, илмий таъбир билан айтганда, ўзбек фольклори тақдиридадир. Эътироф этиш лозимки, ҳозиргача фольклор ва унинг кўпгина намуналари тарихи, тақдири, албатта, бадиияти, ўзбек фольклоршунослиги ҳақида ҳам мутахассисларнинг эътиборли фикрлари баён этилган.

Асрлар давомида, ўтган асрнинг ўрталаригача оғзаки ижод халқнинг кўпчилик қисми учун ҳам театр, тасвирий, мусиқа саънати, ҳам тарих, ҳам фалсафа, адабиёт, ҳам эстетика, ҳам педагогика, миллий этика ва этнография мезонлар, миллий ғоя ҳам амалиёт —хуллас ҳозир ижтимоий-гуманитар фанлар ўрганаётган ҳамма нарсалар эди. Тарихан фольклор этнофольклорий характерли, маиший турмуш билан узвий боғлиқ бўлиб, турмуш ва маънавият саънати эди. Бугун амалиётдаги фольклор асосан сўз, маънавият саънати бўлиб бормоқда. Маросим фольклори урф-одатлар ва сўз саънатининг уйғунлиги, этнофольклорий жараён ҳосиласидир. Бугун эса унинг асосан сўз қисмигина сақланиб қолмоқда.

Фольклор табиатига кўра жаҳоний ҳодисадир. Академик В.М. Жирмунский қадимда бир-биридан умуман беҳабар бўлган халқлар ижодидаги умумийликни инсоният тараққиётининг маълум бир босқичидаги ижтимоий, тарихий-фольклорий жараёнларнинг яқинлигидан келиб чиққанини кашф этиб берганки, бу ўзбек фольклорининг умуминсоний аҳамиятини ҳам белгилайди. Шунингдек, ижтимоий тараққиёт, ўзгаришлар ту-

файли жуда кўплаб фольклор жанрлари намуналарининг яратилмай ва ижро этилмай қўйганлиги, эпик ижод жараённинг сўниши, жаҳон фольклорига хос табиий ҳодисадир.

Фольклор қайси даврда, қандай шаклларда бўлмасин, жамиятнинг, кишиларнинг маълум бир эҳтиёжларига жавоб бермаса, ўз-ўзидан ҳаёт сахнасидан тушиб, фақат тарихий фактгина бўлиб қолади. Шу боис унинг бугунгача бўлган тарихи мутахассислар томонидан кўп ўрганилган, кейинги тақдири янада кўпроқ ўрганилиши зарур бўлган масаладир.

Фольклор – халқ ижоди деймиз, аммо бу жуда мураккаб тушунча. Ҳаётда ҳеч қачон уч-тўрт талантли киши йиғилиб, дostonнинг бир қисмини мен яратай, қолганини сизлар яратинглар деб, дoston айтмаган. Ёки аёллар тўпланиб олиб, бир мисрани у, бир мисрани бу айтиб, қўшиқ тўқишмаган. Фольклор халқ ижоди тушунчасини изоҳлаш учун бир мисол жуда характерлидир. Ўғли Равшан Зарифовнинг ҳикоя қилишича, фольклоршунослигимиз фани асосчиси устоз Ҳоди Зариф мақоллар тўпламини тузибди-ю, китобни қандай номлашни билмай анча ўйланиб юрибди ва ўзи «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» деган сарлавҳа қўйибди. Бугунги кунда бу ифоданинг халқ мақолига айланиб кетганига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Демокчимизки, ҳар бир фольклор намунасининг дастлабки ижодчиси бўлади ва у муаллифликка даъво ҳам қилмайди. Йиллар, асрлар ўтиб бу ижодга яна кимлардир нималарнидир қўшади, ўзгартиради, сайқал беради ва ҳ.з. «Алпомиш»нинг бизгача шу даражада етиб келишида балки юзта, балки мингта халқ вакилининг улуши бордир.

Инсоннинг табиатида озми, кўпми ижод қобилияти бор. Бола ҳам ижод қилиши мумкин, бироқ халқнинг барча вакиллари ижод ва ижро қилиш қобилиятига бирдек эга эмас. Шу нуқтаи назардан қаралганда, фольклор тарихи халқ ижодчилари ва ижрочилари ҳамда улар яратган ижод тарихи, тақдиридир.

Профессор Т.Мирзаев қайд этганидек, ўзбек фольк-



лорида профессионаллашув жуда ривожланган. Тарихан халқнинг профессионал ижодчи ва ижрочилари — булар ўзидаги иқтидорни «худо берган», «танглайига берган» деб тушунган бахшилар, эртақчилар, қўшиқчилар, қизиқчилар, аскиячилар, латифачилар, халфалар — хуллас ижоднинг қайсидир бир соҳасидаги етук профессионаллардир. Ҳозирги пайтда бундай кишилар ёшлигидан ўз салоҳиятига мос келадиган соҳаларда том маънода индивидуал ижодкор сифатида фаолият кўрсатмоқдалар. Бундан ташқари ўтмишда у соҳадан бир шингил, бу соҳадан бир шингил биладиган, яратадиган, умумфольклор ривожига озми-кўпми улуш қўшиб келган жуда катта аҳоли борки, фанда улар оммавий ижрочи, ижодчилар тушунчаси билан таърифланади.

Фольклорий жараён нуқтаи назаридан, ўтган асрда профессионал ижодчилар тақдирида қуйидагиларни кўрамиз:

XX асрнинг 20-йиллариданоқ классик дostonчилик мактаблари тугай бошлаган, аммо Эргаш шоир, Фозил шоир, Пўлкан, Ислом шоир, Бола бахши каби унинг етук намоёндалари фаолияти авж нуқтага кўтарилган эди. Фандами, саънатдами бирор мактаб тугаб кетиши мумкин. Аммо улар тугагач ҳам, вакиллари яна кўп йиллар ижод қиладилар. Ижодлари турли йўллар билан авлодлардан авлодларга етиб боради. Фольклорнинг келгуси тақдири бевосита ана шу ижодни, умуман мавжуд хазинани турли йўллар билан бугунга хизмат қилдириш, авлодларга етказиб беришга боғлиқ. Бусиз фольклор ҳақида сўзлашга ҳожат йўқ. Бирор-бир нодир фольклор асарини, умуман ёзиб олинган барча намуналарни юз йилдан кейин ҳам илмий тадқиқ, нашр қилиш мумкин. Бироқ улар йўқолиб кетган бўлса, унинг ўрнини ҳеч нарса қоплай олмайди. Шу боис фольклор асарларини ёзиб олиш билан шуғулланган фольклоршунослар билан бирга фольклор муҳлисларидан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди. Бу фикрни фольклоршунослик иккинчи даражали экан, деб тушунмаслик керак.

Ўтган асрда улкан халқ ижодкорлари, турли даража-

даги халқ бахшиларидан, эртакчилар, қўшиқчилар, аҳолининг барча қатламлари вакилларидан беқиёс фольклор намуналари ёзиб олиниб, сараланиб, талай қисми нашр қилиндики, ўзбек фольклоршунослик амалиёти ҳеч қачон бундай юксак ютуқга эришган эмас, эриша олмайди ҳам. Айти пайтда фольклоршунослик келажакда ҳам фольклор тақдири учун энг муҳим асос бўлиб қолади. Масалан, 1928 йилда Махмуд Зарифов томонидан Фозил шоир куйлаган «Алпомиш» достони ёзиб олинмаганда, бугун биз Президентимиз ташаббуси ва ЮНЕСКО ҳамкорлигида 1000 йиллиги жаҳон миқёсида нишонланган, дунё халқларининг энг юксак эпослари билан беллаша оладиган, Т. Мирзаев таърифи билан айтганда, «достонлар гултожи»дан абадий маҳрум бўлар эдик. Бу фикрни, хусусан, энг мўъжаз мақолу, топишмоқларимиздан тортиб, умуман, бугунги кунда биз эга бўлган беқиёс маънавий хазина – фольклор меросимизга нисбатан ҳам бемалол айтиш мумкин. Оғзаки ижодни тўплаш, нашр этиш, илмий ўрганиш, унинг асл аҳамиятини халққа тушунтириш – фольклоршунослик фани ҳам фольклорнинг ўзи каби зарур ва қимматлидир. Афсуски, назаримда, бугунги кунда ўзбек фольклоршунослиги фани унга асос солган Ҳоди Зариф, катта ва ўрта авлод яратган, яратаётган илм заҳиралари, тўплаган тажрибаларига таяниб қолганга ўхшайди. Мен хато қиларман балки, менга баъзи фанга кириб келаётган ёшлар ўртасида фан ривожидан кўра, илмий даража учун кураш ўсиб бораётганга ўхшаб туюлади.

XX асрнинг 70 – йилларигача, илмий-ижодий кучларнинг етишмаслиги, мавжуд сиёсат туфайли эришилган катта ютуқлар билан бирга, бу маънавий мероснинг жуда катта қисми йўқолиб кетди. Одамлар чўчитилиб, айрим халқ бахшилари таъқибга ҳам учради. Айрим мавзулар умуман тақиқланди ёки қора буёқлар билан чапланди. Мисол сифатида, ўзбек фольклоридаги диний мавзуларга муносабатни кўрсатиш мумкин.

Динга муносабат ўзбек фольклори тарихи ва тақдирига тааллуқли муҳим жиҳатлардан биридир. Халқ ҳеч

қачон мутаассиб бўлмагани каби, эътиқодсиз ҳам яшамаган. Жаҳон халқлари, жумладан, ўзбек фольклори ҳам илк асосига кўра диний эди. Одамизот осмон, олам, ўсимликлар ва жониворлар, ўзи қандай пайдо бўлган? — деган саволларга дастлаб мифлар билан жавоб берган эди. Қандай яшаш керак деган, саволга эса ҳомий ва ёвуз руҳларга ишонч, уларга бағишланган турли-урф одатлар, маросимлар, диннинг архаик шакллари бўлган: анимизм, тотемизм, шомонлик, магия, ҳосилдорлик ва бошқа кўплаб культларга эътиқоди, қолаверса, мақолу топишмоқлар, меҳнат, маросим кўшиқлари ва бошқалар билан жавоб топдики, улар бизгача етиб келган фольклор асарларида мукамал бадиий ифодасини топган. Қизиғи шундаки, жаҳонга машхур этнограф — диншунослар Э.Б.Тайлор, Ж.Ж.Фрэзер, С.А.Токарев ва кўплаб фольклоршунсларнинг тадқиқотлари, гарчи ҳар бири бирор уруғ-қабилла, уруғлар бирлашмасига тегишли бўлса ҳам, архаик динлар жаҳоннинг барча халқлари тарихида бўлгани, айримлари тараққиётнинг куйи босқичида турган баъзи халқлар ҳаётида ҳозир ҳам мавжудлигини кўрсатади. Учта жаҳон динларидан бири бўлган ислом таълимоти инсон қандай яралган, қандай яшаши керак, қаёққа боради, деган саволларга имон этиқоди тушунчаси билан мукамал тизимий жавоб берди. Кўпхудолик бўладими, якхудолик бўладими барча динлар учун бир умумийлик бор — бу жон, руҳ ва унинг бутунлай йўқолиб кетмаслиги ғоясидир. Бу ғоя жаҳон фольклорида қизил чизик бўлиб ўтади. Ўзбек фольклори тарихи ва тақдирининг аҳамияти шундаки, унинг намуналарида юқорида айтилган барча архаик динлар ва исломий қарашлар доимо ўз ифодасини топиб келган. Фольклор тарихан ноэстетик қарашларнинг эстетик ҳодисаларга, жумладан, диний тассавурларнинг бадиий тассавурларга ўтиши майдони бўлган.

“Дин, шу жумладан ислом дини ҳам, — дейди Президентимиз Ислам Каримов, — минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганлигининг ўзиёқ, у инсон табиатида чуқур илдиз отганлигидан, унинг ўзига хос

бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради”.<sup>30</sup> Тарихан фольклорнинг динларга, диний қарашларнинг фольклорга таъсири шубҳасиздир. Жумладан, араб ва ўзбек фольклори қиёсининг илк тадқиқотчиларидан бири Ш. Шомусаров шундай деб ёзади: “Ўз даври фольклорини жуда яхши билган Муҳаммад алайҳиссалом ўз диний, маърифий, ахлоқий, эстетик қарашларини тарғиб қилишда ҳам араб халқ оғзаки ижодининг афсона, ривоят, мақол ва ҳикматли сўз каби жанрлардан самарали фойдаланган”<sup>31</sup>.

Шу ўринда ўзбек фольклори асрлар бўйи диний вазифа ҳам бажариб келган, десак муболаға бўлмас. Масаланинг муҳим бир жиҳати шундаки, архивларда жуда бой намуналар мавжуд бўла туриб, ўзбек фольклорининг диний мавзулари умуман илмий холис ўрганилган, диний намуналари нашр этилган эмас.

Фольклор тақдирига назар ташлар эканмиз, қизиқ бир кутбий зиддиятни кўрамиз. Бир томондан эпик жараён, кўпгина, фольклор жанрлари, айниқса, дoston, эртақ, афсона, ривоят, маросим фольклори намуналари яратилиши, ижро этилиши тугаб, йўқолиб бораётган бўлса, иккинчи томондан, уни ўрганувчи фан — фольклоршунослик ривожига зарурият тобора ўсиб бормоқда. Тадқиқотларда этнофольклористик йўналиш ривожланиб, жаҳон фанининг энг замонавий ютуғи — руҳий таҳлил методи ўзбек фольклорига самарали тадбиқ этила бошланди.

Айрим кишилар фольклоршуносликка адабиётшуносликнинг энг енгил соҳаси деб қарайдилар. Бунинг сабаби, биринчидан, фольклор табиатини тушунмаслик бўлса, иккинчидан, фольклоршунослик соҳасидаги бўш ишлардир. Улардан кўз юмиб бўлмайди. Ҳолбуки, Ҳоди Зариф фольклоршунос тарих, этнография, педагогика, археология, тилшунослик, хусусан, шевашунослик, ёзма адабиёт ва бошқаларни мукамал билиши зарур, деб билган ва ўзи бунга намуна кўрсатган.

Фольклор ва ёзма адабиёт масаласида, уларнинг ўзаро алоқаси ҳақида қатор жиддий ишлар мавжудлигини ин-

кор этмаган ҳолда шуни айтиш мумкинки, назаримда, бугун ёзма адабиёт мутахассисларининг кўпчилиги фольклорни, фольклор мутахассислари ёзма адабиётни яхши билмагандек туюлади.

Фольклор билан адабиётни ҳар қанча қиёслаш мумкин, аммо асло уларни бир-бирига қарши қўйиб бўлмайди. Бу ота-онани фарзандларига гиж-гижлашдай гап. Афсуски, ҳаётда турли савиядаги кишилар ўртасида ёзма адабиёт юксак, фольклор содда, у бой, бу қашшоқ, у ҳақиқат, бу ёлғон, у дону бу сомон қабилидаги қарашлар мавжуд. Ачинарлиси шундаки, бундай қарашлар фольклорнинг келгуси тақдирига, масалан, асарларнинг нашр этилиши, ўрганилиши, тарғиб қилинишига салбий таъсир кўрсатади.

Ёзма адабиёт пайдо бўлгандан буён ҳозиргача фольклор, шоирлар, ёзувчилар, драматурглар ижодига таъсир қилиб келмоқда. Ҳозирда унинг кино, рассомчилик, кўшиқчилик ва бошқа саънатларга таъсири янада кучайган. Хусусан, кўпгина хонандалар халқ кўшиқларини айнан, баъзан ўзгартириб, афсуски баъзан бузиб, жуда кўп куйламоқдалар. Анъанавий тарихий — фольклорий жараёнда, таъбир жоиз бўлса, эркакларнинг ўз, хотин-қизларнинг ўз фольклор муҳитлари бўлган. Кўплаб таланти хотин-қизлар моҳир кўшиқчи сифатида танилганлар. Ўзлари ҳам халқ кўшиқлари йўлида янги намуналар ижод қилганлар ва бу ижод ҳам барчанинг мулкига айланиб кетган. Хоразм халқаларининг ижоди бунинг ёрқин намунасидир. Биз бундай хотин-қизларнинг деярлик барчасининг исм-шарифларини билмаймиз. Бугунги кунда бундай хотин-қизлар тезда профессионал йўлга ўтиб кетмоқдалар. Тўғри ва кўчма маънода «юлдузлар»нинг кўпайиб кетиши сабабларидан бири ана шунда. Худди шунингдек, ҳозирги профессионал қизиқчилар репертуарида анъанавий латифалар ёки уларнинг замонага мослаб талқин қилиниши жуда кенг тарқалган.

Ҳозирда кўпгина кишилар келажакни ахборот жамияти бўлади, унинг асоси бўлган ахборот маданиятининг таркибий қисмларидан бирини оммавий компьютер са-

водхонлиги ташкил қилади, деб ҳисобламоқдалар. Ҳозирча, уларни таърифлашга шошмай туриб шунини айтиш мумкинки, ўтмишда халқнинг ўзига хос барқарор фольклор маданияти ва фольклор саводхонлиги бўлган. Ижрочи бирор дoston ёки қўшиқ, эртақ ва ҳ.з. бўзиб айтса, тинловчилар унга танбеҳ беришган. Шу жиҳатдан қаралганда замонавий фольклор маданияти, саводхонлигини шакллантиришни унинг тақдиридаги энг муҳим шартдир, деб ўйлайман. Ана шунда фольклор асарларини исталганча бўзиб айтиш ва нашр қилишни фольклор маданиятсизлиги деб баҳолаш мумкин бўлади. Фольклор асарлари, улар асосида яратилган турли саънат намуналарининг электрон каталогларга киритилиши ва шу асосда ўрганилиши фольклорий жараёнинг замонавий ўзига хос кўринишларидан бўлиб қолишига ишонаман.

Фольклор, барча саънатлар аҳамиятини бозор иқтисоди қонунлари билан ўлчаб бўлмайди. Бозор иқтисодига қарам бўлган одам молиявий фойдаси тегса, уларнинг мазмуни ва маънавий аҳамиятини тирноқча билмай, «Алпомиш» дostonи ёки эртақлар, мақоллар тўпламини минглаб нусхада нашр эттириши мумкин. Аммо нафи тегмаса, энг нодир қўлёзмани ҳам иккиланмай, носфурушга бериб кетади. Менимча, бу фольклор маданиятсизлигининг мисоли бўлади. Фольклоршуносларимиз эътироф этишларича, ўтмишда профессионал халқ ижодчилари, Фозил, Эргаш, Ислом, Пўлкан шоир каби буюклар ҳам, ўз саънатларини тирикчилик манбаи деб қарамаганлар. Хизматлари учун одамлар ўз ҳимматига қараб, нималардир совға қилишса, олишгану аммо асло моддий таъма қилишмаган. Уларнинг худо берган иқтидорларидан ташқари, яшашлари учун албатта, чўпонлик ёки деҳқонлик, ҳунармандчилик каби касблари бўлган. Халқга холис химат қилиш бахшилар ахлоқий – эстетик қарашларининг бош мезонларидан ҳисобланган. Шу ўринда бир халқ ривоятини келтириш ўринлидир:

«Бир оч, яланғоч бечора худога ёлворибди: Эй худо, қани эди, ушлаган нарсам тилла бўлиб қолса-ю, мен ҳам бойлардай яшасам. Қарангки, у ушлаган ҳамма нар-

са тилла бўлиб қолаверибди-ю, бечора тиллага ботиб, очдан ўлиб кетибди».

Қиссадан ҳисса шуки, биз ҳамма нарсадан, фольклордан ҳам моддий бойлик ахтараверсак, маънавий очликдан ўлиб кетиш ҳеч гапмас.

Фольклорий жараён у ёки бу даражада бундан кейин ҳам мавжуд, фольклор асарлари замонавий шаклларда воқе бўлаверади. Гап эгасини топади дейдилар. Айрим кишилар, жумладан баъзи олимларимиз, архив ҳужжатларини ўлик материал, оғзаки ижро жараёни сўниши туфайли нашр этилган китоблар қанчалик аҳамиятли бўлмасин, асарларнинг жозибасини бера олмайди деб, уларнинг сўз саънати сифатидаги бадий-эстетик, маърифий-тарбиявий аҳамиятини унутадилар. Бундай фикрлар фольклор келажаги, ташвиқи учун оз бўлса ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ҳолбуки, таниқли фольклоршунос Б.Н. Путилов ёзиб олинган фольклор материалларини «иккиламчи матнлар деб» уларнинг аҳамиятини жуда юксак баҳолайди. Аслида архив ҳужжатлари имкониятда мавжуд материал бўлиб, оғзаки ижро анъанавий фольклор поэтикасининг воқе бўлиш усули, яшаш шаклининг, таркибий қисмидир, ҳаммаси эмас. Фольклорнинг анъанавий воқе бўлишининг сўниши, унинг куни битди дегани эмас. Қолаверса, ҳаётининг кейинги йилларида дoston куйламай қўйган, саводхон Эрғаш Жуманбулбул ўғли ўз репертуаридаги жуда кўп асарларни ўзи ёзиб, архивга топширган. Фольклоршунослар ўз тадқиқотларида оғзаки жараёни кузатиш билан бирга, асосан, ёзма матнларга таяниб келишган. Фольклоршунослигимиз жаҳон миқёсида катта ютуқларга эришган. Шу билан бирга бу фан натижаларини мустақиллик ғояси нуқтаи назаридан яна бир бор жиддий, илмий ҳолисона кўриб чиқилса, ёмон бўлмас эди.

Фольклор тарихий— ижтимоий, этнографик-маиший, бадий-эстетик ҳодиса. Жамиятнинг инсонлар онги, ихтиёрига боғлиқ бўлмаган қонунлари бўлганидек, фольклор тақдири ҳам табиий кечади. Биз фақат унга маълум даражада ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишимиз мумкин.

Жаҳон фольклоршунослигида эврилиш мотиви тушунчаси жуда кенг тарқалган. Масалан, эртактарда, Гўрўгли дostonларида бир тўп каптар учиб келиб, бир думалаб париларга, ёки илон йигитга айланиб қоладики, бунини эврилиш деймиз. Бундай эврилишларда туб моҳият ўзгармайди, фақат шакл ўзгарди. Бизнингча, ижтимоий тараққиёт туфайли кўпгина фольклор асарларининг анъанавий ижод ва ижрочилиги сўниши, янги шаклларда мавжуд бўлишини эврилишларга қийинлаш мумкин. Бошқача айтганда, фольклор асарлари матнларда ҳам анъанавий мазмуни, аҳамиятини сақлаб қолади.

Фольклор асарларининг турлича шаклларда яшаш сабаблари, кишиларни жалб этувчи жиҳатлари кўп. Шулардан бири ҳозирги замон кишилари кўпчилигининг тафаккурида энг қадимий мифологик қарашлардан тортиб, энг замонавий тушунчаларгача уйғунлашиб кетгани, улар тафаккурининг кўп қатламлилиги мавжудлигидир. Шу туфайли энг замонавий самолётда қитъадан қитъага учмоқчи бўлган киши йўлини қора мушук кесиб ўтгани учун сафарини кечиктирса ажаб эмас. Инсон тафаккурининг кўпқатламлилиги эса умумфольклорда, яъни жанрлари мажмуасида аллақачон ўз бадиий ифодасини топган. Қизиғи шундаки, бундай кўпқатламlilik фан ва техника нақадар ривожланган ҳозирги даврда жаҳон адабиёти намуналари, фантастик асарлар, кино сўнати, турли телекўрсатувларда тобора кўпроқ ўз ифодасини топмоқда.

Фольклор асарларининг тарихини анъанавийлик, келажакини замонавий яшаш шакллари белгилаб беради. Бизнингча, фольклор асарлари бугунги кунда, асосан, қуйидаги шаклларда яшамоқда ва одамларга хизмат қилмоқда:

1. Классик фольклорий кўринишда: Жанубий Ўзбекистонда дostonчилик, Хоразмда дostonлар ва улардан парчалар ижро этиш, халфачилик маълум даражада, Фарғона водийсида аскиячилик, оммавий тарзда латифачилик, қўшиқчилик бироз бўлса-да, давом этмоқда. Янги дostonлар ёки замонавий фольклор намуналари



тушунчаларига келсак, улар ҳам анъана замирида пайдо бўлиб, фольклорнинг замон талаблари, баъзан шўро тузуми тазийқига ёки ижодкор индивидуллигига кўра ўзгаришларини, кўпроқ анъанадан чекинишларни, бузилишларни ифодалайди. «Янги дostonлар» ёки «авторли дostonлар», «совет даври» кўшиқлари» деб юритилаётган асарлар уларга мисол бўла олади.

Бизнингча, бизнинг иродамизга боғлиқ эмас экан, эпик асарлар, умуман, кўпгина фольклор асарларининг оғзаки жараёнда ижодчилиги ва ижрочилиги сўниб боришидан беҳуда ташвишланиш, бу жараёни салбий баҳолаш шарт эмас. Яхшиси уларнинг мавжудларини имкон қадар тўлиқ ёзиб олишга, ёзиб олинганларининг энг яхши намуналарини саралаб, халқ маънавий эҳтиёжларига хизмат қилдиришга қайғурган, барчасини мутахассислар ихтиёрига бериб, аҳамиятини тушунтириб беришларини сўраган маъкул.

Кишилар нутқларида мақоллардан, болалар мақол ва топишмоқлардан фаол фойдаланишмоқда ва ҳ.з. Жаҳон фольклоршунослари, этнографларининг эътироф этишича, топишмоқ ва мақоллар фольклорнинг энг қадимий ва энг замонавий жанрларидан бўлиб, инсоният тафаккури ва фаолияти тарихида беқиёс роль ўйнаган экан. Чунки, ибтидоий одам учун ҳамма нарса дастлаб жумбоқ, топишмоқ бўлса, болаларнинг ҳар куни ўзига хос ҳаёт жумбоқларини ечиш кашфиётларидан иборатдир. Тил, фалсафа, сўз саънаининг ҳосиласи бўлган мақоллар эса кишилар дунёқараши, ўтмиш тажрибаларининг ифодаси бўлибгина қолмай, бугуни ва келажакдаги ҳаёти учун ўзига хос қомусий дастур ҳамдир.

2. Архив материаллари сифатида.

3. Турли халқ ижодчиларининг кўрик — танловлари шаклида, оммавий байрамлар ва томошалар, болалар кўрсатувлари, телемусобақалари таркибида.

4. Фольклор — этнографик, жумладан, дostonчилик жамоалари репертуарида.

5. Китоблар шаклида, электрон версиялар, ўқув қўлланмалари, дарсликларда — «Ўзбек халқ ижоди» тур-

кумидан нашр этилган кўп томлик, турли характердаги фольклор матнлари тўпламлари, мактабгача тарбия, мактаб, коллеж, лицейлар, олий ўқув юртлари хрестоматиялари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг компьютерлаштириш соҳасидаги бугунги фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Ёзув ва китоб аждодларни авлодлар билан боғлаб турадиган инсониятнинг энг буюк беқиёс кашфиётларидандир. Ҳар қанча замонавий бўлмасин, кино саънатининг, ўзига хос афзалликлари билан бир қаторда, китоблардан, аниқроғи, сўз саънатидан анча ожизлиги бор. У инсон хаёлотини, ижодий тафаккури ўсишини ўз қолипига солиб, чеклаб, қўяди. Бунга Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асари асосида олинган кинони кўргач, кинодаги қаҳрамонлар билан китобдаги қаҳрамонлар ҳақидаги тасавурларим ўртасида катта фарқ пайдо бўлганида ўзим ишонганман. Фольклор асарларининг ёзма, китоблар шаклида тарқалиши ҳам жуда янгилик эмас. Масалан, XIX асрдаёқ Хоразмда кўпгина дostonлар оғзаки жараёндан қўлёзмаларга, улардан яна оғзаки жараёнга ўтган. Уларнинг «халқ китоблари» деб ном олган литографик нашрлари кенг тарқалган. Нашр этилган асарлардан (дostonлар, қўшиқлар, эртақлар, латифалар ва бошқалар) ўрганиб, ижро қилиш тажрибаси XX асрда ҳам мавжуд эди, ҳозир ҳам маълум даражада давом этмоқда.

6. Оммавий ахборот воситалари, газета журналларда. Фольклор асарлари тақдирида уларни тарғиб ва ташвиқ қилиш жуда муҳим ўрин тутди. Бу жиҳатдан оммавий ахборот воситалари, фольклор асарлари намуналарини эълон қилишдан ташқари, тенгсиз аҳамиятга эга. Ўзбек фольклорини оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиш тарихи ва тақдири махсус тадқиқотларга арзийди. Юбилейлар муносабати билан оммавий ахборот воситаларининг етук халқ ижодкорлари ҳақидаги тарғибот ишлари ҳурмат ва эътиборга лойиқ. Аммо баъзан бу борада ҳам мавсумийлик етакчи бўлиб қолади. Масалан, даҳо бахши Эргаш Жуманбулбул ўғлининг 100-йиллиги нишонланганда «Эргашунослар» жуда кўпайиб кетди.

Бундан фольклор ташвиқотчилари ҳам, мутахассис бўлмаса ҳам, фольклор табиатини яхши билишлари керак, «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, Бир оғиз бўлса ҳам билган гапирсин», — деган хулоса чиқади.

7. Мультфильмлар, кино сценарийлари, театрлаштирилган томошалар шаклида.

8. Илмий-тадқиқот ишларида фактик манба сифатида.

9. Ёзма адабиёт вакиллари ижодига таъсир, яъни фольклоризмлар сифатида.

Ўқувчилар ўз билим, тажрибаларидан келиб чиқиб, бу таснифни янада мукаммалиштиришлари, тузатишлари мумкин. Аммо бир нарса аниқки, фольклор асарлари, қандай шаклларда воқе бўлмасин, ўзларининг тарихий, бадиий-эстетик, илмий-маърифий, тарбиявий — маънавий ва ҳ.з. — уларнинг барчасини умумлаштирган миллий — маънавий аҳамиятини сақлаб қолади. Қадимги Юнон ва Рим адабиёти ҳозиргача бутун жаҳон халқини қанчалик ҳайратга солиб келаётган, саънатнинг барча турларига қанчалик таъсир кўрсатаётган бўлса, келгуси авлодлар учун шунчалик қимматли бўлади.

Тил ҳақида дуне халқлари, мутаффақирлари, ёзувчи-ю, олимлари, доноларнинг миллионлаб мақоллари, ҳикматли сўзлари мавжуд. Ҳар бир халқ, миллат тилининг миллат тарихи, бугуни, келажагидаги ҳаётининг аҳамиятини таърифлаб тугатиш қийин. Фольклор асарларининг ўзига хос бадиий тилидан ташқари шева тили ҳам бор. Фольклор асари қайси шевада ижро этилаётган бўлса, айнан ёзиб олиш фольклоршунослик амалиётининг асосий қондасидир. Ёзиб олинган фольклор асарларида шундай шева сўзлари борки, уларнинг кўпчилиги жонли шеваларда ҳам унутилиб кетган ёки маънолари бутунлай ўзгарган. Албатта, адабий тилни шевалаштириш мумкин эмас. Бироқ шевалардаги кўпгина сўзларни адабий тилга киритиш уни янада бойитади. Демокчимизки, фольклор асарлари тилимиз тарихи, шеваларини ўрганиш, сўз бойлигини оширишда бундан кейин ҳам муҳим манба бўлиб қолади.

Демак, фольклорнинг келажигадаги яна бир муҳим жиҳат тил масаласидир. Ҳеч кимга сир эмас, юксак ва бой бадиий тили туфайли бугунги кунда Ҳазрат Навоий ижодинининг асосий қисмини мутахассислардан ташқари кўпчилик луғатларсиз тушунмайди. Ўзбек фольклорининг асосий қисми шеваларда ёзиб олинган. Кўпгина намуналари оммавий нашрларида ҳам асар бадииятига путур етмаслиги учун шева хусусиятлари сақланиб қолган. Қолаверса, қаҳрамонларнинг кўпи мифологик, эпик, фантастик хусусиятлар, номланишларга эга. Булар барчаси ўқувчи учун катта қийинчиликлар туғдиради. Шу боис Ҳоди Зариф илмий-ижодий фаолиятининг бошиданок фольклор асарлари луғатини яратишга алоҳида эътибор берган ва ўнлаб карточкалар тузган эди. Аммо бу соҳага эндигина киришилмоқда. Мисол сифатида “Алпомиш” достонининг изоҳли луғати”ни кўрсатиш мумкин. Ўзбек фольклори ва фольклоршунослигининг сўзли ва изоҳли луғатларини тузиш мураккаб ва шарафли ишлардандир.

Фольклор жанрлар тақдири турлича кечган ва кечмоқда.

Маросим фольклори этнофольклорий жараён маҳсулидир. Шу билан бирга бугунги кунда бевосита маросим билан боғлиқ бўлмаган жанр намуналари таркибида ҳам шунчалар кўп урф-одатлар, этнографик деталлар қайд этиладики, ўзбек фольклоршунослигида этнофольклористик йўналишнинг ривожланиб бораётгани бежиз эмас.. Кўпгина урф-одат маросимлар ёки улар таркибидаги сўз саънати намуналари унутулиб, ёки маросимдан узилиб, этнофольклорий жараён сўниб бормоқда. Масалан, ҳозир никоҳ тўйларида анъанавий урф-одатлар чала ёки умуман бажарилмайди. Ёр-ёрлар деярлик айтилмайди. Бироқ ёзиб олинган, нашр этилган ёр-ёр матнларига қараб, никоҳ тўйларидаги барча урф-одатлар, маросимлар мазмунини тиклаш мумкин.

Фольклор ва этнография тарихан Сиам эгизаклари кабидир. Биз ҳар бир жанрнинг ўзига хос урф-одатлари бўлган дейишимиз мумкин. Шу боис фольклоршунос-

ликда умумфольклор этнографияси ва унинг таркибий қисмлари бўлган дostonчилик, қўшиқчилик, болалар фольклори этнографияси ва ҳ.з. атамаларни қўлласак хато бўлмас. Масалан, дostonчиликда устознинг шогирдга фотиҳа бериши, дoston, одатда, кечалари айтилиши ва у айтилаётган жойга болалар, аёлларнинг киритилмаслиги, дoston воқеалари айна авжга чиққанда, дўмбира тўнкарилиб, рўмол ёзилиши, дўмбира билан боғлиқ кўплаб иримлар дostonчилик этнографияси элементлари, ёр-ёрларнинг:

*Аввал бошдан худони ёд этайлик, ёр-ёр,  
Пайғамбарлар руҳини шод этайлик, ёр-ёр...*

Ўланларнинг:

*Ўлан деган қўшиқни қизми ё ул бошлайми,  
Қиз бошлаган ўланни эл хушлайми...*

мисралари билан бошланиши қўшиқчилик урфлари бўлса, болалар ўйинларининг қаътий-тартибга риоя қилиниши, уни бузиш фиром ҳисоблангани асрлар бўйи болалар фольклорининг одати бўлиб келган. Шу жиҳатдан олганда, бизда ҳали фольклор этнографияси ҳам махсус, деярли ўрганилмаган соҳадир.

Эпик жараён, кўпгина фольклор намуналарининг яратилиши фольклорий, этнофольклорий жараёнда сўниб бормоқда. Бунинг сабабалари жуда кўп, аммо қисқа қилиб, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар дейиш мумкин. Шу билан бирга ҳозир ҳам ҳаётда ҳар куни латифалар яратилмоқда, катталар нутқларида, болалар заковат ўйинларида мақол ва топишмоқларни айтишмоқда, хонандалар халқ қўшиқларини куйлашмоқда. Умуман олганда, классик кўринишда бўлмаса ҳам фольклорий жараён сўнмайди.

Бизда сўз фольклори, мусиқа фольклори, халқ драмаси, халқ амалий саънатини бир-бирига боғлаб ўрганишда ҳозиргача катта узилиш бор. Бошқача айтганда, ҳар бири ўз йўлига. Ҳолбуки тарихий – фольклорий жараёнда уларнинг барчаси бир-бирисиз мавжуд бўлиши мумкин бўлмаган, «қариндошлик ришталари» билан боғланган яхлит тизим эди. Келгусида бу узилишни бар-

тараф қилиш умумфольклоршуносликнинг улкан ютуғи, пировардида фольклор тақдирининг ҳам ёрқин томонларидан бири бўлиши мумкин.

Ўзбек фольклори, минг-минглаб ижодкорлари, ўнлаб мутахассислари ва юзлаб мухлислари хизматининг маънавий, миллий, умуминсоний қадриятини, келгусида бажарилиши мумкин ва зарур бўлган ишлар режасини бир мақола доирасида мукамал ёритишнинг имкони йўқ. Бунинг учун, аввало, фольклор жанрларининг нисбатан мукамал таснифини тузиб, сўнгра, ҳар бир жанр тарихи ва тақдири ҳақида махсус тадқиқотлар олиб бориш зарур. Бу бир кишининг қўлидан келадиган иш эмас. Масалан, мўъжазгина топишмоқ жанри тарихи ибтидоий, мифлар яратила бошлаган, табулар ривожланган даврга бориб тақалади.

Ушбу мақола мунозарали характерда бўлиб, тўла тасдиқ, ақл ўргатиш даъво қилмайди. У ўзбек халқ оғзаки ижоди билан қизиқувчи ҳар бир кишини, фольклор тақдири ҳақида бироз бўлса ҳам ўйлашга, ўз мулоҳазаларини ўртоқлашишга ундар деган ниятда ёзилди.

Маънавиятсиз халқнинг келажаги йўқ, - дейди Президентимиз. Халқнинг ўтмиши ҳам маънавиятсиз бўлмаган. Бунинг энг ишончли гувоҳларидан бири фольклордир. Одам ва одамизот тақдирини Оллоҳ белгилаганига ишонган бир мусулмон сифатида «Ортбошимиз айтган ҳикматни инсон ва инсоният, барча халқлар келажагига тааллуқли десак, хато бўлмас. Ўзбек фольклори эса бугунги мавжудлик шаклларида ҳам бевосита маънавиятга тааллуқли, келгусида ҳам шундай бўлиб қоладиган қадриятдир.

## ИЗОҲЛАР

1. Монографияда манбаси кўрсатилмаган фактик материалларни муаллифнинг ўзи ёзиб олган.
2. Путилов Б.Н. Эпическое сказительство: Типология и этническая специфика. - М.: Изд-я фирма "Восточная литература", РАН, 1997.
3. Қаранг: Азизов С. Б. Товушдан куйгача// "Соғлом авлод учун" журнали, 2003, № 5.
4. "Саодат" журн., 1992. № 9. - Б.24-25.
5. Жўраев М. Наврўз байрами. - Т.: "Фан", 2009. - Б.153.
6. Эшбоева Ф.Х. Ўзбек халқ қарғишларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. НДА. - Тошкент: 2008.
7. Мусақулов А. Абдулла Қодирий этнографиясига чизгилар // Адабиёт. Бадиият. Абадият. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. - Б.131 -148
8. Лорд Альберт.Б. Сказитель. Пер. с англ. коммент. Ю.А. Клейнера и Г.А. Левинтона. Послесл. Б.Н. Путилова. Статьи А.И. Зайцева, Ю.А. Клайнера. - М.: Издательская фирма "Восточная литература" РАН, 1994.
9. Жўраев М. Наврўз байрами. - Т.: "Фан", 2009; Наврўз нашидаси: Мақол-айтимлар. Қўшиқлар. Шеърлар//Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифлари: Жаббор Эшонқул, Шомирза Тудимов. - Т.: "Фан", 2009.
10. Ўтанова С. Алишер Навоий газалиётида ранглар символикаси. НДА. - Т.: 2007.
11. Алпомиш: Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони// Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли, ёзиб олувчи М. Зарифов/ - Т.: "Шарқ", 1998. -Б. 155.
12. Ўша манба. - Б. 270-271.
13. Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. - Т.: "Фан", 2008.(-Б. 24-46.
14. Кўчқоров Н. Ўзбек халқ олқишларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. НДА. - Т.: 1994; Ж. Эшонқулов. Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари ва бадий талқини. НДА. - Т.: 1996; Қаюмов О. Ўзбек фольклорида пари образи. НДА. - Т.:1999; Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. - Т.: "Фан", 2004; Мирзаева С. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. - Т.: "Истиқлол", 2006; Жўраев М., Нарзикулова М. Миф. Фольклор. Адабиёт. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхо-

наси, 2007; Хизр образининг генезиси ва унинг ўзбек фольклоридаги талқини. НДА. - Т.: 2007.

15. Путилов Б.Н. Эпическое сказительство: Типология и этническая специфика. - М.: Издательская фирма "Восточная литература" РАН, 1997. - С. 114.

16. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. - Т.: "Фан", 1979; Ўша муаллиф. Эпос и сказитель. - Т.: "Фан", 2008.

17. Андреев М.С. Таджики долины Хуф. (Верховья Аму - дары). Выпуск . - Сталинабад, изд-ство. АН Тадж. ССР, 1958.- С.

18. Тайлор Э. Б. Первобытная культура. - М.: ИПЛ, 1989.

19. Салакая Ш.Х. Обрядовый фольклор абхазов//Фольклор и этнография: Обряды и обрядовый фольклор. Л.: Наука, 1974 -С. 20.

20. ЎЗР ФА, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Т. Зарифов номидаги ўзбек фольклори архиви - ЗЎФА, инв №13826.

21. Сагалаев А.М., Октябрская И.В. Традиционные мировоззрение тюрков Южной Сибири: Знак и ритуал. - Новосибирск, Наука, 1990. - С.40, 48, 128.

22. Рыбаков Б.А. Язычество древней Руси. - М.: Наука, 1987. - С. 31-318.

23. Остроумов Н.П. О чашах и кубках у азиатских преимущественно народов// В.В. Бартольд: - Т.: 1927. - С. 222.

24. Толстов С. П. Древний Хорезм. Опыт историко - археологического исследования. - М.: МГУ, 1948. - С. 312.

25. Шаниязов К. Узбеки-карлуки: Историко-этнографический очерк. - Т.: "ФАН", 1964. -С. 169-173.

26. Валиханов Ч. Избранные произведения. М.: Наука, 1987. - С. 311.

27. Куръони Карим. Ўзбекча изоҳди таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. - Т.: "Шарқ", 1992. - Б. 32.

28. Фрэзер Д.Д. Соотворение человека//Фольклор в Ветхом завете. - М. : ИПЛ, 1986. - С.13-27.

29. Крамер С.Н. Мифология Шумера и Аккада// Мифология древнего мира. - М.: Наука, 1977. -С.130.

30. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1977. - Б.35.

31. Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қийосий таҳлили. ДДА. - Т.: 1997. - Б. 12.



## АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Т.: «Ўқитувчи», 1982. – 168 б.
2. Абрамович Г.Л. Введение в литературоведение. Изд-е 7-е. – М.: Просвещение, 1976. – 362 с.
3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ҳадис. Т.1. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. – 560 б.  
Т.2. –//– 1992. –527 б.
4. Абу Тохирхожа. Самария; Наршахий. Бухоро тарихи; Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий; Ибрат. Фарғона тарихи. – Т.: Камалак, 1991. – 326 б.
5. Адабиёт назарияси. Т.1. – Т.: «ФАН», 1972. – 416 б.  
Т.2. – 1973. – 248 б.
6. Акрамов Г. Мифология в узбекском народном творчестве. АКД. – Баку, 1980. – 30 с.
7. Алавия М. Ўзбек халқ кўшиқлари. – Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1959. – 308 б.
8. Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Т.: «ФАН», 1974. –224 б.
9. Алимухамедов А. Антик адабиёт тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1969. – 400 б.
10. Алпомиш: Ўзбек халқ дostonлари. Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли. 1 – қисм. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 189 б.
11. Андреев М.С. Чилтаны в средне-азиатских верованиях// В.В. Бартольд. – Т.: 1927. – С. 334-348.
12. Аникин В.П. Генезис необрядовой лирики// Русский фольклор. Т. XII. – Л.: Наука, 1971. – С. 3-21.(249).
13. Аникин В.П. Русский фольклор. – М.: Высшая школа, 1987.
14. Аникин В.П., Круглов Ю.Г. Русское народное поэтическое творчество. – Л.: Просвещение, 1983. – 416 с.
15. Анисимов А.Ф. Шаманские духи по воззрениям эвенков и тотемистические истоки идеологии шаманства// Сборник музея антропологии и этнографии– МАО. Т. XII. – М.: Изд-во АН СССР, 1952. – С. 199-238.

16. Анисимов А. Ф. Шаманский чум у эвенков и проблема происхождения шаманского обряда// Сибирский этнографический сборник. Труды института этнографии АН СССР. Т. XVII. — М.— Л.: Изд-во АН СССР, 1952. — С. 199-238.

17. Ардизинба В.Г. Ритуалы и мифы Древней Анатолии. — М.: Наука, 1982. — 252 с.

18. Аристотель. Поэтика. —Т.: Адабиёт ва саънат нашриёти, 1980. — 152 б.

19. Атеистический словарь/ Под общ.ред. М.П. Новикова. Изд-е 2 —е, испр. и доп.— М.: Политиздат, 1986. — 512 с.

20. Афанди латифалари/тўплаб нашрга тайёрловчилар: Б. Саримсоқов, Ф. Йўлдошева. — Т.: Адабиёт ва саънат нашриёти, 1990. — 272 б.

21. Афзалов М. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. — Т.: ЎзФА нашриёти, 1964. — 121 б.

22. Ачилов К. Узбекские народные трудовые песни. АКД. —Т.: 1974, — 30 с.

23. Ахметьянов Р.Г. Общая лексика духовной культуры народов Среднего Поволжья. — М.: Наука, 1981. — 144 с.

24. Басилов В. Н. Избранники духов. — М.: ИПЛ, 1984. — 208 с.

25. Беленький М.С. О мифологии и философии Библии. — М.: Наука, 1977. — 167 с.(250).

26. Белинский В.Г. Танланган асарлар. — Т.: ЎзССР Давлат нашриёти, 1955. — 512 б.

27. Бернштам А. Социально-экономической строй Орхоно— Енисеиских тюрок VI-VIII веков: Восточно-тюркской каганат и кыргызы. — М. — Л.: Изд.-во АН СССР, 1946. — 207 с.

28. Бичурин Н.Я. Собрания сведений о народах обитавших в древней Средней Азии в древние времена. В 2-х томах:

Т.1. — М.— Л.: — Изд-во АН СССР, 1950. — 381 с.

Т.2.—М.-Л.:—Изд-во АН СССР, 1950. —335 с.

29. Бобур З.М. Танланган асарлар. Уч жилдлик. Ж.1. — Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1963.

30. Бобур З.М. Бобурнома. — Т.: Юлдузча, 1989. — 368 б.
31. Богатырев П.Г. Вопросы теории народного искусства. — М.: Искусство, 1971. — 544 с.
32. Боги. Брахманы. Люди. — М.: Наука, 1969. — 416 с.
33. Бойназаров Ф. Ўрта Осиёнинг антик даври. — Т.: Ўқитувчи, 1991. — 471 б.
34. Бойс М. Зороастрийцы: Верования и обычаи. — М.: Наука, 1987. — 302 с.
35. Бойчечак: Болалар фольклори. Меҳнат кўшиқлари/ Тўпловчилар: О. Сафаров ва К. Очилов. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. — 336 б.
36. Бонгард— Левин Г.М., Грантовский Э.А. От Скифии до Индии. Изд-е 2-е. — М.: Мысл, 1983. -206 с.
37. Боргояков М.И. Гуннско-тюркской сюжет о прародителе олена(быка)// Советская тюркология. -1976, № 3. — С. 41-46.
38. Боқиев О. Уйғур халқ лирик шеърляти. — Т.: ФАН, 1978. — 192 б.(251).
39. Очерки теории этноса. — М.: Наука, 1983. -413 с.
40. Булбул тароналари. Беш томлик. Т.1. — Т.: ФАН, 1971. — 344 б.
41. Буслаев Ф. О литературе: Исследование; Статьи(сост., вступ. Статья Э. Афанасьева. — М.: Худож лит., 1990. — 512 с.
42. Вайнштейн С. Шаманы и шаманство// Атеистические чтения. Вып.3. — М.: Политиздат, 1969. — С.32 -44.
43. Валихонов Ч. Избранные произведения. — М.: Наука, 1987. — 414 с.
44. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. Серия: Классики литературной науки. — М.: Высшая школа, 1989. — 406 с.
45. Габышева Л.Л. Цвето— и зоосимволика в якутском эпосе олонхо// Советская тюркология. — 1984. — № 3. — С. 27-30.
46. Гафуров А. Имя и история. — М.: Наука, 1987. — 221 с.
47. Гегел Г.В.Ф. Эстетика. В 4-х томах:  
Т. II. — М.: Искусство, 1969. — 326 с.  
Т. III. — М.: Искусство, 1971. — 622 с.

48. Голосовкер Я.Э. Логика мифа. — М.: Наука, 1987. — 218 с.
49. Гулёр: Фарғона халқ кўшиқлари/тўпловчи Ҳ. Раззоқов/. — Т.: Адабиёт ва саънат нашриёти, 1967. — 250 б.
50. Гулшанбоғ: Достонлар. — Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1969. — 352 б.
51. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. — М.: Наука, 1961. — с.
52. Гусев В.В. Эстетика фольклора. — Л.: Наука, 1967. — 320 с.
53. Давлетов К.С. Фольклор как вид искусства. — М.: Наука, 1966.
54. Дагестанский фольклор во взаимосвязях с иноэтническим фольклорам: Сборник статей. — Махачкала, 1985. — 152 с.
55. Добродомов И.Г. Не «река» — а женщина//Этическая ономастика. — М.: Наука, 1984. — С. 138-143.
56. Домусулманские верования и обряды в Средней Азии. — М.: Наука, 1975. — 342 с.
- 56.а. Донини А. Люди, идолы и боги. — М.: Политиздат, 1962. — 320 с.
57. Дмитриева С.И. Фольклор и народное искусство русских Европейского Севера. — М.: Наука, 1988. — 240 с.
58. Древнетюркский словарь — Л.: Наука, 1969. — 676 с.
59. Дрицко А., Минц Л. Люды и обычаи. — М.: Просвещение, 1976. — 175 с.
60. Дурбайло М.А. Гагаузские народные баллады с образом желтой змеи// Советская тюрология. — 1976. № 2. — С.41-46.
61. Евсюков В.В. Мифы о вселенной. — Новосибирск: Наука, 1968. — 177 с.
62. Еремина В.И. Поэтической строй русской народной лирики. — Л.: Наука, 1988. — 177 с.
63. Еремина В.И. Ритуал и фольклор. — Л.: Наука, 1991. — 208 с.
64. Ёзи билан Зебо/ Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи О.Собиров. — Т.: Ёш гвардия, 1978. — 96 б.
65. Жабборов И.М. Жаҳон халқлари этнографияси. — Т.: Ўқитувчи, 1984. — 280 б.

66. Жавлиев Т. Анъаналар ҳаёт сабоғи. — Т.: Ўзбекистон, 1992. — 88 б.
67. Жалолов Ф. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. — Т.: ФАН, 1976. — 190 б.(253)
68. Жалолов Ф. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. — Т.: ФАН, 1979. — 156 с.
69. Жаҳон халқлари эртаклари. — Т.: Шарқ, 1991. — 608 б.
70. Жаҳонгиров Ф. Ўзбек болалар фольклори. — Т.: Ўқитувчи, 1975. — 126 б.
71. Женщина в мифах и легендах: Энциклопедический словарь/автор-составитель О.П. Волянская. — Т.: Главная редакция энциклопедий, 1992.— 303 с.
72. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение: Восток и Запад. — Л.: Наука, 1979. — 494 с.
73. Жирмунский В.М. Теория стиха. — Л.: Советский писатель, 1975. — 664 с.
74. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. — М.: ГИХЛ, 1947. — 550 с.
75. Жуманбулбул ўғли Эргаш. Далли. Хушкелди: Достонлар. — Т.: Адабиёт ва сўнат нашриёти, 1972. — 336 с.
76. Жуманазаров У. Тарих, афсона ва дин. — Т.: Ўзбекистон, 1990. — 252 б.
77. Жуманазаров У. Узбекские народные исторические песни. — Т.: ФАН, 1989. — 126 с.
78. Жўраев М. Ўзбек халқ эртакларида сеҳрли рақамлар. — Т.: ФАН, 1991. — 153 с.
79. Зарубин И.И. Рождение Шугнанского ребенка и его первые шаги// В.В. Бартольд. — Т.: 1927. — С. 334 - 348.
80. Зумрад ва Қимнат: Ўзбек халқ эртаклари. — Т.: Юлдузча, 1990. — 320 б.
81. ЗЎФА, инв. № — ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Ҳ. Т. Зарифов номидаги ўзбек фольклори архиви.
82. Имомов К. Ўзбек сатирик эртаклари. — Т.: ФАН, 1974. -207 б.
83. Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. — Т.: ФАН, 1981. — 103 б.

84. Имомов К. ва бошқ. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. — Т.: Ўқитувчи, 1990. — 304 б.
85. Инжил: Тавротдан Мусо пайгамбарнинг биринчи китоби. — Стокольм: Библияни таржима қилиш институти, 1992. — Б. 1-100.
86. Иорданский В. Б. Хаос и гармония. — М.: Наука, 1982. — 343 с.
87. Ирвинг В. Жизнь Мухаммеда: Книга о пророке. — Алма-Ата: Жазушы, 1990. — 302 с.
88. Ислом:Справочник. 3-нашри. — Т.: ЎзСЭ Бош редакцияси, 1989. — 336 б.
89. Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни: Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. — Т.: ФАН, 1978. — 144 б.
90. Исмоилов Ҳ. Ўзбек тўйлари. — Т.: Ўзбекистон, 1992. — 189 б.
91. История Самарканда. В 2-томах. Т.1: С древнейших времен до середины XIX века. — Т.: ФАН, 1983. — 772 с.
97. История Узбекской ССР. В 4-х томах. Т.1. — Т.: ФАН, 1967. — 484 с.
98. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. — Т.: ФАН, 1983. — 186 б.
99. Итс Р. Шепот земли и молчание неба: Этнографические этюды о традиционных народных верованиях. — М.: Политиздат, 1990. — 318 с.
100. Йетмер К. Религии Гиндикуша. — М.: Наука, 1986. — 524 с.
101. Йўлдошева Ф. Ўзбек латифаларида Насриддин афанди образи. — Т.: ФАН, 1979. — 104 б.
102. Казаков Д.К. Узбекские народные сатирические песни(255)АКД. — Т.: 1987. — 22 с.
103. Календарные обычаи и обряды в странах Зарубежной Европы: Исторические корни и развитие обычаев. — М.: Наука, 1983. — 224 с.
104. Календарные обычаи и обряды народов Восточной Азии: Годовой цикл. — М.: Наука, 1989. — 350 с.
105. Календарно-обрядовая поэзия сибиряков/Сост.

Ф.Ф. Болонов, М.Н. Мельников. — Новосибирск: Наука, 1981. — 352 с.

106 Календарь и календарные обряды народов Дагестана/Сборник статей. — Махачкала: 1987. — 108 с.

107. Каримова Р. Ферганский танец. — Т.: Изд-во литературы и искусства, 1973. — 224 с.

108. Каримова Р. Хорезмский танец. — Т.: Изд-во литературы и искусства, 1973. — 116 с.

109. Кароматов Ф. Узбекская инструментальная музыка. — Т.: ФАН, 1972.

110. Кароматов Ф. Ўзбек халқининг музика мероси. Т.1. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.

111. Квятковский А. Поэтический словарь. — М.: Советская энциклопедия, 1966. — 376 с.

112. Келиной қўшиқлари: Халқ қўшиқлари ва термалари/ Ёзиб олувчи ва тўплаб нашрга тайёрловчи О. Собиров. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. — 240 б.

113. Кенин-Лопсон М.Б. Обрядовая фольклор и практика Тувинского шаманства. — Новосибирск: Наука, 1987. — 168 с.

114. Керимжанова Б. Жанры киргизского фольклора/ История киргизской советской литературы. — М.: Наука, 1970. — С.23-52.

115. Климович Л.И. Ислам. — М.:Наука, 1965. — 335 с.(256)

116. Ковелевская В.Б. Конь и всадник. — М.: Наука, 1977. — 152 с.

117. Колпакова Н.П. Песни и люды: О русской народной песне. — Л.: Наука, 1977. -136 с.

118. Колпакова Н.П. Русская народная бытовая песня. — М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1962. — 284 с.

119. Короглы Х.Г. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана. — М.: Наука, 1983. — 336 с.

120. Косвен М.О. Очерки истории первобытной культуры. — М.: Изд-во АН СССР, 1953. — 215 с.

121.Кравцов Н.И., Лазутин С.Г. Русское устное народное творчество. — М.: Высшая школа, 1977. — 375 с.

122. Криничная Н.А. Персонажи преданий: Становление и эволюция образа. — Л.: Наука, 1988. — 192 с.
123. Круглов Ю.Г. Русские обрядовые песни. Изд-е 2-е. — М.: Высшая школа, 1989. — 320 с.
124. Кудагина Н. К этимологии слова «бай» в алтайском языке//Советская тюркология. — 1980. № 5. — С. 82-88.
125. Культура Среднего Востока: Изобразительное и прикладное искусство. — Т.: ФАН, 1990. — 260 с.
126. Культура Среднего Востока: Музыкальное, театральное искусство и фольклор. — Т.: ФАН, 1992. — 164 с.
127. Лазутин С.Г. Поэтика русского фольклора. — М.: Вусхая школа, 1981. — 221 с.
128. Лифшиц Мих. Мифология древняя и современная. — М.: Высшая школа— Искусство, 1980. — 582 с.
129. Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы. Изд-е 3-е. — М.: Наука, 1979. — 353 с.
130. Лосев А.Ф. История античной литературы: Ранняя классика.(257)— М.: Высшая школа, 1963. — 584 с.
131. Лосев А.Ф. Философия. Мифология. Культура. — М.: ИПЛ,1991. — 525 с.
132. Мазаев А.И. Праздник как социально-художественное явление: Опыт историко-теоретического исследования. — М.: Наука, 1978. — 392 с.
133. Маллаев Н.М. Навоий и жодиётининг халқчил негизи. — Т.:Ўқитувчи, 1980. -175 б.
134. Мальцев Г.И. Традиционные формулы русской народной необрядовой лирики. — Л.: Наука, 1989. — 168 с.
135. Манжигеев И.А. Бурятские шаманистические и дошаманистические термины. — М.: Наука, 1978. — 128 с.
136. Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. — М.: Наука, 1976.
137. Мельников М.Н. Русский детский фольклор. — М.: Просвещение, 1987. — 240 с.
138. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. — Т.: ФАН, 1979. — 151 б.
139. Мирзаев Т. Искусство узбекских народных сказителей и особенности их эпического репертуара. АДД. — Т.: 1986. — 48 с.



140. Мирзаев Т. Народная поэзия Узбекистана//Узбекская народная поэзия. — Л.: Советский писатель, 1990. — С. 5-32.

141. Миртемир Асарлар. Уч томлик. Т.2. — Т.: Адабиёт ва саънат нашриёти, 1971. — 456 б.

142. Миф. Фольклор. Литература/Сборник статей. — Л.: Наука, 1978. — 252 с.

143. Мифология Древнего Мира/Сборник статей. — М.: Наука, 1977. — 456 с. (258)

144. Музыкальное искусство: Общие вопросы теории и эстетики музыки. Проблемы национальных музыкальных культур. — Т.: Изд-во лит-ры и искусства, 1982. — 248 с.

145. Муродов М. Жанровые и идейно-художественные особенности дастанов «Гороглы». АДД.— Т.: 1975. — 76 с.

146. Мусакулов А. Терма в узбекском фольклоре. АКД. — Т.: 1984. — 20 с.

147. Муҳаммад алайҳисаломнинг васиятлари. — Т.: Ўзбекистон, 1992. -24 б.

148. Матбоев Б. Гувоҳ гиёҳлар// Фан ва турмуш. 1998. № 2. — Б. 21.

149. Наврӯз: Наврӯз билан боғлиқ кўшиқлар, афсоналар, одатлар ва иримлар/Тузувчилар: Т. Мирзаев, М. Жўраев. — Т.: ФАН, 1992. — 100 б.

150. Древняя корейская поэзия в связи с ритуалом и мифом. — М.: Наука, 1982. — 328 с.

151. Об айманах или клятвах// Ҳидоя: Комментарии мусульманского права. Т.1. — Т.: Ўзбекистон, 1994. — С. 408 — 467.

152. Обряды и обрядовый фольклор/Сборник статей — М.: Наука, 1982. — 280 с.

153. Остонаси тиллодан: Тўй кўшиқлари/Нашрга тайёрловчилар: М. Мирзаева, А. Мусакулов. — Т.: ФАН, 1992. — 112 б.

154. Оқ олма, қизил олма: Ўзбек халқ кўшиқлари/Тўпловчи М. Алавия. — Т.: Адабиёт ва саънат нашриёти, 1972. — 232 б.

155. Памяти А.А. Семенова/Сборник статей. — Душанбе: Дониш, 1980. — 360 с.

156. Парнов Е. Трон люцифера: Критические очерки магии(259) и оккультизма. – М.: ИПЛ, 1985. – 303 с.
157. Песни народов Северного Кавказа. – Л.: Советский писатель, 1976. – 560 с.
158. Пещерева Е.М. Праздник тюльпана(лола) в сел. Исфара Кокандского уезда// В.В. Бартольд – Т.: 1927. – С. 374 – 384.
159. Плеханов Г.В. Письма без адреса. Искусство и общественная жизнь. – М.: ГИХЛ, 1956. – 248 с.
160. Поляков М. Вопросы поэтики и художественной семантики. – М.: Советский писатель, 1978. – 448 с.
161. Померанцева Э. В. О русском фольклоре. – М.: Наука, 1977. – 120 с.
162. Померанцева Э.В. Мифологические персонажи в русском фольклоре. – М.: Наука, 1975. – 192 с.
163. Потапов Л.П. Одежда алтайцев//Сборник МАО. Т. XII. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1951. – С. 5-59.
164. Потенция А.А. Из записок по русской грамматике. Т. IV. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1941. – 320 с.
165. Поэзия и обряд// Межвузовский сборник научных трудов. – М.: Изд-во Прометей МГПИ, 1989. – 120 с.
166. Проблемы мифологии и верований народов Дагестана. Сборник статей. – Махачкала: 1988. – 168 с.
167. Проблемы фольклора. Сборник статей– – М.: Наука, 1975. -230 с.
168. Прокофьева Е.Д. Энецкий шаманский костюм// Сборник МАО. Т. XIII. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1951. – С. 125-153.
169. Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1986. – 365 с.
170. Пропп В.Я. Морфология сказки. Изд-е 2-е. – М.: Наука, 1969. – 168 с. (260).
171. Пропп В.Я. Фольклор и действительность: Избранные статьи. – М.: Наука, 1976. – 326 с.
172. Пулкан шоир: Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Т.: ФАН, 1976. – 164 б.
173. Рабғўзий Н.Б. Қисаси Рабғўзий. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1990. – 236 б.

174. Радлов В.В. Из Сибири. — М.: Наука, 1989. — 749 с.
175. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Т. I. Часть I. — Санктпетербург, 1893. — С.182.
176. Раззоқов Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор. — Т.:ФАН, 1965. — 160 б.
177. Рахимов Р. «Мужские дома» в традиционной культуре таджиков. — Л.: Наука, 1990. — 158 с.
178. Рахманов М. Узбекский театр: С древнейших времен до 1917 года. — Т.: Изд-во лит-ры и искусства, 1981. — 312 с.
179. Рашид-Ад-дин. Сборник летописей. Т. I. Книга I-я. — М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1952. — С.84.
180. Рифтин Б.Л. От мифа к роману: Эволюция изображения персонажа в китайской литературе. — М.: Наука, 1979. — 360 с.
181. Розов А.Н. Русская народная необрядовая лирика// Русский народные песни. — Л.: Советский писатель, 1988. — С. 5-44.
182. Роузентал Ф. Торжество знания: Концепция знания в средневековом исламе. — М.: Наука, 1978. — 372 с.
183. Рузимбаев С. Идеино-художественные особенности народных песен Хорезмского оазиса// Автреф. Дисс. Канд. Филол. Наук. — Т.: 1971. — 32 с.
184. Рўзимбоев С. Хоразм достонлари. — Т.: ФАН, 1985. — 96 б. (261)
185. Русские народные сказки//Сост., автор вступ. Статья О.Б. Алексеева. Т. I. — М.: Современник, 1988. — 509 с.
- Т. II — — М.: Современник, 1988. — 333 с.
186. Русское народное поэтическое творчество//Под ред. А.М. Новиковой. Изд-е 2-е. — М.: Высшая школа, 1978. — 440 с.
187. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. — Т.: Ёш гвардия, 1987. — 160 б.
188. Рыбаков Б.А. Язычество Древней Руси. — М.: Наука, 1987. — 752 с.
189. Саидов М. Ўзбек достончилигида бадий маҳорат. — Т.: ФАН, 1969. — 162 б.

190. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Т.:ФАН, 1986. – 152 б.
191. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: ФАН, 1986. – 216 б.
192. Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Т.: Ўқитувчи, 1985. – 251 б.
193. Сказание русского народа собранные И.П. Сахаровым// Подгот. текста В. Аникина. – М.: Худ. Лит-ра, 1990. – 398 с.
194. Словарь литературоведческих терминов// Редакторы-составители Л.И. Тимофеев и С.В. Тураева. – М.: Просвещение, 1974. – 509 с.
195. Сказки и мифы папаусов Киваи// Из собрания Г. Ландмана. – М.: Наука, 1977. – С. 207.
196. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – 336 с.
197. Совет даври халқ қўшиқлари// нашрга тайёрловчилар: М. Алавия, С. Рўзимбоев. – Т.: Адабиёт ва санат нашриёти, 1983. – 296 с.
198. Соколова В.П. Весеннее-летние календарные обряды русских, украинцев и белорусов XIX– начало XX вв. – М.: Наука, 1979. – 288 с.(262)
199. Соколова З.П. Культ животных в религиях. – М.: Наука, 1972. – 208 с.
200. Специфика фольклорных жанров// Сборник статей. – М.: Наука, 1973. – 201 с.
201. Стратонович Г.Г. Народные верования населению Индокитая. – М.: Наука. – 256 с.
202. Суймен М. Ислом дини қоидалари ҳақида қўлланма. – Истанбул: 1993. – 104 б.
203. Султон И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 392 б.
204. Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. – М.: Наука, 1989. – 341 с.
205. Суфизм в контексте мусульманской культуры. – М.: Наука, 1989. – 341 с.
206. Тагор Р. Асарлар. Т.8. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – Б. 123.

207. Тажимуротов А. Каракалпакские народные песни: Дореволюционный период// А К Д. – Нукус, 1966. – 16 с.
208. Тэйлор Э.Б. Первобытная культура. – М.: ИПЛ, 1989. – 573 с.
209. Темкин Э.Н., Эрман В.Г. Мифы Древней Индии. Изд-е 2-е. – М.: Наука, 1982. – 270 с.
210. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1971. – 340 с.
211. Типологические исследование по фольклору. – М.: Наука, 1975. – 320 с.
212. Токарев С.А. Ранние формы религии. – М.: ИПЛ, 1990. – 622 с.
213. Токарев С.А. Религия в истории народов мира. – М.: ИПЛ, 1986. – 576 с.
214. Толеубаев А.Т. Реликты доисламских верований в семейной обрядности казахов: XIX– начало XX вв. – Алма-Ата: Гүлим, 1991. – 214 с.
215. Толстов С.П. Древней Хорезм: Опыт историко-археологического исследования. – М.: Изд-е МГУ, 1948. – 352 с.
216. Топишмоқлар. Тузувчи ва нашрга тайёрловчи З. Хусаинова. – Т.: Адабиёт ва саънат нашриёти, 1981. – 368 б.
217. Традиции и современность в фольклоре. – М.: Наука, 1988. – 216 с.
218. Традиции русского фольклора. Сборник статей. – М.: Изд-во МГУ, 1986. – 205 с.
219. Традиционные мировоззрение тюрков Южной Сибири: Пространство и время. Внешний мир. – Новосибирск: Наука, 1988. – 225 с.
220. Традиционные мировоззрение тюрков Южной Сибири: Знак и ритуал. – Новосибирск: Наука, 1990. – 209 с.
221. Традиционные верования и быт народов Сибири: XIX – начало XX вв. – Новосибирск: Наука, 1987. – 205 с.
222. Троицкая А.Л. Первые сорок дней ребенка(чил-

ля) среди оседлого населения Ташкента и Чимкентского уезда// В.В. Бартольд. — Т.: 1927. — С. 349-360.

223. Турдимов Ш.Г. Поэтические символы в узбекских народных лирических песнях. Дисс., канд, филол., наук. — Т.: 1987. — 184 с.

224. Турсунов Е.Д. Генезис казахской бытовой сказки. — Алма-Ата: Гылим, 1973. — С.173.

225. Тўйчиев У. Лирика// Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик, Ж. 2. — Т.: ФАН, 1992. — 247 б.

226. Тюркологический сборник 1972. — М.: Наука, 1973. — 412 с.

227. Тюркологический сборник 1977. — М.: Наука, 1977. — 296 с.

228. Тюркология// К 80 летию академика А.Н. Кононова. — Л.: Наука, 1986. — 303 с.

229. Угринович Д.М. Искусство и религия: Теоретический очерк. — М.: ИПЛ, 1983. — 288 с.

230. Урманчиев Ф. Девушка — шакирд и воин: Мотив «перемены пола» в татарских байтах// Советская тюркология. — Баку: 1985. — № 3. — С. 23-29.

231. Урманчиев Ф. Золотая вольча голова на знамени: К вопросу о происхождение образа волка в древнотюркском эпосе// Советская тюркология. — Баку: 1987. — № 3. — С. 68-73.

232. Фольклор и художественная самодеятельность — Л.: Наука, 1968. — 232 с.

233. Фольклор и этнография: Обряды и обрядовой фольклор. Сборник статей. — Л.: Наука, 1974. — 232 с.

234. Фольклор и этнография: Связи фольклора с древними представлениями и обрядами Сборник статей. — Л.: Наука, 1977. — 200 с.

235. Фольклор: Песенное наследие. — М.: Наука, 1991. — 261 с.

236. Фольклор: Поэтика и традиция — М.: Наука, 1982. — 261 с.

237. Фольклор: Поэтическая система— М.: Наука, 1977. — 343 с.

238. Фрейд З. Я и Оно. — М.: МПО МЕТТЭМ, 1990. — 56 с.

239. Фролов Б.А. Откуда пошло искусство// Атеистические чтения. Вып. 8. — М.: ИПЛ, 1976. — С.31-44.
240. Фрэзер Дж.Дж. Золотая ветвь: Исследование магии и религии. 2-е изд-е. — М.: ИПЛ, 1986. — 703 с.
241. Фрэзер Дж.Дж. Фольклор в Ветхом завете. — М.: ИПЛ, 1986. — 511 с.
242. Халқ дурдоналари: Афғонистон ўзбеклари фольклоридан намуналар. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. — 232 б.
243. Хоразм халқ қўшиқлари. Нашрга тайёрловчи Ж. Қобулниёзов. — Т.: ФАН, 1965. — 410 б.(265).
244. Чагдуров С.Ш. Происхождение Гэсэриады. — Новосибирск, 1980. — 272 с.
245. Чистов К.В. Народные традиции и фольклор: Очерки теории. — Л.: Наука, 1986. — 304 с.
246. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. — Т.: ФАН, 1974. — 342 с.
247. Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки. — Т.: ФАН, 1964. — 184 с.
248. Шаропов А.А. Оламлар ичра оламлар. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. — 223 б.
249. Шахнович М.И. От суеверий к науке. — Л.: Молодая гвардия: 1948. — 380 с.
250. Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртакчилик алоқалари тарихидан очерклар. — Т.: Ўқитувчи, 1982. — 344 б.
251. Эржилясун А.Б. Некоторые соображения о дастане «Огуз Каган»// Советская тюркология. — 1987. — № 6. — С. 28-31.
252. Этнография детства: Традиционные формы воспитания детей и подростков у народов Южной и Юго Восточной Азии. — М.: Наука, 1988. — 191 с.
253. Этнографы рассказывают. Сборник статей. — М.: Наука, 1978. — 168 с.
254. Яковлев Е.Г. Искусство и мировые религии. — М.: Высшая школа, 1985. — 287 с.
255. Якубовский А.С. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида. — Т.: ЎзФАН, 1941. — 20 б.

256. Якушин Б.В. Гипотезы о происхождении языка. — М.: Наука, 1985. — 136 с.

257. Яссавий А. Ҳикматлар//Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи, тўпловчи И. Ҳаққулов. — Т.: Адабиёт ва саънат нашриёти, 1991. — 256 б.

258. Ўзбек совет фольклори масалалари. — Т.: ФАН, 1970.

259. Ўзбек тилининг изоҳли луғати:

Т.1. — М.: Рус тили, 1981. — 632 б.

Т.2. — М.: Рус тили, 1982. — 715 б.

260. Ўзбек фольклор-этнографик ансамбллари. — Т.: Тошкент Давлат маданият институти, 1989. — 139 б.

261. Ўзбек фольклори очерклари:

Т.1. Фольклор ижодкорлари ва ижрочилари. — Т.: ФАН, 1988. — 286 б.

Т.2. Оғзаки проза, халқ театри. — Т.: ФАН, 1989. — 320 б.

262. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. — Т.: ФАН, 1981. — 159 б.

263. Ўзбек халқ ижоди. — Т.: ФАН, 1967. — 200 б.

264. Ўзбек халқ мақоллари. Тузовчилар: Т.Мирзаев, Б. Саримсоқов, А. Мусақулов. — Т.: Адабиёт ва саънат нашриёти, 1989. — 512 б.

265. Ўзбек халқ музыкаси:

Т. 1. Тўпловчи ва нотага солувчи Ю.Ражабий. — Т.: 1955. — 516 б.

Т.2. Сўзбоши ва таҳрир И. Акбаровники. — Т.: 1957. — 568 с.

Т. 3. Сўзбоши ва таҳрир И. Акбаровники. — Т.: 1958. — 495 б.

Т.4. Сўзбоши ва таҳрир И. Акбаровники. — Т.: 1959. — 574 б.

266. Ўзбек халқ эртаклари. Икки томлик. Тузувчилар : М. Афзалов, Х.Расул, З Ҳусаинова.

Т. 1. — Т.: ЎзССР Давлат бадиий адаб. Нашр., 1960. — 604 б.

Т. 2. — Т.: ЎзССР Давлат бадиий адаб. Нашр., 1964. — 516 б.

267. Ўзбек халқ эртаклари. Тузувчи Ш. Турдимов. — Т.: ЎзКП МК нашриёти, 1990. — 256 б.



268. Қаюмов А. Авесто// Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Т. 1. — Т.: ФАН, 1977. — Б. 65-78.

269. Қ. И. инв.№ ЎзРФА Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти фольклор архиви материаллари.

270. Қодиров М. Ўзбек халқ томоша саънати. — Т.: Ўқитувчи, 1981. — Б. 3-122.

271. Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. — Т.: Ўқитувчи, 1991. — 192 б.

272. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. — Т.: Шарқ, 1992. — 496 б.

273. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. — Т.: Адабиёт ва саънат нашриёти, 1991. — 184 .

274. Ҳогамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Тўлдирилган 2-нашри. — Т.: Ўқитувчи, 1983. — 376 б.

## МУНДАРИЖА

ДАРАХТ БИР ЖОЙДА КЎКАРАР <i>Т.Мирзаев</i> .....	3
КИРИШ.	
I. БЎЛИМ. ХАЛҚ ЛИРИКАСИНИНГ СПЕЦИФИКАСИ ВА ТАСНИФИ .....	10
Халқ лирикасининг ўзига хослиги .....	17
Кўшиқ ва лирика атамалари ҳақида .....	26
Кўшиқларнинг куй ва рақс билан муносабати .....	41
Халқ лирикасининг таснифи масалалари .....	44
II. БЎЛИМ. ЎЗБЕК ХАЛҚ ЛИРИКАСИДА ТОТЕМИСТИК ВА ШОМОНЛИК РУДИМЕНТЛАРИНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ	
Тотемизм ва кўшиқ .....	53
Шомонлик ва кўшиқ .....	74
Шомонлик ва лирикадаги янга образи .....	92
III. БЎЛИМ. МАГИК ИНОНЧ-ИРИМЛАР РЕЛИКТ-ЛАРИНИНГ ХАЛҚ ЛИРИКАСИДАГИ ПОЭТИК КЎРИНИШЛАРИ	
Магия ва кўшиқ .....	99
Соч магияси ва кўшиқ .....	103
Лирика ва эротика .....	160
IV. БЎЛИМ. ЎЗБЕК ХАЛҚ ЛИРИКАСИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСИДА ҲОСИЛДОРЛИК КУЛЬТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ	
Ҳосилдорлик культлари тушунчаси .....	181
Сув култи ва кўшиқ .....	187
Олов култи .....	202
Ўсимликлар култи ва кўшиқ .....	207
От култи .....	228
V. БЎЛИМ. МИФ. МАРОСИМ. ҚЎШИҚ	
Миф ва кўшиқ .....	243
Маросим, урф-одатлар ва кўшиқ .....	250
Кўшиқларнинг тарихий тақдири .....	257

## VI. БЎЛИМ. МАҚОЛАЛАР

Фольклор поэтикасида мундарижа ва мазмун масаласи .....	263
Халқ оғзаки ижоди: тарихи, истиқболи .....	271
Изоҳлар .....	287
Адабиётлар .....	289

Асқар Мусақулов

## *Ўзбек халқ лирикаси*

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер  
Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий  
кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

*Муҳаррир:*

Жаббор Эшонкул

*Мусахҳиҳ:*

Ю.Парпиева

*Техник муҳаррир:*

Д. Жалилов

*Саҳифаловчи:*

М.Абдуллаева

Босмахонага 2010 йил 10 ноябрда топширилди.

Босишга 2010 йил 22 октябрда рухсат этилди.

Нашриёт рақами з-137.

Бичими: 84x108. «Virtec Times» гарнитураси.

Офсет қоғози. Офсет босма.

Ҳисоб нашр. таб.14.0. Шарт. б.т. 17.3.

Адади 300. нусха 162-сон буюртма.

«Муҳаррир» нашриёти

ЎзР ФА "Фан" нашриёти оригинал-макет асосида  
«Муҳаррир» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.

100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй.